

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
“ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ” МУЗЕЙИ  
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ**

# **ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ**

**Илмий ахборот ва мақолалар  
Ҳужжат ва материаллар  
Хотиралар**

*Олтинчи китоб*

**ТОШКЕНТ–2017**

**УЎК: 68.22.04.20**  
**КБК 83 (5Узб)2**  
**М-70**

**М-70** **Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий ахборот ва мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Олтинчи китоб. / Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов ва бошқ. – Т.: «UNLIMITED PRINT», 2017, 184 бет.**

**ISBN 978–9943–383–161–2**

Мазкур нашр “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди томонидан тайёрланган даврий тўпламнинг 6 - китобидир. Унда Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик ва тоталитар тузум даврида рўй берган, аммо тарихчи олимлар томонидан кам ўрганилган муҳим масалаларига оид илмий ахборот ва мақолалар, ҳужжат ва материаллар, шунингдек, ўз тақдирида мураккаб тарихий даврнинг фожиали воқеаларини ифодалаган шахслар ҳақидаги хотиралар ўрин олган.

Ушбу китоб Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даври билан шуғулланувчи тарихчи, адабиётшунос, файласуф ва юрист олимлар, аспирантлар ҳамда олий ўқув юртлари тарих факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

***Тахрир ҳайъати:***

**Б.Ҳасанов, Н.Каримов,  
С.Аҳмедов, М.Зикруллаев, Б.Ирзаев**

***Масъул муҳаррирлар:***

**Бахтиёр Ҳасанов –тарих фанлари доктори;  
Наим Каримов –филология фанлари доктори, профессор**

***Тақризчилар:***

**Жаннат Исмоилова – тарих фанлари доктори;  
Хуршида Юнусова – тарих фанлари доктори.**

**ISBN 978–9943–383–161–2**

**© «UNLIMITED PRINT», 2017.**

**Бахтнёр ҲАСАНОВ,**  
*тарих фанлари доктори*

### БИР ИНСОН ҚИСМАТИ

Ўтган асрнинг 20-йилларида бир гуруҳ туркистонлик ва бухоролик ёшларнинг Германияга ўқишга юборилиши Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган. Чунки фан ва хўжаликнинг турли соҳаларида замонавий билимлар билан қуролланган ёшларнинг юқори малакали кадрлар бўлиб қайтиши халқимиз ва мамлакатимизнинг кейинги тақдирига катта таъсир ўтказиши мумкин эди. Аммо, Ватанимизнинг ривожланиб кетишини истамаган мустабид тузум маъмурлари бунга йўл бермади. Дастлаб, минтақа тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган бу ёшларни ўқишларини битирмай қайтишларини талаб этдилар, қайтганларини эса 1930-1937 йилларда немис шпionлари ва миллатчи каби турли баҳоналар билан отиб ташладилар.



Шу вақтгача Туркистондан ва Бухородан Германияга ўқишга юборилганлар сони 70 га яқин, деб келинарди ва шулардан фақатгина 10 дан ошиғи тўғрисида маълумотлар бор эди. Сўнгги йилларда музейимиз илмий ходимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ва изланишлар натижасида Германияга ўқишга юборилган талабаларнинг сони 100 нафардан ошиқ бўлгани ва уларнинг ҳамон тарих фани учун номаълум бўлиб қолаётган фаолиятларини ўрганишда бир қатор янгиликлар қўлга киритилмоқда. Ана шундай талабалардан бири Исомиддин Аловуддинов эди.

Исомиддин Аловуддинов 1908 йили Бухоронинг Эски шаҳар қисмида ўзбек хонадонида дунёга келди. Исомиддиннинг отаси ўз даврининг зиёли савдогарларидан бири бўлган. 14 яшар

Исомиддин 1922 йилнинг сентябрида Бухоро ҳукумати томонидан бошқа ёшлар қатори Германияга ўқишга юборилади.

Ёш Исомиддин Аловуддинов дастлаб Германиянинг Кёслинг шаҳрида тил ўрганади ва ўрта махсус шаходатномани қўлга киритгач, яна бир ватандоши Муҳаммаджон Авазжонов билан Коттибус шаҳридаги тўқимачилик хунар-техника олий мактабига ўқишга киради. Улар олий мактабда илмий-назарий билимлар билан бир пайтда бу хунар юзасидан мукаммал амалий кўникма-малакаларни ҳам ҳосил қиладилар. Германияда олий маълумотли инженер тўқимачи дипломига эга бўлган бу ёшлар 1928 йилда Ватанига қайтадилар. Уларга Коттибус шаҳридаги қишлоқ хўжалиги олий мактабини тамомлаб, олий маълумот ҳақида дипломни қўлган киритган яна бир бухоролик талаба Абдулла Пўлатов ҳам кўшилади. Бир пайтлар Кўҳна Бухородан европача илму хунар олиш мақсадида Германияга йўл олган бу ёшлар олий маълумот олиб, ўз юртларига ёруғ юз билан қайтдилар...

Исомиддин Аловуддинов Германиядан қайтганидан сўнг, оз муддат Фарғона тўқимачилик комбинатида инженер сифатида фаолият олиб борди. Соҳа раҳбарияти томонидан унинг билими, иқтидори, чет элда ўқиб ўша пайт учун юқори техника воситаларини ўзлаштиргани учун, 1928 йилдаёқ Тошкентдаги тўқимачилик комбинатига ишга таклиф қилинди. У ўз фаолиятини шу ерда давом эттирди ва комбинат қошидаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида ўқитувчилик қилиб, кадрлар тайёрлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Бироқ, 1937 йил 28 июнда ёш, иқтидорли инженер Исомиддин Аловуддиновнинг фаолиятига ҳам раҳна солинди ва у исботланмаган гумон билан қамоққа олинди. Унинг уйи – комбинатга қарашли умумий ётоқхонадаги унга тегишли хона тинтув қилиниб, бор мол-мулки – тегишли ҳужжатлар, паспорти, оилавий суратлари, китоб, хатлари, ҳатто, шахсий буюмлари, хўжалик анжомларигача хатлаб олинди. Улар гўёки тинтув чоғида жиноят далиллари сифатида баҳоланди ва ҳаммаси давлат фойдасига талон-тарож қилинади.

Ўша куни тўлдирилган анкетага биноан аёли Иқболжон 22 ёшда бўлиб, Тошкент тўқимачилик корхонасида котиба лавозимида хизмат қилган. Уларнинг 4 ёшга кирган Венерахон ва 1 ёшу 6 ойлик Муяссархон исмли қизлари бўлган. Ётоқхонада

Исомиддиннинг оналари биринчи гуруҳ ногирони С.Солихова ҳам улар билан бирга яшаганлар. Шунингдек, синглиси Рукья ва унинг эри Дадабоев (33 ёш) лар ҳам Тошкент тўқимачилик корхонасида оддий ишчи бўлиб ишлаганлар.

*Исомиддин Аловуддиновга қуйидагича айбнома қўйилган (айбнома қарори рус тилида ёзилгани учун, уни шундайлигича ўқувчи ҳукмига ҳавола қиламиз):*

Аляуддинов Исамутдин  
по ст.ст. 57-1. 63,65, 67, УК УзССР.  
Нарком Внутренних Дел УзССР  
(Загвоздин)

### Постановление

1937 г. 28 июня гор. Ташкент

Я, пом. опер. угол. 3 отдела УГБ НКВД УзССР Михайлянц рассмотрев имеющийся материал в отношении Аляуддинова Исамутдина, 1908 г.р., урож. гор. Ст. Бухары, узбека, сына крупного торговца, беспартийного, преподавателя учебно-производственного комбината при Текстилькомбинате, с 1922 по 1928 год, находился на учебе в Германии.

Приняв во внимание, что Аляуддинов достаточно извлекается в систематическом осуществлении националистической контрреволюционной агитации среди работников Текстилькомбината а потому руководствуясь ст.ст. 49 и 51 УПК УзССР

### Постановил

Аляуддинов Исамутдина привлечь к ответственности по ст. 66 ч.л. УК УзССР, избрав мерой пресечения способов уклонения от следствия и суда арест и содержание под стражей в ДПЗ НКВД УзССР.

Пом. опер. угол. 3 Отдела УГБ НКВД УзССР (Михайлянц)

Ушбу “Айбнома” эълон қилинган Исомиддин учун энг қийин азобли кунлар бошланади. Ҳар куни терговчилар уни соатлаб уқлатмасдан, даҳшатли қийноқлар остида сўроқ қилади. Терговнинг оғир томони шундаки, терговчилар олдиндан тайёрлаган сўроқ баённомаларига куч ишлатиш йўли билан

айбланувчи қилмаган ишлари учун имзо қўйдириб оладилар.  
Қуйидаги “Сўроқ баённомаси” фикримизга ёрқин далилдир.

**Протокол допроса**  
*обвиняемого Алаутдинов Исама*

1937 года 20 ноября.

**Вопрос:** Как вы попали в Германию?

**Ответ:** В сентябре мес. 1922 г. правительством БНСР из гор. Бухары, в числе ряде других лиц, я был направлен на учёбу в Германию, где окончив специальное повышенное текстильное училище в гор Коттбус, я получил звание инженера-ткача, возвратился в СССР в 1928 году вместе с окончившим со мной текстильное училище Аваджановым Мухаммедом и окончившим сельхозтехникум Пулатовым Абдулла.

**Вопрос:** Назовите известных Вам лиц, проводивших антисоветскую работу среди туркестанского студенчества в Германии?

**Ответ:** В Германии среди Туркестанского студенчества антисоветскую работу вели Алимджан Идрисы, татарский мулле, возглавлявший стипендиальную комиссию туркестанского студенчестве, Заки Валиди-известный белоэмигрант, проживавший в Германии, Ахмед Наим и Саид Али Ходжаев-туркестанские студенты.

**Вопрос:** Следствием установлено, что Вы состояли членом контрреволюционной вредительской диверсионной группы при Ташкентским текстильном комбинате. Вы подтверждаете это?

**Ответ:** Да, подтверждаю. С конца 1935 года до дня моего ареста я действительно состоял членом контрреволюционной вредительско-диверсионной группы националистов при Ташкентском текстильном комбинате Мирза Рахметовым Мирза Каримом.

**Вопрос:** Когда и кем Вы были вовлечены в контрреволюционную вредительско-диверсионную группу националистов?

**Ответ:** В конце 1935 года, месяц не помню, ко мне на квартиру явился Казбеков Тимурбек и после непродолжительной беседы со мной на различные антисоветские темы, он сообщил мне, что на комбинате под руководством зам.директора Мирза

Рахметова создана вредительско-диверсионная группа националистов, ставящая себе целью вывести из строя текстильный комбинат. В группу, продолжал Казбеков, постепенно будут вовлечены, все инженерно-технические работники комбината, а не желающие вступить в группу, но осведомившиеся о существовании ее немедленно будут удаляться от работы на комбинате по настоянию дирекции комбината.

Будучи враждебно настроен к Советской власти и разделяя антисоветские взгляды Казбекова, я с ним солидаризировался и дал согласие вступить в члены вредительско-диверсионной группы националистов при комбинате выполнять все поручения группы.

**Вопрос:** Что Вы лично проделали для выполнения полученных заданий по диверсии?

**Ответ:** Я принял участие в выработке направления работы вредительско-диверсионной группы в целом отдельных ее членов. Вместе с Казбековым проводил работу по развалу дела подготовки кадров на комбинате, срывал выполнение учебно-производственного плана учебного комбината, преподавание ткацкого дела вел на исключительно низком уровне, непланово и не в соответствии с требованиями учебных программ. В мою задачу входило, помимо ведения вредительской работы в учебном комбинате, разрабатывать вредительско-диверсионные мероприятия и через Мирзарахметова проводить их на производстве. Мною был составлен вредительский рецепт шлихты, снижающий на 20% качество пряжи. Мною также был составлен вредительский способ шлихтовки пряжи, по которому за счёт уменьшения процента приклея увеличивалась влажность пряжи. Эти мероприятия Мирзарахметовым внедрены в производство и желаемый нами результат был достигнут.

**Вопрос:** Вы получили от Мирзарахметова вознаграждения за вредительскую и диверсионную работу?

**Ответ:** Да, получал. В конце 1936 г. или в начале 1937 г. за успешную вредительско-диверсионную работу комбинате членом группы Мирзарахметов выдал денежное вознаграждение: Казбекову 2500 руб, Турсунову-2500 руб, Бурханову-200 руб, а мне-Аляутдинову-1600. Получал ли денежное вознаграждение Абдужабборов-мне неизвестно.

Деньги Мирзарахметовым были выделены через кассу комбината, на средств комбината под видом выполнения группой договора с дирекцией комбината за перевод литературы по текстильному делу с русского на узбекский язык. На самом деле договор такой существовал, но группой никогда не выполнялся и вплоть до моего ареста все пункты договора оставались не выполненными.

Записано с моих слов верно, протокол читал лично.

/Подпись/  
Допросили:

Вр. Нач. 3 отдела УГБ НКВД Уз.-ст. лейтенант  
Гос. безопасности (Лисицын)

Опер. уполном. 3 отдела - сержант Госуд. безопасности  
(Михалянц)

Вр. опер. уполн. 3 отдела сержант Госуд.  
безопасности (Коноваленко)

Юқорида кўрсатилган ноҳақ айбловлар қўйилиб, сўроқлар тугаганидан сўнг, 1938 йил 8 октябрда ёпиқ суд жараёни бўлиб ўтади. Судда охириги сўз “айбланувчи”га берилганда, у: “Шуни ҳисобга олишингизни сўрайман, мен ҳали социализм жамиятига керакли инсон сифатида хизмат қила оламан, мени ўлдирманглар”, дейди. Лекин суд Исомиддин Аловуддиновни энг олий жазо-отишга ҳукм қилади. Ушбу ҳукми сизга ҳавола қиламиз.

### Приговор

Именем Союза Сов-ских Соц-ских Респ-к выездная сессия Военной Коллегии Верховного суда Союза ССР

На закрытом судебном заседании в городе Ташкенте 8 октября 1938 года рассмотрела дело по обвинению:

Аляутдинова Исама Гамитовича, 1908 г.р., быв. преподавателя учебно-производственного комбината Таштекстилькомбинатав преступлениях, предусмотренных в ст.ст. 63,64,65 и 67 УК УзбССР.

Предварительным судебным следствием установлено, что Аляутдинов являлся активным участником шпионской и



диверсионной вредительской организации «Азад Туркестан», созданной Германскими разведывательными органами.


Признавая Аляутдинова виновным, и приговорила к высшей мере уголовного наказания - расстрел с конфискаций всего лично принадлежащего ему имущества.

## Справка

Приговор о расстреле Аляуддинова Исама Гамитовича приведен в исполнение в гор. Ташкенте «8» октября 1938 г.

Ташкент шахрида 1938 йил 8 октябрда Аловуддинов Исомиддин Ҳамидович устидан отув ҳукми ижро этилгандан сўнг, унинг онаизори ўглининг қамалиш сабабини суриштириб, уни бир бор бўлса ҳам, бағрига босишни истаб, қирмаган кўчаси, бормаган давлат идоралари қолмайди. Лекин, минг афсуски, ўгли ҳақида бирорта ҳам хабар унга берилмайди. Ниҳоят, биз онаизорнинг 1955 йилнинг 23 ноябрида СССР Министрлар Советининг раисига йўллаган хатини топишга муваффақ бўлдик. Хат рус тилида ёзилган бўлиб, демак, онажон жуда қийинчиликлар эвазига ушбу тилда ёза оладиган инсонни топганлигини, кўзининг оқу-қораси бўлган фарзандини олиб кетилганига 18 йил бўлгани, ундан ҳанузгача бирор марта ҳам хат олмаганини, нима сабабдан қамалганлигини, уни айби нимада эканлигини билолмаслигини куйиб-пишиб тушунтиради. Ушбу хатни Сизга ҳавола этамиз.

Председателю  
Совета  
Министров СССР  
От гражданина  
Салиховой С.,  
проживающей:  
УзССР, город  
Бухара,  
улица  
Чернышевская,  
№ 3.  
Заявление  
Прошу Вас со  
известить мне о  
здоровье моего  
сына Аляуддинова  
Исама. Бывший  
инженер



текстильной фабрики города Ташкента по обвинению суда он был арестован 22 июня 1937 г. в городе Ташкент. До сих пор я от него письмо не получаю, также не знаю на сколько лет осужден в чем его вина.

Я старух, слепая, возраст 80 лет, инвалид 1-груп. Кроме одного сына, т.е. Аляуддинова И. больше детей не имею. Мне одному жить, слепому, трудно, так как я нуждаюсь ухаживание. По этому прошу Вас если можно освободить моего сына или разрешить мне получать письмо и со известить на сколько лет был осужден, чтобы я знала сколько лет еще осталось до освобождения.

23 ноябрь 1955 г.

/Салихова/

Ушбу хат 4 ойдан сўнг, 1956 йил 29 мартда кўрилган, лекин жавоб хати қайтарилмаган. Онаизор яна бир бор охирги ишонч ва умид билан 1956 йил 29 майда Туркистон Ҳарбий Округининг прокурорига хат ёзади, лекин бу хат ҳам жавобсиз қолади. Ниҳоят 1957 йилнинг 15 октябрида СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегиyasi Исомиддин Аловуддиновни айби йўқ, деб топиб оқлади.

Қаранг, ўғлининг отиб ташланганига 19 йил бўлгандан сўнггина онаизор бу мудҳиш воқеадан хабар топади. Бу хабар унга қанчалик, ғам-алам олиб келади. Ўғлининг борлигига, ҳали уни бағрига келишига шунча йил ишонч билан яшаган онанинг қай аҳволга тушганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Мустабид тузум даврида бундай оналарни сони юзлаб, минглаб бўлганини биз архив манбалари орқали кўрмоқдамиз. Бугун биз сизларга сўзлаб берган воқеамиз бир оила, бир инсон қисмати холос.

### 1938 ЙИЛДА ЁЗИЛГАН БИР ХАТ ТАРИХИ

*Атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султон (1910-2001) архивига назар ташлаган киши бу архивнинг бойлигидан ҳайратга тушади. Афсуски, қайноқ ижодий ва илмий фаолият билан машғул бўлган олим ҳаётлик чоғида ўз архивида сақланаётган кўлёзма, машинкаланган ва босма асарларни тартибга солиш, жанрлар бўйича ажратилиш, тавсиф қилиш имконига мутлақо эга бўлмаган. Устознинг ижодий ва илмий фаолияти билан шуғулланган ёки унинг раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган шогирдлар ҳам бу масалага эътибор бермаганлар. Ҳолбуки, биз бу архивда Иззат Султон қаламига мансуб асарлардан ташқари, “Уйланиш” (Н.В. Гоголь комедияси) биринчи пардасининг А.Қодирий томонидан амалга оширилган таржимаси, Рафиқ Мўмин ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари бўлганлигини яхши биламиз. Олимнинг ўзига мансуб асарлар эса шу қадар кўп ва рангба-рангки, улар орасида тугалланган, чоп этилган бадиий ва илмий асарлардан ташқари, тугалланмай қолган романлар, қиссалар, пьеса ва киносценарийлар сонсиз-саноқсиздир. Бундан ташқари, архивда олимнинг 20-йиллар охири - 30-йилларнинг аввалидан бошлаб тугган кундаликлари, эпистоляр асарлари, дафтар-дафтар қайдлари ва бошқалар бор.*

*Шундай бой архив материаллари орасида бир хат бизнинг эътиборимизни ўзига жалб этди. Аммо китобхонларни бу хат билан таништиришидан аввал олим таржимаи ҳолининг айрим саҳифаларини варақлаш лозим кўринади.*

*Иззат Султон 1910 йили Ўш шаҳрида маърифатли оилада туғилган. Унинг Раҳматулла, Ҳабибулла, Файзулла деган akalари, Султонхон ва Саодатхон деган она-сингиллари бўлган. Ўша йилларда Андижон билан Ўш “ака-ука шаҳарлар” бўлганлиги учун, улар Бобур юртида таълим-тарбия олиб, шу ерда истиқомат қилганлар. Иззат Султоннинг катта akаси Раҳматулла Султонов Чўпоннинг яқин дўстларидан эди. Бу нозиктаъб инсон ва шоирнинг 1919 йили очликдан вафот этиб, зариблар қабристонига дафн этилганини эшитган Чўпон қон-*

қон ийглаб, дўстига бағишлаб марсия ёзган. Олимнинг иккинчи акаси Ҳабибулла Султонов тўғрисида илмий ва мемуар адабиётда тайинли маълумот учрамайди. Лекин шу нарса аниқки, у 1921 йилда сил касаллигидан вафот этган. Файзулла Султонов эса даҳшатли 1937 йил қурбонларидан бири бўлганлиги учун тарихчи ва адабиётшунос олимлар у ҳақида - оз бўлса-да тасаввурга эга бўлсалар, ажаб эмас. Бу тасаввур эса бизда Раҳматулла ва Файзулла Султоновларнинг шогирди, атоқли драматург Комил Яшин туфайли пайдо бўлган.

Яшин “Ёдном” китобида Андижондаги “Ватан” мактабида ўқиб юрган кезларини ва шу мактаб ўқитувчиси Абдуқодир Ғафуровни эслаб ўтганидан сўнг, бундай ёзган: “Ўшлик ўқитувчимиз Раҳматулла Султонов ҳам ҳар бир ўқувчининг ўзига яраша муомала қилар, кимнинг қайси нарсага майли борлигини яши биларди. Гоҳо ўзи ўқиган қизиқ-қизик китоблардан гапириб берар ва шу тариқа бизларда ҳам уларга меҳр уйғотарди”<sup>1</sup>.

Яшин “Ёдном”нинг бир неча саҳифасидан кейин яна олимнинг катта акасига қайтиб, қуйидаги маълумотни берган: “...Биз мактабда Раҳматулла Султонов кўмагида аруз вазнида ёзилган талай шеърларни ёд олгандик. Тилимиз ҳам аруз вазнидаги шеърларни ўқишга кўникиб қолганидан бўлса керак, бармоқ вазнидаги шеърларни ўқишда тича қийналар, зўё уларнинг вазнини, ҳижжоларини, туроқларини тополмаётгандай, тўғривоғи, вақтида илғаб ололмаётгандай бўлардик. Бармоқ вазни, бошқалар қатори, биз, мактаб ўқувчиларига ҳам ўша пайтларда янглик бўлганидан унга, яъни ўқишга ўрганишимиз ҳам қийинчилик билан бораётгандек эди...”<sup>2</sup>

Шу хотира парчасидан кейин Яшиннинг юқорида узиллиб қолган сўзларини ўқишда давом этсак: “Бир кун, деб ёзади Яшин Раҳматуллани назарда тутиб, - укаси Файзулла Султонов билан менга кўрсатиб туриб бир соат ичида бир пардали пьеса ёзди. Биз бу пьесани ўзининг режиссёрлиги остида аввало мактаб саҳнасида, сўнг шаҳар ботида халққа кўрсатган эдик. Биз, талабаларнинг Раҳматулла домламизга ҳурматимиз гоят зўр эди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Яшин К. Ёдном... - Т., 1989. - Б.49.

<sup>2</sup> Яшин К. Ёдном... - Т., 1989. 57-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. - Б. 49.

Олимнинг очликдан ўлган ва гариблар қабристонига дафн этилган акаси Раҳматулла Султонов ўз даврининг шундай мунаввар сиймоларидан бири эди.

Энди шу моҳир муаллим ва ҳаваскор драматургининг укаси Файзулла Султонов билан яна Яшин ака ёрдамида танишсак.

20-йиллар аввалида Андижоннинг машҳур бойларидан бири Миркомилбойга қарашли “кенг-қўлам ҳовли”да “деҳқон ёшларга атаб” (Яшин иборалари – Н.К.) мактаб очилган. “...Ўша мактабда, - деб ёзган “Ёднома” муалифи, - таниқли олим ва драматург Иззат Султоннинг акаси Файзулла Султонов ҳам ишларди. У киши билан жуда иноқлашиб кетдик. Ўзиям жуда билимдон, яхши ва ажойиб инсон эди. Файзулла Султонов Бокуда ўқиб келган, кўп нарсалардан хабардор ва етук одам бўлганидан менга анча ёрдам берди. Унда педагогик тажриба катта, ўзи шаҳардаги техникумда ҳам ўқитувчилик қилганидан зиёлилар орасида яхшигина обрў орттирганди. Менга берган фойдали маслаҳатлари педагогик фаолиятимда жуда ҳам асқотди”<sup>4</sup>.

Агар большевиклар инқилобининг дастлабки йилларида бошланган очарчилик 1919 йилда Раҳматулла акани, 1920 йилда Султон отани, ундан сал аввал онасининг бобосини, 1921 йилда эса Ҳабибулла акани олиб кетганлигини эсласак, совет давлатининг дунёга келиши, бошқа ўзбек хонадонлари қатори, Иззат Султон хонадонига ҳам гоаят қимматга тушган.

Шу фожияли воқеалардан кейин кўп ўтмай, Андижондаги болалар уйида тарбияланган Иззат Султон 1924 йили Тошкентга келиб, Ўзбек эрлар билим юртида ўқий бошлади. 1929 йили уни тугатганидан сўнг Ўрта Осиё давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетида бир йил таҳсил олди. Оғир аҳволда яшаётган онаси ва синглисига ёрдам бериб туриш учун университетни ташлаб, 1931 йилда “Батрак” газетасига масъул котиб бўлиб ишга ўтди. 1934 йили Тошкент педагогика институтини тугатиб, шу йили Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фан комитети астирантурасида ўқийни давом эттира бошлади. Айни пайтда “Қизил Ўзбекистон” газетаси адабиёт ва санъат бўлими мудири ва масъул котиби лавозимларида хизмат қилиб ва шк асарларини ёзиб (1935 йил), бадиий ижод завқини тота бошлади. Унинг назарида, 15 кун

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б. 136.

қоронги бўлган ойнинг ёруғ 15 кунини – бахтли-саодатли давр бошлангандек эди.

Лекин у аспирантурани тугатаётган 1937 йил бирдан қатагон момагулдирағи гулдираб, еру осмонни ларзага келтирди. Минглаб беғуноҳ юртдошларимиз қатори унинг акаси Файзулла Султонов ҳам қамоққа олинди, унинг манглайига ҳам “халқ душмани” деган мудҳиш тамга урилди.

Кимки ўша йилларда қамоққа олинган бўлса, унинг уйида, албатта, тинтув ўтказилиб, “шахсан унга тегишли мол-мулк” давлат фойдасига мусодара этилар, ота-онаси ва барча яқин кишилари ишдан ҳайдалар, “озодлик”да яшаётган оиласи эса очикдан-очик очлик ва яланғочликка маҳкум қилинар эди. Ана шундай фожияли тақдир Тошкентда яшаётган Иззат Султоннинг ва Андижонда яшаётган онаси билан синглисининг ҳам бошига болта бўлиб тушди.

Иззат Султон архивида тасодифан сақланиб қолган бир хат олим ва унинг оиласи учун шу ўта таҳликали кунларнинг бирида ёзилган.

*Куйида биз уни тўла ҳолда келтираемиз:*

“Хатингни 30 майда олган эдим. Бу кун 4 июнь. Орадан тўрт кун ўтган бўлса ҳам жавоб ёза олмадим. Чунки Андижонда бўлган воқеалардан кейин (акам қамалганини эшитганимдан кейин) сен билан ва ойим билан узунроқ хат орқали тузукрак гаплаша олмаган эдим. Тузукрак ўлтириб, кўнгилдаги бор гапларнинг ҳаммасини айтиб хат ёзишга сира фурсат тўғри келтира олмадим.

Акам қамалганини эшитганим билан сизларнинг иқтисодий жиҳатдан қийналишингиз кўз олдимга келиб, дарров бир оз пул (150 сўм) юборган эдим. Бу пулни - Андижондаги адресингларни билмаганим учун - Ўшга юборишга тўғри келди. Хатингни олганимдан кейин дарров яна 300 сўм юбордим.

Қадрли синглим ва меҳрибон онам!

Акам қамалган экан, бу бежиз иш эмас. Мен шу тўғрида тузукрак гаплашиб олмоқчиман.

Акамнинг қамалганини эшитганимдан кейин мени ҳам жуда катта қайғу босди. Мен суриштириб кўрдим... (Бир жумла ўчириб ташланган. – Н.К.) Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Баъзи

кишиларнинг айтишига қараганда, акам кейинги маҳалларда ҳар жойда қимматчиликдан, овқатнинг камлигидан нолиб, ҳар хил гаплар гапириб юрган бўлса керак. Агар шундай қилган бўлса, жуда ҳам номаъқул бўлибди. Лекин кўрқаманки, у бу билангина қолмасдан, яна бошқа ишлар ҳам қилган бўлмаса деб. Нима қилган бўлса, ишқилиб ҳукуматнинг манфаатига тўғри келмайдиган бир иш қилган. Бўлмаса, уни қамамаслар эди, албатта...

Ая ва синглим! Агар сизларга акам билан юз кўриштиришга тўғри келса, бу сўзларимни унга айтинглар ва ялининглар: у ўз хатоларини, гуноҳларини бўйнига олса, агар бир неча кишилар билан бирор иш қилган бўлса, яширмасин, шерикларини айтиб берсин, ўзларининг ва ... (бир неча сўз тушиб қолган – Н.К.), қизиққонлик қилмасин. Менинг сизлардан ва акамдан тилайдиган бирдан-бир ишим шу.

Меҳрибон онам! Сиз акам қамалганидан кейин энди ҳолимиз танг бўлар деб ташвиш тортманг. Аввал анча бепарволик қилиб сизларга кам ёрдам қилган бўлсам, ундан кейин иккала акамнинг хизматини кўрсатишга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Бу томондан хотиржам бўлинг. Авваллари бир оз бепарволик кўрсатган бўлсам, ҳозир бутун фикри-хаёлим сизларда.

Синглим, шу хатни олиш билан дарров хат ёзгин.

Аямга, Зумрадхонга, қариндош ва танишларга соғинчли салом”.

*Бу хат лотинча ҳарфлар ўрнатилган машинкада ёзилган. Унинг қачон, кимга ва қим томонидан ёзилганлиги қайд этилмаган. Бу ҳол 1937-1938 йиллардаги ҳар бир хатнинг НКВД ходимлари назаридан ўтиши ва шу хатда ёзилган гаплар хат ёзувчининг ҳам, хат олувчининг ҳам бошига гурзи бўлиб тушиши мумкинлиги билан изоҳланади. Бу хатни ўқиган киши акаси орқасида ўзи ҳам жабрланиши ва ҳатто отиб ташланиши мумкин бўлган, шундай қисматнинг келишидан хавотирланган, ҳатто кўрққан киши томонидан ёзилганлигини сезмай иложи йўқ, Лекин бу киши, яъни Иззат Султон акасининг қилган ёки қилиши мумкин бўлган “жиноят”ларини қанчалик қоралаган бўлмасин, хатда мамлакатда ҳукм сураётган оғир иқтисодий аҳволнинг келиб чиқиши ҳукумат бошида ўтирган коммунистларнинг нўноқлигидан, деган гаплар ҳам борки, бу*



гапнинг замирида мамлакатни шу аҳволга солган ҳукумат бошида ўтирган коммунистлар ва уларнинг сардори Сталин, деган яширин маъно ҳам ётади.

Хат Ф.Султонов қамоққа олинган дастлабки кунлар ёки ойларда ёзилгандек таассурот қолдиради. Аммо, таниқли қатағоншунос олим Шерали Турдиевнинг ёзишича, у 1937 йил 28 сентябрда қамоққа олинган. Агар мазкур хатнинг 4 июнда ёзилганини эътиборга олсак, у 1938 йил 4 июнда, яъни акаси ҳибсга олинган кундан 7 ой ўтгач ёзилган бўлиб чиқади. Тахмин қилиш мумкинки, Иззат Султон шу давр ичида акасининг қамалганига ишонмай, қандайдир суриштиришлар олиб борган ва вазият бир қадар равшанланганлиги, яъни Тошкент ва Андижонда қамоққа олинган зиёлиларининг чиқариб юборилишига кўзи етмаганидан кейингина бу хатни ёзган.

Ф.Султонов, Иззат Султон гумон қилганидек, турли давраларда мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар тўғрисида сўзлаган бўлиши ва шу ҳақидаги агентура маълумотлари асосида қамоққа олинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин бу айб маҳбуснинг отилиши ёки 10 йилга қамалиши учун -ҳаттоки 1937 йилда ҳам - асос бўла олмасди. Шунинг учун 37-йилнинг аксар қурбонларига НКВД терговчилари томонидан ўйлаб топилган “аксилинқилобий ташиклотнинг аъзоси” деган сиёсий айб кўйилган. Ф.Султоновга кўйилган асосий айб ҳам унинг “Миллий истиқлол” яширин аксилинқилобий ташиклотига гўё аъзо бўлганлигидир.

“...1937 йининг 28 сентябрь куни қамоққа олинган Файзулла Султоновга нисбатан эълон қилинган айбномада, - деб ёзади Шерали Турдиев, - унинг ижтимоий келиб чиқиши, таржимаи ҳоли, ўқиш ва иш фаолияти сохталаштирилиб, давр адолатсизликларига қарши билдирган фикрлари “катта гуноҳ” сифатида кўрсатилади. Уни Ўшда мингбоши оиласида туғилиб, кейинчалик Андижондаги инқилобга қарши бўлган “Миллий истиқлол” ташиклоти раҳбарлари билан яқиндан алоқа боғлаганликда, Бокуга улар ёрдамида кетиб, уларнинг гоявий-сиёсий таъсирлари остида советларга қарши ташивиқот ишлари юргизганликда, шунингдек, одамлар орасида миллатчилик фикрларини айтиб, партия ва совет ҳукумати раҳбарлари,

ҳатто СССР халқлари доҳийси шаънига ўтакетган туҳмат гапларни тарқатганликда айблашади”<sup>1</sup>.

Ф.Султонов 1937 йил 29 сентябрда бўлиб ўтган дастлабки терговдаёқ ўзига қўйилган барча айблар, жумладан, унинг гўё миллатчилик ва советларга қарши фаолият билан шуғулланганлиги тўғрисидаги сўзлар қора туҳматдан бошқа нарса эмаслигини айтиб, ўзини ҳимоя қилишга уринган. Аммо зулмнинг қонсираган қиличи Ҳақиқат кўзларини ўйиб турган бир замонда унинг шўро зиндонидан омон чиқиши амри маҳол эди.

У НКВД “учлиги”нинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарорига мувофиқ 10 йилга Ярославль вилояти Рибирск шаҳридаги лагерга юборилган. Бу дўзахдан омон қайтган ватандошларининг айтишларича, у лагердаги азоб-уқубатларга ортиқ чидай олмасдан, гидростанциядаги шамол тезлигида айланаётган машина паррагига ташланиб, ўзини-ўзи ҳалок қилган.

---

<sup>1</sup> Турдиев Ш. Файзулла Султонов қисмати / “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2000 йил, 25 август.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ**  
тарих фанлари доктори,  
**Баҳром ИРЗАЕВ**  
катта илмий ходим.

## **МУФТИЗОДАЛАР ҚИСМАТИ**

Салоҳиддин Муфтизода 1886 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Отаси муфти Абдумўмин (1918 йилда вафот этган) мадраса мударриси, билимдон ва ҳалол инсон сифатида ном қозонган эди. Шунинг учун у қозихона муфтиси бўлиши билан бир қаторда Тарнов боши маҳалласида ер ўлчовчилик вазифасини ҳам бажарган. Эски мактаб ва мадрасада таҳсил олган ўғли Салоҳиддин ҳам замонаси талаби билан рус-тузем мактабида рус тилини мукамал ўрганган. У 1900-1905 йилларда мадрасада ўқиш даврида Валихўжа Маликов дўқонида, сўнг икки йил Граммофон жамиятида ишлади.

С.Муфтизода Тошкент уламоларидан Зокир шайх Тиллашайх ўғли, Саъдийнинг Гулистонини ўзбекчага таржима қилган Муродхўжа Солихўжаев, биринчи ўзбек профессионал шахматчиси Азмуддинхон Хўжаев, Башруллохон Асадуллахўжаев, тилшунос олим Фаҳри Камол, савдогар маърифатпарвар Убайдуллақори Эргозиев, Низомиддин Хўжаев, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев каби ўз замонасининг етук инсонлари даврасида улғайди.

Салоҳиддин Муфтизода дастлаб, 1916-1917 йилларда Тошкентда таъсис этилган “Уламо жамияти”га аъзо бўлади ва Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди. У 1917 йилдан “Турон” жамиятига кириб, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов каби жадид тараққийпарварлари билан Туркистон истиқболи йўлидаги муҳим курашга бош қўшади. Шундан сўнг, жадид матбуотида ўзининг фаол чиқишлари билан иштирок эта бошлаган. Жумладан, Россия империясидаги иқтисодий инқироздан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга олмақчи бўлган большевиклар тарафдорларининг ғояларини ифодаловчи “Сукут қилинг! Соҳиби сарватларнинг нидоси” мақоласига қарши “Нажот” газетасининг 10-сонида ўз муносабатини билдиради. С.Муфтизода мақолада Муваққат

ҳукуматнинг таназзули сабабларини таҳлил қилади. У муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш чораларини излайди. Аҳоли норозилигининг олдини олиш, халқнинг аҳволини энгиллаштириш мақсадида давлатманд инсонларга мурожаат этиб, бозорларни арзонлаштириш, фуқароларнинг энг ўткир муаммоларини зудлик билан ҳал этишга чақиради. Шунингдек, халқ орасида нотинчлик ва ҳукуматга ишончсизликнинг тарафдори бўлган кучларнинг (большевиклар) оғир вазиятдан фойдаланиб ҳокимиятга келишдек ғаразли мақсадларига етмаслиги учун барча чораларни кўришга даъват этади<sup>5</sup>. Бу шубҳасиз, С.Муфтизоданинг Россия империясида кечаётган ижтимоий жараёнларни чуқур англаганлигини кўрсатади.

Муфтизода ўз вақтида жадид тараққийпарварлари вакили сифатида Туркистондаги империяпараст кучларнинг амалга оширган миссионерлик фаолиятига қарши кескин кураш олиб борди. “Нажот” газетасининг 12-сонида чоп этилган “Таҳқиқсиз садоқат” мақоласида ўзини тараққийпарвар деб таништирган У.Ҳусайиновнинг “Туркистанский курьер” газетасини тараққийпарварлар учун хизмат қилган газета сифатида таништиришини танқид қилади. Муфтизода “Туркестанский курьер”нинг Туркистондаги миссионерлик фаолиятига оид мақолаларини мисол келтириб, Ҳусайиновнинг ҳаракатини тараққийпарварлик эмас, аксинча таназзулпарварлик деб баҳолайди<sup>6</sup>.

Салоҳиддин Муфтизода 1917 йил ноябрь ойида бир гуруҳ тараққийпарвар ёшлар қаторида Қўқонга бориб, Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига киради ва унинг матбуот хизматида фаолият кўрсата бошлайди. Мухторият тор-мор этилгач, у большевиклар таъқибидан Сибирга қочади ва бир муддат Томск шаҳрида яшайди. Салоҳиддин Муфтизода 1919 йил гала-говурлари пайтида Тошкентга келиб, ВКП(б)га аъзо бўлади ва 1925 йилгача совет давлати идораларида ишлади. У дастлаб Тошкент шаҳар Халқ таълими бўлимида бошлиқ, сўнг Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги Комиссарлигида ўринбосар каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатади. Шу билан бир пайтда у совет вақтли матбуот саҳифаларида мунтазам чиқишлар қилиб,

<sup>5</sup> Нажот. 1917 йил 28 апрель.

<sup>6</sup> Муфтизода С... Таҳқиқсиз садоқат. Нажот. 1917 йил 6 май.

халқнинг миллий бирлигини сақлаш, миллий ўзликни йўқотмаслик йўлида тинимсиз кураш олиб борди.

Салоҳиддин Муфтизоданинг “Шарқ душманлари қайтадан турмакда” номли мақоласи собиқ чор амалдори Николай Остроумовнинг Тошкентга қайта ташрифига бағишланади. Унда “Астроумов, 50-60 йил ичида Туркистон халқининг ҳаммасини кўнғироқ остига тўплаб бермакка қасам баробарида сўз берган эди. Шул мақсад билан ул чор замонасида кўп ишлади. Натижада бир киши бўлсин кўнғироқ чаладурғон бўлмади. Лекин, Астроумов тўранинг Туркистонда кўрсатган жиддий хизматлари соясида биргина натижалик иши бўлган. У ҳам бўлса, Туркистонда умумий жадида мактабларига ерлик уламоларни шайтонга қарши бўлгондек қаршилаштириш ва Туркистон ўзгаришчилари бўлгон ёшларни (жадидларни - *муаллиф*) “кофир” деб нафратлантиришдир. Усули жадида мактабларининг ҳаром эканлиги тўғрисида бўлгон шаърий ривоятларни “Бухородан олингон”, деган сўз билан чиқорғучи киши шул Астроумовнинг ўзидир. Бу улуғ “мухтаҳид”нинг Туркистонга қайтадан келиши сабабсиз бўлмаса керак” дейди. Муфтизода ўз мақоласини “Остроумов ва унга ўхшаш мустамлакачиларга қайтадан Шарқда ўрун бермаслик лозим!” деган чақириқ билан тугатган эди<sup>7</sup>.

Салимхон Тиллахонов, Убайдулла Эргозиев ва Ҳожихоновларнинг тергов баённомаларида эсланишича, Салоҳиддин Муфтизода 1921 йилдан “Миллий Иттиҳод” ташкилотига кирган ва унинг фаолларидан бўлган. 1925 йилдан большевиклар Тошкент шаҳрида янги йўл қурилиши баҳонаси билан халқимизнинг қатор табаррук қадамжоларини, қабристонларни бузиб юбора бошлади. С.Муфтизода халқнинг миллий қадриятларига нисбатан бундай беписанд муносабатга чидаб тура олмади. У Тошкент уламолари билан шўро маъмурларининг бундай ножоиз хатти-ҳаракатларига қарши намойишлар ташкил этади. Бу эса советларнинг С.Муфтизодага қарши жиддий хужумига баҳона бўлади. Ҳатто, “Муштум” журналида аввалига карикатура, сўнг Ғ.Юнуснинг “Азозил ва Иблис” деб номланган буюртма мақоласи босилди. Унда Иблис (С.Муфтизода) ва Азозил (Ислом хўжа Новчаларнинг “қилмиш”лари танқид қилинади. Мақолада “...мозорларни бузиш ҳеч нарса эмас, бироқ

<sup>7</sup> Муфтизода С.. Шарқ душманлари қайтадан турмакда // Туркистон. 1922 йил 22 октябр.

мозорларни асори атиқа деб жар солаётган С.Муфтизоданинг гавғоси ёмон оқибатга олиб келади”, дейилади. Афтидан, бу можаро ҳаммага маълум бўлиб кетгани учун аниқ далиллар келтирилмайди, фақат Ғ.Юнус мақолани “Иблис йўқ қилинди, Азозилнинг ҳам навбати келар!”<sup>8</sup> деб яқунлаган эди.

Шундан сўнг Салоҳиддин Муфтизода партиядан ўчирилиб, унинг учун кўпгина эшиклар бекила бошлади. У бор обрў ва мансабидан айрилиб ишсиз қолдирилди. Шундай бир шароитда у ўзининг бўш вақтини таржима ишига бағишлаб, бир қатор асарларни ўзбек тилига ўгирди<sup>9</sup>. Бирок, бу ҳам узокқа чўзилмади. 1932 йил 25 ноябрда уни ГПУ ходимлари сўнгги иш жойи ЎзССР давлат кино бошқармасида таржимон бўлиб ишлаб юрган вақтида қамокқа оладилар. С.Муфтизодага ЎзССР ЖКнинг 57-10 ҳамда 58-10 моддалари, яъни совет давлатига қарши тарғибот олиб бориш айби қўйилади.

1933 йил 4 майда ўтказилган ОГПУ судида С.Муфтизода ўзига қўйилган айбларнинг барчасини асосли рад этгач, отув ҳукмини 10 йил қамок жазосига алмаштиришади. У жазо муддатини тўлиқ КарЛаг (Карело-Фин АССР)да ўтаб, 1942 йил Тошкентга қайтади. С.Муфтизода 1942-1946 йиллар Тошкентда яшайди, бироқ 1946 йил унга Тошкентда яшаш учун рухсат йўқлигини маълум қилишади. Салоҳиддин Муфтизода 1946 йил февралдан Бўстонлик туманига кўчиб ўтади. У ерда кутубхоначи бўлиб тинч эмин ҳаёт кечира бошлаган онда, изидан яна “қимлардир” тушади. Уларнинг “шарофати” билан 1948 йилнинг охирида С.Муфтизода ишидан ҳайдалади ва унга яна ҳеч жойда иш беришмайдилар.

1949 йил 8 март куни Бўстонлик тумани, Искандар посёлкаси, Пекарная кўчаси 8-уйда яшаётган Салоҳиддин Муфтизодани яна қамокқа олишга қарор қиладилар. Унга Совет ҳукуматига қарши тарғибот олиб борганлик, яъни “СССР энди АҚШ, Англиялар билан урушади ва бу урушда ютқазади”, деб айтган сўзлари асос қилиб кўрсатилади. 1949 йил 11 март куни тўлдирилган шахсий анкетасидан унинг хотини ҳали энг каттаси ҳам 10 ёшга тўлмаган 3 фарзанд билан қолиб кетгани англашилади. Ўтказилган тинтув вақтида унинг 1-УШ № 500993

<sup>8</sup> Азозил ва Иблис. Мушгум.. 1925 йил 15 июн.

<sup>9</sup> Сайфуллина Лола. Янги турмуш йўлида (С.Муфтизода таржимаси). Т.: “Ўздавнашр”. 1927.

рақамли паспорти, оила аъзоларига тегишли 4 дона сурат ва 20 та хужжат олинган ва улар 1949 йил 7 май куни махсус қарор асосида ёқиб йўли билан йўқотилади.

1949 йил 8 март куни ўтказилган илк сўроқда С.Муфтизода: “1946 йил февралдан Тошкентда яшашга рухсат йўқлиги учун Бўстонликда яшайман. 1946 йил февралдан 1948 йил ноябргача кутубхонада ишлардим, сўнг бўшатишди ҳозир ишсизман” дейди. 1949 йил 15 ва 18 март кунлари ўтказилган сўроқларда у тўлиқ ўтмишини, КарЛагдаги кечган захматли ҳаётини ҳикоя қилади.

1949 йил 21 мартдан сўроқ мавзиси ўзгаради ва унинг қанақадир аксилсовет тарғибот олиб борганини муҳокама қила бошлайдилар. Шундан сўнг 1949 йил 25 март, 30 март, 2 апрель ва 10 апрель кунларда ўтказилган сўроқ баённомалари ҳам унинг аксилсовет ташвиқоти масаласига бағишланди. Бирок С.Муфтизода ўзига қўйилган айбларни асосли ва ишончли тарзда тўлалигича рад этади. Табиийки, 1930 йилларнинг даҳшатли тегирмонидан омон чиққан бу инсонни осонликча айбдор қилишнинг имкони йўқ эди.

Аслида, С.Муфтизодага қарши тергов материалларини тўплаш анча олдин бошлаб юборилганди. 1949 йил 16 февраль куни терговга чақирилган Абдували Расулмухаммедов номли “ишончли шахс” С.Муфтизода ҳақида куйидагиларни ҳикоя қилади: “Муфтизодани болалигидан биламан, Тошкент мадрасаларидан бирида ўқиган, отаси муфти эди. Сўнг рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. Кўкон Мухторияти ҳукуматининг аъзоси эди. “Сельмаш” чойхонада советлар халқни эксплуатация қилиб, ҳаммани нонга зор этди. Адолатсизлик, динсизлик оқибатида советлар бутун дунёнинг нафратини олган. Коммунизм инсониятга ҳеч қандай яхшилик келтирмайди. Аксинча, халқнинг кадриятларига зид равишда қизларимизнинг очиқ-сочиқ юриши уларнинг ахлоқининг бузилишига олиб келади, деган эди. Яна С.Муфтизода: “САДУМ (Ўрта Осиё Диний идораси) ташкил этилганда мени чақиришганди. Мен рад этдим. Чунки, советлар САДУМни ҳам, унга тайинлаган муфтисини ҳам ўзининг кўтирчоғига айлантириб олган,” деганди, бошқа нарса қўшимча қила олмайман”, - деб кўрсатма беради.

1949 йил 9 майда Салоҳиддин Муфтизода учун Айблов баённомаси эълон қилинди. Судда Садриддин Камолов, Сара Муталова, Рашид Исломов, Фатхулла Ибрагимов, Абдували Расулмуҳаммедов ва Шоабдукарим Шоабдурасуловлар иштирок этадилар. Бироқ, судда айблов ўз исботини топмади. 1949 йил 19-20 август кунлари Бўстонлиқ туман, Гўзалкент кўрғонида бўлган қайта суд С.Муфтизодани ЎзССР ЖКнинг 58-10 I қисмига асосан яна бир бор 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этади. Ҳукм 1949 йил 8 мартдан ҳисоблашиб, 1959 йил 8 мартгача ижрода бўлиши буюрилди. Унинг ёзган кассацион шикоятини инобатга олинмади.

1954 йил 20 октябрда С.Муфтизоданинг Қозоғистон ССР бош прокурорига, 1956 йил 25 сентябрда СССР КГБ раисига ёзган аризалари асосида унинг иши қайта кўриб чиқишга тортилди. 1978 йил 6 январга келибгина ҚозССР Олий Судининг Салоҳиддин Муфтизодани тўлиқ оқлаш тўғрисидаги қарори унинг ўғли Муҳаммедов Ҳамидга юборади. 1992 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди С.Муфтизоданинг оқланганлигини тан олди ва маълумотномани Юнусобод массив 4 - квартал, 13 уй, 2-квартирада истиқомат қилувчи ўғли Муҳаммедов Ҳамид Абдуллаевичга йўллайди.

Салоҳиддин Муфтизоданинг укаси Нуриддин Муфтизода ҳам шўро мустабид тузумининг беайб қурбонларидан биридир. У 1904 йил туғилган. Нуриддин 1916 йилгача Мунаввар қорининг мактабида таълим олган ва унинг энг сеvimли ўқувчиларидан бири эди. 1918-1919 йилларда тараққийпарвар зиёли Саид Аҳрорийнинг “Ватан” мактабида таҳсил олган. Шундан сўнг комсомол ташкилотига кириб, Тошкент Шайхонтохур даҳа комсомолида котиб ва бир вақтда Эски шаҳар маҳалла комиссияси марказий бюросида котиблик вазифаларида ишлаган. У 1925 йилда МК комсомол ташаббуси билан Бокуга ўқишга борган. Н.Муфтизода 1926-1932 йиллар Тошкентда А.Икромов номидаги босмаҳонада мусахҳиҳ вазифасида ишлади. 1932 йил Ўзбекистон комсомоли томонидан Ўзбекистон ишчи-ёшлар театрини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Н.Муфтизода бу ишга масъул этиб белгиланди ва шу театрда директор, бадий раҳбар лавозимларида 1937 йилгача фаолият олиб борди.



1937 йил совет тарихшунослигида “Катта террор” деб номланган дахшатли кампания авж олдирилган бир пайтда собиқ муфтининг фарзанди, Салоҳиддин Муфтизоданинг укаси Нуриддин Муфтизодани ҳам йўқ қилиш пайига тушадилар. Шу мақсадда унинг атрофидаги инсонлар сўроққа чақирила бошлади. Қўлга киритилган тухматлар асосида 1937 йил августда Н.Муфтизодани қамокқа олиш тўғрисида қарор чиқарилди ва унга ЎзССР ЖКнинг 66 моддасининг I қисми билан айб қўйилди. 1937 йил 9 августда ордер берилиб, Нуриддинга тегишли Тошкент шаҳри, Октябрь тумани, “Ўткир” маҳалласи 22 - уйда тингув ўтказилади. Бироқ, ёш, иқтидорли режиссёр, бадний раҳбар, театр директори Нуриддин Муфтизодани ҳам осонгина айбдор қилиб бўлмади, у ўзига қўйилган барча айбларни рад этади.

1937 йил 25 август кuni ўтказилган илк сўроқда Н.Муфтизода барча яқинлари ва дўстларини санаб беради. 1937 йил 5 октябрь кuni сўроқда терговчи Н.Муфтизодадан илгари одам ўлдириш бўйича айбланганлигини сўрайди. У аслида терговчи назарда тутаётган ишда айбланувчи ёки гумондор эмас гувоҳ сифатида иштирок этганини айтиб, ҳеч қачон судланмаганини маълум қилди. Ўзига қўйилаётган айбларни инкор этиш учун гувоҳлар билан юзлаштиришларини талаб қилди. Бироқ, ҳеч қандай юзлаштириш амалга оширилмади.

ЎзССР НКВД 3-бўлим кичик лейтенанти Абдуллаев томонидан тайёрланган Айблов баённомасига Нуриддин Муфтизоданинг бирор бир гапи киритилмади. Аксинча, унда Нуриддиннинг икки мартаба одам ўлдиришда айбланиб қамокқа олингани (!), 1916-1918 йилларда Мунаввар қори мактабида ўқигани, 1917-1918 йилларда акаси С.Муфтизода, Мунаввар қори ва Салимхон Тиллахоновларнинг совет тузумига қарши гуруҳида бўлгани каби бошқа яна бир қатор куракда турмайдиган уйдирмалар жой олди. Юқоридаги айблар билан Н.Муфтизодага ЎзССР ЖКнинг 66 моддаси I қисми қўлланади. 1937 йил 21 ноябрь кuni бўлган “Учлик” суди қарори билан у ўн йилга МТЛга сургун қилинди. 1938 йил 8 январь кuni Угличга келтирилган Н.Муфтизода Волгастрой МТЛда оғир шароитда ишлашга мажбур этилди.

Нуриддин Муфтизода 1938 йил 31 октябрь куни СССР Прокурори Вишинскийга ёзган Шижоятда: “Мен 1937 йил 14 август куни ЎзССР ЖКнинг 66 модда I қисми билан айбланиб ЎзССР НКВД томонидан қамоққа олиндим. Менга қуйидаги айблар қўйилди 1) мен 1936 йил июнда Сталиннинг ойна ортидаги бюстига қараб, уни қўлим билан кўрсатиб, “Қачон бундан қутиламиз?” деган эканман. 2) 1937 йил апрелида бир йиғилишида ЦИК қонун чиқарувчи орган, унинг ишига ЦК аралашмасин деб, ЦИКнинг олдида ЦКнинг обрўсини тушириб қўйибман. 3) Гўёки, уйимда ҳужжатсиз қурол сақлаганман. 4) 1933 йил бир артисткани ўлдириб қўйган эмишман.

Қамоққа олинишим заҳоти терговчи бошдан оёқ ҳақоратлар билан менга қандайдир қозғоларни мажбуран имзолата бошлади. Уларда нималар ёзилганини билмайман ҳам. Ваҳоланки, 1935 йил 15 декабридан Жанубий Қозоқ вилоятида яшаган эдим. Кўрсатилган вақтда Чимкент ва унинг турли туманларида концертлар бериб Тошкентга кела олмадим. Иккинчидан, Шайхонтоҳурдаги айтилган кўчада унақа устахонани ҳам бюстни ҳам кўрмаганман. Менимча, унақа жойнинг ўзи бўлмаса керак. Иккинчи айбнинг ўзи қулгили, деб ҳисоблайман ва ҳеч қанақа оқибат келтиришига ишонмайман. Қурол масаласида “Браунинг”ни Самарқанд оперсекторидан олганман. Ҳамма ҳужжатлари бор. Артистканинг ўлими ҳолати бўйича фақат гувоҳ сифатида иштирок этганман, ҳолос. Терговчидан менга қарши гувоҳлик берганлар билан юзлаштиришини талаб қилсам, у ваъда берди, аммо бажармади. 1937 йил 21 ноябрда эса судда ўн йил бериб юбордилар. Отам вафот этганида мен 11 яшар бола эдим. Унинг диндор бўлганида менинг айбим нима? Мен ҳеч қачон судланмаганман. Одам ўлдириш эмас, умуман инсонга қўл кўтармаганман. Ахир ўзлари диний оилада тарбия топган деса -ю, яна ЎзССР ЖКнинг 66 модда I қисмини қўллаб айб қўйишса, бу нима деган гап ахир....

2-участка, Волголаг НКВД,  
Углич гидроузелининг 125130 - рақамли маҳбуси

1939 йил 27 апрелда бу хатга Ўз ССР НКВД Саджая томонидан рад жавоб берилди. Шундан сўнг, Угличдан 1939 йил 2 сентябрида ЎзССР Прокурори номига, 1939 йил 8 сентябрда

СССР Генераль комиссари Берияга, 1940 йил 19 май куни ЎзССР НКВДси Саджаялар номига шикоятлар ёзди. Уларда советча терговнинг энг тубан усуллари, сўроқ жараёнидаги инсонни таҳқирлаш, жисмоний қийноқ, ташна ва оч ҳолда узоқ вақт тик оёқда туриш натижасида ақлдан озиш даражасига боргач қандайдир қоғозларга қўл қўйгандирман аммо, Ватаним олдида ҳеч бир айбим йўқ, дейди. Бироқ 1940 йил 15 июнда унинг барча аризалари рад этилди. Шундан сўнг ҳеч кимга шикоят ёзмади, тақдирга тан берди.

Жазони ўтаб қайтган Нуриддин Муфтизода Бўстонлик туманига акаси Салоҳиддин Муфтизоданинг олдига келади. Буни 1948 йил 20 декабрда унга юборилган сўровнома ҳам тасдиқлайди. Бироқ, акаси қайтадан камоққа олингач, Н.Муфтизода унинг уйидан чиқиб кетади ва “изсиз” йўқолади.

1965 йил 22 апрелда Нуриддин Муфтизода Юқори Чирчиқ тумани, Янги бозор посёлкаси, Будённий кўчаси, 47-уйдан ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси Ё.Насриддинова номига ариза ёзиб, нусхасини ЎзССР Олий Суди раисига йўллайди. Шундан сўнг унинг иши қайта кўриб чиқишга топширилди. 1965 йил 8 июлда ЎзССР Олий Судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси Нуриддин Муфтизодани айбсиз деб топади ва 1937 йил 21 ноябрдаги НКВД “учлик” қарорини бекор қилади. Қуйида эса Сизнинг эътиборингизга тоталитар тузумнинг мудҳиш зулмларини бошидан ўтказган беайб ватандошларимизнинг дил фиғонларини ифодаловчи аризаларини келтираимиз.

*Верховному Прокурору Казах ССР, гор. Алма – ата,  
От Муфти-заде Салахитдина,  
содержащ. в/ш л/п 6-го отделения Стенлага МВД СССР*

### **Заявление**

Приговором выездной сессии Карагандинского областного суда от 27 августа 1954 г. я, Муфти-Заде, определен как осужденный ранее по якобы тягчайшему преступлению (по ст. 58 10 ч. I к десяти годам заключения).

Таким образом, на основании Указа правительства о досрочном освобождении по активировке медкомиссии, как инвалида, меня реабилитировал гр-н прокурор. Я, Муфти-Заде в

действительности вторично осужден по ст. 58 10 по составу преступления я за собой не признаю, а равно и решение областного суда рассмотревший мое дело 27 августа 1954 г. считаю не состоятельным. Надеюсь на Вашу добрую волю и принцип социалистической Законности – мое заявление с просьбой о пересмотре моего дела по существу будет Вами санкционировано в свете Советского правосудия.

Посланная мною кассационная жалоба на несостоятельность решения суда мною была вручена председателю областного суда от 30 августа с/ч, на которую нет ответа.

Вынужден заявить, гр-н прокурор, что несостоятельный приговор по существу моего дела задерживает определение на кассационную жалобу, что также считаю незаконным.

Мне 69 лет и несмотря на свой преклонный возраст в течении пяти лет работаю в лагере в качестве агронома и приношу большую пользу государству. Прибывая на воле, я мог бы приносить более эффективную пользу на благо нашей Родины.

Остаюсь заранее благодарным в надежде на то, что просьба о пересмотре моего дела будет удовлетворена.

*Гор. Балхаш, Казах. ССР.*

*Муфти-Заде Салахитдин*

*(подпис)*

*20 окт. 1954 г.*

**Ўзбекистон ССР Олий совети Президиуми раиси  
ўр. Насриддиновага**

*Юқори Чирчиқ район, Янгибозор посёлька,  
Будённий кўчаси, 47-ҳовлида яшовчи  
Муфтизода Нуриддин томонидан*

**Ариза**

Мен 1904 йил Тошкент шаҳрида туғилганман. 1918 йили комсомол сафида тарбияланиб совет мактабида ўқишни давом эттирдим. 1919 йили комсомол ташкилоти топшириғига мувофиқ Тошкент Шайхонтохур даҳа подрайкомсомолида котиб ва бир вақтда Эски шаҳар маҳалла комиссиясида котиблик вазифаларида ишладим.

1925 йили МК Комсомол ташаббуси билан Боку шахридаги II даражадаги фирқа шўро мактабига ўқишга кетдим ва бир йилдан сўнг мактабни тугатиб Тошкентга қайтиб келдим. Сўнг Икромов номидаги Тошкент босмахонасида мусахҳиҳлик вазифасида ишлай бошладим. Шу вазифада 1932 йилгача ишлаганимдан кейин МК Комсомол қарори билан Ўзбекистон ишчи-ёшлар театрусини ташкил қилиш менга топширилди ва шу театруда директор ва бадний раҳбар лавозимларида 1937 йилгача ишлаб келдим.

Мен ҳеч қандай айбим бўлмагани ҳолда 1937 йил 14 апрель куни “Учлик”нинг ҳукми билан қатағон қурбони бўлдим. Менга 10 йиллик қамоқ жазосини бериб, МТЛга жўнатдилар. 5 йиллик қамоқ жазосини Туклич гидро электро станцияси қурилишида ишлаб ўтказдим.

Қолган 5 йиллик қамоқ муддатини Нижний Тагилдаги лагерда ўтказиб, тўлиқ қамоқ муддатини ўтаб қайтдим. Лагер шароитида мен ҳам бошқа маҳбуслар қатори ишлаб ўз вазифамни бажариб бордим. Мен ҳануз ўз айбим нимадан иборат, нима учун мени қамадилар? Ҳануз бундан беҳабарман. Менга қўйган айбларининг бари уйдирма бўҳтондан иборат эди.

Мен қамоқдан қайтиб келганимдан бери Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани соғлиқни сақлаш бўлимида оддий хизматчи сифатида ишлайман.

Лагердан орттириб келган касаллигим сабабли ҳар йили бир неча ойлаб шифохонада даволанаман. Шифокорларнинг ҳозирчалик менга қўйган касаллик таъхислари шулардан иборат:

Атеросклероз, кардиосклероз, гемолитич, анемия, жигар церрози, язвенний калит, анацидной гастрит, Хронический бронхит.

Бу касалликлардан ташқари яна бошқа маънавий жабр-стамлар тортишга тўғри келди.

Қамоқдан уйга қайтгач бола-чақадан абадий айрилибман. Уй-жойларим қаровсиз қолган. Шу билан бир қаторда 1937 йили мени қамоққа олганларида Комсомол билетим, меҳнат дафтарчам ва кўпгина зарур ҳужжатларимни ҳам олиб кетганлар. Ҳамон уларни тиклаш менга мумкин бўлмай келади.

Мана булар менга тинимсиз маънавий азоб беради. Менинг бошимга тушган ноҳақ жазо муддатини ўтаб келдим, бу мени

Ўлгунимча қийнайди. Гўёки мен шу жазога лойиқ айб қилгандек кўринаман. Бу азоб фақат мен учун эмас, ака-укам, қариндош уруғларим учун ҳам азобдир.

Шунинг учун мени “ишим”ни қайтадан кўриб қонуний ҳуқуқимни қайтаришингизни сўрайман. Мен оз қолган умримни совет элининг содиқ фуқароси эканим билан фахрланиб ўтказайин.

Мени ёшим ҳозир 62 да саломатлигим жуда ночор. Мен бундан сўнгги умримни қонуний давлат нафақаси асосида ўтказишдан бошқа иложим йўқ. Бунинг учун мени меҳнат стажимни қайтариб олишим, мени ноҳақ қамалганимни тасдиқловчи ҳужжат асосида бўлади. Бу шубҳасиз сизнинг кўмагингиз ва менинг ўтган ишимга қонуний мулоҳаза қилишингиз билан рўёбга чиқусидир.

*Сиздан кўмак сўраб, эҳтиром билан,*

*Н.Муфтизода (имзо)*

*22.04.1965 йил.*

Хуллас мустабид тузумнинг қатағон сиёсати натижасида Салоҳиддин ва Нуриддин Муфтизодалар умрининг энг азиз онларини совет қамоқхоналарида ўтказди. Туркистон /Ўзбекистон/ тарихида бундай жабрдийда инсонлар жуда кўп. Уларнинг “гуноҳи” аслида истибоддга, миллатнинг таназзулига чидай олмаслигида эди. Юқорида келтирилган аризалар эса бу фикримизга яна бир бор далил бўла олади. Зеро, тоталитар тузум қатағон сиёсати қурбонларининг фожиали ҳаёт йўлларини, ижодий меросини ўрганиш, уларнинг миллатимиз олдидаги хизматларини изчил тадқиқ этиш ҳамон тарихчи олимлар олдида долзарб масала сифатида кўндаланг турибди. Тарихий жараёни ҳужжатларга асосланган ҳолда илмий таҳлил қилиш шахс, миллат ва жамият тақдири ҳақида бор ҳақиқатни юзага олиб чиқади. Ана шундай тарихгина келгуси авлодга йўл кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

## ДЕХҚОНЛАРНИ “ҚУЛОҚЛАШТИРИШ” ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР (Фарғона вилояти мисолида)

... 30-йилларда қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига “халқ душманининг фарзанди” деган тамга босилган. Умуман, совет тузуми ва мафкураси миллионлаб одамларни майиб қилган, уларнинг тақдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёрув кунларни кўрмасдан бу дунёдан ўтиб кетган<sup>10</sup>.

*Ислом Каримов*

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида Ватанимиз тарихини таҳлил этиш ва бу тарих билан кенг халқ оммасини қуроллантириш, тарбиялашга оид қатор методологик йўлланмалар илгари сурилган. Асарнинг “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак” бобида шундай ёзилган: “Мамлакатимиз эришган ютуқларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун бугунги ҳаётни кечаги ҳаёт билан солиштириб кўриш керак. Шундан кейин одам бугунги ҳаётнинг қадрига етади. Юртимиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз ҳаёти, оиласи, қишлоғи мактаби, ишхонаси мисолида кўрган кишига ўтган кунлар билан бугунги куннинг фарқи ҳамда афзалликлари тўғрисида ташвиқот юргизишга ҳожат қолмайди.”<sup>11</sup> Китобнинг “Тарих – бамисоли кўзгу” деган бобида эса тарихни билиш ҳаётини зарурат эканини кўрсатиб биз қайси асрда яшайганимизни англаш ҳаммамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган,

<sup>10</sup>Каримов Ислом. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. 122-бет.

<sup>11</sup>Каримов Ислом. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. 79-бет.

аждодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ деган фикр айтилди. Юртбошимиз Тошкент шаҳрида Қатагон қурбонлари хотираси музейини очилганини эслаб мана бу фикрни айтишни лозим кўрди: “Мақсад – одамлар ҳақиқий тарихни билсин. Лекин мана шу яқин ва узоқ тарих ҳақидаги ҳақиқатни ёзишга, уни фарзандларимизга етказишга интиладиган фидойи одамлар, афсуски, жуда кам. Совет давридаги зулм ва кўркувга асосланган мафкура сиёсатнинг таъсири бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, ичимиздаги кўрқоқлик хали ҳам, таассуфки, тўлиқ барҳам топгани йўқ.

Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ бир кўзгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз.”<sup>12</sup>

Ислому Каримов кўп бора мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзишни тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қилишгача етиб борди. “Ўша даврда – деб ёзади И.Каримов – яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамокда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарур.

Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради.

Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тугилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни захарлайди, онгу дунё қарашини чалғитади.”<sup>13</sup>

Тарихимизнинг ана шундай оғриқли, ҳасратли, фожиали, бузилган, сохталаштирилган саҳифаларидан бири юртимизда советлар томонидан зўравонлик билан амалга оширган якка деҳқон хўжаликларидан коллектив хўжаликлар, яъни колхозлар тузиш, уни ҳоҳламаган, унга киришни истамаган мулкдор, ўзига тўқ, ўртаҳол деҳқонларни ҳатто камбағал батракларни куч

<sup>12</sup>Каримов Ислому. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий соадатдир. “Ўзбекистон”. 2015. 109-112 - бетлар.

<sup>13</sup>Каримов Ислому. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий соадатдир. “Ўзбекистон”. 2015. 112-бет.



ишлатиш органлари орқали кулоққа тортиш, сиёсий жиҳатдан қатағон қилиш сиёсати ва амалиётидир. Бу мавзу кенг қамровли, катта ва долзарб масала сифатида тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Айни тарихимизнинг шу саҳифалари, советлар даврида бузилиб, сохталаштирилиб келинди.

Истиклол арафасида, мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори Ўзбекистонда ўтказилган коллективлаштириш, кулоқлаштириш, кулоққа тортилганларни сиёсий қатағон қилиб, уларни концентрацион лагерларда қамоқ жазосини ўташга, отувга, узоқ юртларга сургун қилишга ҳукм қилинганлар тақдирини, қисматини ҳолисона ўрганиш имкони яратилди. Бу мавзуда талайгина мақолалар, рисоалар, монографиялар, архив ҳужжатлар тўпламлари нашр этилди, номзодлик диссертациялари ёқланди, ҳозирда бир қанча тадқиқотчилар докторлик диссертациялари устида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур асарлар, тўпланган материаллар “Қатағон қурбонлари хотираси музейи”дан жой олган. Бироқ, мазкур илмий йўналиш бўйича қилиниш лозим бўлган ишлар талайгина.

Бу мақолада биз фақат ҳозирги Фарғона вилояти ҳудудида ўтказилган коллективлаштиришда кулоққа тортилган деҳқонларни тақдоран қатағон қилиниши ҳақида айрим маълумотлар келтираемиз. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда коллективлаштириш ва кулоққа тортиш сиёсати ва амалиётини ўтказишда Марказдан келган директив кўрсатма ва йўриқномалар асосида иш кўрган маҳаллий раҳбарлар кўпдан-кўп хато ва нуқсонларга, қинғайиш ва бузилишларга йўл қўйганлар. Бунда Марказдан келган, ниқобланган десант ходимларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Оқибатда жойларда партия, совет, молия органлари, ГПУчилар деҳқонларнинг ерини мусодара қилиш, қирқиб олиш, уларга атайин бажариши ҳеч иложи бўлмаган миқдорда ғалла, пахта солиғи солиш, бунинг уддасидан чиқа олмаганларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш, қамоққа олиш, мулкни мусодара қилиш ўзларини ўзга юртларга сургун этиш каби ноқонуний ишлар амалга оширилган. Деҳқонлар, диндорлар, руҳонийлар, ҳунармандлар кўркув даҳшатиға гирифторм бўлганлар, ерларини, молу-мулкни беркитишға уй ҳайвонларини сотишға, сўйишға, камбағалларға

бепул бериб юборишга, хатто ҳорижга бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Ҳали ёппасига коллетивлаштириш ва унинг негизида кулоқ қилиш оммавий тус олган 1927-1929 йиллардаёқ Ўзбекистон қишлоқларида ижтимоий зиддият ниҳоятда кескинлашиб кетган.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 24 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёппасига коллективлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб тегишли қарор қабул қилади.

Ўзкомпартия МК пленуми Ўзбекистонда коллективлаштириш суръатлари тўғрисидаги қарори билан ўтказилган коллективлаштириш натижаларини таҳлил қилиб бу соҳада сиёсий хатоларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилади. Натижада Ўзбекистон бўйича коллективлаштириш 47,2 фоиз, Андижон округида 57,3 фоиз, Тошкент округида 57,5 фоиз, Қўқон округида 49,6 фоиз, Сурхондарё округида 57,1 фоиз, Самарқанд округида 51 фоиз бажарилгани ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 6 январдаги директив кўрсатмасига ҳилоф иш тутилгани кўрсатиб ўтилган. Марказ директивасида коллективлаштиришни аста-секинлик билан омманинг чинакам ҳаракати асосида ўтказилиши кўрсатилган. Аммо бу жараён сунъий равишда жадаллик билан тезлаштирилган тарзда ўтказилган. Оқибатда коллективлаштиришнинг анча юқори шакли қишлоқ хўжалиги артелига ўтиш учун тайёргарлик, ерни, ишлаб чиқариш воситаларини, ишчи ва маҳсулот учун ҳайвонларни умумлаштириш жойларда коммуналларга ўтиш учун ҳаракатлар, зўравонлик билан кўпдан-кўп майда колхозлар юзага келтириш бўйича қинғайишлар, мутлақо кераксиз маъмурийлаштириш юз берган. Коллективлаштириш учун аввал бошдан кулоқлаштириш жорий этишдек мутлақо нотўғри сиёсат қўлланилган. Бундай хато ва қинғайишларнинг қатор сабаблари бўлган:

— Ўзбекистоннинг иттифоқнинг илғор районларига қараганда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қолоқлиги ҳисобга олинмаган;

— Ўзбекистоннинг ички айрим районларидаги ҳар хил ижтимоий-иқтисодий шароитлар етарли даражада ҳисобга олинмаган;

— ўртаҳол оммани коллективлаштириш ғоясига тайёр эмаслиги тўғри баҳоланмаган;

— батрак-камбағал омманинг уюшқоклиги даражаси эътиборга олинмаган;

— қишлоқдаги партия ва совет ташкилотларининг заифлиги, уларга раҳбарлик қилиш округ ташкилотлари томонидан яхши йўлга қўйилмаган;

— бойларнинг ўртаҳол деҳқонларга, айниқса, камбағалларга таъсири кучлилиги ҳисобга олинмаган;

— қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдаги ишлар баҳорги экиш кампанияси қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотларини кўпайтириш вазифалари билан боғлаб олиб борилмаган;

— жорий экиш кампаниясида индивидуал секторнинг аҳамиятига эътибор қаратилмаган;

— қишлоқ хўжалиги банки томонидан якка хўжаликларга кредит бериш деярли тўхтатиб қўйилган;

— якка хўжаликларга қишлоқ хўжалиги инвентарлари берилмай қўйган;

— колхозлаштиришнинг ихтиёрийлик тамойиллари бузилган, зўрлаш, қўрқитиш, ҳибсга олиш усуллари қўлланилган;

— қулоқларга қарши кураш бўйича партия директиваси бузилиши натижасида бойларни ўртаҳол ва камбағаллар оммасига таъсири кучайиб кетган;

— қинғайишлар, бузилишлар, маъмурийлаштириш қишлоқ хўжалигида якка хўжалик секторининг аҳамиятини тўғри баҳоланмасликка, бунинг натижасида ўртаҳол деҳқон билан иттифоқ тузиш ишига хавф солинган.

Энг катта ва асосий хато коллективлаштириш асосида қулоқларни тугатиш сиёсати ўрнига қулоқлаштириш орқали колхозлаштириш сиёсати қўлланилган.<sup>1</sup>

Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисини коллективлаштиришга қарши кураш олиб боришга олиб келди.

Деҳқонлар оммасининг колхозлаштиришга қарши ғалаён ҳаракатлари кенг оммавий тус олди. Буни ОГПУнинг “Респуб-

---

<sup>1</sup> Российский государственный архив социально политической истории – РГАСПИ – Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви – РИСТДА. (Бундан кейин РИСТДА) 62-фонд, 1-руйҳат, 651-иш, 380-421-варақлар.

**ликаларда коллективлаштириш билан боғлиқ деҳқонларнинг оммавий чиқишлари масаласи бўйича маълумотнома**”сида яққол кўриш мумкин.

1929/1930 йилда Қўқон районидан 737, Бувайда районидан 967 хўжалик қулоқ хўжалиги сифатида рўйхатга олинган бўлса, 1930/1931 йилда Қўқон районидан 286, Бувайда районидан 387 хўжалик қулоққа тортилган.<sup>2</sup>

СССР ОГПУси 1930 йил 11 январда жойларда 771-сонли директива йўллаб ОГПУ органлари тизимидагиларга “Қулоққа қарши зарба бериш”ни вазифа қилиб қўйди. Ўз навбатида жойларда коллективлаштиришга қарши ҳаракатлар кенг қулоқ ёзди. Бу ҳаракатларнинг характерли белгиларидан бири режа бўйича коллективлаштирилмайдиган Олтиариқ, Риштон, Бувайда районларида бундай чиқишлар кўп бўлган. Коллективлаштириш кўзда тутилмаган бу районлардаги ходимлар ким ўзди қабилида маъмуриятчиликка берилиб, объектив ҳолат билан омманинг коллективлаштиришга нисбатан муносабати ва бошқа ҳолатлар билан ҳисоблашмай иш тутган. Фарғонада коллективлаштиришга, қулоқлаштиришга қарши чиқишлар шу қадар кўп бўлгани сабабидан бу ерга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Лепа, ЎзССР Халқ Комиссарлар совети раиси Файзулла Хўжаев, Республика ГПУси раиси Перконлар ҳарбий қисм билан етиб келганлар. Фарғона округида 1-25 февраль кунлари 15 та кучли чиқишлар бўлиб, уларда 10 мингдан зиёд аҳоли қатнашган.<sup>3</sup>

Бундай чиқишлар март ойида юқори даражага кўтарилган. 1-5 март кунлари 45 та ғалаён бўлиб, уларда 17365 киши қатнашди. Бунда кўтарилиш жойлардаги тарғиботдан амалий фаолиятга ўтиш билан боғлиқ бўлади. Колхозга киритиш учун одамлар аниқланиб рўйхатлар тузила бошланди. Хўжаликларнинг хайвонлари, инвентарлари, мол-мулки ва бошқаларни рўйхати олина бошланди.

Боғдод районидаги деҳқонларнинг ғалаёнлари ана шундай рўйхатлар тузилиш бошланганида кенг авж олиб кетди. Чуварин қишлоқ советида йирик колхоз тузилганига қарши бойлар ҳақсизлардан иборат 150 киши колхоз тузувчи вакилга

<sup>2</sup>РИСТДА, 68-фонд, 2-рўйхат, 2138-иш, 60-65 ыарақлар.

<sup>3</sup>РИСТДА, 68-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 3-6 ыарақлар.

ташланган, 2 киши қаттиқ жароҳатланган, қишлоқ совети раиси қочиб кетган. Оломон тоғолди қишлоғига боргунча ўз сафида 600 кишини жипслаштирган. 5 та қишлоқдаги барча колхозлар аъзолари рўйхатлари ёқиб юбрилди.<sup>4</sup>

100 фоиз коллективлаштирилган Хожан қишлоқ советида комиссия ҳайвонларни баҳолаётган пайтда 500 деҳқон қатъийлик билан бизларга колхоз керак эмас, колхоз раҳбарларини тезлик билан бўшатишни талаб қилиб чиққан.<sup>5</sup>

1930 йил 6 мартдан 15 мартгача бўлган даврда Фарғона округида жами 45 та деҳқонлар ғалаёни бўлиб уларда 21481 киши қатнашган. Бу чиқишларда “Колхозлар тарқатиб юборилсин”, “Бизга колхозчилар рўйхати берилсин”, “Бизларга колхоз керак эмас”, “Зўравонлик билан колхозга киришни талаб қилаётган комиссияга қарши жисмоний куч ишлатамиз”, “Коллективлаштириш бекор қилинсин”, “Ҳайвонлар, қишлоқ хўжалиги инвентарлари умумлаштирилмасин”, “Колхозчилар рўйхатлари йиртиб йўқ қилинсин” каби шиор ва талаблар илгари сурилган.

Кўқон районида партия аъзоси, даҳа раиси Худойназар Хўжаназаров бир неча коммунистлар билан бирга Катта Ашрабод, Имомбобо, Тегирмонбоши, Қирлиқ қишлоқларидаги масжидларни ёпиб эшикларини қулфлаб қўйганлар, бордию қулфни бузиб масжидда намоз ўқиладиган тақдирда, уларнинг барчаси ҳибсга олинадилар деб огоҳлантирган. Натижада қўплаб қишлоқ аҳли шаҳарга қочиб кетадилар. Боғдод райони Чувалачи қишлоғида Мулла Мамажонов мажбурий зўрлик билан 5 та қишлоқ таркибида йирик колхоз тузишда “Ким колхозга кирса қўй ёғи ва гўштини ейди, колхозга кирмаса қизил қалампир чайнайди” деб айтганида оломон колхоз қуришга келган вакилларни дўппослайди. Бундай чиқишларга жавобан советларнинг куч ишлатиш органлари деҳқонларни кулоққа тортиш, уларни молу-мулкини тортиб олиш, ўзларини ҳибсга олиш, қамоқ жазоси бериш, оилалари билан Республиканинг ички хуудларига ва Ўрта Осиёдан ташқари хуудларга сургун қилиш сиёсатини амалга ошириш билан жавоб бердилар.

Шу ўринда тегишли архивлардан олинган материаллар асосида кулоқ қилинганларни такроран қатагон қилишга оид

<sup>4</sup> РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 811-нш, 2-варақ.

<sup>5</sup> Уша архив ўша жой

материалларни келтиришни лозим билдик. СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1927 йил 9 июндаги қарори асосида ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузурдаги ушликнинг 1930 йил 17 декабрда йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш мазмуни 114 – баённомада ўз аксини топган.

Йиғилиш ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси Л.Г.Миронов раислигида, аъзолари – М.Д.Берман ОГПУ Ҳарбий бўлим бошлиғи Бабкевич ЎзССР давлат прокурори ёрдамчиси котиб Ковач иштирокида ўтган 63 та иш кўриб чиқилган, 94 киши устидан ҳукм чиқарилган. Улар орасида Фарғона округидаги фуқаролар ҳам бўлган. Мана улар:

1. **Абдухалил Муҳаммад Алиев** – Кўқон маҳбуслар уйида турган, 26 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР Жиноят Кодексининг (бундан сўнг ЖК) 168 моддаси билан 2 йил муддатга концлагерга ҳукм қилинган. Муддати 1930 йил 2 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

2. **Шермат Умарбеков** – Кўқон маҳбуслар уйида сақланган, қирғиз, 49 ёшда, бой, ЎзССР ЖК 63 ва 66 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддат 1930 йил 14 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

3. **Кўқонбой Мажиулов** – Кўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, 22 ёшда, бой, ЎзССР ЖК 168, 66 модда 1 банди билан айбланган, 3 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 18 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

4. **Омонулла Аҳмадулла**, унинг ўзи **Омонуллаев Абдулла** – Кўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, 36 ёшда, имом, ЎзССР ЖК 58-7 ва 58-10 моддалари билан айбланиб, 3 йил концлагерга ҳукм қилинган, муддати 1930 йил 30 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

5. **Хошим Ортиқов** – Фарғона шаҳридаги маҳбулар уйида сақланган, 40 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 ва 66 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 26 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара этилган.

6. **Абдулмусавир Абдулхамидов** – Кўқон маҳбуслар уйида сақланган, 41 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 ва 66 моддалари билан айбланган. 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 26 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

7. **Йўлдош Мавлонқулов** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан айбланиб, 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 24 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

8. **Тайлама Қарғдиев** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, 34 ёшда, қирғиз, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

9. **Хожимирол Муҳиддинхўжаев** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, 57 ёшда, тожик, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан айбланиб 3 йил муддатга Ўрта Осиёда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

10. **Иминжон Муҳаммадалиев** – Фарғона шаҳар тузатув уйида сақланган, 42 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 моддаси билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 2 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

11. **Нилёз Ҳасанбоев** – Фарғона шаҳар тузатув уйида сақланган, 38 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168-моддаси билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 4 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган.

12. **Хомидбой Қозоқбоев** – Боғдод райони милициясида ҳибсда турган, 30 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 66 ва 168-моддалари билан айбланиб, 5 йил концлагерга ҳукм қилинган, муддати 1930 йил 17 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара этилган.

13. **Маҳсудали Маҳкамбоев** – Боғдод райони милициясида ҳибсда турган, 48 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 66 ва 168-моддалари билан айбланиб, қамоқдан озод қилинган ва яшаш жойидан чиқиб кетмасликка ҳукм этилган.

14. **Абдулла Зокиров** – Фарғона тузатув уйида ҳибсда сақланган, 22 ёшда, тожик, бой ЎзССР ЖК 168-моддаси билан айбланган, ўз яшаш жойидан чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат олиниб озод қилиниб, ишни судга беришга ҳукм этилган.

1933 йил 16 мартда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг аъзолари Райский, Амелин, Загвоздин, Вальтел, Арандлар иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтган ва унинг тафсилотлари 26-сон баённомада акс эттирилган.

75 – рақамли иш кўрилган, улар орасида Фарғона округидан бўлган маҳбуслар ҳақида ҳам ҳукм чиқарилган.

435/539-сонли иш бўйича 4 киши отувга, 2 киши 10 йил МТЛ га ҳукм этилган. Бу 6 нафар маҳбус Қўқон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда сақлаб турилган. Улардан қуйидагилар отувга ҳукм этилган:

1. Абдуқодир Махсум Окэшон Мадумаров – 52 ёшда, қирғиз, Қирғизистон АССР Ўрозбекобод райони Учтепа қишлоғидан, эшон.

2. Авлиёхонтўра Абдуллаев – 47 ёшда, ўзбек, Авлиёота шаҳридан, эшон.

3. Хасанхўжа Исахонов – 45 ёшда, ўзбек, Марғилон районидан, эшон.

4. Фозилжон Махсум Сулаймон Хўжаев – 64 ёшда, ўзбек, Марғилон шаҳридан, имом.

Ўша учликнинг 1933 йил 4 апрелдаги йиғилишида 75 та иш кўрилган. Улар қаторида Фарғоналиклардан 4 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган:

1. Охун Саматов – Қўқон сиёсий маҳбуслар уйида сақланган, 1892 йили туғилган, қирғиз, эшон. ЎзССР ЖК 78 ва 66 моддаси 1 банди билан 10 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1932 йил 5 сентябрдан ҳисобланган.

2. Ғофир Мирзақосимов – 41 ёшда, ўзбек, бой ўғли, Ворошилов райони Кўк кичик қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66 моддаси билан 5 йил концлагерга концлагерга ҳукм этилган, муддати 1932 йил 22 декабрдан ҳисобланган.

3. Бўтабой Тошматов – Фарғона тузатув уйида ҳибсда сақланган, 44 ёшда, ўзбек, қулоқ, Қўқон райони Қўшчиқишлоқ совети Қўшчи қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66 ва 80 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1933 йил 16 январдан ҳисобланган, иш архивга топширилган.

4. Абдумалик Абдулқосимов – Фарғона шаҳар тузатув уйида ҳибсда сақланган, 37 ёшда, ўзбек, қулоқ, Юқори қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66 ва 30 моддаси 3 қисми билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, иш архивга топширилган.

1933 йил 25 майда учлик (Ўзбекистон ГПУ раиси ўринбосари Гильман раислигида, аъзолари Вишневский, Иваницин,



Пантелеев иштирокида) йиғилишда 36 та жиний иш кўриб чиқилган. Уларнинг барчаси Фарғона округидан бўлган. Уларнинг деярли барчаси Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган:

1. **Мирзаали Саидалиев** – 35 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Пахтабод қишлоғидан. ЎзССР ЖК 13-78, 80, 226/1 моддалари билан айбланиб 5 йил муддатга тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 26 декабрдан ҳисобланган.

2. **Содиқ Тошбоев** – 36 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Кўрғонча қишлоғидан. ЎзССР ЖК 13-78 моддаси 1 банди, 80 моддаси билан айбланиб, 3 йил МТЛ га ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган.

3. **Қорабой Худойберганов** – 59 ёшда, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Пахта қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78, 80 моддаси билан айбланиб, оиласи билан махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм қилинган.

4. **Эргашхўжа Раҳимхўжаев** – 36 ёшда, ўзбек, руҳоний оиласидан, кулоқ, ҳақсиз, Ўш шаҳридан. ЎзССР ЖК 13-78, 80, 226-моддалари билан айбланиб, оиласи билан махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм этилган.

5. **Мулла Ғофур Ғойибназаров** – 39 ёшда, ўзбек, кулоқ, Боғдод райони Жалойир қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78 моддаси билан айбланиб, 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган.

6. **Маматкул Абдурахмонов** – 36 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Қоратепа қишлоғидан. ЎзССР ЖК 13-78 ва 66 моддаси 7 банди билан айбланиб 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган.

7. **Турдибой Раҳимбоев** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 34 ёшда, ўзбек, Чувалачи қишлоғидан. ЎзССР ЖК 77, 66 моддаси, 1-банди билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган.

8. **Қўчқар Йўлдошев (Тўхтабоев)**–Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, ўзбек, собиқ имом, савдогар, Каганович райони Нурсук қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66, 78, 226/2

моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган.

9. **Абдурахмон Арслонов** – Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 43 ёшда, ўзбек, кулоқ. ЎзССР ЖК 80 моддаси “ж” банди ва 106 моддаси билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 23 июндан ҳисобланган.

10. **Ортиқбой Хайдаркулов** – Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 19 ёшда, ўзбек, кулоқнинг укаси, Бешариқ райони Ропкон қишлоғидан. ЎзССР ЖК 106 моддаси ва 88 моддаси “в” банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 20 апрелдан ҳисобланган.

11. **Исоқбой Эшназаров** – Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 39 ёшда, ўзбек, кулоқ. ЎзССР ЖК 106 ва 88 моддаси “в” банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

12. **Сотиболди Холбоев** – Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 35 ёшда, ўзбек, Бешариқ райони Валик қишлоқ совети Валик қишлоғидан, кулоқ, ЎзССР ЖК 106 ва 88 моддаси “в” банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

13. **Ҳамидхўжа Махмудхўжаев** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 7 февралдан ҳибсда сақланган, 40 ёшда, тожик, кулоқ, Қоратепа қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66, 166-3 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 февралдан ҳисобланган.

14. **Худойберган Ашурматов** - Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 22 ёшда, тожик, кулоқ, Қоратепа қишлоғидан, кулоқ. ЎзССР ЖК 66, 166-3 ва 63 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 февралдан ҳисобланган.

15. **Давлат Мадалимов** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 45 ёшда, тожик, кулоқ, Қоратепа қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66, 166 ва 63 моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 24 декабрдан ҳисобланган.

16. **Мулла Жамоллиддин Хаитматов** – Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 24 декабрдан ҳибсда сақланган, 38 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, Катта Янгин қишлоқ совети, Гри қишлоғидан. ЎзССР ЖК 66, 78, 226-2 моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 24 декабрдан ҳисобланган.

17. **Ботирали Ғозиев** – 1931 йил 25 январдан меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 1890 йили туғилган, Бешариқ райони Набитол қишлоғидан, ўзбек. ЎзССР ЖК 78, 101 ва 67 моддалари билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 26 январдан ҳисобланган.

18. **Ашурмат Холматов** – 1933 йил 6 апрелдан меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 1877 йили туғилган, Бешариқ райони Набитол қишлоғидан, ўзбек, ўртаҳол. ЎзССР ЖК 78, 101 ва 67 моддалари билан айбланиб 3 йилга Қирғизистонга сургун қилишга ҳукм этилган, муддати 1933 йил 6 апрелдан ҳисобланган.

19. **Йўлчибой Тўйчибоев** – 1933 йил 22 мартдан Кўкон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда турган, Молотов райони Бешкапа қишлоғидан 1905 йили туғилган, ўзбек, кулоқ. ЎзССР ЖК 80 ва 106 моддаси 2 банди билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 22 мартдан ҳисобланган.

20. **Исмоил Хотамқулов** – 1933 йил 30 мартдан Кўкон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 50 ёшда, ўзбек, кулоқ. ЎзССР ЖК 106 моддаси билан айбланиб махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм қилинган.

21. **Хошим Собиров** – 1933 йил 23 мартда Кўкон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, Бешариқ райони Қорабўйин қишлоғидан, ўзбек, кулоқ. ЎзССР ЖК 106 моддаси билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 22 мартдан ҳисобланган.

22. **Исроил Мамадалиев** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 7 мартдан ҳибсда турган, 44 ёшда, ўзбек, кулоқ, Марғилон райони Ўтинчи қишлоғидан. ЎзССР ЖК 67 ва 175 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 июлдан ҳисобланган.

23. **Мадумар Курбонов** – 1932 йил 27 декабрдан Боғдод район 2-Боғдод қишлоғидан, Боғдод район милициясида ҳибсда турган, ўзбек, қулоқ. ЎзССР ЖК 66 моддаси 2 банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 27 декабрдан ҳисобланган.

ОГПУнинг Кўкон оператив сектори 1934 йил 31 январда 223-сонли Ҳамданхожи Қаландаровнинг ишени кўриб чиқади. Айблов ҳулосасида Ҳамдамхожи Қаландаров 38 ёшда, Бешариқ райони Андархон қишлоғида туғилган, бойнинг ўғли, Бешариқда яшаган, ўтмишда бой, 1923 йилдан 1931 йилгача хайвон ва дон савдоси билан шуғулланган, оилалик, 2 хотини, 4 нафар фарзанди бор, саводсиз, партиясиз, судланмаган, ҳарбий мажбуриятга эга эмас. ЎзССР фуқароси, 1918 йилдан “босмачилар” кўрбошчиси бўлган, 1919 йилдан 1922 йилгача “Миллий иттиҳоди тараққий” аъзоси бўлган, 1919 йилдан 1925 йилгача полк командири милиция бошлиғи бўлиб хизмат қилган, 2 марта Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, ҳибсга олиш олдидан 1 уйи бўлган. Унга қўйилган айб аксилинқилобий ташкилотни бошқариб бориб жиноийи босқинчилик ва зараркунанда гуруҳларга раҳбарлик қилганликда, қурол ва қимматбаҳо буюмлар сақлаганликда, кўзғолон қилиш мақсадида 1919-1923 йилларда “босмачилик” ҳаракати оммавий тус олганда “босмачиликка” ёрдам бериб турганликда, қатор террорчилик акти содир этганликда, “Куйбишев”, “Охунбобоев”, “Болтабоев”, “Янги ҳаёт” колхозларидаги зараркунанда гуруҳларда фаолиятни бошқарганликда, ўз одамлари билан “2 - қурултой” колхозини бузилишида қатнашганликда айбланган. 1932 йил 7 декабрда ЎзССР ЖК 67 моддаси билан қамоққа олинган. У ўз айбларига иқроор бўлмаган. 1933 йил 19 мартдан ОГПУ доимий вакиллиги сиёсий маҳбуслар уйида ҳибсда турган. Шу қамоқхонада ҳалок бўлган. Шу боис вафот этгани туфайли ишени тўхтатиға қарор қилинган.

1934 йил 29 апрелда ОГПУ доимий вакиллиги милиция давлат бошқармасида 1933 йил 25 апрелдан ҳибсда сақланаётган Шамсутдин Умаров 1912 йили Кўкон шаҳрида туғилган, ўзбек, синфий ҳолатини йўқотган, судланган, ЎзССР ЖК 38 моддаси билан ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил муддатга меҳнат

тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1934 йил 25 апрелдан ҳисобланган.

Биз фақат айрим маълумотларнигина келтирдик. Ҳақиқат турли муддатларга МТЛ га ҳукм қилинганлар СССРнинг турли минтақаларидаги Лагерларга этап қилинганлар. Улар даставвал Тошкент яқинидаги Ўрта Осиё МТЛ га жойлаштирилган, шу жойдан бошқа лагерларга этап қилинган. Уларнинг маълум қисми ҳақиқат лагерларда ҳалок бўлган, “Катта қирғин” даврида эса уларнинг тирик қолган қисми “учлик”лар ҳукми билан отиб юборилганлар.

**Замира ИШАНХОДЖАЕВА,**  
*доктор исторических наук*

## **СИСТЕМНЫЙ КРИЗИС И ПАДЕНИЕ ТОТАЛИТАРИЗМА**

Утвердив свою власть большевики продемонстрировали, что будут беспощадно подавляться любые выступления против их всевластия. Они повсеместно, в том числе и Узбекистане, насаждали свою идеологию, свой тип культуры. 20-е годы XX века период становления в бывшем советском обществе, в том числе в Узбекистане, типа культуры, который можно охарактеризовать как противоречивый и переходный. В 30-е годы XX в. в процессе завершения эволюции советского государства утвердилась большевистская модель культуры. В результате, пройдя через множество деформаций, культура оказалась крайне ослабленной как в плане своего общецивилизационного содержания, так и с точки зрения исконно национальных обычаев и традиций.

Возглавив партийный аппарат, Сталин выступил в роли теоретика и создателя номенклатуры. На XII съезде РКП(б) в апреле 1923 г. Сталин говорил о необходимости охватить коммунистами все отрасли управления, особенно духовно-идеологический командный состав, при помощи которого партия держит в руках аппарат и осуществляет свое руководство. Одновременно выдвигались и требования к кадрам на руководящих постах: это должны быть "люди, умеющие осуществить директивы, могущие понять директиву, могущие принять эти директивы, как свои родные, и умеющие претворить их в жизнь"<sup>6</sup>.

Вошедшие в номенклатуру коммунисты переходили с должности на должность: работники, которые "проштрафились", обнаруживали некомпетентность, профессиональную непригодность и т.д., передвигались на другие, менее значимые посты. В соответствии с должностью определялись преимущества и привилегии для номенклатурных работников. Для поддержания

---

<sup>6</sup> Двенадцатый съезд РКП(б) Стеногр. отчет.-М., 1968. -С. 62-63.

материально-бытовых условий их существования был установлен некий уровень в пределах партминимума и партмаксимума.

Сложилась также своеобразная система функционирования номенклатуры. Партийные съезды, съезды Советов, профсоюзов и т.п. стали превращаться в массовые сборища номенклатуры, причем за каждым органом закреплялась своя роль. Главным становился партийный съезд, утверждающий основные установки и директивы, которые другие органы должны были претворять в жизнь. Съезды Советов и сессии ЦИК были призваны законодательно подтверждать принятые решения, создавать видимость поддержки. Номенклатура не была заинтересована в широком обсуждении вопроса, для нее важнее всего являлись четкие указания и директивы, согласно которым нужно было действовать. Всякие дискуссии и рассуждения рассматривались как мешающие делу пустая болтовня. Разгром "навязанных" партии дискуссий тщательно готовился в недрах аппарата. С этой точки зрения и необходимо рассматривать политическую борьбу на съездах и конференциях 20-х годов. Между тем внутрипартийная борьба 1924–1927 гг. характеризовалась постоянным усилением позиций номенклатурного слоя, возглавляемого Сталиным, и его возвышение сугубо аппаратными методами, интригами и инструментами власти. Идейные разногласия "правых" и "левых" для него имели второстепенное значение.

Основная масса членов партии, как свидетельствуют многочисленные документы, шедших снизу, плохо разбирались в сущности теоретических расхождений в среде политических лидеров, больше откликаясь на те или иные повороты в текущих делах. "Генеральная линия" складывалась как причудливое смешение разнонаправленных действий, проводимых сталинским аппаратом. Всякое выражение инакомыслия превращалось в серьезную проблему. Попытки оппозиции воздействовать открыто на общественное мнение встречали необходимые преграды, толкая ее на путь нелегалщины, а это, в свою очередь, создавало прецедент для политических обвинений. За оппозиционерами неотступно следовали агенты ОГПУ.

Борьба за "чистоту" марксистско-ленинской теории в национальных регионах страны, в том числе в Узбекистане,

рассматривалась союзным руководством прежде всего сквозь призму "преодоления идеологии национализма", под которым понималось стремление к свободной национальной государственности и сбережению национальной самобытности народа.

Следует сказать, что еще в первые годы советской власти Ленин, подчеркивая первостепенную важность развертывания борьбы с духовенством, другими "реакционными и средневековыми элементами", имеющими сильное влияние среди "отсталых" народов, а также с "разного рода националистическими взглядами" выдвигал перед партией задачу разработки способов этой борьбы. К середине 20-х гг. в ее решении союзным руководством уже был накоплен значительный опыт. В частности, касаясь среднеазиатского региона, удалось уничтожить вооруженную оппозицию советской власти, существенно ослабить в жизни общества роль духовенства. Однако в Узбекистане, как во всех национальных республиках Союза, если использовать терминологию тех лет, "еще не была окончательно ликвидирована экономическая и социальная почва буржуазного национализма". Поэтому актуальность борьбы против любых его проявлений для партийных верхов сохранялась. Более того обозначились новые факторы, которые усилили внимание ЦК ВКП (б) к вопросам борьбы с так называемым "местным национализмом".

Дело в том, что после образования СССР и последовательного укрепления властных позиций сталинской администрации на всем союзном пространстве, среди национальных руководителей росло разочарование в проводимой центром политики национально-государственного строительства, высказывалось недовольство усилением "колонизаторских тенденций" ЦК Всесоюзной коммунистической партии, возрождение практики "административного командования". Причем, оппозиционно настроенные национальные лидеры пытались объединить свои освободительные усилия. Аналогичные настроения царили и в Узбекистане, где после национально-территориального размежевания и образования Узбекской республики отмечался подъем национального самосознания народа, активизировались усилия либеральной



части национального руководства и передовой интеллигенции по обеспечению национально-государственной самостоятельности.

Учитывая этот фактор, ЦК ВКП (б) сразу же после образования новых среднеазиатских республик сосредоточил энергичные усилия по предупреждению "опасности", исходящей от неконтролируемого роста национального самосознания, угрозы "местного национализма".

Центральная власть опасалась, что "контрреволюция", и внутренняя и внешняя, могут взять на вооружение сам факт "национально-государственного размежевания" для развертывания "националистической пропаганды", отторжения Средней Азии от советской империи. И надо сказать, что основание для беспокойства имелись. Во второй половине 20-х г. среди зарубежной эмиграции "усиливались, — как писалось в советской печати тех лет, — голоса идеологов пантюркизма"— Заки Валиди, Мустафы Чокая, М. Расул-Заде и др., сгруппировавшихся вокруг издававшегося в Константинополе журнала "Янги Туркистон". Они резко критиковали национальную политику союзного руководства, аргументировано указывали на формальный характер провозглашения национальной государственности в среднеазиатских республиках.

В свою очередь, оживлялись оппозиционные настроения непосредственно в регионе, особенно в Узбекистане. Квалифицируя попытки местных прогрессивных сил обеспечить официально провозглашенное право на национально-государственную самостоятельность, как "националистическую контрреволюцию", правящая политическая элита центра стремилась на первом этапе прежде всего идеологически их дискредитировать. В этих целях был изобретен надуманный тезис, будто бы "внутренняя контрреволюция повела работу по раздуванию национального антагонизма, в первую очередь между российским пролетариатом и местным дехканством".

В частности, эту направленность "националистической пропаганды" отметил II съезд компартии Узбекистана (ноябрь 1925 г.). "Враждебные силы, — подчеркивалось в его документах, — пытались и пытаются удержаться во всех порях государственного аппарата и кое-где им еще удается держать под

своим влиянием низовые советские аппараты. Их последней попыткой является усиление национально-шовинистической агитации, направленной против основ Советской власти – на срыв союза дехканаина с рабочим классом”<sup>7</sup>.

Подобная трактовка разворачиваемых событий позволяла коммунистическим идеологам смести акцент с критики национальной политики советского государства в сторону классового противоборства, представив в истинные намерения и цели прогрессивных национальных сил.

Особенно острым нападкам подверглись в середине 20-х гг. джадиды. Туркестанские джадиды призывали к службе, правде и просвещению. Для них признаком прогресса и источником распространения знаний стала газета. Туркестанские прогрессисты в самом начале своей журналистской деятельности сравнивали газету с доктором вылечивающим «болезни» общества.<sup>8</sup> Утвердилась схема, согласно которой “внешняя контрреволюция” в борьбе против советской власти взяла на вооружение идеи «панисламизма»<sup>9</sup> и «пантюркизма»<sup>10</sup>, а внутренняя – в лице торговой и промышленной национальной буржуазии – идеологию джадидизма, пытаясь вдохнуть в нее новые силы.

Союзное партийное руководство, Средазбюро ЦК ВКП (б) настораживало, что определенные попытки защитить, поддержать джадидизм были сделаны даже членами партии. К примеру, уже на VII пленуме Средазбюро ЦК ВКП (б) (2-4 июля, 1925 г.), констатируя, что главным орудием борьбы контрреволюционных элементов является игра на национальных чувствах и попытки разложения советского аппарата с целью его дискредитирования, некоторые коммунисты попытались отвести

<sup>7</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т.1 - с.219-221

<sup>8</sup> Абдурашидов Зайнабиддин. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917) TIAS Central Eurasian Research Series # 5 Graduate School Humanities and Sociology The university of Tokio. 2011

<sup>9</sup> **Панисламизм** (др.греч. «Пан» - всё, и араб. Islam- ислам). Религиозно-политическая идеология в основе которой лежат представления: о духовном единстве мусульман всего мира вне зависимости от социальной, национальной или государственной принадлежности, о необходимости их политического объединения под властью высшего духовного главы (халифа).

<sup>10</sup> **Пантюркизм** (син. пантурангизм) культурное политическое течение, идеология, распространенная в государствах, населенных тюркскими народами, в основе которых лежат идеи о необходимости их политической консолидации на основе этнической, культурной и языковой общности. Сформировалось во 2-ой половине XIX века.

удар от джадидизма. Указывая на то, что реформаторская часть духовенства представляет большую опасность, чем джадиды, они ставили перед партией альтернативу: поддерживать прогрессивную (реформаторскую –авт.) часть духовенства или старых джадидов?

Но для союзных партийных верхов важно было в корне пресечь любые формы идеологической оппозиции. Поэтому Средазбюро, оценив "опасность усиливающейся националистической пропаганды в партийных рядах", призвало в решении VII пленума партийные организации повести активную борьбу со всеми ее проявлениями. В соответствии с чем в Узбекистане развернулась кампания по разоблачению "новых идеологических установок национализма".

Большое внимание проблемам "идеологического противоборства" было уделено на III пленуме ЦК КП (б) Уз (14-19 мая 1926 г.), специально рассмотревшем вопрос "Очередные задачи на идеологическом фронте". По сути пленум определил и обосновал в свете "генеральной линии" ЦК ВКП(б) политику борьбы республиканской партийной организации с "буржуазно-националистической идеологией" за упрочение позиций "пролетарского мировоззрения". В связи с этим предпринимались шаги по проведению агитационной пропагандистской работы с помощью упомянутых ранее «красных чайхан»<sup>11</sup> изб-читален, библиотек, громко-читален в городах и селах<sup>12</sup>.

Актуальными с точки зрения разворачиваемого центром идеологического наступления стали его выводы о соотношении борющихся сил в республике, превращении идеологической сферы общественной жизни в арену "наиболее обостренной классовой борьбы; о решающих направлениях борьбы на идеологическом фронте-противодействие проникновению "буржуазно-националистической идеологии" в среду рабочего класса, дехканства и особенно в ряды партии, оформление и закрепление перелома старой интеллигенции" в сторону советской власти, "разоблачение ложных позиций ее буржуазно-националистической верхушки"; усиление партийного руководства печатью, народным образованием, работой среди

<sup>11</sup> ЦГА РУз, ф. р. – 34, оп.1, д. 2607, л.18, л.19

<sup>12</sup> ЦГА РУз, ф. р. – 34, оп.1, д. 1903, л.57.

молодежи; воспитание и "закаливание интернациональных партийных кадров"<sup>13</sup>.

Исходя из соответствующего идеологического анализа экономического и политического развития республики III пленум ЦК КП(б) Уз отметил, что ведущей тенденцией, которая "обеспечивает победу основной идеи – переход к социализму", является укрепление позиций "пролетарского государства". С другой стороны, в условиях нэпа растут и укрепляются "враждебные силы". Сопротивление "национальной буржуазии", хотя она "потерпела поражение в экономической и политической областях, продолжает оставаться серьезным".

Охарактеризовав соотношение борющихся сил в республике и "вскрыв" причины "обострения классовой борьбы", пленум обратил внимание на то, что особую остроту она приобрела в идеологической сфере общественной жизни, так как "национальная буржуазия усилила атаки" по завоеванию школ, печати и других идеологических командных высот.

В борьбе с "буржуазно-националистической идеологией" Средазбюро и подконтрольный ему ЦК КП(б) Уз выделили в то время две приоритетные проблемы: во-первых, выработка тактического подхода к национальной интеллигенции и, во-вторых, установление природы "националистических проявлений" в рядах компартии Узбекистана, их социальной и политической сущности.

В партийных документах тех лет указывалось, что наряду с "большой частью" интеллигенции, признавшей советскую власть и работавшей с ней, а также "колеблющейся частью", которая не выступала против советской власти, но и не становилась на ее сторону, имелась еще и группа интеллигенции, открыто вставшая на путь "контрреволюционной борьбы". По мнению коммунистических идеологов она социально была связана с "национальной буржуазией" и выражала "классовые интересы последней", являясь "основным носителем буржуазной идеологии". Добиваясь восстановления "господства национальной буржуазии", эта "контрреволюционная интеллигенция" стремилась, якобы, закрепить свое влияние "на колеблющуюся ее часть".

---

<sup>13</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т.1. –С.219–221.

Особое внимание обращалось также на изменение тактики "буржуазной интеллигенции" по отношению к духовенству. Так, в документах III пленума ЦК КП (б) Уз подчеркивалось, что если до революции она, отстаивая интересы буржуазии в борьбе с "феодальными силами", еще выступала против духовенства как главного их идеолога, то теперь "с целью объединения и упрочения антисоветских сил" идет на установление с ним прочного союза с целью использования его влияния на некоторые слои местного населения"<sup>14</sup>.

Выдвинутый в соответствии с этим лозунг – "Советски настроенную интеллигенцию (надо) закрепить за нами, колеблющуюся завоевать, а вредную, контрреволюционную сбить с наших командных постов" – определили на тот момент основные направления работы партийной организации среди национальной интеллигенции"<sup>15</sup>.

В тесной связи с выдвинутой III пленумом ЦК КП(б) Уз задачей "самого широкого разоблачения перед трудящимися и близкой к советской власти интеллигенции ложных позиций верхушки буржуазно-националистической интеллигенции и попыток к смычке ее с духовенством, вскрывая при этом антисоветский контрреволюционный характер этой позиции", была предпринята попытка дать оценку джадидизму. "Насущная потребность" в этом диктовалась участвовавшими случаями "смешения идеологии джадидизма с пролетарской идеологией, отождествления джадидизма с большевизмом". В принятых III пленумом ЦК КП (б) Узбекистана решении четко указывалось на "полную непримиримость идеологии партии с идеологией джадидизма, полной их противоположности по классовым устремлениям и целям". Более того, в соответствии с выполнением поставленной ЦК ВКП (б) задачей по большевизации партийной организации определялась необходимость решительной борьбы "с идеологией национальной буржуазии, с джадидизмом"<sup>16</sup>.

В ходе разворачиваемой в середине 20-х гг. кампании идеологического "развенчания" "буржуазного национализма"

<sup>14</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т.1. –С.222–223.

<sup>15</sup> Икрамов Акмаль. Избранные труды. Т.1.–Ташкент: Узбекистан. 1972. –С.263.

<sup>16</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... –С. 221.

политическому остракизму была подвергнута прежде всего "антипартийная платформа" "группы 18-ти" и так называемая "иногамовщина".

Обращаясь к истории борьбы против "группы 18-ти", следует отметить, что ее побудительной причиной послужило поданное 19 ноября 1925 г., накануне II съезда КП(б) Уз коллективное письмо в ЦК компартии Узбекистана 18-тью ответственными партийными и советскими работниками, среди которых находились Председатель СНК УзССР Ф. Ходжаев, Нарком внутренних дел Рахмат Рафиков, Нарком земледелия Хидыралиев и др. В своем заявлении они просили ввиду "создавшихся ненормальных условий для дружной и плодотворной работы" освободить их от занимаемых постов в Узбекистане и откомандировать в распоряжение ЦК РК(б). Вслед за письмом "18-ти" последовали аналогичные заявления от ряда руководящих работников на местах.

Участники "группы 18-ти" открыто не говорили об идеологическом и политическом давлении со стороны центра, не поднимали вопросы культурного строительства. Они предлагали остерегаться практики уравнительного землепользования в процессе намечаемой аграрной реформы, полнее использовать потенциал товарно-денежных отношений, бережнее относиться к зажиточному дехканству, повсеместно учитывать специфику и потребности края при осуществлении социалистических преобразований. Но даже такие, довольно умеренные предостережения, вызвали в центре негативную реакцию. Средазбюро ЦК ВКП(б) обвинил на своем заседании от 22 ноября 1925 г. членов группы в стремлении "сохранить байско-кулацкое землевладение", "законсервировать феодальные порядки", в уклоне в сторону "местного национализма". В след за этим Президиум II съезда Компартии Узбекистана принял специальную резолюцию<sup>17</sup>, в которой утверждалось, что по идеологии, "мелкобуржуазной по своей сути", "группа 18-ти" носит "явно антипартийный, враждебный ленинизму" характер и представляет "исключительную опасность для единства партии, крепости диктатуры пролетариата в Узбекистане, представлявшим собою по преимуществу дехканскую страну".

<sup>17</sup> II съезд КП(б) Узбекистана проходил в г. Самарканде с 22-30 ноября 1925 года.

Борьба с идеологией "группы 18-ти" и в последующие годы оставалась в центре внимания союзных и республиканских партийных верхов, но особую остроту ей придало "разоблачение иногамовщины".

Важно подчеркнуть, что Рахим Иногамов, являясь заведомо печатником ЦК КП(б) Уз, наиболее полно выразил царившие в то время оппозиционные настроения среди национальной интеллигенции по вопросам культурного строительства. Он и поддерживающая его группа ответственных национальных работников в лице Мавлянкевича, Исамухамедова, Шермухамедова, Бабаназарова и других выступили с обоснованной критикой национальной политики союзного руководства, диктатуры партии, с требованием ликвидации Средазбюро ЦК ВКП(б) и порочной практики "десантирования" центром многочисленных политических эмиссаров, содействующих закреплению имперских скреп советского унитарного государства в Узбекистане, подавлению национального самосознания и традиционной культуры узбекского народа.

Свои взгляды Рахим Иногамов публично выразил в изданной в конце 1926 г. книге "Узбекская интеллигенция". В ней проводилась мысль, что ведущую роль в развитии общества призвана играть не "диктатура партии", а сам народ, духовно возглавляемый интеллигенцией. Отвергая приоритет классового подхода, он вслед за национальными просветителями прошлого, известными джадидами утверждал, что вся сила в знании, в духовном просвещении, основанном на органическом единстве вековых национальных культурно-гуманистических традиций и общечеловеческих гуманитарных ценностей.

Рахим Иногамов как истинный патриот тревожился за сохранение уникального национально-культурного наследия узбекского народа, выступал против проводимой союзным центром культурной политики, нацеленной на отрыв от вековых духовно-культурных корней, губительную "пролетаризацию" духовного наследия, на искусственное интернациональное порабощение и разрушение национальной самобытности.

Несомненна заслуга Рахима Иногамова и его сторонников в том, что они направили острие критики на главную опору

советского тоталитаризма – компартию, через разветвленную сеть структурных подразделений которой формировалась имперская зависимость. И это сразу же уловили как в Москве, так и в кругах зарубежной эмиграции. Союзное руководство воспринимало позицию группы Иногамова как "буржуазный национализм", а туркестанские эмигранты как "протест смелых узбеков – коммунистов против диктатуры ЦК ВКП(б)". Показательна в этом отношении оценка лидера зарубежной эмиграции М. Чокая, отметившего, что "группа узбеков, во главе с Рахимом Иногамовым, категорически требовала права узбеков на самоопределение, развязывание пути препятствий к полной и настоящей автономии и ликвидации опеки Среднеазиатского бюро над Туркестаном".

Чрезвычайную опасность оппозиционных выступлений группы Иногамова партийные верхи видели в его растущей поддержке как со стороны национальных коммунистов, так и широких слоев коренного населения. Секретарь Средазбюро ЦК ВКП(б) И.А. Зеленский в своем письме, отправленном в январе 1927 г. в политбюро ЦК ВКП(б), откровенно признавался, что Иногамов и его единомышленники "... имеют серьезную опору в партии и массах. Они могут стать сильными, поскольку вокруг них начинают объединяться все партийные элементы".

Средазбюро и ЦК ВКП (б) решительно подняли всю партийную организацию республики на борьбу против "иногамовщины" с целью твердого пресечения "националистических вылазок" ее сторонников. Уже 16 января 1927 г. ЦК КП(б) Узбекистана направил письмо "Всем областным и городским, районным комитетам КП (б) Уз", в котором давалась политическая оценка "иногамовщины", полученная на заседании Исполбюро ЦК КП (б) Узбекистана 12 декабря 1926 г.<sup>18</sup>. В нем отмечалось, что политическая платформа "иногамовщины" – широкое предоставление свободы слова всем, вплоть до "контрреволюционных буржуазных элементов"; отрицание "успехов социалистического строительства"; отрицание "руководящей роли союзного пролетариата (в лице партии –авт.) в социалистическом строительстве в Узбекистане, приписывание ему колонизаторских функций", взгляд на национальную

<sup>18</sup> Очерки по истории Коммунистической партии Узбекистана. «Узбекистан» Ташкент. 1964. с.178.



интеллигенцию как на руководящую силу; "неверие в творческие силы партии" свидетельствуют об отходе группы Иногамова на "позиции классового врага". Это "есть объективное выражение чаяний наших классовых противников, есть выражение мелкобуржуазной идеологии". ЦК КП(б) Уз призвал все партийные организации республики дать решительный отпор новой формации "мелкобуржуазного уклона".

Вместе с тем ЦК КП (б) Уз подчеркнул, что политическая платформа "иногамовщины", являвшаяся воплощением "реакционных взглядов" на сущность национальной политики партии в условиях диктатуры пролетариата, имела "четкую националистическую направленность". Эта оценка была развита в решениях XII пленума Средазбюро ЦК ВКП(б) (январь 1927 г.).

Надо отметить, что борьба с "иногамовщиной", достигшая кульминации в конце 1926–1927 гг., не только совпала по времени с "разоблачением" "троцкистского-зиновьевского блока", но и носила на себе отпечаток этой борьбы. Вскрытые XV конференцией ВКП(б) (26 октября – 3 ноября 1926 г.) "принципиальная несостоятельность взглядов оппозиционного блока", их "несовместимость" с "ленинизмом", жесткая классово-политическая оценка дали толчок массовому "очистительному" походу, активизации идеологического наступления на всем союзном пространстве. В Узбекистане объявленный партией в начале 1927 г. идеологический "Худжум" проходил под лозунгом "Мафкура майдонида кураш" – активное наступление на всех участках идеологической борьбы "нового со старым". В контексте его осуществления предусматривалось, наряду с нарастающей чисткой партийных рядов, властно-управленческих органов, общественных организаций от "враждебных элементов", предпринять энергичные усилия по интенсивному проращиванию "ростков социализма" во всей духовной сфере.

Особое значение в этом отношении придавалось уничтожению любых каналов инакомыслия, ликвидации сохранившихся ещё идеологических институтов, способствующих проявлению "несоциалистических форм сознания, в частности религиозного".

Еще одна характерная черта того времени – стремление сталинского руководства "огнем и мечом" выправить не только

опозицию, но и саму мысль о свободном национальном самоопределении, последовательно трансформировать идеологические методы подавления в политические репрессии. Так, в соответствии с генеральной линией ЦК ВКП(б) III съезд компартии Узбекистана определил в качестве первоочередной задачу "самым решительным образом вести твердую борьбу со всяческими националистическими уклонами как среди рабочих, так и в рядах партии"<sup>19</sup>.

Приоритетность этой задачи вновь была подчеркнута в решении XVII пленума Средазбюро ЦК ВКП(б) (октябрь 1928 г.), констатировавшего вслед за XV съездом ВКП (б), что в среднеазиатских республиках, в том числе в Узбекистане, все еще продолжает сохраняться реальная почва для национализма. "Основными носителями этой враждебной рабочему классу идеологии, – указывалось в резолюции пленума "Об основных моментах борьбы на идеологическом фронте", – являются: а) сохранившиеся, а отчасти растущие в условиях нэпа капиталистические элементы... б) бюрократические и антисоветские элементы, проникшие в наш советский и хозяйственный аппарат; в) байско-манапские и феодально-родовые слои деревни, а также представители религиозных культов"<sup>20</sup>. Идеологами и активными пропагандистами этой "враждебной рабочему классу идеологии", отмечалось далее в данном документе, являются "националистически настроенная местная интеллигенция, связанная с торговой буржуазией и пантюркистскими элементами, представители духовенства, остатки старого чиновничества". Выработав с учетом местной специфики практические предложения по усилению борьбы на идеологическом фронте, пленум с особой твердостью подчеркнул, что "в этих условиях требуется исключительное внимание и руководство партии идеологическими вопросами, требуется четкая классовая линия в работе коммунистов на идеологическом фронте"<sup>21</sup>.

---

<sup>19</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... т.1. – С. 323.

<sup>20</sup> XVII пленум Среднеазиатского Бюро ЦК ВКП(б). Резолюции и постановления. –Ташкент: Правда Востока. 1928, 2 сентября.

<sup>21</sup> XVII пленум Среднеазиатского Бюро ЦК ВКП(б). Резолюции и постановления. –Ташкент: Правда Востока. 1928, 2 сентября.

ЦК ВКП(б) и его Средазбюро своими документами о "национализме" определили методологические подходы к "разоблачению" конкретных проявлений "националистической идеологии". Они ужесточались на фоне растущего противоборства в эшелонах союзной власти. В частности, именно в то время сталинское руководство выдвинуло положение об обострении классовой борьбы в реконструктивный период. Этот вывод обосновывался тем, что "в условиях переломного этапа в социалистическом строительстве с присущими ему тенденциями ускоренного развития" сам факт широкого развертывания социалистического строительства "объективно вызывает яростное сопротивление враждебных классовых сил". "Пролетарская диктатура на данном этапе, – подчеркивалось в резолюции Объединенного пленума ЦК и ЦКК ВКП(б) (апрель 1929 г.) – означает продолжение и усиление (а не затухание) классовой борьбы"<sup>22</sup>.

Рассмотренная ЦК ВКП(б) в тесной связи с "разоблачением теории и политики правого уклона" группа вопросов о "местном национализме", его призыв к ужесточению "нейтрализующих мер" по отношению к "националистической контрреволюции" послужили идейной платформой развертывания кампании по "поиску и уничтожению классовых врагов", переходу к практике политических репрессий в Узбекистане.

Ярким примером данной трансформации может служить "дело Иногамова". Так, после его изучения в Президиуме ЦКК КП(б) Уз (январь–октябрь 1927 г.), Иногамову первоначально было вынесено только партийное взыскание. Другие участники его "группы" (Н. Мавлянбеков, Алимов, Шермухаммедов, Ходжаев Н. и Бабаназаров) были "предупреждены о недопустимости каких бы то ни было шагов, направленных к возрождению групповой борьбы в партии". Сам Р. Иногамов был освобожден от работы в ЦК КП(б) Уз и направлен в Кашкадарью. В июле 1929 г. ему удалось пройти чистку в Бек-Будинской (Каршинской) городской организации. Однако в обстановке ужесточения политического климата партийное руководство посчитало необходимым усилить репрессивное давление.

---

<sup>22</sup> КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Изд-е 8-е, дор. В 12-ти тт. – Т.4. –М., 1978. –С.183.

Президиум ОКК Кашкадарьинского округа 26 апреля 1930 г. под предлогом, что Иногамов "уклонился от подачи письменного заявления и опубликовании в партийной печати о вредности допущенных им ошибок", отменил решение проверочной комиссии по чистке 1926 г. и пересмотрел ее материалы по "делу Иногамова". Ему был объявлен строгий выговор с направлением на низовую работу, связанную с производством.

В условиях непрекращающегося административно-политического давления Р. Иногамов вынужден был написать в апреле 1930 г. заявление в Средазбюро ЦК ВКП(б) и в ЦК КП(б) Уз с "признанием своих ошибок". Это письмо было помещено в газете "Правда Востока" 30 мая 1930 г.<sup>23</sup> . Партийному руководству важно было не только "выбить признание об ошибках" у Иногамова, но и публично его "идейно разоружить".

Тем не менее борьба против "иногамовщины" не прекращалась. В частности, решением Президиума ЦКК КП(б) Уз от 12 ноября 1930 г. был исключен из партии Алимов<sup>24</sup>. В 1931 г. политическим преследованием подверглись "участники иногамовской группировки" Н. Мавлянбеков, У. Ишанходжаев и Исамухамедов<sup>25</sup>.

Ширились гонения и против других представителей национальной интеллигенции. К примеру, в 1926–1929 гг. известный общественный деятель, один из основателей джадидского движения Мунаввар Кори Абдурашидханов периодически лишался властями работы и средств существования. Такой же участи подвергся Фитрат. В конце 20-х гг. были лишены работы и исключены из партии почти все работники бывшей "группы 18-ти". В марте 1929 г. по надуманному обвинению в коррупции и в связях с пантюркистами и панисламистами, а в действительности за противодействие засилью представителей некоренных национальностей в органах суда и прокуратуры, за попытки спасти от расправы национал-патриотов из среды местной интеллигенции были сняты с занимаемых должностей председатель Верховного суда Узбекистана Сагдулла Касымов,

<sup>23</sup>Правда Востока. 1930г. 30 мая.

<sup>24</sup>Правда Востока. 1931. 18 апреля.

<sup>25</sup>Правда Востока. 1931. 10 апреля.

члены Верховного суда и Ташкентского городского суда Шарипов, Алимов и судья Мирзачульского суда Мирзакаримов<sup>26</sup>.

Судебный процесс над ними был превращен в политический спектакль с заранее определенным исходом. Ни государственный обвинитель Р. Катанян, ни общественные обвинители не смогли привести ни одного доказательства действительно преступных деяний С. Касымова и его единомышленников. Зато упорно повторялось о "связях" подсудимых с Мунавварам кари и созданной им партии "Турк адами марказияти", дружбе Касымова с адвокатом, известным в прошлом джадиде Убайдуллою Ходжаевым, являвшимся, якобы, уполномоченным представителем выдуманного "Туркестанского национального комитета" в Японии<sup>27</sup>.

В конце 1929 г. начались аресты членов национальной подпольной организации "Миллий истиклол" во главе с Мунавваром кари. Из 85 арестованных членов этой организации 15 были расстреляны, остальные отправлены в исправительные лагеря. К смертной казни и длительным срокам были приговорены члены организации "Миллий иттиход" Рамзи, Насыр Саидов, Бату, Хосил Восилов, Собир Кадыров и др.

Раскрытие "Миллий истиклол" и "Миллий иттиход" союзные правящие верхи активно использовали для нагнетания политической истерии, развертывания в Узбекистане масштабной кампании по повсеместному "разоблачению" конкретных проявлений некоммунистической идеологии и подавления оппозиционных выступлений, налаживанию бескомпромиссной борьбы с "националистической контрреволюцией", "протянувшей, — как писалось в те годы, — свои щупальца" к властным органам советской власти — аппарату силовых структур, учреждениям народного образования, печати, литературы и т.д. Все это подготавливало почву для идеологического оправдания и развертывания в республике массовых политических репрессий.

Таким образом, предпринятый в главе концептуально-теоретический анализ, позволяет прийти к заключению, что

---

<sup>26</sup> Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы. 1917–начало 50-х годов. — Ташкент: Академия МВД РУз, 2000. — С. 78–79.

<sup>27</sup> Катанян Р. Против Касымова, против касымовщины. — Ташкент, 1931. — С. 125.

Сталинский тоталитарно-репрессивный режим не являлся исключительным явлением в советской истории. Сталинизм исходил из идеологии марксизма и был логическим ее воплощением в живой действительности. Еще духовные отцы коммунистического учения заложили идеологическую мину правомерности тотального насилия, репрессивного переустройства общества, в том числе и в духовной сфере.

Ленинская "культурная революция" целиком исходила из стратегии утверждения тоталитарно-имперского строя, базировалась на концепции государственного терроризма, как ведущего метода "революционного" обновления, была нацелена на формирование тотализированной личности, отчужденной от национальных корней и культуры собственного народа.

Существенно укрепился тоталитарный строй в годы Сталинского режима. Развивая ленинские традиции и широко используя карательные акции, руководство установило разветвленную систему гласного идеологического надзора над учреждениями культуры и творческими организациями, усилилось вмешательство партии в духовные процессы. В результате культура превратилась в инструмент политики. Место духовной культуры в обществе жестко регламентировалось в соответствии с эгоцентристскими идеологическими интересами и тоталитарными политическими целями.

Под предлогом усиления классовой борьбы развернулись массовые репрессии против национальной интеллигенции, все больше ограничивалась свобода творчества, в жесткие рамки укладывалась деятельность научных и культурно-просветительских учреждений, театров, творческих союзов, учебных заведений. Культурная политика того времени была нацелена на тотальную манкуртизацию общественного и индивидуального сознания, на решительное подавление национального самосознания, на воспитание преданных бойцов партии. Сталину удалось путем больших человеческих потерь внедрить тоталитарную модель духовного производства. Несмотря на массовые репрессии узбекский народ никогда не оставлял надежды на национальное и социальное освобождение. Сталинизм сумел заложить мощный механизм торможения во всех сферах общества, в том числе в духовной, но в конечном

**итоге этот же механизм вызвал системный кризис и падение советского тоталитаризма.**

## ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАГАН АДИБ

Таниқли журналист, ношир, драматург Ғози Юнуснинг аниқ таржиماи ҳоли бирон жойда эълон қилинмаган. Аммо 1937 йилда тузилган “Маҳбус анкетаси”га қараганда Ғози Юнус - Ғозимаҳамат Муҳаммадонуc ўғли 1887 йилда Тошкент шаҳрида иморатсоз уста оиласида дунёга келган. Онаси Зулфия отин ўз даврининг мактабдор аёлларидан бўлиб, дастлаб онасининг кўлида хат-саводни чиқарган. Бу ҳақда шундай ёзади: “ибтидоий таҳсилим эски мактабда бўлуб, ёшим 15 га кирганда Бароқхон мадрасасина таҳсилга кириб 8 йил истиқоматимда “Аввали илм”дан бошлаб, “Ақоид”га етдим”.

Мадрасада ўқишни давом эттиришга имконияти бўлмаган Ғози Юнус 1910 йилдан бошлаб отаси билан бирга устачилик қилади. Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги русларнинг уйларини таъмирлаш баҳонасида рус тилини ҳам ўрганиб олади. Оғзаки ва ёзма нутқини мукаммалаштирган Ғози Юнус 1916 йилда подшо Николай II нинг “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги кўшин туманларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” фармонида мувофиқ мардикорликка олинади.

У рус тилини билгани учун “7-сотий таржимон” унвонида Лапландия губерниясида тилмочлик билан шуғулланади.

Ғози Юнус мардикорчиликда юрган даврида душман ўқидан яраланади ва Шимолий дала госпиталининг 1916 йил 1 сентябрь, №6726 рақамлик маълумотномасига асосан, 3-гурӯҳ ногирони сифатида хизматдан қайтарилади.

У мардикорликдан қайтиб келгач, укаси Файзи Юнус тарғиботи билан “Турон” труппаси ва жамияти ишларида қатнаша бошлайди. Бу ерда Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Баширулла Хўжаев каби зиёлилар таъсирида унинг дунёқараши янада кенгайди. Ижтимоий воқеаларнинг моҳиятини англаб етади. Империя олиб бораётган



воқеаларнинг моҳиятини англаб етади. Империя олиб бораётган ички сиёсатнинг ғайри инсоний томонларини фаҳмлайди. Лапландия билан танишиш ҳосиласи бўлган фикрлар ва янги дўстларнинг мулоҳазалари унинг ижтимоий ишларга фаол аралashiшга, толмас жамоатчи қаламкаш бўлишига қанот ва илҳом бахш этди.

Биринчи жаҳон уруши ва Октябрь давлат тўнтариши туфайли вужудга келган очарчилик, қимматчилик, жойларда содир бўлаётган ўз бошимчаликларни тартибга солишни талаб қилади. 1917 йил март ойида Тошкент уезди Пўлат қишлоғидаги “Очларга ёрдам комитети”да саркотиб лавозимида хизмат қилади.

1918 йилда январда “Ишчилар комитети” томонидан ташкил этилган ва Ҳисомиддин Жалолой масъул муҳаррир бўлган “Ишчилар дунёси” журналида бўлим мудирини сифатида иш бошлайди. Журналнинг мундарижаси сермазмун бўлиши учун курашади. Ўзбек халқига янги ҳукумат ва фирқа йўли тушунарли бўлиши учун “Социализм надур?” деган мақолани таржима қилиб, бостиради. Ўқувчилар оммасини социалистик инқилоб тарихи ва большевиклар йўли билан таништиради.

Журналнинг бир-икки сони чоп этилгач, тўхтаб қолади. 1920 йил январда Черняев уезди Сайрам ижрокўмида ишлайди. Аммо орадан кўп ўтмай шаҳарга қайтиб келиб, “Нашриёти Ғози Юнус” матбаасини ташкил этади. Фитратнинг “Ўғузхон”, М.Ордубодийнинг “Андалуснинг сўнг кунлари” (М.Уйғур таржимаси), М.Уйғурнинг “Туркистон табиби” комедияси, К.Шамснинг “Ўлчов билими” (“Илми ҳандаса”. Фитрат таржимаси), ўзининг “Заҳхоки морон” драмаси каби ўнларча асарларни нашр этади.

1919-1920 йилларда “ТуркРОСТА” ва “Иштирокион” газетасида адабий муҳаррир, таржимон ҳамда адабий ходим вазифаларида ишлайди. 1921 йил 16 декабрда Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси ва ТКП(б). Марказқўми буйруғи билан “Қизил байроқ” газетасига масъул муҳаррир<sup>1</sup> этиб тайинланади. Газетага Санжар Сиддик, Шохрасул Зуннун, Аъзам Айюб, Карим Бакиров, Валли Алломов, Муҳаммадҷон Аҳмадҷонов, Муҳаммад Ҳасан (таржимон) ва бошқаларни жалб

<sup>1</sup> 1921 йил 16 декабрдан 1922 йил январгача, муҳаррирлик вазифасини бажарган. Кейинчалик 1923 йилда “Туркистон” газетасида ҳам масъул муҳаррир ва бўлим мудирини бўлиб ишлаган.

этади. Газетанинг мундарижасини бойитади, адабиёт ва санъатга алоҳида эътибор беради. Театр ва адабий танқидчиликни ривожлантирди. Газетанинг техник томонларини яхшилади. Ўз сўзи бўйича “шўролар ҳукуматига халқни яқинлаштириш учун бир мушаййиқ” бўлади.

1923 йилда Туркистон МК тасдиғи билан Тошкент эски шаҳар Ижроқўми Ғози Юнусни “Меҳнат ва матбуот қаҳрамони” деб эълон қилади<sup>2</sup>. Бу хабар маҳаллий ўзбек ва рус тилидаги матбуотда босилади.

1922 йил бошида “Инкилоб” журнали тахририят ҳайъати аъзоси этиб тайинланади.

1922 йил сентябрда Самарқандда нашр этилувчи “Камбағаллар товуши” газетаси заифлашиб қолгач, уни кучайтириш учун юборилади. Туркистон КП Самарқанд вилоят Ижроия бюроси 1922 йил 25 сентябр қарори билан Ғози Юнус “Камбағаллар товуши” газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланади. Қўлимиздаги ушбу йиғилиш томонидан қабул қилинган №34 рақамлик тазкирадан кўчирма фикримизни тасдиқлайди. 1922 йил 18 декабрда Коммунистик Интернационалнинг Туркистон бюроси адабий ташвиқот бўлимига ўтказилади<sup>3</sup>. Шу йили яна Самарқандга қайтиб, “Зарафшон” газетасини ташкил этади. Ҳожи Муъин “Самарқанд матбуотининг тарихи” мақоласида шундай аниқлик киритади: “Туркистон жумҳуриятининг марказий фирқа кўмитаси Самарқандда “Зарафшон” отлик мунтазам бир газета чиқариш учун ўртоқ Ғози Юнусни тайинлади. Ғози ўртоқ Тошканддан бир неча пуд янги ҳарф, 150 пудча яхши оқ қоғоз ва иккита ҳуруфчини келтириб, бунда (1922 йил, октябрида) “Зарафшон” газетасини чиқара бошлади. Ғози ўртоқ бу газетани ҳар жиҳатдан яхшигина йўлга қўйғондан сўнг ўзи (1923 йил бошларида) Тошкандга кетди”<sup>4</sup>. Самарқанддан қайтиб келгач, 1923 йилда “Туркистон” газетасида бўлим мудирини ва масъул муҳаррир вазифаларида ишлайди. 1922-1924 йилларда “Туркистон”, 1924 йил декабрдан бошлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудирини сифатида ишчини давом эттиради.

<sup>2</sup> “Туркистон”. 1923 йил, 27 март

<sup>3</sup> Тошкент вилоят фирқа комитетига ёзган “Ариза”сига қаралсин.

<sup>4</sup> “Зарафшон”. 1922 йил, 5 май.

1923 йилда газета муҳаррири Комилжон Алимов бир ҳажвий журнал ташкил этишни таклифи қилади. Ғози Юнус “Муштум” журналини ташкил этади ва унинг бош муҳаррири сифатида ҳажвчилик фаолиятини давом эттиради. Шоир Чўлпон - Абдулҳамид Сулаймон ўғли ва адиб Абдулла Қодирий журналнинг муассисларидан эдилар. Шу йил 18 февралда Ўзбек ревкомининг масъул секретари Семичев ва Ўзбекистон Шўроси МИҚ Ғози Юнусни асл ишлаб турган жойига қайтиш шарти билан Тошкент вилояти номидан Биринчи умумўзбек советлари съездига депутат сифатида юборади. 1926 йилда Фарғона музофотига иш сафари билан жўнатилган вақтда орқаворотдан фирқадан ўчирилиб ишдан бўшатилади (НКВД ҳужжатларида 1923 йилда фирқадан ўчирилганлиги қайд этилган).

Бу ҳодиса Ғози Юнусни жиддий ташвишга солади. Адолатсизлик билан чиқиша олмаган адиб вилоят фирқа кўмитасига “Ариза” билан мурожаат қилади.

“Ариза” Ғози Юнусни ниҳоятда меҳнаткаш, фирқага ишониб яшаган киши эканлигини кўрсатади. Афсуски адибнинг оилавий архивида унинг тўлиқ нусхаси сақланмаган. Аммо Ғози Юнус уйда Ашурали Зоҳирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Санжар Сиддиқ, Шохид Эҳсон ва бошқалар тўпланишган. Булар ўзбек маданиятининг атоқли ва илғор кишилари бўлганлари учун адибнинг уйда ўтадиган барча суҳбатлар иттиҳодчилар йиғилиши сифатида талқин қилинган, ҳатто Чўлпоннинг номи айтилмаган янги романининг ялпи ўқирилиши аксилинқилобий йиғилиш деб талқин қилинган.

Ожизона кузатишимизча бунга Ғози Юнуснинг 1925 йилда “Муштум” журналида От тўрва соқол имзоси билан босилган “Ерлаштириш фокуси” ҳажвийси, 1925 йил 15 майда “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилган “Хўл бало” мақоласи (“Дело”га тиркалган) сабаб бўлган. Чунки Русиядан кўчиб келаётган кўчкинчилар Туркистонда кўпайиб бораётгани, маҳаллий аҳолининг унумдор ерлари, кўпгина ижтимоий ва маиший соҳалардаги муассасалардаги лавозимлар кўчкинчилар қўлига ўтиб кетаётгани адибни ташвишга солган. Бундай мақолаларнинг босилиши шўролар ҳукуматида ёқмаслиги аниқ эди. Акс ҳолда адиб таҳририят топшириғи билан Фарғонага юборилиб, унга

яширин ташкилот билан алоқадорлик ва оҳиста Фарбий Хитой<sup>5</sup> га чиқиб кетиш айби қўйилмаган бўлар эди. Умуман адиб ўз атрофида доимо “қулоқ” борлигини сезмаган. ГПУ ходимлари ўзбек зиёлиларининг турли масалаларга сиёсий қарашларини доимо кузатиб ва ёзиб боришган. ОГПУ “Ўзбекистонда сиёсий кайфият ҳақида” ВКП(б) МКга 1928 йил 31 майда қилган<sup>6</sup> докладида Ғози Юнус ҳақида тўхталиб, унинг “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилган бир мақоласидан “Дехқонлар ташкилотларнинг раҳбарларидан ҳеч қандай наф кўрмаяпти. Илгари оқ пошпо замонида губернатор ва амалдорлар ёмон муомала қилишар эди” деган жумлани, алифбони лотинлаштириш масаласида “Бизда НТА тарафдорлари йўқ. Фақат амал учун “ҳа” дейдилар”, - деган сўзини келтирилади. Бинобарин Ғози Юнус ҳақида Москванинг ҳукми шакллантирилган. Ана шулар сабаб Ғози Юнус ишдан четлаштирилган.

Лавозимдан мажбурий кетказилган адиб 1927 йил 2 январдан Ўзбекистон давлат нашриётида нашр бўлимининг вакили сифатида иш бошлайди. 1928 йилда унинг ўзи табдил ва таржима қилган 27 асарни нашр эттиради.

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 30 март сонидан бир вақтлар “Қизил байроқ” газетасида ўзи билан бирга таржимон бўлиб ишлаган эндиликда жумҳурият марказий газетига бош редактор бўлиб олган Мамат Ҳасан (Муҳаммад Ҳасанов)нинг “Ғози Юнуснинг баъзи “табдилот” ва “татбиқот”лари ҳақида” деган каттагина хунвайбинчасига ёзилган танқидий мақоласи босилади. Мақолада Ғози Юнус озарбойжон драматургларининг асарларидан қилган таржима ва табдиллар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф пьесаларнинг ҳақиқий муаллифлари, улар ўртага ташлаган ғоя ва мақсадлар, фирқанинг Шарққа, хоссатан араб ва турк дунёсига қайси йўл билан кириб бориб, жаҳон инқилобини амалга ошириш тўғрисидаги амалий чора ва тадбирлари муаллиф фикр доирасидан четда қолади. У табдилларга ниҳоятда тор, сохта фирқавийлик, жўн социологизм нуқтаи назаридан ёндашади.

<sup>5</sup> Бу ОГПУ ходими томонидан атайлаб қўлланилган атама бўлиб, мақсад “Шарқий Туркистон” номини ястез молдан чиқаришдир.

<sup>6</sup> “ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос” кн.1. М.2005.

Муаллифнинг нияти асосан адибни тупроққа қориб, айбдор қилиш, жамоатчилик олдида синфий душман қиёфасини шакллантиришдан иборат эканлиги кўзга яққол ташланади. Хуллас, бу буюртма мақола эканлиги сезилиб қолган. Ушбу танқидий мақоладан сўнг Давлат нашриётидан бўшаб, 1929 йил апрель-май ойларида “Шарқ ҳақиқати” газетасида техник редактор вазифасида ишлайди. 1929 йил июндан то 1936 йил июнь ойигача “Қишлоқ хўжалиги” журналида мусахҳиҳ бўлиб ишлайди. 1937 йил 6 августда қамоққа олинади. Орадан кўп ўтмай унинг рафиқаси, уй бекаси Хадича Алиева ҳам тутқунликка учрайди.

“Айблов хулосаси”га кўра адиб қуйидаги гумонлар билан айбланади:

1) 1918-1920 йиллар мобайнида Тошкентда ўз ҳисобидан хусусий нашриёт очиб, иттиҳод<sup>7</sup> га хос аксилинқилобий, пантуркизм адабиётини нашр этган.

2) 1920-1926 йилларда иттиҳодчиларнинг “Ишчилар дунёси” ва “Муштум”<sup>8</sup> журналларида изчил равишда миллатчилик мақолаларни, масалан совет ҳокимияти ва рус халқига қарши мақолалар эълон қилган.

3) Миллатчилик матбуотида совет ҳокимияти ва партиянинг тадбирларига, хусусан ер-сув ислохотига қарши фаол қаршилик кўрсатган. Аксилинқилобий, миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилоти яқсон этилгач, ғарбий Хитойга қочмоқчи бўлди.

4) Сўнги йилларда адабиёт ва санъат соҳасида аксилинқилобий зараркунандалик иш олиб борди. Ғози Юнусов томонидан таржима қилинган “Хоннинг севгиси”, “Миллатчилар”, “Инқилоб шарораси” пьесалари ва бошқалар аксилмиллатчилик руҳида бузилгани учун ман этилди.

5) Сўнги йилларда, ҳатто қамоққа олингунча аксилинқилобий миллатчи унсурларни, иттиҳодчиларни ўз уйида тўшлаб, улар билан шўроларга қарши иш олиб борди. Японпарастлик ташвиқоти, совет ҳокимияти, очарчилик ҳақида тухматдан иборат мулоҳазалар тарқатди, инқилобдан олдинги мустабидлик тузумни мақтаган.

<sup>7</sup> “Иттиҳод” дан мурад “Миллий иттиҳод” ташкилотидир.

<sup>8</sup> Бу журналлар “Миллий иттиҳод”га умуман алоқаси бўлмаган шўро журналларидир.

б) Қамокқа олинадиган кунгача жосуслардан Шаҳид Эсон Мусаев, Саттор Жаббор ва аксилинқилобий ташкилот раҳбарлари Фитрат ва Чўлпон, Ҳошимов ва бошқалар яқин алоқа боғлаб турган”.

1937 йил 1 сентябрда ўтказилган тергов жараёнида Ғози Юнус ўзини мардонавор тутади, қўйилган барча айбларни кескин равишда рад этади, сталинча конституция ва шўро ташкилотларини ҳам кескин танқид қилади, ғазаб ва адолатсиз саволларга, айбларга чидамай тергов протоколидаги айрим жумлалар устига чизик тортиб ташлайди.

Айблари тасдиқ топмаган Ғози Юнус 1938 йилда Россиянинг Вологда шаҳрига сургун қилинади. Шу ерда 1942 йил 5 майда очликдан вафот этади. 1957 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан оқланди.

Ғози Юнуснинг ортида қолган оиласи ҳақида бир оғиз сўз: рафиқаси Хадича Алиева 1897 йилда таваллуд топган, 1937 йил 10 сентябрда “халқ душмани”нинг хотини сифатида қамокқа олинади. Хадича опага “эрининг советларга қарши фаолиятидан хабардор бўлатуриб, бу ҳақда тегишли ташкилотларга хабар етказмаган”, деб айб қўйилади. Тоштурмага жўнатилади. У билан бирга онаси - 1870 йилда туғилган Солия Аҳмаджонова, икки фарзанди ҳам қамокқа олинади. Бу қари аёлни Ўзбекистон худудидан ташқаридаги ижтимоий таъминот ташкилотларига қарашли қариялар уйига жойлаштириш; ўн тўрт яшар қизи Туйғун Ғозиевани халқ маорифига тегишли болалар уйига жўнатиш, 16 яшар қизи Шарофат Ғозиевани ишга жойлаштириш қарор қилинади.

Хадича Алиева 1939 йилда қамокдан озод қилинади ва турли жойларга тарқалиб кетган фарзандлари Шарофат ва Туйғунонини бағрига олади. Умрини болаларини ўстиришга сарфлайди. Ғози Юнус ва Хадича онанинг ёлғиз ўғиллари Тўлқин Ғозиев ўша даврда Қашқадарё вилояти Хатирчи туманида ўқитувчи бўлгани учун унга тегишмайди. Тўлқин ака уруш бошлангач, жангга кетади. 1945 йилда урушдан қайтган Тўлқин Ғозиев асирликда бўлган, деган айб билан қамокқа олинади ва умрининг ўн йилда ортигини совуқ ўлкаларда ўтказиб қайтади. Онахон 100 ёшдан ошиб дунёдан ўтдилар.

Ўз даврининг кучли ҳажвчи ва публицистларидан бири бўлган Ғози Юнус маҳаллий матбуотда ўттизга яқин таҳаллус қўллаган. Адиб давлатни ўз сўзи билан айтадиган бўлсак, “меҳнаткашлар, фақир камбағаллар” давлати деб тушунди. Шиорлар, съездлар, митингларда фирқанинг халқ манфаатини кўзлаётгани, мухтор республика ўтмиш ҳукуматга нисбатан янгича муносабатда бўлишига умид боғлайди.

Аммо кундалик ижтимоий-маъмурий муносабатларда Туркистон номигагина автономия олганини теран ҳис қила борди. Айниқса “Иштирокион” (“Коммунист”) газетасида адабий ходим, “ТуркРОСТА” муҳаррири, Тошкент эски шаҳар ижрокўми қошидаги “Миллий ишлар мудурияти ҳузуридаги ўзбек шуъбаси”нинг раиси вазифаларида ишлар экан, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида олиб борилаётган нотекис сиёсат, айниқса, “ҳарбий коммунизм” давридаги талотум, жумладан, “разверстка” “контрибуция” масалалари сабабли келиб чиққан миллий тўқнашувлар, низолар, англашилмовчиликлар, турли ташкилотларнинг раҳбарларининг ўз вазифасига номуносиблиги каби талайгина масалалар адибни чуқур ўйга толдирди. Мавжуд масалаларни ҳал қилишда кўзга ташланган тўсиқларни дадил кўрсата олди. Унинг “Иштирокион” газетасида босилган “Эски шаҳар машмашалари ва ёхуд жамиятимизнинг бориши”, “Эски шаҳар машмашалари ва ёхуд тақлид зарари” мақолалари фикримизга далил бўла олади.

Очиқ имзо билан ёзилган мақолада айтилишича, ўша йилларда Тошкентда 26 та синфий ташкилот ишлаган. Бу ташкилотлар ўз ишни юритиш учун турли номларда кооперативлар очилган. Кооператив раҳбарлари қонунни билмасликлари сабабли ўз вазифаларини суистеъмол қилишган, натижада кўпгина кооперативлар синган ва ёпилган. “баъзи кооператив идора аъзоларининг машғум хиёнатлари орқасида бир неча ишчилар кооперативи маҳв бўлдилар”, “аъзолари ғалва кўтармасун учун очликдан ўлиб тургон мусулмон фуқаросининг ҳаққиға хиёнат бўлса-да, эски шаҳар овқат комитетининг молларин талаб кооперативларига олиб бориб, ўз аъзоларини алдов йўлини тутдилар”. Муаллиф кўпинча моллар чайқовчилар қўлига ўтиб кетишини, айрим кооператив раҳбарлари ўз кайф-сафоларига маблағ сарфлашларини очиқ ёзади. Жумладан 1918

йил бошларида очилган “Самоворчилар” жамиятига қарашли “Тараққий” кооперативига машхур жамоат ходими Исмоил Обидий раҳбарлик қилган. “Бул киши,- деб ёзади Ғози Юнус,- эски шаҳар ижроия кўмитасинда раислик вақтинда халқнинг яқин эллик минг сўмлик молин бепул мусодара қилиб, “Тараққий” кооперативига бергон эди. Обидий эса қайда... халтасин тўлдириб, йўқолди. Правления аъзолари қолган “мол ва пулларни ўзаро бўлиб олган”. “Қаноат” кооперативида ҳам ишлар шу тарзда эканлигини очиқ ёзар экан “замона ўғриники” деган мақол ҳукмрондек ҳукумат бўлаётган ишларга аҳамият бермаётганини куйиниб ёзади. “Жамият ва кооперативлардаги ҳукмфармо бошбошдоқликларга ҳукуматнинг диққатини жалб қиламан. Ёздигим тўғри сўзлар бир хил мизожи бузуқларга ёқмаса, инсоф бирла муҳокама қилурларин виждонан ўгинаман”,<sup>9</sup> дейди.

Эски шаҳар ташкилотларида содир бўлаётган воқеалар, бу ташкилотларнинг рус ташкилотларига кўр-кўрона тақлидлари натижаси ҳақида фикр юритар экан, мустамлакчилик оқибатлари, янги даврдаги янги зулмлар ҳақида ошкора ёзади. “Мақсадга келайлук,-дейди Ғози Юнус.- Бизнинг жамиятларимизнинг ҳозирги аянчли ҳолига тушувина сабаб биздаги тақлиднинг касофатидир”. Бунинг сабабини раҳбарларнинг “Ижтимоий турмушнинг нимадан иборатлигини англамай боришида” эканини тушунтиради. Ўлка ижтимоий – сиёсий ҳаёти айни замонда нимадан иборат эканини, содир бўлаётган воқеаларни “халқгина эмас, иш бошида турган ўртоқларимиз ҳам яхши билмаганликлари юрутган тadbирсиз ишлариндан маълум бўлиб турубдур,” – деб ёзади.

Янги ҳокимият ўзи олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатни тушунтирувчи, фирқанинг аниқ йўлини кўрсатувчи миллий адабиёт тарқатмаётганида, аҳоли ҳам, мансабдорлар ҳам катта ўзгаришлар олдида довдираб қолганини маълум қилади. Бунинг заминиди ҳуқуқсизлик ва ҳуқуқни билмаслик ётишини англатади: “Ҳуқуқимизнинг оғиздагина эмас, амалда кўрилувин тилаймиз. Биз, ўзимиз ҳуқуқимизни олмаганда бошқаларнинг берган ҳуқуқидан нима фойда”-дейди. Шу сабабли тақлид йўлидан бориб кўп хатоликлар содир этилаётганини кўрсатади: “...кундалик маишат таъмин қилолмаган суфурғучини ҳам

<sup>9</sup> “Иштирокиюн”. 1919 йил 20 июнь.



буржуй деб таҳқир қилинди. Иш бошиндан ҳайдовга қаноат қилмасдан уйлари обиска<sup>10</sup> қилинди. Бечорани фалокат босиб, уйдан икки пачка гугурт, ёки икки қадоқ чой, оиласи учун захира қилинган бир оз овқат жинсиндан топилдиму, “испекулянт” деб тинтиш ҳайъатига берилди, урилди, янчилди, қамалди. Рус буржуазиясига контрибуция тушгандан сўнг бизлар тақлидни ифрот даражада ошируб, кўчада беш-олти дона бўз сотувчиғача контрибуция солдик. Тўламаганларни қоронғу, зах Викул Морозовнинг подвалига қамалди... контрибуция тушуб, ариза берган камбағалларга қамов бирла жавоб берилди. Николай зулмидан оқиб бўлмаган кўз ёшлари қонаралаш окди. Бу адолатсизлик орқасинда рўзгорин сотиб контрибуция тўлаганлар бўлди”. “Ўлка Шўроларининг V қурултойиғача ҳадди рус биродарларимиз йўқ баҳоналар бирла мусулмонларга ишончсиз кўз бирла боқиб келдилар.

Гарчи Туркистонда 1919 йилда давлат тили рус тили билан бирга турк (ўзбек) тили ҳам бир мақомда эканини қонунан мустақкамланган бўлса-да, барча идораларда ишлар директив кўрсатмалар асосида рус тилида олиб борилаётгани муаллифни ташвишга солади: “*Ҳукумат идораларидаги мусулмон биродарлар бир-бирлари бирла русча сўзлашмоқ модага кирди. Мана бу ҳоллар ҳар бир ҳуқуқ тарафдорини юрагини ёндиради. Бошқа миллатлардек биз ўз ҳуқуқимизни таллашиб олувимиз керак замонда бошқалар тарафидан олижаноблиқ қилиб берилмаган муқаддас бир ҳуқуқимизни оёғимиз остига олиб топтовимизни тарих ҳеч вақт унутмас*”.<sup>11</sup>

Туркистонда туб халққа нисбатан олиб борилаётган иккиозлама сиёсат ҳар соҳада ўзини фош қилган эди. Айниқса, матбуот ва нашр масалаларида.

Давлат нашриёт ва “Туркистонпечат” муассасалари раҳбарлари олиб борган миллий айирмачилик сиёсати маҳаллий халқ зиёлиларининг эътирозига сабаб бўлган эди. Сабаби, ўша даврда жумҳуриятда фақат ўзбек халқнинг миллий манфаати биринчи ўринда турмасдан Туркистон раҳбарлари томонидан ўзбошимчалик билан миллий ишлар комиссарлиги қошидаги миллий шўбалар барпо этилиб барчанинг ҳуқуқи тенг қўйилган

<sup>10</sup> Обыск- тинтув

<sup>11</sup> “Ишгирокцион”. 1919 йил, 25 июнь.

эди. Бу қоидага мувофиқ Туркистонда яшовчи ҳар бир халқ тенг ҳуқуқли бўлиб, ўзбек халқининг туб ер эгаси ва ўлка хўжайини эканлиги, суверен ҳуқуқлари четга суриб ташланди. Туркистон АССРга раҳбар бўлган Тоболин, Успенский, Казаков, Колесовлар барча масалага аввало рус манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндошдилар. Кенгашлар ҳукумати деб аталса-да, мухтор ҳукумат ўзбек халқи билан бирон масалада кенгашмаган. Мустамлакачилик кайфиятидан воз кечмаган. Шу боис бирор муассасага қайси миллат вакили ўтирса, ўша миллатга оид матбуот ва адабиётнинг босилишига, санъати ривожига йўл кенг очган. Бу ҳолат ўлканинг туб аҳолиси бўлган ўзбек халқининг миллий ва сиёсий манфаатларини бир неча бўғин қўйиға тушириб қўйган ва бошқалар томонидан менсимаслик ҳолатига замин яратган. Ўзбек халқи келгиндалардан ҳам пастрок кўрилган. Бинобарин чор Россияси давридаги Туркистон халқини менсимаслик ва унинг маданиятини инкор қилиш сиёсати давом эттирилган. Ана шу воқеалар адибни публицистика соҳасида тинмай ишлашига ва сиёсий басиратининг очилишига олиб келди. Ушбу фикр унинг “Бизнинг дардларимиз”<sup>12</sup> мақоласида ҳам акс этган. Адиб ўзгаришдан илгари ҳам, кейин ҳам ўзга миллатлар ўзларини эплаб олганликлари, турли соҳаларда илгари кетганликлари, аммо туб аҳоли ҳали боши қовушмай, уюшмай яшаётганига қайғуради. “Октябр ўзгаришидан кейин иш бошига ўлтирғон Успенский каби рус мустамлакачилари ҳам мусулмонларни ҳар томондан бўғди. Шу вақтларда мусулмонларнинг маориф ишларига берилган ёрдам замбаракнинг овозидангина иборат эди...” дейди. Маориф комиссарлиги рус маҳаллаларида эски биноларни тиклаб, театр ҳолига келтиришлари, асосий театр биносини тиклаб берганликлари, мактаб бинолари талабдагидай ҳолда бўлгани тарзда маҳаллий аҳолининг биргина театрнинг аҳволи ниҳоятда оғирлиги ҳатто унинг биргина бўлсин биноси йўқлиги, Самарқандда қурила бошлаган театр биноси ҳам чала қолиб кетгани, бирорта янги мактаб биноси очилмагани ёки таъмирланмаганига ҳукумат эътиборини қаратади.<sup>13</sup>

1919 йилда Тошкентга кенг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлган “Қизил Шарқ” поезди келади. Поезднинг раҳбари Георгий

---

<sup>12</sup> “Туркистон”. 1923 йил, 21 март

<sup>13</sup> Ўша манба.

Сафаров билан мулоқот орқали марказнинг асл ниятини халққа англади. “Қизил Шарқ” поезди намояндлари билан кўришув, миллат ва миллият ҳамда маҳаллий ёш зиёлиларга муносабатида Масковнинг чин ниятини тушунди. Сафаров билан суҳбат унинг коммунист-мустамлакачи эканлигини тушуниб етишига кўмак берди. У ниҳоятда катта журналистик маҳорат билан жумҳуриятга кимлар ҳақиқий хўжайин эканлиги ва улар қандай бошбошдоқликларга йўл қўяётганликларини “Қизил Шарқ поезди”нинг раҳбари нутқи орқали баён қилади.

Георгий Сафаров Самарқанд, Фарғона шаҳарларига қилган сафари ва ана шу чоқда ўтказган текширувлар, гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида Тошкент шаҳар Ижроия кўмитасида 1919 йил 13 июлда бўлган учрашув – йиғилиш чоғида рўйи рост гапирган. Жумладан у шундай деган: “Тўғриси айтганда, ҳозиргача Туркистонда шўролар ҳукумати қурулмагон, ҳукумат тепасига рус колонизаторлари билан эски ҳукумат чиновник, тўра, бойлар миниб олиб ўз мақсадига ишлаб 95 процент ерли халқнинг манфаатига ишламаганлар, буларга ерли халқнинг бузуғлари қўшилуб, мусулмонларни <sup>14</sup> толоғанлар...”, “Биз Туркистонни мухториятли ўлка деб ўйлаган эдик. Биз келиб қарасак, Туркистон, Хўқандда ҳеч бир мухторият йўқ. Туркистон халқи дод-фарёдини асло марказ ҳукуматига эшиттирилмаган... Баъзи кишилар Туркистон ерли халқи орқада қолгон, буларни иш бошига қўймоқ бўлмайди... дейдилар. Бу жуда янглиш сўз. Рус ишчилари Туркистон ишчиларидан ортуқ эмасдур”.

Ҳозир Юнус поезд бошлиғи Г.Сафаровнинг сўзларини кўп шарҳламайди баъзи ҳоллардагина айрим мисолларни келтириш билан чекланади. Жумладан у шундай ёзади: “... фақат бу мусулмонларгина эмас, ўз хизмати билан кун кечириб турган ҳар бир ишчи Туркистонда турмушнинг қийинлигидан азоб чекмақдалур. Кўча ва темир йўл бўйларинда тўплануб юрган болалар ва хотунларнинг ҳад - ҳисоби йўқ...”

Шу ҳолни кўрганда кўнглингга бир савол келади: “Туркистоннинг хўжаси кимлар?” Адиб шу саволни кўяр экан, унга Сафаров тили билан жавоб беради: “Уч йилдан бери

---

<sup>14</sup> Мусулмон – ўтган асрнинг талайгина юридик ҳужжатларида ва 20-йиллар матбуотида маҳаллий халқлар биргина шу сўз билан аталган. Камдан кам ҳолда халқ номи, қабила номи кўрсатилган.

Туркистон ҳукуматининг бошида турувчилар фақат қуруқ ваъдалар билан халқни алдаб келганлар”<sup>15</sup>.

Сафаровнинг нутқидан келтирилган иқтибослар орқали Туркистон сиёсий ҳаётининг ҳақиқий манзараси очиб ташланади. Бу Ғози Юнус журналистикасига хос бўлган “фош қилиш” санъати намунасидир, десак муболаға бўлмайдир.

“Иштирокиюн” саҳифаларида турли соҳаларда жиддий танқидий чиқишлар қилади ва ўзини даврининг етук публицисти сифатида намоён этади. Лекин унинг чиқишлари кўпчиликка оғир ботди. Норозилар сони орта борди, кўча-кўйларда сўкиш, дўқ-пўписалар етмагандек очиқ чиқишлар ҳам содир бўлади. Масалан, таниқли журналист ва таржимон Заҳирулла Раҳмат “Эркин сўз ва матбуот ҳам натижалар” мақоласида “Ғози Юнус ҳам “Ишчи” имзосила эски шаҳар меҳнаткаш ташкилотларини баъзи бир хатоларини кўрсатуб ёзгон мақолалари кўрина бошлади. Бундай қаттиқ мақолаларни ўқугондан баъзи бир ташкилот ва муассаса бошлуқлари ғалаёнга кела бошладилар. Хушомадга ўрганганликларидан бўлса керак, танқид қилуб ёзилгон мақолалар озорга ўхшамасди шекилли, мақола соҳибини ўрамларда<sup>16</sup> учратиб, турли ўпкалаш, қўрқитувлар ва душманлик қила бошлагонлиқлари сезила бошлади. Ҳатто баъзилари, ўзларини иқроор қилганлари ҳолда: “Ҳали бизлар янғо майдонга чиқгон одамлармиз. Бизни масхара қилманг, аксинча мақтаб, руҳимизни кўтаринг, деб газетага ёза бошладилар ҳам овруполилар бундай бир-бирини камситмайдилар деб ишондирмоқчи бўлалар. Бол қурти бик оврутиб чақа, сўнгиндан тамли бол бера. Шунга ўхшаш Ишчи танқидидан сўнг ҳар ким хатосин тузатиб, фойда кўрса керак”<sup>17</sup>-деб ёзган эди.

Адиб Туркистон халқининг тараққиётини кўрмоқ мақсадида ўз даврида турли соҳаларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аёвсиз кўрсатишга бел боғлайди. Шу боис юқориди тилга олинган “Эски шаҳар машмашалари ва ёхуд тақлид зарари”, “Кенгашлар мамлакатади муштумзўрларга ўрин йўқ” мақоласида миллат манфаати яққол кўзга ташланади: “Эски идоранинг сиёсати орқасида бизнинг энг мунбат ерларимиз рус-

<sup>15</sup> “Иштирокиюн”. 1919 йил, 13 июль, 17 июль

<sup>16</sup> Ўрам- кўча, Урамларда-кўчаларда.

<sup>17</sup> “Иштирокиюн”. 1919 йил, 29 июнь

хахол муҳожирларига зўрлик билан олиб берилиб, ерли козоқ, қирғиз, ўзбек, туркман меҳнаткашлари сувсиз ғайр мунбат ерларга сурулуб қолгон эдилар... Энг яхши ерларга эга бўлгон мужикларнинг кундан-кунга бойлиқлари ошиб, ўзларига яқин бўлгон мусулмон ерларига зўрлик қилиб сув бермасдан экинларини қурутдилар. Бу нарса кўринишда мужикларнинг ваҳшати бўлса-да, Николай ҳукуматининг ишорати билан ишлагани учун, мусулмонларнинг қарши тура олмасдан бутун ерларини мужикларга қолдир”ганларини ёзар экан, бундай сиёсат Кенгашлар ҳукумати даврида ҳам давом этаётганини “учирма” қилиб шундай ёзади: “1918 йилда мустамлакачиларнинг ҳукмрон вақтида Чимканд уездидаги Чақмоқ қишлоғини ҳамсоя рус қишлоқларидан чиқгон бир қисм ўрус дехқонлар куйдириб, зўрлик билан ерлик ўзбек дехқонларини ҳайдаб юборган эдилар”.<sup>18</sup> Эндиликда ушбу қишлоқ Туркистон МИҚ қарори билан ер эгаларига қайтарилганини ёзади. Бинобарин мустамлакачи мужикларнинг муштумзўрликлари Еттисув воқеаларидан кейин ҳам давом этган ва бундай воқеаларга ҳукумат панжа ортидан қараган.

Шу боис жумҳурият ҳаёти, халқ талаб ва эҳтиёжлари масаласига жиддий эътибор қаратади: “Эски шаҳар озук кўмитетидаги машмашалар”, “Ер-сув ишларида чатокликлар”, “Ғалла монополияси ва мусулмонлар” мақолалари билан Тошкентда фаолият олиб бораётган турли ташкилотлар, яъни муассасалар ишининг юришмаслигини, орқага кетишини муаллиф тақлидчиликда кўради. Ғалла масаласи оддий масала бўлмай Туркистон халқи учун ҳаёт ва мамот масаласи эканлигини баён қилади. Аҳоли ўз ҳақ-ҳуқуқини билмагани, унинг учун курашмаслиги, фақат чет-четда хасратомуз ўзаро гаплашиб норозилик билдиришларини танқид қилади. “Хўрликни ҳайвон ҳам қабул қилмайди. Мусулмонлар инсон бўлганлари учун ортуқча хўрликга чидамасликлари табиийдур. Алҳолгача мусулмонлар хўрланиб келдилар, таландилар, янчилдилар, етар энди, демоқга ҳар бир мазлум мусулмоннинг ҳақи бордир. Ҳукумат ҳам мусулмон пролетариясининг ҳар бир сўзини самимий эшитуб, социализм ва ҳақиқат йўлига савқ этмоқлари

<sup>18</sup> “Қизил байроқ”. 1923 йил 12 апрел.

теюшдир”.<sup>19</sup> Муаллиф ҳукуматнинг Туркистон аҳолиси талаб-эҳтиёжларини билиб, барчага баробар адолат билан қарашни керак, деган ғояни илгари суради.

“Йўл мактублари”<sup>20</sup> мақоласида Самарқанд вилоятида кўпгина муҳим вазифаларда “эски ҳукумат чиновниклари” (Ғ.Юнус сўзи) ўтириб олиб, ривожиятга тўсқинлик қилаётганлари уқтириб, шундай дейди: “Самарқанднинг тараққийпарвар ва зиёлилари ҳам бу ишга совуққонлик билан қараб турар эканлар. Ман боргондан кейин додладим, қичқирдим, югурдим, ялиндим ҳаммасини ҳам ёмғирдан кейин пайдо бўладургон чуволчанглардек эзиб қўйдим. Мана энди, ҳаммаси ҳам ҳовузга тушган кишидек жим бўлиб кетади”. Муаллиф талаб қаттиқ қўйилгандагина собиқ мулозимваччалар, ён беришга мажбур бўлишларини айтиб, маҳаллий зиёлиларни ишга фаолроқ киришмоққа ундайди.

Адиб очиқ имзо билан ёзган мақолаларидан бири “Ҳукумат бошқармаларини ерлилаштириш” деб аталади. “Ҳукумат бошқармаларини миллийлаштириш йўлида Украина муҳим қадамлар боса олди, -деб ёзади Ғози Юнус.- Эски идоранинг ўғай болалари ҳисобланган Татаристон, Озарбойжон, Туркистон, Бухоро, Хева каби мусулмон ўлкалари ҳам ҳукумат идораларини соф миллийлаштиришга мувофиқ бўла олганлари йўқ”. Бунга сабаб қилиб турли соҳаларда кадрларнинг етишмаслигини кўрсатади. Қурултой ва турли мажлисларда бу масала бир неча бор кўтарилган бўлса-да, биронта иш қилинмайди. Уч ўлкада юзаки қараганда ҳақиқатда ҳам кадр етишмагандек туюлади. Аммо бу сароб. Чунки “бу йўлда ҳар уч ўлкада миллийлаштириш тўғрисида ташаббуслар бордир”. Бухоро республикаси бу масалада секинлик билан ишни амалга ошираётгани, натижада европалик мутахассисларнинг 80 фоизи ишдан кетиши уларнинг 10-15 фоизигина ишда қолиши маълум қилинади. Туркистон хусусида тўхталиб: “Ҳозир кўп муҳим идораларда ишлар бутунлай, баъзи идораларда ярим-ёрти миллийлаштирилди...”

Ерлик халқни жуда қийинликка туширган темир йўл бошқармаларини ҳам мумкин қадар ерлилаштириш лозимдир. Бунинг учун темир йўл мактабларига кўпрак мусулмон ёшларини

<sup>19</sup> “Иштирокчион”. 1919 йил 18 июль.

<sup>20</sup> “Туркистон”. 1923 йил 1 февраль

киритишимиз, штат қискартиши баҳонаси билан ишдан чиқарилган мусулмон ишчилари бўлса, қайтадан хизматга қабул этиш, мусулмонлар учун почта-телеграф курси, табиблик, доялик ва иш юритувчилар мактаблари очиш керак”лигини таклиф қилади.

Ёзувчи ҳақиқатни айтишдан сира тап тортмаган. Маҳаллий халққа, турли ташкилотлар ва уларда ўтириб олган еврўполиклар томонидан ниҳоятда қўпол муомала қилинаётгани бир сўз билан айтганда мустамлакачилик, шовинизм чўғи ҳали ҳам ўчмаганига мисоллар келтиради: “Иккинчи томондан, халқнинг турмушига бус-бутун ёт бўлгон оврўполик раҳбарларнинг қўпол муомалаларидан дала халқининг қонлиқ ёшлари тўкилмақдадир.

Бу бир далаларда эмас... шаҳар халқи ҳам умумий ахлоқ бузғунлигини ва ҳам ёврўполик раҳбарларнинг қўпол муомалаларига қурбон бўлмоқдалар.

Эски идоранинг мочаловлари, колесниковлари халққа қандай маҳховона муомала қилгон бўлсалар, шу кунларда ҳам эски шаҳарларда солиқ, дўкон правалари тўғрисида халққа шундай ҳайвонликлар, бадкашликлар ишланиб туродирким, эски идора маъмурлари томонидан ишланган ваҳшийликлар ҳозирғиларнинг ёввойилиғига урвоғ бўла олмайдир”<sup>21</sup>.

Ғози Юнус умумтуркистон миқёсида халқ ва жамият фаолиятини қамраб олишга интилган. Фирқа нуқтаи назаридан масалага ёндошилгандек кўринса-да, аслида Туркистон халқи манфаати биринчи ўринга қўйилди. 1921 йилда ёзилган “Турк тили – давлат тили” мақоласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлат муассасаларида ишлаётган ўзга миллатлар маҳаллий тилни билишликлари лозимлигини уқтиради.<sup>22</sup>

Адибнинг “Чимканд атрофида большевизм” мақоласи даврнинг ўзига хос кўзгуси дейиш мумкин. Муаллиф ўзини журналист эмас, балки Олматида истиқомат қилувчи бир киши сифатида Чимканд вилояти ва шаҳри атрофидаги большевик амалдорлар олиб бораётган ишларга назар ташлайди. Мансабга юлғич кишилар ўтириб олгани сайёҳ-муаллифни ўйга солиб, қайғуга ботиради: “Агар кўрпа буюрулса бутун уйни талайлар. Ҳукумат беш кўрпа буюрса, улар 20ни олалар-да, бешини

<sup>21</sup> Ўша мавба

<sup>22</sup> “Қизил байроқ”. 1921 йил 7 октябрь

хукуматга бериб қолгонини хукуматга бермайлар... Агар ҳол шўйла кетса, фақир халқнинг камбағаллар хукумати бўлгон шўролар хукуматига қарши бўлувлари муҳаққадир”.<sup>23</sup>

Ғози Юнус Туркистон миқёсида соғлиқни сақлаш масаласига жиддий қаради. Унинг “Қизил байроқ” газетасининг икки сониди босилган “Эски шаҳарда соғлиқни сақлаш”, “Туркистон” газетасида чоп этилган “Юқумли касалликдан халқни қутқариш керак” мақолалари шулар жумласидандир.

Атоқли адиб, журналист ва ҳажвчи Ғози Юнусни ватан ва халқ тақдири кўпроқ ўйлатгани учун ҳажвларида ҳам, публицистик мақолаларида ҳам давр драмасини кўрсатишдан ҳайиқмади. Гарчи бу журъат унинг “Муштум” журналининг масъул муҳаррирлигидан олинишига сабаб бўлсада. Адиб 1926-1927 йилларда айна ижодий кучга тўлган бир пайтда масъул вазифалардан олиниб, қуйи вазифаларда ишлашга мажбур этилса-да, қаламини ташламади, фақатгина кучли сиёсий босимлар унинг ижод йўлини сунъий равишда кесди, холос... Аммо унинг 20-йиллардаги публицистик фаолияти миллатимиз давлат миқёсида ўзининг тарихий – сиёсий, юридик ўрнини олиш учун олиб борган серқирра кураш тарихининг журналистик теран ёритилган унутилмас ва ёрқин саҳифалари бўлиб қолди.

---

<sup>23</sup> “Иштарокцион”. 1919 йил 7 декабрь



**АХМЕД ЗАКИ ВАЛИДИ: ПИСЬМА ИЗ ЭМИГРАЦИИ**  
(Переписка учёного с Академическим центром Узбекистана)

Среднеазиатский регион в силу своего значения в мировой истории привлекает пристальное внимание учёных разных стран. Среди них особо выделяется фигура крупнейшего востоковеда-тюрколога XX века Ахмед Заки Валиди Тогана (1890–1970). Проживший много лет в эмиграции, он сделал Туркестан главным объектом своих научных изысканий, и вклад его в туркестановедение огромен.

Надо сказать, в свою очередь, что сама личность Валиди оказалась весьма интересной для учёных разных специальностей. Работая с материалами Центрального Государственного Архива Республики Узбекистан, автор этих строк обнаружил в 1999 году неизвестное прежде письмо Валиди. Оно примечательно не только своим содержанием, но и адресатом. Будучи отлучённым от своей родины и близких людей в вынужденной эмиграции, Ахмед Заки Валиди в марте 1925 года пишет письмо из Берлина в Самарканд в Академический Центр Узбекистана для последующей передачи его историку Пулату Салиеву (в тексте письма – Бик Булату Сали-оглы), ставшему в печально известные годы жертвой сталинских репрессий. Само письмо, достаточно обширное, помимо сведений личного характера содержит немало информации по вопросам исторической географии, топонимики, источниковедения. Представляет интерес и характеристика, которую даёт Валиди состоянию современной ему исторической науки в Средней Азии. В частности, это видно из его полемики с такими крупнейшими востоковедами, как Бартольд и Томашек. Это письмо, можно сказать - полноценный научный труд, впервые было опубликовано в Узбекистане, чуть позднее в Японии<sup>24</sup>.

<sup>24</sup> Шигабдинов Р.Н. Неизвестные страницы наследия А. Валиди // *O'zbekiston tarixi*. Ташкент, 2000, № 1–2. С. 57–70. Позднее текст письма был нами опубликован в Японии: «Новая страница из жизни А.З. Валиди» // *Islamic Area Studies Project Central Asian Research Series* № 3. / Изд. проф. Хисао Коматцу. Токуо, Япон, 2001. Также отметим публикацию письма на узбекском языке исследователем научного наследия А. Валиди - Мухаммаджом Абдурахмановым: Профессор Пулат Салиева мактуб // *Фан ва турмуш*. Ташкент, 2000. № 6. С. 14–15; 2001. № 1. С. 18–19.

Сложившиеся к началу 1920-х годов предпосылки привели к поиску новых форм организации научно-исследовательской деятельности в регионе. Создание Академического Центра Узбекского Наркомпроса - одно из проявлений таких форм.

Академический центр создан был в ноябре 1924 года. Среди сотрудников Академического центра много известных деятелей, составивших славу не только отечественной, но и мировой культуры: Абдулхамид Сулейманов (Чулпан), Абдурауф Фитрат, Гази (Алим) Юнусов, Садриддин Айни, Ходжа Муин Шукруллаев, Элбек, Василий Вяткин, Газиз Губайдуллин<sup>25</sup>.

Работа Академического центра в основном шла по линии языка и литературы, письменной литературы и истории, народного творчества, этнографии и антропологии, то есть ориентировалась преимущественно на гуманитарные отрасли.

В целом Академический центр в условиях Узбекистана, сосредотачивал вокруг себя всю научно-краеведческую, научно-педагогическую и издательскую деятельность. Наиболее плодотворный период деятельности Академцентра приходится на вторую половину двадцатых годов. В конце 1920-х - начале 1930-х годов заканчивается период активной, разноплановой научной деятельности Академического центра. Не вписавшись в политическую конъюнктуру, имея собственные традиции проведения самостоятельной научно-краеведческой и учебно-методической работы, Академический центр Узбекнаркомпроса прекратил свою деятельность в результате административного решения властных структур.

Наука в Узбекистане в 1920-е годы делала первые шаги. Сказывалась недостаточность материально-технической базы, слабость методологии, малочисленность научных кадров. И хотя в те годы еще не было тесного единения науки с конкретными задачами экономического и культурного развития республики, однако научные исследования уже оказывали заметное влияние на совершенствование народно-хозяйственного строительства.

Таким образом, период 1920 – 1930-х годов XX в. был весьма сложным и противоречивым этапом отечественной науки. Однако именно в этот период были заложены

---

<sup>25</sup> ЦГА РУз, ф. Р-34, оп. 1, д. 2626, л. 154-154об, л. 144-145.

институциональные основы и кадровый потенциал для организации в 1943 году национальной Академии наук.

Дальнейшие поиски в архиве привели к обнаружению в феврале 2012 года продолжения переписки Ахмедзаки Валиди с Академическим Центром Узбекистана, которая приводится ниже. Переписка велась на русском языке, за исключением первого письма А. Валиди, которое было написано на узбекском языке, а также небольших вставок на немецком языке. Данная переписка позволяет полнее представить становление научной жизни в Узбекистане и возможные перспективы её развития. К сожалению, эта перспектива международного научного сотрудничества вскоре будет прервана неизбежной логикой советской тоталитарной машины. Руководство СССР наложит запрет на любые контакты с Ахмедзаки Валиди, ставшим впоследствии учёным с мировым именем и внёсшим бесценный вклад в развитие мировой ориенталистики.

Ниже приводится переписка А. Валиди с Академическим Центром Узбекистана.

**Письмо А. Валиди от 9 марта 1925 года в Академцентр  
Узбекистана<sup>26</sup>**

**Уважаемому председателю Академического Центра  
Узбекистана!**

По публикациям в журнале «Инкилоб» и через газеты нам известно об организации в Ташкенте Академического центра. Однако я не знаю, кто является председателем и знаком или не знаком с ним лично. В бытность мою в городах я пользовался здешними научными фондами, в которых имеется несколько книг для изучения экономической, старой литературной и духовной жизни. Я бы хотел, чтобы они были изданы. В Петербурге Российская Академия Наук, не принимая во внимание политические идеи авторов, публикует их сочинения. Ими было издано моё небольшое исследование<sup>27</sup>. Экземпляры будут у Абу Бакра Дивасава и профессора Шмидта. Наверное, Вам вышлют.

<sup>26</sup> ЦГА Республика Узбекистан, ф. № Р-34, оп. 1, д. № 2633, л. 101–101 об.

(Р.Ш. – Дата получения письма в Самарканде определяется штампом Наркомпроса Узбекистана от 5 апреля 1925 г.)

<sup>27</sup> Валиди Ахмедзаки. Мешхедская рукопись Иби уль-Факиха // Известия Российской Академии Наук. Ленинград. Сер. 6. Т. 18. С. 237-251

Думаю, что и Узбекский Академический центр не будет в убытке от издания моих сочинений. Естественно, я хочу и соответственной оплаты моих трудов. Я также могу копировать подобные первоисточники. Находить или не находить деньги связано с наличием средств к жизни. Уже два года как я непрерывно пишу и изучаю. Я собирал сведения в библиотеках Европы, Ирана и Афганистана. В настоящее время кроме маленького исследования на русском языке, всё остальное, мною сделанное, лежит без дела. Если нет возможности опубликовать, то и работа без пользы не становится предметом чаяния. Именно поэтому я был бы чрезвычайно благодарен, узнать решение Академцентра Узбекистана по этому вопросу и уведомлению меня об этом в письме. О своём обращении в Академцентр Узбекистана я не сообщаю руководителям советского правительства. Потому что до этого я имел честь получить согласие, когда обратился к ним по поводу публикации своих сочинений через посредничество российских научных учреждений. Я надеюсь, что и на этот раз будет также.

Я написал обстоятельное письмо Бик Булату Салиеву о моих уже написанных и ещё ненаписанных книгах. И я надеюсь на то, что содержание этого письма товарищ Бик Булат Вам прочтёт. Я посылаю это письмо открытым, чтобы Вы, если пожелаете, смогли прочесть его. Бик Булат астраханец, в Туркестане и в среде историков-учёных особой комплиментации не требует. ....Вы знаете, у него опубликована статья в журнале «Инкилоб». По Бухаре он издал «Историю мангытов» и несколько других сочинений. Наверняка он имеет отношение к вашему Академцентру.

Я надеюсь, что письмо дойдёт до товарища Бик Булата без промедления. В первую очередь для того, чтобы он со своей стороны написал мне письмо.

С надеждой, что данное моё обращение к Академцентру Узбекистана не останется без снисходительного внимания.

Ахмад Заки Валиди.

Автор «Истории тюрок» и ряда других сочинений, бывший сотрудник Башкордистана, наверняка Вам знакомый.

1925 март 9  
Берлин  
Walidi Ahmed Zaki  
*bei Schlickeisen Reinikendorferstrasse, 102.*  
Berlin № 65

**Текст резолюции председателя Академцентра  
Узбекистана Абдужаббарова на 1 ой странице этого письма:**

Тов. Юдахину!

Написать ответное письмо Валидову о том, что Акцентр, возьмёт на себя издание научных книг по разным темам. Для этого необходимо сообщить Валидову пусть присылает нам копию всех имеющихся у него материалов для преждевременного просмотра их, затем сообщите, пусть копии всех материалов срочно присылает в УзАкцентр

Председатель Абдужаббаров 8/IV – 25 г.

**Берлин<sup>28</sup>**  
**Валиди Ахмад Заки**                      **11 апреля 1925 года**  
**Исход. № 3978**

Получив Ваше письмо от 9/III с/г., Узакцентр с удовлетворением отметил, что Вы продолжаете Ваши научные занятия по востоковедению.

Считаясь с тем, что:

1) путь всякого серьезного востоковеда тернист и работа по специальности редко даёт ему материальное обеспечение, почему без поддержки заинтересованных учреждений всякая серьезная востоковедная работа почти невозможна,

2) что вопросы Узбекистана, да истории Ср. Азии вообще пока освещены очень слабо, УзАКЦЕНТР обещает Вам всемерную поддержку в напечатании всех Ваших трудов.

Для начала установления связи не откажите прислать по нижеуказанному адресу приготовленные Вами к печати труды, после чего АКЦЕНТР не замедлит, выслать Вам причитающийся за них авторский гонорар.

<sup>28</sup> ЦГА РУз, ф. № Р-34, оп. 1, л. № 2633, л. 94

АДРЕС: Самарканд, Советская 39, Академич. Центр. НКП  
Уз.ССР.

Председатель АКЦЕНТРА  
Секретарь

**В отдел Академцентра Наркомпроса Узбекской  
республики<sup>29</sup>**

Письмо Ваше от 11 апреля получил 20 апреля. Теперь я уезжаю в Константинополь и там же закончу перепиской по новой орфографии вторую часть моей книги «Очерки исторической географии Туркестана». Вторую часть, посвящённую долине Зеравшана и Кашкадарьи, я закончу раньше остальных частей.

До отсылки рукописи мне необходимо видеть статьи Вяткина относительно исторической географии Самаркандской области, а именно

1) «Материалы для исторической географии Самаркандского вилоята». Самарк[анд], 1902

2) Самарканд в описании Султана Бабура.

3) Перевод кырк Мухаммад Салиха «Кандия», Самарк[анд], 1906, 1907

4) Перевод Абу Тахира Ходжи.

Не одной из этих книг нет в Европе, ни в Берлине, ни в Париже.

Очень прошу Узбекский Академический Центр прислать означенные книги. Как раз Вяткин у Вас в Самарканде.

Если лишних экземпляров не найдётся, то прошу прислать на временное пользование. Я обязательно верну означенные статьи (все они в справочной книге Самаркандск[ой] обл. вып. V – VI и другие). Я хотя раньше читал и, но этого недостаточно. Может случиться промах.

Прошу не отказать моей просьбе. Как только статьи Вяткина придут, я вышлю мои рукописи.

Прошу письмо и посылку прислать в Берлин по старому адресу.

Готовый к услугам Ахмед Закий Валиди.

---

<sup>29</sup> ЦГА РУз, ф. № Р-34, оп. 1, д. № 2624, л. 175

Walidi Berlin № 65 Reinickendorferstrasse, 102 bei Schlickeisen  
(*Р.Ш.*: В нижней части письма имеется штамп Наркомпроса  
Узбекистана с датой получения письма в Самарканде 17 мая 1925  
года).

от 28 мая 1925 годаза № 5467  
Berlin №65 Reinickendorferstrasse,  
102 beiSchlickeisen  
АхмедЗакийВалидову<sup>30</sup>

Академический центр Узбекистана сообщает, что просимые  
Вами книги, Вам будут высланы, для чего укажите точный Ваш  
адрес.

Председатель Академического центра Уз.С.С.Р.

/ Абдужабаров/

Уч. Секретарь

Репников/

Тех. Секретарь

/ И. Фёдоров/

(*Р.Ш.* – В деле имеется конверт с берлинским штемпелем от  
9 июня 1925 года. Ахмед Заки Валиди в это время уже переехал в  
Стамбул, о чём он предупреждал заранее. Выходит, письмо  
дошло до столицы Германии, но не было ему переадресовано в  
Турцию, по его ранее с кем-то договорённостью. Сам конверт с  
письмом вновь вернулся в тогдашнюю столицу Узбекистана, о  
чём свидетельствует самаркандский штампель на конверте от  
20.06.25 г.

---

<sup>30</sup> ЦГА РУз, ф. № Р-34. оп. 1, д. № 2624, л. 178.

## АБДУЛҲАЙ ТОЖИЕВ – ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

Абдулхай Тожиев 1899 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўқитувчи оиласида дунёга келган. 1909 йил отаси Тожи Хўжаев вафот этганида, акаси Тўхтаўжа 15 ёшда, Абдулхай эса эндигина 10 ёшга кирган эди. Сингиллари 3 ёшли Шарифа ва эндигина туғилган Ҳамидаларнинг барчаси онаси Пошшахон аянинг қармоғида қолдилар. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини эрта тотган Абдулхай болалик гапни нималигини билмай ўсди. Бизда унинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кўп эмас, аммо унинг болалиги яқин қариндошларининг кўмағида азим Тошкентнинг кўҳна гўшаларидан Эгарчи маҳалласида ўтгани аниқ. У дастлаб маҳалла масжиди қошидаги эски мактабда, сўнг Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг жадид мактабида таҳсил олди. Тенгдошларига нисбатан зийрак йигит бўлган Абдулхай Тожиев ўз атрофида кечаётган жараёнларга бефарқ қараб тура олмади. У 1919 йилдан тошкентлик жадид тараққийпарварларининг мафкуравий раҳбарлиги остида тузилган “Изчилар гўдаси” гўгарағида фаол иштирок этди. Бу гўгарак нафақат ёшлар орасида илм маърифатни тарғиб этди, балки уларнинг сиёсий билимларини ўстиришга, ватан келажағи олдидаги масъулиятларини оширишга, иштирокчиларнинг жисмоний фаолликларини ривожлантиришга интилади.

“Изчилар гўдаси” аъзолари сони кун сайин ортиб борди. Улар ёшларга таълим беришда Абдулваҳоб Муродий синғари ёш, иқтидорли муаллимлар билан бирга маълум ҳарбий маҳоратга эга бўлган Биринчи жаҳон уруш майдонларида бўлган ҳарбий асирларни ҳам жалб этадилар. Тараққийпарварлар мавжуд вазиятда ватан истиқболи йўлида курашаётган барча кучларни бирлаштиришга, Туркистондаги зулм ва босқинчиликка





қарши қуролли кураш ҳаракати намоёндалари билан ҳам алоқа боғлашга интилдилар. Бироқ, советлар ҳокимиятининг мустаҳкамланиши жараёнида миллий истибодга қарши курашчилар ўз позицияларини йўқотиб борди. Мунтазам таъқиб ва аёвсиз қатагонлар натижасида қисқа муддатда собиқ истиқлолчиларнинг бир қисми яқсон этилди, бошқа бир қисми эса реал вазиятдан келиб чиқиб компартияга кирди ва “содиқ” партия ходими бўлиб қолдилар.

1920 йил Абдулҳай Тожиев Турор Рисқулов раҳбарлигидаги Мусбюро таркибида Москвада бўлди. Бу ташриф унинг сиёсий тафаккури шаклланишида муҳим ўрин тутди. Москвадаги бир неча ойлик саргардонликларда ҳокимият қудрати, сиёсий кураш ва ҳийлалар, совет давлатининг сурати ва сийратини кўрди. У Тошкентга қайтгач журналистлик фаолияти билан жиддий шуғулланди. 1922-23 йилларда “Туркистон”, 1923 йилдан Андижон шаҳрида нашр этила бошлаган “Дархон” газеталарида масъул муҳаррир бўлиб хизмат қилди. Шундан сўнг унинг сиёсий фаолияти совет давлатининг Маркази бўлган Москва шаҳрига боғланди. А.Тожиев 1923-25 йилларда Москвадаги Свердлов номли Коммунистик университетда ўқийди. 1925 йил Тошкентга келиб, Тошкент вилояти партия котиби (обком) бўлди. Бироқ, у 1926 йил яна Москвага чақириб олиниб, 1927-29 йилларда ЦК КП(б) Ўзбекистон тарғибот-ташвиқот бўлимида ўринбосар, 1929-1935 йилларда Совет Иттифоқи мишлатлар Кенгашида котиб бўлиб ишлайди. А.Тожиев 1935 йилдан яна Тошкентга келиб, то 1937 йил ЎзССР НКВД томонидан қамокқа олингунига қадар Тошкент шаҳар советининг раиси, ЎзССР МИК раиси ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

А.Тожиев дунёқарашининг шаклланишида Тошкент жадид тараққийпарварлари, хусусан, Мунаввар қорининг роли катта бўлган эди. Шунинг учун ҳам А.Тожиев публицистикасининг асосини маориф масаласи ташкил этади. 1919 йил Иштрокиюн газетасида унинг “Ҳақсиз мудофаа” мақоласи босилган. Мақолада ўзбек театрида қўйилган “Тўкма” (Гап) пьесасига “Ишчи” (Ғози Юнус)нинг асосли танқиди муҳокама этилади. Баҳром Ҳайдарий “Ишчи”га қарши ўз мақоласида “Тўкма”ни мудофаа этиб, театрдаги янгиликларни танқид этиш эмас, аксинча қўллаб-қувватлаш керак, деган эди. Эндигина 20 ёшга

кирган Абдулхай Тожиев Б.Хайдарийнинг фикрига қарши чиқиб, театрнинг халқ маданияти ва маънавий тафаккури ривождаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Мақолада танқид масаласига, танқиднинг инсон ва ижодкорнинг, умуман жамиятнинг такомиллидаги ўрнига ўта хассослик билан таъриф беради. Айниқса, ёш ўзбек театрining камолотида бундай холис танқидлар нафақат ўринли, балки зарурий шарт эканлигини уқтиради. Саҳнада бачкана кулгулар ёхуд майда иллатлардан кўра миллатимиз фожиаларининг сабабчиси бўлган маърифатни кўпроқ тарғиб этишга чақиради<sup>31</sup>.

Халқ маорифи масаласи унинг 1922-23 йилларда Туркистон газетасида масъул муҳаррирлиги даврида ёзган мақолаларида янада кенгроқ ўз аксини топди. Абдулхай Тожиев ўз мақолаларида советларнинг баландпарвоз шиорлар остида бошлаган халқ маорифини ривожлантиришга қаратилган сиёсатининг камчиликларини таҳлил этади. Ҳеч қандай моддий асоссиз ташкил этилган совет мактабларида дарслик ва ўқитувчиларнинг йўқлиги, қабул қилинган қарорларнинг қоғозда қолаётганини ёзади. У халқ маорифидек мураккаб ва катта аҳамиятлик масалани эндиликда маҳаллий бюджетга ташлаб қўйилаётганини танқид қилади<sup>32</sup>.

А.Тожиевнинг ўткир истехзолар билан ёзилган “Ўзинг учун ўл етим!” мақоласи эса маҳаллий маҳкамаларнинг харажатини маҳаллий маблағлар ҳисобидан амалга ошириш ҳақидаги декретни танқид этишга бағишланган. “Энди Марказ маҳаллий идоралар учун бир тийин ҳам бермайди. Бу эса маҳаллий солиқ ва тўловларнинг ошиб боришига, халқни талашга олиб келади”, дейди. Ҳатто, маҳаллий қизил аскарлар ва темир йўл ташкилотлари харажатларининг ҳам маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилишини айтиб, “...маҳалла соғиладиган сизир, Ўзинг учун ўл етим!” деб мақолани яқунлайди<sup>33</sup>. Маорифга бағишланган бошқа мақоласида эса “...ҳаёт мамотимиз мактабга боғлиқ. Ҳар қандай шароитда маорифга хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг миллат олдидаги бурчидир”, деб бунда маҳаллий ҳукуматни эскидан маорифга хизмат қилган тажрибали устозларнинг

<sup>31</sup> Тожий Абдулхай. Ҳақсиз мудофаа//Иштрокиюн. 1919. 29 июн.

<sup>32</sup> Қаранг: Абдулхай. Қайтиш эмас юриш керак. // Туркистон. 1922 й. 18 декабрь. – Б. 1.

<sup>33</sup> Абдулхай. Ўзинг учун ўл етим! // Туркистон. 1922 й. 21 декабрь. – Б. 1.

хизматидан фойдаланишга чақиради<sup>34</sup>. А.Тожиев ўзининг “Янги куч керак” деб номланган мақоласида ҳам совет бошқарувининг қисқа тарихидаги хатоларини ёзиб, “...ҳукуматга ҳар доим билимдон, ишбилармон кишилар керак бўлади”, дейди. Шу мақсадда ҳукуматни маҳаллий ёшлардан янада кўпроқ малакали кадрларни тайёрлашга даъват этади<sup>35</sup>.

У матбуотнинг жамият ҳаётидаги бекиёс ўрнини англаган ҳолда “Туркистон” газетаси саҳафаларида Чўлпон, А.Қодирий, Ғ.Юнус, С.Сиддиқ, А.Аюб, Элбек кабилар ижодига кенг ўрин беради. Газетада халқ, миллат маънавияти равнақи учун долзарб бўлган маориф, тил-адабиёт, санъат ва театр масалаларига кўпроқ урғу берилди. Унинг хизмати ўлароқ ҳафталик газета халқнинг сеvimли нашрига айланди ва иқтисодий имкониятларининг мустаҳкамланиши билан газета ҳар куни чиқадиган бўлди<sup>36</sup>. А.Тожиев ҳар доим зиёлилар масаласини миллат келажаги билан уйғун тасаввур этди<sup>37</sup>.

А.Тожиевнинг иқтисод ва сиёсат масалаларига бағишланган туркум мақолалари ҳам мавжуд. Уларда совет Марказий матбуоти таъсири сезилсада, бу мақолаларнинг бирортасини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди<sup>38</sup>. Зеро, уларда А.Тожиев совет сиёсати ва унга муносабатини ўзига хос усулда баён қилади. Жумладан, 1922 йил сўнгида Москвада Бутун Россия Советларнинг X қурултойи бўлиб ўтган эди. Унда СССРнинг маъмурий тизими масаласи кўрилиб, Марказ ва Иттифокдош Республикаларнинг ваколатлари (Хоразм, Бухоро Республикалари очик қолдирилган) келишилди. Унга кўра хорижий савдо, ташқи ишлар, темир йўл, почта-телеграф Комиссарликлари тўғридан-тўғри Иттифок Комиссарликларига бўйсундирилади. Молия, Хўжалик, Озуқ ишлари, Меҳнат ва Ишчи-деҳқон назорати Комиссарликлари Иттифокчи Республикалар ихтиёрида қолдирилган бўлсада, фақат Марказий

<sup>34</sup> Абдулҳай. Маориф ҳафтаси яқинлашади // Туркистон. 1923 йил 2 март.

<sup>35</sup> Абдулҳай. Янги куч керак // Туркистон. 1923 йил 4 февраль.

<sup>36</sup> Абдулҳай. Матбуот fronti // Туркистон. 1923 йил 3 февраль.

<sup>37</sup> Тожиев Абдулҳай. Миллий зиёлилар ўртасида ишлаш ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 11 январь., Тожиев Абдулҳай. Зиёлилар масаласи устида // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 25 апрель., Тожиев Абдулҳай. Маориф ҳақида доклад // Қизил Ўзбекистон. 1928 йил 22 май.

<sup>38</sup> Абдулҳай. 1922-1923. // Туркистон. 1923 йил 1 январь. Абдулҳай. Ҳукумат заъми // Туркистон. 1923 йил 26 декабрь. Абдулҳай. Пул ишлари // Туркистон. 1923 йил 25 январь. Абдулҳай. Солиқлар тўғрисида бир неча сўз // Туркистон. 1923 йил 28 февраль.

Комиссарлар Шўроси кўрсатмалари асосида иш кўриши белгиланди. Ички ишлар, Адлия, Маориф, Ер ишлари Иттифоқдош Республикаларнинг ўз ижрокўмлари ихтиёрида қолдирилди <sup>39</sup>. Табиийки, улар ҳам фақат қоғозда эди. Шунингдек, бошқа бир туркум мақолаларида қишлоқда деҳқонларнинг “Қўшчи” иттифоқларидан чиқиб кетиши ҳолларини таҳлил этади. Мақолада ташкилотларда йўл қўйилаётган камчиликларни муҳокама қилиб, бунда айбдорларни текшириш усуллари ва советча “тозалаш” сиёсатини тадқиқ этади <sup>40</sup>. А.Тожиев “тозалаш” (чистка)нинг миллий кадрларни камайтиришга қаратилган шовунистик мақсадларга хизмат қилишини кўрсатиб ўтади ва маҳаллий кадрларнинг сиёсий билимларини ошириб бориш зарур, дейди. У миллий кадрлар учун ўзбек тилида сиёсий қўлланмалар тайёрлашга чақиради <sup>41</sup>.

А.Тожиев порахўрлик иллати ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ёзиб, иқтисодий ночорликни уни юзага келтирадиган омиллар қаторига киритади <sup>42</sup>. А.Тожиев мақолаларида фуқароларни замон билан қизиқишга, сиёсий маданиятини ошириб боришга чақиради. Акс ҳолда, кўрган жабрлари зиёда бўлади, дейди <sup>43</sup>. Шунингдек, Туркистондаги ишсизликнинг кундан кунга ортиб бораётгани ҳақида тўхталиб, бу муаммони касаба уюшмалар томонидан ҳал этилуви лозимлигини уқтиради <sup>44</sup>. У совет милицияси куни муносабати билан ёзган мақоласида жамиятда қонун устуворлигининг зарурлиги, милициянинг мамлакат тинчлигини сақлашдаги вазифалари ва аҳамиятини тушунтиради. “Милиция онгсизликдан қутулиши лозим, у жазо органи бўлиши керак эмас, ходимлар ўз ақлига таяниб ишлай олсинлар”, дейди <sup>45</sup>.

А.Тожиевнинг кўп сонли мақолалари совет ташқи сиёсати масалаларига бағишланган. Бироқ, уларда қаламга олинган ҳодисалар кўпроқ ўзбек газетхонининг дунё ҳақидаги

<sup>39</sup> Абдулхай. 10 қурултой ишлари // Туркистон. 1923 йил 12 январь.

<sup>40</sup> Абдулхай. “Қўшчи” союзини тозалаш муносабати билан // Туркистон. 1923 йил 14 январь.

<sup>41</sup> Абдулхай. Масъулият бўлсин // Туркистон. 1923 йил 8 февраль. Абдулхай. Фирқанинг текшириши муносабати билан // Туркистон. 1923 йил 9 февраль.

<sup>42</sup> Абдулхай. Порахўрлик катта бало // Туркистон. 1923 йил 15 февраль.

<sup>43</sup> Абдулхай. Фирқасизлар конференцияси // Туркистон. 1923 йил 21 февраль.

<sup>44</sup> Абдулхай. Ишсизлик билан кураш // Туркистон. 1923 йил 11 февраль.

<sup>45</sup> Абдулхай. 5 йил // Туркистон. 1923 йил 29 январь, Абдулхай. 5 йил тўлди // Туркистон. 1923 йил 23 февраль.

тасавурларини кенгайтиришга қаратилган эди <sup>46</sup>. Айниқса, қуролсизланиш ва тинчликсевар сиёсат масаласидаги Москва конференцияси якуни ва қизил жаҳонгирлар найрангининг фoш этилиши, жаҳон уруши тугаганига 5-6 йил ўтмай Шарқий Европанинг яна қайтадан қуролланишга ўтиши, уларнинг ўзаро ва Польшанинг СССРга ҳудудий даъволарини ўқувчиларга маълум қилади <sup>47</sup>. Айниқса, Франциянинг Рурга даъвоси, Германиядаги оғир иқтисодий инқирозни ёзиб <sup>48</sup>, совет матбуоти француз зуғумига қарши немис ишчиларини кўзгалонга чақиради <sup>49</sup> ва ўз ёрдамини таклиф этади <sup>50</sup>. Голиб давлатларнинг Туркияга қарши Лозанна битими ва бу масалага бағишланган конференциянинг аҳамиятига тўхталади <sup>51</sup>. Умуман, А.Тожиевнинг бу туркумдаги мақолалари содда тилдалиги, тушунарли мисоллари билан ўзбек ўқувчиларининг ўз вақтида жаҳон сиёсати ва географик билимларини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятга эгадир.

Унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти янада самарали кечди. У Тошкент вилояти партия котиби бўлган вақтида ҳам Тошкент шаҳар советининг раиси ёхуд ЎзССР МИК раиси ўринбосари ловозимларида ишлаган вақтида ҳам матбуотдан узоқлашмади. Эл-юрт дарди, мамлакат равнақи йўлида тиним билмади. Жумладан, Тошкент вилояти партия котиби вазифасида ишлаган кезларда матбуотда эълон қилинган маърузасида вилоятдаги асосий муаммолар сифатида ишчилар ўртасида миллий кадрларни кенгайтириш, маҳаллий майда хунармандларга маълум имтиёзлар тизимини яратиш, ўртаҳол деҳқонларни ҳимоялаш, саводсизликка қарши курашишдек устувор масалаларни кўтарган эди <sup>52</sup>.

А.Тожиев эндигина 38 ёшга қадам қўйган оқида, боши ақлга, билагига куч-ғайратга тўлган вақтида тоталитар тузумнинг қора гирдобига дуч келди. 1937 йил 3 августда ЎзССР НКВД 4-бўлими

<sup>46</sup> Абдулҳай. Ишчиларнинг келгуси порлоқдир // Туркистон. 1922 йил. 16 декабрь. Абдулҳай. Шарқда инқилоб ҳаракати ўсадир // Туркистон. 1922 й. № 24.

<sup>47</sup> Абдулҳай. Оврупо консерайдир // Туркистон. 1923 йил 6 февраль.

<sup>48</sup> Абдулҳай. Чигал кўпаядир // Туркистон. 1923 йил 13 февраль.

<sup>49</sup> Абдулҳай. Яна уруш // Туркистон. 1923 йил 27 январь.

<sup>50</sup> Абдулҳай. Охири нима бўлур? Замон кўрсатади // Туркистон. 1923 йил 25 февраль.

<sup>51</sup> Абдулҳай. Лузон музондан фойда йўқ // Туркистон. 1923 йил 23 декабрь. – Б. 1.

<sup>52</sup> Тожиев Абдулҳай. Шўроларга қарши унсурлар ва фирканинг вазифалари // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 6 апрель.

бошлиғи Агабеков ЎзССР МИК раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар советининг раиси бўлган Абдулхай Тожиевни қамокқа олиш тўғрисида Қарор чиқаради. Шу куннинг ўзида Ордер олиниб, у истиқомат қиладиган Тошкент шаҳри, Бородинский кўчаси, 57-уйда тингув ўтказилади. Тузилган Далолатномада А.Тожиевга тегишли “Маузер”, “Браунинг” қуроллари ва 48 та патрон, № 2903 рақамли дипломатик паспорти, ЮБ № 088237 рақамли фуқаролик паспорти, партия билети, китоблари ва маърузалари хатланиб олиб кетилди.

1937 йил 11 август куни ўтказилган дастлабки сўроқда Абдулхай Тожиевдан оила аъзолари ҳақида маълумот талаб қилинади. А.Тожиев: “1) хотиним Тожихон Аҳмедова 1906 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1922 йил турмуш курганмиз, уй бекаси. 2) ўғлим Учқун 1923 йил туғилган, Пушкин кўчасида жойлашган Сталин номидаги мактабда 5-синф ўқувчиси 3) қизим, аслида акам Тўхтаўжанинг фарзанди, 1925 йил туғилган. 4) Отам Тожи Хўжаев 1909 йил вафот этган. 5) Онам – Пошшахон Эгарчи маҳалласида акам билан яшайди, 75 ёш юрак касалига чалинган. 6) акам Тўхтаўжа 1894 йил туғилган. 1925 йилдан КП аъзоси, ҳозирда магазин мудир. 7) синглим Шарифа 1906 йил туғилган. Бухоро шаҳар КП котиби Ҳамдам Тожиевнинг хотини, 12 ёшли Мунира отлик қизи бор, Бухорода яшашади. 8) Синглим Ҳамида Тожиева 1909 йил туғилган. Тошкентда Шаҳид Аълам гузари маҳалласида туради. Эри Содиқ Хўжаев Куйбишев туман партия комитетининг иккинчи котиби. Ўғиллари Собит (7 ёш) ва Урут (5 ёш)лар. 9) Муҳаммадхўжа Эшонхўжаев (60 ёш) дадамнинг отасининг укаси, 1918 йилдан КП аъзоси, Эгарчи маҳалласида милиционер бўлган, ҳозир пенсияда. 10) Холам онамнинг опаси, Ханифа Азизхўжаева 79 ёш Себзорда яшайди. 11) Амаким Аҳмар Маҳмудхўжаев Эгарчи маҳалласида яшайди...”. Сўроқда у жами 22 та қариндошини санайди. Албатта, бу батафсил рўйхат Абдулхай Тожиевга тайёр ҳолда топширилиб, имзолатиб олинган бўлиши ҳам мумкин. Бонси, бу унинг берадиган жавоблари бутун қариндош уругининг тақдирини ҳал этиши мумкинлигига шайма эди.

1937 йил 11 август дастлабки тергов материаллари билан танишиб чиққан лейтенант Фурманов ўзининг Айблов Қарорини чиқаради. Унда ЎзССР МИК раиси муовини, Тошкент шаҳар

Совети раиси А.Тожиевга аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг фаол аъзоси, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш йўлида миллий зиёлиларни тарғиб этгани ва шу йўлда миллий кадрлар тайёрлаган, бегона унсурларни қатагон қилишдан асраган, уларни яширган, деган айблар қўйилди. Шунингдек, уни Троцкий, Зиновев ва Мустафо Чўқоевларнинг асарларини уйда сақлагани учун ЎзССР ЖК 66 моддаси I қисми ва 67 моддалари билан айбли, деб топади.

1937 йил 3 сентябрь куни ўтказилган сўроқ А.Тожиевнинг собиқ Ўзбекистон КП(б)МК котиби А.Икромовга қанчалик яқин инсон эканлигини исботлашга қаратилди. Унда гўёки А.Тожиев ва А.Икромовлар 1918 йилда “Иттиҳоди тараққий” ташкилотини тузганлар. Шундан сўнг А.Икромовнинг мафкуравий раҳбарлиги остида “Изчилар” тўдаси тўгараги ташкил этилган. Тўгарак азолари тезда 3000 дан ортиб кетган. Шундан сўнг А.Икромовнинг фаолиятига тўхталиб, “1923-24 йилларда Москвада Свердлов университетида ўқиб юрган Икромов ва хотини Е.Л.Зелькиналарнинг ашаддий троцкийчи бўлганини айтади. Унинг гуруҳида Муслим Шермухамедов, Ханафий Бурнашев, Боту, Абдулла Раҳимбоев, Ҳамдам Тожиевлар бор эди. Икромов Свердлов университетининг барча талабаларига Сталин ёлғон йўл билан ҳукуматга келган. Сталинга қараганда Троцкий Ленинга кўпроқ яқин эди, деган фикрларни илгари сурган. Зелькина Троцкийнинг хатларини келтириб турган ва Икромов Троцкийни йўқ қилиш керак эмас, деб тарғиб олиб борган. А.Икромов бу пайтда Антипов, Бухаринлар билан яхши алоқа ўрнатган ва улар кейин ҳам Тошкентга келганда Икромовнинг уйига, дачасига келар эди. Икромов 1924 йил Тошкентга қайтгач, троцкийчилигини яширган, аммо Петров ва Цехер каби троцкийчиларни доимий қўллаб келган”, дейилган эди. Ана шу қоғозларни имзолатиш орқали А.Тожиевнинг А.Икромовга қанчалик яқин инсон бўлганлиги сўзсиз “исбот” этилди.

1937 йил 8 сентябрь сўроқ жараёнида воқеалар ва иштирокчилар янада кенгрок ёритилди. Аслида ҳеч бир кучга эга бўлмай, фақат қоғоздагина мавжуд бўлган ташкилотлар ҳақида, жумладан, А.Икромовнинг 1918 йил “Иттиҳод ва тараққий”, 1919 йил охирида “Миллий иттиҳод” ташкилотларини тузишга раҳбарлик қилгани, 1921 йил эса “Изчилар тўдаси”ни тузиб,

“босмачилик” ҳаракатини ҳам қўллаб қувватлагани, ҳатто, 1921 йил Анвар пошшо “Миллий иттиҳод” ташкилоти таклифи асосида Туркистонга келгани баён этилди. Ташкилотта “И.Хидиралиев, С.Турсунхўжаев, Мунаввар қори, Р.Исломов, А.Раҳимбоев (Тожикистон ХКС раиси), А.Каримов, С.Тиллахонов, Ф.Хўжаев, Фитрат ва бошқа кўпгина инсонлар билан мен – А.Тожиёв аъзо эдим”, дейди. Яна ўзи ҳақида “1927 йилдан “Миллий иттиҳод” аъзосиман, ўшанда Самарқандда Боту уйимга келиб, мени бу ташкилотига тортди. Ташкилотта А.Икромов, А.Каримов, С.Болтабоев, М. Шермухаммедов ва бошқалар аъзо эдилар” деб гувоҳлик беради.

Шундан сўнг далилларга ўтиб, 1930 йил Саъдулла Қосимов суди натижаларидан норози бўлган А.Икромовнинг Москвага суд материалларини олиб боргани, 1933 йил Муслим Шермухаммедовнинг “энди армиямиз ҳам бор, ўзбек дивизияси раҳбари М.Миршаропов ўзимизнинг одам. Ҳожи Юнус ўз фамилиясини Наримонов деб ўзгартириб, дивизиянинг сиёсий бўлимини бошқармоқда” деганларини эслайди. “1935 йил Тошкентга келганимда ташкилот ҳамон ишлар эди” - Шермухаммедов: “яқинда Япония ва Германия СССРга қарши уруш бошлайди. Шунда ўзимизнинг мансаблардаги одамлардан фойдаланиб, Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиб кетамиз. Унгача бузгунчилик қилиб юраверинлар” деган экан. Шундан сўнг, у мазкур аксилникчилик гуруҳининг, яъни ўзларининг барча қилмишларини “фаш” этади. Энг қизиғи йўл қўйилган камчиликларнинг барчаси тўлиқ совет тузуми ва маъмурий-бўйруқбозлик бошқарувиغا хос иллатлар бўлиб, улар устамонлик билан маҳаллий кадрларнинг бўйнига қўйиб юборилган. Ва бу, гўёки уларнинг аксилсовет фаолияти натижаси қилиб кўрсатилган эди. Албатта, бу айбловлар терговчидан жуда юқори савияда бўлиб, бу сўроқ баённомалари аллақачон юқори совет идораларида махсус ўрганиш натижасида тайёрланган эди.

1937 йил 22 сентябрь кuni ўтказилган сўроқ жараёнида у: “1936 йил октябрь-ноябрь ойларида А.Икромовнинг хонасида Бўзсувдаги гидростанция инженери, ҳозирда ЎзССР ХКС қошидаги Фан комитети раиси муовини, 1922 йил Германияда таҳсил олиб қайтган Султон Матқуловни кўрдим. Икромов мен билан суҳбатда: “бу дипломат, ўзимизнинг одам, унга сиёсатни



билан суҳбатда: “бу дипломат, ўзимизнинг одам, унга сиёсатни тушунтирдим, маълумотларни немислар орқали Германияга юборади. Мени ҳар бир колхозда танишади, мен ҳам уларнинг ҳар бирини танийман. Лекин, Ўзбекистон мустақиллиги учун курашда бизнинг ҳақиқий кучимиз миллий дивизиямиз бўлади. Агар М.Миршаропов САВОдан қуролларни ола билса. Энг ишончли куч бу биз тайёрлаган физкультурачилардир. Улар ҳозир ҳар бир қишлоқда бор. Уларни тезда йиғиб олиб қуроллантиришимиз мумкин. Бу жараёнда А.Каримов, С.Матқуловлар бизнинг одам сифатида ҳаракат қилади” деган эди. А.Икромов фикрини давом эттириб: “Ҳозирда фақат Германия билан алоқа қилишимиз зарур. Япония ҳам бор, бироқ у жуда узоқ ва биз уларни яхши билмаймиз. Монголия орқали алоқа боғлашимиз мумкин, бироқ Монголия советлар таъсирида. Афғонистон ва Эрондан ҳам умид йўқ, улар совет давлатидан кўрқади. Агар Германия уруш бошласа, вазият ўзгаради. Аслида улар атеист СССРни ёқтирмайди, фақат советлардан кўрққани учун ҳозир бизга ёрдам бера олмайди”, деди. Шунингдек, сўроқ баённомасидан А.Тожиёвнинг “Акмал Икромов Туркменистонда Айтақов, Атабоев, Тожикистонда Раҳимбоев, Қозоғистонда Кулумбетовлар билан яқин алоқада эди. Испанияда Франконинг ғалаба қилиши бизга илҳом берди ва бизда истиқлол орзусини янада кучайтирди”, деган “гувоҳликлари” ҳам ўрин олди.

1937 йил 26-28 сентябрдаги сўроқда боши охири йўқ буюк ёлғон ясалди. Унда, жумладан: “1918-1919 йилларда Туркиянинг ўзи ёрдамга муҳтож эди. 1918 йил Обид чаток (Обиджон Маҳмудов) Кўқондан Закаспий, Кавказ орқали инглизлардан ёрдам сўраган эди. Бироқ, Марки шахрида бу делегация советлар томонидан қамоққа олинди. 1920 йил БХСР тузилгач, Ф.Хўжаев, Мунавварқори, С.Турсунхўжаевлар бошчилигида инглизлар билан алоқа тикланган эди. 1921 йил кузида С.Турсунхўжаев Бухорога бориб, эски шаҳар ижрокўмига раис бўлди. Улар Анвар пошшога алоқага чиқиб, уни Бухоро тупроғига келтирдилар. 1922 йил баҳорида “Миллий Иттиҳод”нинг Фарғона қисмидан Хидиралиев, Алимходжаев, Каримовлар инглизлардан қурол олишга келишдилар. Бироқ, 1923 йил босмачилик тугатилиб, бу ҳаракатлар ҳам охирига етмай қолди. Тожикистон Халқ Маориф Комиссари Нисор Муҳаммедов 1927 йил Самарқандда хонамга

келиб, ўзини “Мишлий иттиҳод” ташкилотига аъзо эканлиги ва Англия билан алоқа боғлаши мумкинлигини айтди.

1928 йил соат 11 да А.Икромовникида барча ташкилот аъзолари, Наби Қодиров, Ботулар ҳам йиғилди. Улар Англия ёрдамида СССРдан қутулиш чораларини муҳокама қилдилар. Х.Бурнашов бу фикрни қўллаб-қувватлади, А.Каримов Англияга ресурсларимиздан концессия таклиф этиш орқали янги техника келтирамиз, деди. Шундан 5-6 кун ўтгач, 20-25 бетлик машинкада махфий ахборотлардан иборат хат тайёланди. У Нисор орқали Англиянинг Авғонистондаги элчисига етказилди. 1928 йил июлида Икромов Англиядан жавоб олдим деб, рус тилида ёзилган кичик қоғозни кўрсатганди. Унда Англия ёрдамга ҳар доим тайёр экани, фақат ташкилотни мустаҳкамланг ва вақтида ёрдам бўлади, дейилган эди. 1929-35 йиллар Москвада эдим, шунинг учун бу вақтдаги ташкилот фаолиятини билмайман”, дейди. У А.Икромовнинг Англия билан алоқани ушлаш мақсадида Сурхондарё КП(б) округкоми Алим қори Шокиров, 1936 йил октябрида Қашқадарё округкоми котиби Аббосхон Саидхоновлар орқали Авғонистонга Англия разветкасига хат юборганини ҳамда Урумчидаги совет элчиси Апрессов билан ҳам яхши алоқада эканини ҳам айтиб ўтади.

Шундан сўнг ўзининг Москвадаги жосуслик фаолияти ҳақидаги саволга жавоб беради. 1932 йил ёзидами ёки 1933 йилми Москвада Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳудудий низо юз берди. Ўшанда Тожикистон ХКС раиси Ҳожибоев ва унинг консултанти Нисор Меҳаммедовлар келишди. Келишувлар жараёнида мен Нисор орқали Марказий Осиё Республикалари Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистонлар ҳақида, уларнинг иқтисодий, маданий тараққиёти ҳақида 5 та доклад тайёрлаб Англия разветкасига юбордим. Сўнг 1934-35 йилларда Германия ва Япония билан қизиқдик. Бу даврда Англияга қизиқиш сусайди. 1936 йил сентябрда мени Икромов ўз кабинетига чақириб, “энди Германияга алоқага чиқишимиз керак”, деди. “Монголияда советлар таъсири кучли, бизнинг ҳаракатимизни сезиб қолади. Японияга ҳам фақат Германия орқали чиқишимиз мумкин. Авғонистон ва Эрон фақат Германия уруш бошлагани тақдирдагина бизга ёрдам бериши мумкин, акс ҳолда улар

кўрқади”, деди. 1931 йилда Англия ёрдамида Иброҳимбек СССРга хужум қилганида Икромов ва Миршароповларнинг бундан хабари бор эди. Тухачевский жосус, деб айблангач, Муслим Шермухаммедов ва Исроил Ортиқовлар кўпуровчилик ҳаракатига киришдилар, бунда М.Миршаропов уларни қурол билан тامينлаши керак эди”, дейди. Бундай тутуриқсиз икки дунёда ҳам бир нуқтада жамлаб бўлмайдиган ҳодисалар ёзилган қоғозларга А.Тожиевдек оқ қорани таниган одамнинг имзо чекиши осон кечмаган, албатта.

1937 йил 16-18 октябрь кунлари ўтказилган сўроқда аниқ мисолларга мурожаат этади: “1935 йил августида “Националь” меҳмонхонасида яшардим. Ўшанда Тошкент шаҳар КП комитети котиби Кац билан биргаликда Каганович, Красновосточний заводларида ноҳушликларни ташкил этдик. 1936 йил ёзида эса Фарғонанинг Шўрсув конида, 3-Тошкент пойафзал фабрикасида ёнғинларни ташкиллаштирдик. Ўшанда НКВД раиси Загвоздин келганда Кац: “Бу ҳеч қачон асл айбдорларни ва ҳақиқий сабабларни топа олмайди. Яна умуман бегоналарни тутиб жазолайди” деган эди. А. Икромов 1931 йил охирида Москвада “Метрополь” меҳмонхонасига чақириб, соат 10:00 да Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакили Муҳиддин Турсунхўжаев билан таништирди (Аслида бу ҳам тўқима бўлиб, улар болаликда бир маҳаллада улғайган эдилар). 1935 йил июнда М.Турсунхўжаевнинг ўрнига Жаҳон Обидова мухтор вакил бўлди ва у ҳам Англия разветкасига йўл топди ва у алоқани Кессел деган киши орқали амалга оширди”, дейди. Шундан сўнг чет элдаги ўзбек иммигрантлари ҳақида “тўхталиб”, ўзининг Истанбулда А.З.Валидий, Парижда М.Чўқайлар билан алоқасини “фoш” этади. 1926 йили Арабистонда мусулмонлар Конгрессига Ўзбекистондан А.Икромовнинг тоғаси Абдувоҳид қори юборилди. У Туркияда З.Валидий ва бошқалар билан учрашиб, Туркистондаги аҳволни дунё мусулмонларига маълум қилган эди. 1928 йил 3 нафар талаба Германиядан келди. ГПУ М.Солиҳовдан З.В.Тўғоннинг хатини топади. А.Икромов шундан сўнг Чўқай ва Валидийдан хафа бўлди ва 1936 йил Шермухаммедовдан Боку Тифлис орқали Валидийга 60000 сўм юборди”, дейди.

1937 йил 26 октябрь куни ўтказилган сўроқда янада улкан ёлгон пайдо бўлди. Унда гўёки А.Икромов 1937 йил июлда Сингзян ўлкасида бўлган кўзголонга Ибрагимов, Қосимов деган маҳаллий вакилларни йўллаб, улар орқали дунканларни уйғурлар билан бирлашишга чақиради. Сўроқ баённомаларида келтирилаётган далиллар шунчалик аниқ, аини пайтда шунчалик уйдирмаки, ҳақиқат ва ёлгон қоришмасидан санъаткорона, исботлаб бўлмас даражада бўхтон яратилган эди. Боиси соатма соат олиб борилган кузатув, уларга аралаштирилган ғаразли ёлгонлар ва Агабеков, Фурманов, Апресянларнинг қонли исканжаси асосида чекилган имзолар. Бу ҳужжатлар “қизил империя”нинг тубан тергов усуллари дахшатидан яна анча йиллар шоҳидлик бериб турса керак.

1937 йил 12 ноябрь куни сўнгги бор сўроқ ўтказилди. Унда Агабеков Абдулхай Тожиев номидан СССР Генерал Комиссари Ежовга ариза тайёрлаган эди. Бироқ, Тожиевнинг имзосини ололмади, шунга қарамай ариза унинг жиноий ишига тиркаб қўйилди. Унда гўёки А.Тожиев ўша вақтда Ўзбекистон ХКС раиси бўлган Султон Сегизбоевнинг ижтимоий келиб чиқиши ва унинг Туркистон озодлиги йўлидаги аксилинқилобий ҳаракатлари, қолаверса, унинг жосуслик фаолиятини ҳам “фош” этади. Бу ҳужжат НКВДнинг иш усулига кўра, келажакда Сегизбоевнинг қатағон этилиши учун асос бўлиши керак эди.

Бутер камоқхонасида сақланган Абдулхай Тожиевни 1937 йил 28 октябрда А.Икромов билан, 1937 йил 23 ноябрь куни Абдуллажон Каримов ва Муслим Шермухаммедовлар билан юзлаштиришлари “муваффақиятли” ўтказилди.

1938 йил 3 апрелда Купер, Михеев, Глебовлар томонидан Айблов баённомаси эълон қилинди ва унда А.Тожиев РСФСР ЖКнинг 58 I А, 58-7, 58-8, 58-9, 58-11 бандлари билан айбланди. Айблов 1938 йил 13 апрелда СССР Прокурори Вишенский томонидан, 1938 йил 26 апрелда Москвада СССР Прокурори ўринбосари Рогинский томонидан яна бир бор тасдиқланди. Айбловда А.Тожиевга 1918 йилдан “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод” ташкилотларида аъзо, 1927 йилдан советларга қарши фаол кураш бошлаган аксилинқилобий ташкилот аъзоси, давлат мулкани бошқаришда катта ўпирилишларга йўл қўйган, деган айблар қўйилди. А.Тожиев 1938 йил 27 апрелда “Учлик”

томонидан отувга ҳукм этилди ва жазо худди шу кун ижро этилади.

1956 йилда Тошкент шаҳри, Москва район, Эгарчи кўчаси кўчаси 18 уйдан А.Тожиевнинг хотини Тожихон Аҳмедова СССР Олий Совети раиси К.Е.Ворошиловга ариза йўллайди. Шундан сўнг у Н.С.Хрущёвга, СССР бошпрокурорига, ЎзССР КП биринчи котиби Н.Муҳиддиновга, СССР Министрлар Совети раиси Булганинларга ҳам аризалар билан мурожаат этади. У аризасида А.Тожиевга 1920 йил турмушга чиққани, эрининг ватан ва халқ олдида заррача айби йўқлигини айтади. Мушгипар аёл ўзининг ҳеч бир айби бўлмагани ҳолда 1937 йил қамоққа олиниб, 1945 йил зўрга қутулганини ёзади. 8 йиллик совет қамоқхоналаридаги азоб-уқубатлар давомида бор соғлигидан ажралгани, совет жазо лагерларида меҳнат қобилиятини йўқотганини, ягона ўғли Учқуннинг урушда бедарак йўқолганини, уни қидиришга қилган ҳаракатлари бесамар кетаётганини маълум қилади. 19 йилдан буён қамоқхонада ётган эрининг ҳозирда 60 дан ошгани ва унинг қайтишига рухсат беришларини ўтинади. Шундан сўнг А.Тожиев иши бўйича қайта текширишлар бошланди.

1956 йил 4 май кун қайта сўроқда Сергей Касабов Абдулҳай Тожиев Ўздавнашрда 1929 йил 5 ойча раҳбар бўлган эди. Шундан сўнг 1929-30 йиллар Қосим Сарокин раҳбар бўлганди. Улар ҳақгўй инсофли, адолатли инсонлар эдилар, дейди. 1956 йил 28 август кун терговда Тожихон Аҳмедова ўзининг 1954 йил 2 декабргача Тошкентда яшашга рухсат берилмагани учун Қозоғистоннинг Сарағоч туманида яшашга мажбур бўлганини, эри эса бутун умрини халқи ва ватани равнақиға бахшида этганиға гувоҳлик беради. Шундан сўнг, 1956 йил 29 август кун сўроққа Жаҳон Обидова чақирилган. Ж.Обидова: “у кишининг шахси ҳақида жуда кам нарса биламан, лекин ажойиб инсон, билимдон раҳбар эди” дея фикрини тугатади.

1956 йил 20 ноябрда СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси А.Тожиевнинг ишини қайта кўриб, унинг тухмат ва асоссиз айбловлар асосида маҳв этилганлигини тан олди. 1957 йил 23 июлда А.Тожиев тўлиқ оқланди ва бу ҳақида 1957 йил 5 октябрда Тожихон Аҳмедоваға маълум қилинди. Қуйида

Тожихон Аҳмедованинг ҳасрат ва изтиробга тўла аризасини эътиборингизга ҳавола этамиз:

**Первому Секретарю ЦК КП УзССР тов. Мухитдинову**  
*От Ахмедовой Таджи прож. в Каз. ССР*

### **ЗАЯВЛЕНИЕ**

В 1920 г. я вступила в законный брак за Таджиева Абдулхая и прожила с ним по 1937 г. Мой муж Таджиев Абдулхай родился в 1898 г. в Ташкенте. До революции обучаясь в советских школах поступил в партию и начиная с этого момента работая на ответственных постах правительства, показав себя как перданного коммуниста. В 1930 г. он был избран депутатом в ЦК и до 1935 г. занимал пост зам. председателя Совета национальностей и был членом президиума ЦИК. В 1935 г., по назначению выше стоящих органов был отозван в Ташкент где до 1937 г. был председателем горсовета. В 1937 г., когда были арестованы бывший секретарь ЦК Икрамов А. и председатель Совета Министров Файзулла Ходжаев были арестованы и др. многие ответственные работники в том, числе мой муж Таджиев Абдулхай.

Сейчас уже 19 лет, как он находится в заключении. В то время меня тоже арестовали, как его жену. В 1945 г. после того, как я потеряла здоровье и стала не трудоспособной меня выпустили из заключения и направили на жительство в Каз.ССР. По настоящее время проживаю по выше указанному адресу, вынужденная жить отдельно вдали от родственников. Прожив с ним 20 лет совместной жизни я не подозревала его противоречия против советского государства и народа, а наоборот всегда подмечала в нем преданность советскому государству и народу, его непрерывную борьбу с вредителями и его арест меня очень удивил. В прошедшие годы по моим личным невзгодам я не могла хлопотать о его делах. Теперь же мое представление о муже Таджиева Абдулхая на много подтверждается происходящимся событиями. Мой муж Таджиев Абдулхай работая на руководящих постах завоевал авторитет перед народам. Не смотря на это и на мое не знание его вины, если он виновен он конечно должен за это ответить. Но положение дел в

1937 г. конечно больше известнее. Под влиянием некоторых лиц, в этом я не сомневаюсь, прожив него были даны ложные обвинения. На основе всего выше указанного прошу Вас вновь рассмотреть дело моего мужа Таджикива Абдулхая, вызов живых всех свидетелей. Если же у него были какие-нибудь ошибки, то думаю что все 19 лет, проведенные в тяжелых условиях заключения, его исправило. По этому прошу Вас принимая все это во внимание и на его преклонный возраст - 60 лет, глубже рассмотреть его дело и освободить его из заключения. О результатах прошу сообщить

*По адресу: г. Ташкент, Московский район, ул. Игарчи. пр.  
Аталык д. №18. (имзо)  
31 март 1956 г.*

**Эркин РАДЖАПОВ,**  
*ЎзР ФА “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи воиз-  
экскурсаводи*  
**Абдували ЙЎЛДАШЕВ,**  
*ЎзР ФА “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи  
архив-фонд бўлими бош муҳофизи*

## **ҚЎМОНДОННИНГ МАШЪУМ ТАҚДИРИ**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” номли китобида Ўзбекистон тарихини тадқиқ этувчи тарихчилар ҳамда тадқиқотчилар учун муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилувчи фикрлар илгари сурилди. Китобда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатагон сиёсатига ҳам тўхталиб “Ўша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарур”<sup>1</sup>, -дея таъкидланади.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатагон сиёсатининг қурбони бўлган шундай шахслардан бири 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг машҳур қўмондони Миркомил Миршароповдир.

Бугунги кунга қадар Миркомил Миршароповнинг шахси ва ҳарбий фаолияти жуда кам ўрганилган бўлиб, мустақиллик йилларида М.Миршароповнинг номи ва ҳарбий фаолияти илк марта филология фанлари доктори, профессор Н.Ф.Каримов<sup>2</sup> томонидан, кейинроқ тарих фанлари доктори Қ.К.Ражабов<sup>3</sup> томонидан ҳам тадқиқ этилди.

Миркомил Миршаропов шахси ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бугунги кунда О.Ф.Сувениров, Н.С.Черушев, Ю.Н.Черушев каби рус тарихчиларининг тадқиқотларидан, шунингдек, бир қатор интернет тармоғидаги веб саҳифалардан

<sup>1</sup> Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Тошкент, Ўзбекистон. 2015. - Б.112.

<sup>2</sup> Каримов Н. Ўзбек отлиқ дивизиясининг тугатилиши // Гулжестон, 2002 йил 3-сон.

<sup>3</sup> Ражабов Қ. Миршаропов Миркомил // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. -Тошкент, ЎзМЭ нашриёти. 2003.



ҳам ўрин олган<sup>4</sup>. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг машҳур кўмондони бўлган Миркомил Миршаропов шахсининг рус тарихчилари томонидан ҳам ўрганилиши қувонарли ҳол бўлса-да, аммо уларнинг тадқиқотларида, интернет тармоғидаги нашрларда кўмондон татар миллатига мансуб деган илмий асосланмаган, нотўғри маълумотлар келтирилган.

Миркомил Миршаропов 1900 йил 24 декабрь куни Авлиёта (айрим миллий матбуот нашрлари саҳифаларида Тошкент шаҳрида туғилган деган маълумотлар ҳам келтирилган<sup>5</sup>) шаҳрида кўп фарзандли деҳқон оиласида туғилган. Миллати - ўзбек. 9 ёшида отасидан эрта етим қолиб, онаси қўлида тарбия топган. Рус-тузем мактабининг 4-синфини тугатган. 1914-1917 йилларда Авлиётада дастлаб отбоқар, извопчи, приказчик(гумашта) бўлиб ишлаган. 1917-1918 йилларда эса Тошкентга кўчиб келиб, Тошпўлат Исломов деган кишининг қўлида приказчик вазифасини бажарган. У 1918 йилнинг апрелида Тошкент эски шаҳар партия дастасига кўнгилчилар қаторида кириб, кейинчалик кўмондон этиб тайинланган ва бу вазифада 1919 йил августига қадар хизмат қилган. 1919 йил январ ойида содир бўлган Осипов кўзғолонини бостиришда фаол иштирок этади.

М.Миршароповнинг кўмондонлик қобилиятини ҳисобга олган совет ҳокимияти 1919 йил августига уни қизил кўштин сафига қабул қилади. Совет ҳокимияти тарафидан Миркомил Миршаропов каби ўзбек йигитларининг қизил кўштин сафларига қабул қилиниши, албатта, бежиз эмас. Сабаби, совет ҳокимиятига қуролли қаршилик кўрсатишни бостириш учун Туркистоннинг табиий иқлими, жойлашуви, тили, аҳолининг урф-одатларини яхши биладиган Миркомил Миршаропов каби миллий кадр зарур эди.

Миркомил Миршаропов 1919 йил августига В.И.Ленин номидаги Туркистон ҳарбий инструкторлар мактабининг олий курсига ўқишга юборилади. 1920 йилда ҳарбий мактабни тугатгач, қизғин ҳарбий фаолиятини бошлайди.

<sup>4</sup> Сувениров О. Ф. Трагедия РККА 1937-1938. – Москва, Терра. 1998. – С.409., Черушев Н.С., Черушев Ю. Н. Расстрелянная элита РККА 1937-1941. – Москва, Кучково поле. 2014. – С.168., Миршаропов Миркамил // <http://centrasia.ru/person2.php?&st=1098359528>., Миршаропов Миркамил // <http://rikka.ru/handbook/personal/repress/brigkom.htm>

<sup>5</sup> Темир продала кўмондон // Ёш ленинчи, 1932 йил 23 феврал. 41-сон. – Б.1.

Туркистон фронтининг қўмондони М.В. Фрунзе 1920 йилнинг март ойида Миркомил Миршаропов ва Турғунпўлат Қирғизовни<sup>6</sup> Хоразмга миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш учун юборади. Миркомил Миршаропов ва Т.Қирғизовларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Хоразмда алоҳида ўқчи батальон ва отлик полк ташкил этилди. У Хоразмда миллий қисмлар ташкил этиш билан бирга, куролли қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг Жунаидхон ва бошқа вакиллари билан тўқнашувларда изчил иштирок этди ҳамда алоҳида мусулмон отлик полки ташкил этиш учун раҳбар этиб тайинланди<sup>7</sup>. 1976 йилда режиссёр Комил Ёрматов М.Миршароповнинг Жунаидхонга қарши курашига бағишланган “Олис яқин йиллар” (“Далекие близкие годы”) номли бадиий фильм яратди.

М.Миршаропов Хоразм Республикаси ташкил топгач, 1921 йил 15 августда ҳарбий кенгаши раиси ва ҳарбий нозири этиб тайинланди. Шу билан бирга 1920-1923 йилларда 1-Хоразм отлик полкининг қўмондони, республика ҳарбий нозири сифатида ҳам фаолият олиб борди. У 1920 йилда 500 дан ортиқ маҳаллий миллат вакилларини ўзида жамлаган эскадрон тузишга муваффақ бўлади<sup>8</sup>. Шунингдек Т.Қирғизов ва М.Миршароповлар томонидан Хоразмда алоҳида ўқчи батальон ва отлик полк ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Т.Қирғизов ва М.Миршаропов саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган Хоразм қўшини миллий-худудий чегараланиш сиёсатидан кейин ташкил топган Ўзбекистон ССР миллий ҳарбий қисмларини шакллантириш учун асос бўлган. Сабаби, Ўзбекистон ССРнинг

---

<sup>6</sup> Қирғизов Турғунпўлат — 1899 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1919-1920 йилларда Тошкент ҳарбий мактабда таҳсил олган. 1920 йилнинг охирида Туркистон fronti раҳбари М.В. Фрунзе томонидан ХХСРга миллий ҳарбий қисмлар ташкил этиш учун юборилади. ХХСРдаги ҳарбий фаолияти давомида Т. Қирғизов Хива гарнизони бошлиғи, Хоразмдаги ўзбек ва туркман отлик қисмларининг қўмондони, Хоразм ҳарбий кенгаши аъзоси ва бошқа бир қатор ҳарбий лавозимларда фаолият юритган. ХХСР ҳукумати томонидан Т.Қирғизов ХХСРнинг қазил ордени, олтин қилч ҳамда тўрт марта фахрий ёрлик, ташаккурномалар билан тақдирланган. Бундан ташқари СССРнинг икки ҳарбий ордени билан ҳам мукофотланган. 1924 йилгача у турли ҳарбий лавозимларда меҳнат қилган. 1924 йилнинг август ойида Москва шаҳридаги Бутуниттифок ҳарбий мактабига ўқитишга киради. Академиянинг назария қисмини 1927 йилнинг декабрида тамомлайди. Турғунпўлат Қирғизов 1937 йил 29 майда Ўз ССР НКВД Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлими томонидан совет ҳокимиятига қарши тарғибот-ташвиқот олиб борганликда айбланиб, камовқа олинади. Унинг жиноий иши 1938 йилнинг 4 октябрда СССР Олий Сули Ҳарбий Коллегиясининг сессиясида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 57-1, 64 ва 67-моддаларига мувофиқ айбдор деб топилди ва уни олий жазога ҳукми қилинади.

<sup>7</sup> Черушев Н. С., Черушев Ю.Н. Расстрелянная элита РККА 1937-1941. — Москва, Кучково поле. 2014. — С.168.

<sup>8</sup> РГВА (Россия Давлат Ҳарбий архиви), 40814-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 88-варақ.

турли ташкилий тузилмалари қатори энг муҳим тузилма ҳисобланган миллий ҳарбий қисмларни Бухоро ва Хоразмдаги ҳарбий қисмларни қайта ташкил этмасдан туриб шакллантириб бўлмас эди.

Хоразмдаги ҳарбий хизматлари учун республика Инқилобий Ҳарбий Кенгашининг 1921 йил 10 декабрдаги 337-сонли буйруғига мувофиқ М.Миршаропов “Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланади<sup>9</sup>.

Бухорода авж олган қуролли қаршилик кўрсатиш ҳаракатини бартараф этиш мақсадида 1924 йил ўрталарида Бухоро Халқ Совет Республикасига ҳарбий нозири ўринбосари сифатида юборилади ва бир қатор жангларда қизгин иштирок этди. Бухоро Халқ Совет Республикаси МИҚ томонидан ҳарбий ҳаракатлардаги жасорати ва намунаси учун М.Миршаропов 1924 йил 15 сентябрда I даражали “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланди<sup>10</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Миркомил Миршаропов 1925 йилнинг декабрида Москвага, Ишчи-деҳқон қизил кўшин ҳарбий академияси (1926 йил июндан М.В.Фрунзе номидаги ҳарбий академия)га ўқишга юборилди. У ўқишни тугатган кунининг эртаси куниеқ, 1929 йил 16 июнида ўзбек отлик аскарлар полкига қўмондон этиб тайинланади. Орадан икки ой ўтгач, мазкур полкнинг ҳарбий комиссари этиб белгиланди.

1931 йил ноябрдан ўзбек бирлашган бригадаси қўмондони ва ҳарбий комиссари, 1932 йил 17 майдан 6-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси (1936 йил 21 майдан эса 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси дея қайта номланган – Р.Э.) қўмондони ҳамда ҳарбий комиссари сифатида фаолият кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, унинг қўмондонлиги даврида Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг шухрати ва ҳарбий салоҳияти жуда юксалди, кўплаб истеъдодли ўзбек ҳарбий кадрлари вояга етди.

М.Миршаропов қўмондон этиб тайинланган дастлабки йилдаёқ дивизия бошқа ҳарбий қисмлар билан мусобақалашиб Ўрта Осиё Ҳарбий округида иккинчи ўринни эгаллайди.

<sup>9</sup> Миршаропов Миркомил // Қизил Ўзбекистон. 1933 йил 11 октябрь. 237-сон. 3-б.

<sup>10</sup> Куценко А. Н., Смирнов Ю. Д. Ордена Советских республик. – Донецк, Лебедь. 1996. – С.178.

Дивизиядаги миллий қўмондон кадрларнинг сони эса шу йили 2-3 марта, баъзи ҳарбий қисмларда 4 мартагача ортади<sup>11</sup>.

Унинг қўмондонлиги даврида дивизиянинг тантанали йиғинларида М.Миршаропов шарафига басталанган “Миршаропов дивизияси, олға бос!” сатрлари билан бошланувчи мадҳия айтиладиган бўлди ҳамда бу қўшиқ дивизия ҳарбийлари орасида “Миршаропов марши” номини олди. Ҳатто машҳур шоир Мақсуд Шайхзода (1908-1967) М.Миршаропов қўмондонлик қилган Ўзбек тоғ-отлик дивизиясига бағишлаб “Ўзбек дивизияси марши” номли шеър ёзган эди<sup>12</sup>.

М.Миршаропов ҳамда Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг Ўрта Осиё Ҳарбий округи ва халқ орасидаги обрўси йилдан йилга ортиб борди. М.Миршаропов 1935 йил январдан дивизия қўмондонлигидан олинди. Унинг ўрнига Ўзбек тоғ-отлик дивизиясига И.В.Селиванов<sup>13</sup> ҳарбий қўмондон этиб тайинланади. М.Миршаропов эса Мўғулистон Республикасига ҳарбий маслаҳатчи сифатида юборилади. СССР Мудофаа Халқ Комиссарлигининг 1936 йил 17 январдаги 0052/п-сонли буйруғига кўра, М.Миршароповга комбриг (бригада қўмондони) ҳарбий унвони берилди.

Ҳарбий тажрибасини ошириш ҳамда Ўзбек тоғ-отлик дивизиясини янада шакллантириш мақсади билан яшаган М.Миршаропов СССР Мудофаа Халқ комиссари К.Е.Ворошилов (1881-1969)га мурожаат этиб, ундан Ўзбекистонга қайтариб юборишни сўрайди. Унинг мурожаати инobatта олинмасдан, Мудофаа халқ комиссарининг 1937 йил 17 июлдаги 2876-сонли буйруғи билан у эндигина тузилаётган Шимолий Кавказ тоғли халқлари алоҳида отлик аскарлар бригадасига қўмондон ва

<sup>11</sup> Тоғ-отлик дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936). – Самарқанд, Тоғ отлик дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936. – Б.62.

<sup>12</sup> Шайхзода Мақсуд. Ўзбек дивизияси марши // Қизил Ўзбекистон, 1933 йил 23 февраль. 45-сон.

<sup>13</sup> Селиванов Иван Васильевич – 1886 йилда Ставрополь губерниясида тутилган. 1909 йилда ҳарбий хизматга чакирлиб, 17-Нижегород драгу (Россия империяси ва баъзи хорижий мамлакатлар армияларида ҳам отда, ҳам пиеда ҳаракат қиладиган отлик аскар) полкида хизмат қилган. Биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан фронтга чакирлиб, 52-артиллерия дивизионида хизмат қилган. Россия империяси қўшинида сфрейтор бўлган. 1918 йил июлдан қизил қўшинга кириб, бир қатор юқори ҳарбий лавозимларда фаолият кўрсатган. 1935 йил январдан 6-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси (кейинроқ 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси) қўмондони ва ҳарбий комиссари этиб тайинланган Иккинчи жаҳон уруши бошлангач ғарбий фронтдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. 1941 йил 23 ноябрда қамоққа олинган. НКВД ҳузуридаги махсус кенгашнинг 1942 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида таслим бўлиш учун ташвиқот олиб борганликта айбдор деб топиллиб отув жазосига ҳукм қилинади. Ҳукм 1942 йил 23 февраль санасида ижро этилади. СССР Ҳарбий коллегиясининг 1954 йил 4 сентябрдаги қарори билан оқланган.

ҳарбий комиссар этиб тайинланди<sup>14</sup>. У беш ой ичида Шимолий Кавказдаги Доғистон, Кабардин-Болқор, Шимолий Осетин, Чечен-Ингуш автоном республикалари, шунингдек, Қорачой ва Черкесия автоном вилоятларида яшовчи 11 тилда сўзлашувчи 26 миллат ва элатга мансуб аскарларни ўз таркибига олган янги бригадани шакллантирди<sup>15</sup>. Зиммасига юклатилган топшириқни қисқа муддат ичида муваффақиятли бажарганига қарамай, М.Миршаропов 1937 йилда Майкоп шаҳридан яна К.Е.Ворошилов номига хат йўллаб, ундан ватани Ўзбекистон ССРга хизматга юборишини сўрайди. Аммо Шимолий Кавказ тоғли халқлари алоҳида отлиқ аскарлар бригадасига қўмондон ва ҳарбий комиссарига ўз ватанига қайтиб бориб хизмат қилиш насиб этмади.

1937 йилларда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати энг юқори нуктага етган бир вақтда Ўзбекистон ССРдан Ф.Хўжаев, А.Икромов каби бир қатор атоқли давлат ва жамоат арбоблари, коммунистик партиянинг етакчи раҳбар ходимлари, атоқли ёзувчилар, шоирлар, илм-фан намоёндалари қамоққа олинди.

М.Миршаропов совет ҳокимияти даврида ўзбек миллати орасидан чиққан дастлабки малакали ҳарбий кадрлардан бири ҳамда Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг қўмондони бўлганлиги сабабли Ўзбекистон коммунистик партияси МҚнинг ўша вақтлардаги раҳбари А.Икромов (1898-1938)нинг унга нисбатан ҳурмати жуда баланд бўлган. М.Миршаропов ва А.Икромов ўртасида ўзаро самимий дўстона алоқалар бўлиб, М.Миршаропов Тошкентга келганда А.Икромовнинг уйида, А.Икромов Самарқандга борса, албатта, М.Миршароповнинг уйида меҳмон бўлар эди. Улар тез-тез биргаликда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри премьераларига ташриф буюришарди<sup>16</sup>. А.Икромовнинг ўғлига Комил дея исм қўйганлиги ҳам М.Миршароповга бўлган ҳурмати юзасидан бўлса ажаб эмас. Ҳатто 1960 йилда А.Икромовнинг ўғли К.Икромов томонидан М.Миршаропов ва унинг ҳарбий фаолиятига бағишланган “Карвон ўтар, из қолар” номли тарихий роман ҳам ёзилди.

<sup>14</sup> РГВА (Россия Давлат Ҳарбий архиви). 37837-фонд, 4-рўйхат, 130-иш. 423-варақ.

<sup>15</sup> Каримов Н. Ўзбек отлиқ дивизиясининг тугатилиши // Гулистон, 2002 йил 3-сон. – Б. 15.

<sup>16</sup> Ҳаваскорликдан академикликка // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил 5 март.

Ф.Хўжаев ва А.Икромов қамоққа олингандан сўнг М.Миршаропов ҳам 1937 йил 28 октябрда Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Азов-Қора денгиз ўлкаси бошқармаси томонидан қамоққа олиниб, Тошкентга юборилади.

Хужжатлардан маълум бўлишича, М.Миршаропов “аксилнқилобий миллатчилик фаолияти” олиб борганликда, 1929 йилдан А.Икромов томонидан Ўзбекистонда ташкил этилган “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”га жалб этилганликда ҳамда ташкилотнинг ҳарбий филиалига раҳбарликда, Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиш ва мустақил давлатни барпо этишга уринишда айбланади. Шунингдек, у 1933 йилда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”га 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг Ю.Наримонов,<sup>17</sup> М.Шомирбоев,<sup>18</sup> Ҳ.Исомиддинов<sup>19</sup> Б.Ҳамроқулов, М.Абдурахимов (Абдурахимхўжаев), М.Рисқулов каби кўзга кўринган ҳарбий кадрларини ҳам жалб этганликда айбланади.<sup>20</sup>

1937-1938 йилларда “халқ душмани” деган тухмат билан қамоққа олинган кишиларнинг хотинлари ҳам эрларининг аксилнқилобий миллатчилик фаолиятларини яшириб келганликда айбланиб, қамоққа олиндилар. Бу жараёнда қамоққа олинган М.Миршароповнинг турмуш ўртоғи Асҳоб Миршаропова<sup>21</sup> ҳам 1937 йил 25 ноябрда қамоққа олинди. У 1937 йилнинг 21 декабрь ҳамда 1938 йилнинг 11 ноябрь кунлари сўроққа чақирилади. Сўроқ жараёнида ундан турмуш ўртоғи ўз вақтида 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси қўмондонни бўлган М.Миршароповнинг “аксилнқилобий миллатчилик фаолияти”

<sup>17</sup> Наримонов Юнус – 1898 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 19-Ўзбек тоғли отлиқ дивизияси сивёсий бўлими раҳбари. 1937 йил 12 сентябрда Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан қамоққа олинган. Қамоққа олингунга қадар 19-Ўзбек тоғ отлиқ дивизияси сивёсий бўлими раҳбари бўлган. Ўз ССР ЖКнинг 56-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида олий жазога ҳукми қилинган. Ҳукми 1938 йил 10 октябрда ижро қилинган.

<sup>18</sup> Шомирбоев Мирсад (1901-1938) – 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-тоғ-отлиқ полки мактабининг бошлиғи, ҳарбий унвони капитан бўлган. 1937 йил 11 сентябрда қамоққа олиниб, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги қарори билан отувга ҳукми қилинган.

<sup>19</sup> Исомиддинов Ҳамид (1902-1938) – 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 41-тоғ-отлиқ полки штабанинги бошлиғи, ҳарбий унвони капитан бўлган. 1937 йил 29 сентябрда қамоққа олиниб, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги қарори билан отувга ҳукми қилинган. 1958 йилда оқланган.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи жорий архиви.

<sup>21</sup> Миршаропова Асҳоб – 1903 йил 3 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – татар. 1923 йилда 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси қўмондонни Мирқомил Миршароповга турмушга чиқади.

тўғрисида кўрсатмалар олишган ҳаракат қилишади. Аммо терговчилар ўзлари учун зарур кўрсатмаларни ололмай, А.Миршаропованинг айбдор эканлигини исботлай олмагач, 1938 йил 16 декабрда уни озодликка чиқаришади<sup>22</sup>.

М.Миршароповнинг “жиноий иши” бўйича ҳужжатлар терговчиларнинг ғайриқонуний тергов усуллари, мустабид тузумнинг катагон сиёсати ва унинг ишлаш механизмлари, унинг инсон кадр-қиммати, шахсига бўлган муносабати тўғрисида ҳаққоний маълумотларни беради.

М.Миршаропов қамоққа олинган, 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг кўплаб ҳарбий мутахассислари ҳам қамоққа олинди. Уларнинг барчаси “аксилинқилобчи”, “миллатчи” қайсидир давлатнинг жосуси сифатида айбландилар ҳамда терговчиларнинг жисмоний ва руҳий босими, тазйиқи остида ўзи ва қамоққа олинган бошқа ҳамкасбларига нисбатан ёлгон кўрсатмалар беришга мажбур этилди. Қамоққа олинган дивизия ҳарбийларининг барчаси “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”га М.Миршаропов ёки Ю.Наримонов тарафидан жалб этилганлиги тўғрисида ёлгон кўрсатма беришади.

Қамоққа олинган 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси ҳарбийларининг тергов жараёнида ёлгон кўрсатма беришига НКВД ходимлари, хусусан А.И.Мишковский ва унинг ёрдамчилари маҳбусларни ўлар ҳолатга етгунча калтаклашар, суткалаб ухлатмасдан тик оёқда тургазиб азоблаш каби жисмоний жазо усуллари қўлагани сабаб бўлган.

Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ички Ишлар Халқ комиссарлиги махсус бўлими раҳбари А.И. Мишковский<sup>23</sup>, унинг қўл остидаги А.Я.Карпачевский, А.С.Васильев<sup>24</sup> каби ходимлар томонидан 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси ҳарбий кадрларининг тергов ҳужжатлари сохталаштирилганлиги, тергов жараёнида уларга нисбатан ғайринсоний усуллар қўлланилганлиги архив

<sup>22</sup> Қор кўйида лолалар (катагон қилинган аёллар ҳақида очерклар) // Масъул муҳаррир: Б.Шарипов. – Тошкент, Академия. 2001. – Б.70-76.

<sup>23</sup> Мишковский Александр Иванович – 1902 йил Белоруссиянинг Гомель шаҳрида туғилган. Миллати – рус. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими раҳбари бўлиб ишлаган. У раҳбарлик қилган даврида 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясида хизмат қилган кўплаб ҳарбийларга нисбатан ноқонуний жиноий ишлар қўзғатилган.

<sup>24</sup> Васильев Афанасий Семёнович – 1890 йил Заозеро волости Делихово қишлоғида туғилган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлимида А.И.Мишковскийнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган. Самарқанд шаҳрида вафот этган.

хужжатларида ҳам сақланиб қолган. Дивизия қошида махсус бўлимнинг собиқ ходими А.Я.Карпачевский 1939 йил 15 мартда бўлиб ўтган сўроқ пайтида “Мен тергов ишига алоқадор шахсларга карточка тўлдирар, айбланувчилар ва гувоҳларнинг сўроқ баённомаларидан кимнинг қандай кўрсатма берганини кўчириб ёзар эдим. Бундан ташқари, кўпинча Мишковскийнинг буйруғи билан, баъзан унинг ўзи ёки бошқа ходимлар билан айбланувчиларни тунда жазолаш мақсадида тайёрланган зах, цемент полли камерага олиб борар эдим... Агар айбланувчи сўроққа камерадан чақирилган бўлса, дивизиянинг махсус хонасида бир неча кун қолиб кетар эди. Мишковский чиқарган буйруққа кўра, айбланувчининг ўтириб-ётишига ружсат берилмаган. Агар айбланувчи 6 суткадан 10-12 суткагача бўлган даврда кўрсатма бермаса ёки талаб этилмаган нарсани ёзиб берса, Мишковский айбланувчини ўзининг хонасига олиб кетар ёки бу ишни Васильевга топширар эди. Баъзан улар уйқусизликдан мадорсизланган айбланувчини биргаллашиб уришар ва шундай йўл билан улардан керакли кўрсатмани олишар эди. Агар айбланувчи кўрсатма бермай, ўз қарорида қатъий турса, Мишковский Васильев билан бирга уни юқорида эслатганим цемент камерага олиб бориб, айбланувчини қамчи билан уришар ва уни камерада кишанланган ҳолда тун бўйи қолдиришар эди. Бу усулга дош бериб, кўрсатма бермаган одам зоти бўлмаган<sup>25</sup>”, - дея кўрсатма беради. Турли жисмоний қийноқлар натижасида ҳарбийлар дивизиядаги “аксилинқилобий миллатчилик” ва “исёнчи ташкилот”нинг борлигига “икрор бўлиб”, аслида умуман мавжуд бўлмаган бу ташкилотга аъзо дўстлари ҳамда қўмондонлари номини айтиб беришга мажбур бўлишди. Шундай ёлгон кўрсатмалар асосида НКВД ва дивизия махсус бўлими ходимлари томонидан 1937 йилда 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг барча кўзга кўринган ҳарбий кишилари қамоққа олинди.

М.Миршаропов ҳамда 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясидан қамоққа олинган 18 нафар ҳарбийларнинг “жиноий иши” 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasининг мажлисида кўриб чиқилади. Уларнинг барчаси суд мажлисида ўзларининг айбсиз эканликларини, уларга нисбатан қўйилган

<sup>25</sup> Каримов Н. Ўзбек дивизиясининг тутатилиши // Гулистон, 2002 йил, 3-сон. – Б.14-15.



айбларнинг тухмат эканини ҳар қанча таъкидлашга уринишмасин, суд ҳайъати томонидан Ўзбекистон ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, 1938 йил 10 октябрда отувга ҳукм қилинади. Ўзбекистон ССРнинг фахри бўлган 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг 17 нафар ҳарбий мутахассислари устидан чиқарилган адолатсиз ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилди<sup>26</sup>.

1956 йил 14-25 февраль кунлари Москвада Коммунистик партиянинг XX съезди бўлиб ўтди. Съезддан сўнг сиёсий қурбони бўлган шахсларни оқлаш жараёни бошланди. Ана шу даврда Миркомил Миршаропов фаолияти қайта кўриб чиқилди. (1957 йил 18 апрел)<sup>27</sup>. Шундан сўнг унинг номи ва шахсига бўлган салбий муносабат ижобий томонга ўзгарди. Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги бир қанча кўчаларга М.Миршаропов номи берилди. Ҳатто Самарқанд шаҳрида унинг шарафига ҳайкал ҳам ўрнатилади.

М.Миршаропов гарчи совет ҳокимиятининг сиёсий манфаатларига бўйсундирилиб, шу манфаатлар йўлида фаолият юритган бўлса-да, у Ўзбекистондан бир қанча истеъдодли ҳарбий мутахассисларнинг етишиб чиқишида катта мактаб вазифасини ўтади.

Қуйида илк маротаба М.Миршаропов билан биргаликда қатагон сиёсатининг қурбони бўлган ва 1938 йилнинг 10 октябр санасида бегуноҳ отиб ташланган 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 17 нафар офицерларининг рўйхатини илова қиламиз:

1. Абдурахимов Муҳаммад – 1903 йил Наманган вилоятида туғилган. Мишлати – ўзбек. Қамокқа олингунча ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42 отлиқ полки ҳарбий комиссари бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 21 октябрда миллий аксиндиқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

2. Абдуллаев Абдужалил – 1903 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

<sup>26</sup> РГАСПИ (Россия Давлат Ижтимоий-сиёсий тарих архиви). 17-фонд. 171-рўйхат, 418-иш, 115-сараф.

<sup>27</sup> Миршаропов Миркомил // <http://rkka.ru/handbook/personal/repress/brigkom.htm>

Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42 отлик полкининг катта сиёсий раҳбари. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 17 мартда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

3. Азизов Тошкенбой – 1903 йилда Фарғона вилояти Олмос қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 19 отлик артиллерия дивизиони отлар бўйича техник сифатида фаолият юритган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 5 ноябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йилда (манбада санаси кўрсатилмаган) ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

4. Алиев Мамадали – 1907 йил Андижон шаҳрида туғилган. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 41 отлик полки взвод командири бўлган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 17 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йилда (манбада санаси кўрсатилмаган) ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

5. Отаев Сулаймон – 1904 йил Қозоғистон ССР Туркистон тумани Отабой қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг сиёсий бўлим инструктори сифатида фаолият юритган. 1937 йил 5 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

6. Дадабоев Йўлдош – 1901 йил Кўкон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача 19 тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлимининг катта инструктори бўлган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 19 октябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз

ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

7. Исомиддинов Ҳамид – 1902 йил Қозоғистон ССРнинг Туркистон

шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунга қадар 19 ўқчи дивизияси 41 отлик полки штабининг раҳбари бўлган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 29 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

8. Эгамбердиев Дадажон – 1903 йил Поп тумани Поп кишлоғида

туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42 отлик полки партия бюроси (партбюро)нинг котиби сифатида фаолият юритган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 23 октябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “ҳалқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

9. Муфтазодиев Ахат – 1904 йил Юқори Чирчиқ тумани Қарши кишлоғида туғилган. Қамокқа олингунгача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 41 отлик полки мактабининг взвод командири бўлган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 13 мартда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “ҳалқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган. Аммо жазонинг ижро куни кўрсатилмаган.

10. Толипов Комилжон – 1900 йил Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42 отлик полк қўмондонининг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган. 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 22 октябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “ҳалқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

11. Умаралиев Акбар Ҳайдарович – 1902 йил Фарғона вилояти Бағдод тумани Қашқармакай қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси мехдивизионининг сиёсий етакчи сифатида фаолият юритган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 23 октябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сессиясида унинг иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

12. Ҳамроқулов Бурҳон – 1902 йил Кўкон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси партия комиссиясининг бош котиби бўлиб ишлаган. Ҳарбий унвонига кўра батальон комисари бўлиб, 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида М.Миршаропов, Ю.Наримоновлар қатори энг асосий ҳарбийлардан бири бўлган. Ички Ишлар НКВД Ўрта Осиё Ҳарбий округи Давлат Хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ) томонидан 1937 йил 12 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сессиясида 15 дақиқа ичида Б. Ҳамроқулов жиноий иши кўриб чиқилиб, шу куннинг ўзида Ўз ССР ЖКнинг 57-1, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

13. Шокиров Жўрабой – 1904 йилда Кўкон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олинган кунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий бўлимининг катта инструктори бўлган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 24 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинган ва 3 марта тергов қилинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сессиясида унинг иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

14. Шуқуров Холмат – 1900 йил Қозоғистон ССРнинг Чимкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунгача

19-Ўзбек тоғ отлик дивизияси штаби 1-бўлими раҳбарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 17 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

15. Йўлдошев (Юлдашев) Ботир – 1909 йил Қўқон шаҳрида туғилган.

Миллати – ўзбек. Қамоққа олинган кунгача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлимида комсомол иши бўйича инструктор бўлиб ишлаган. НКВД Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 11 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi сессиясида унинг иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

16. Ёқубов Содиқ – 1905 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Миллати –ўзбек. Қамоққа олинишигача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42 отлик полкининг отлар бўйича техник инструктори бўлган. 1934 йилдан ВКП (б) аъзолигидан ўчирилган. Ҳарбий унвонига кўра капитан бўлган. НКВД Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 11 сентябрда қамоққа олинган ва Германия фойдасига жосуслик қилганликда айбланган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi сессиясида унинг иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича отув жазосига ҳукм қилинган.

17. Рисқулов Мирзақул – 1904 йилда Каттакўрғон шаҳрида туғилган.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 10 сентябрда қамоққа олинган. Қамоққа олингунгача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг наشري бўлган “Қизил юлдуз” газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 11 сентябрда қамоққа олинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi сессиясида унинг

иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64 ва 67 моддалари бўйича отув жазосига ҳукм қилинган.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсатининг қурбони бўлган юқорида номлари санаб ўтилган ўз даврининг йирик малакали ҳарбий кадрлари, қизил салтанатнинг Ҳарбий коллегияси томонидан амалга оширилган ноҳақ айбловлари натижасида бир неча йиллар давомида қора тамға остига олиниб асл ҳақиқатини ошкор этолмади. Кеч бўлса-да адолатнинг қарор топиши, уларнинг пок номларини тиклашга, ўзбек халқининг мард жасур ўғлонлари ҳаққоний тарихини билиш ва келажак учун асл ҳақиқатни очиб бериш имконини яратди.

### 20 – ЙИЛЛАР ЎЗБЕК МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДАН

Маълумки, 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Яъни, большевиклар ҳокимиятни ноқонуний йўл билан, зўрлик асосида Муваққат ҳукумат қўлидан тортиб олди. Советлар ҳокимиятни қўлга олган илк дамларида миллий халқларга эрк бериш ҳақида айрим декретларни чиқарди. Аслида бу чалғитувчи тактика бўлиб ҳокимиятни тўлиқ қўлга олгунча кўпчиликнинг эътиборини тортиб туриши учун керак эди. Қўлида армия ва катта кучни тўплаш баробарида советлар собиқ мустамлака халқлари учун бешафқат “Қизил империя”га айланиб борди. Ёш совет ҳукумати ўз сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишда, шубҳасиз чор оҳранкаси маълумотларидан манба сифатида фойдаланган. Хусусан, Бухоро Амирлиги ва Хива хонлигини тугатиш режаси ҳам олдиндан мавжуд эди. Уни амалга оширишда советлар айрим тактик ўзгартиришлардан ташқари ҳеч бир нарсани қўшмади, аксинча уларни тўлиқ ижрога ташлади.

Совет матбуотининг тўнғичи бўлган “Иштрокион” газетаси 1922 йил 13 сентябрдан бошлаб “Туркистон” номи билан нашр этила бошлади. Унинг 1-сонигаги илк мақола ҳам “Туркистон” деб номланган эди. Мақола муаллифи, айни пайтда газетанинг муҳаррири Усмонхон Эшонхўжаев Туркистоннинг забун аҳволи ва советларнинг шовунистик сиёсати ҳақида газетхонларга атрофлича маълумот беради. У мавжуд ҳолатни тафтиш этар экан, совет тузуми маъмурларининг мунофиқона сиёсатини очиб ташлайди. Большевикларнинг минтақа халқига нисбатан паст назар билан қараб, фақат қамчи орқали ўз бошқарувини жорий этаётганини яширмайди. Усмонхон Эшонхўжаев: “Туркистонга тарихий томондан қарасақ унинг энг сўнги фотиҳлари (талағучилари) иславян миллати бўлиб, бу сиёсий истибдоддан Туркистон буюк ижтимоий ўзгаришдан кейингина қутулди. Лекин, бу қутулиш расмийгинадир. Бироқ, қутулишнинг том маъноси билан ҳали кўра олмаймиз ва кўришимизда мумкин эмас.

Ҳаммадан ҳам алам қилатурғони шу мустамлакачилик билан заҳарланган пролетарият исми остида иш кўратургон рус чиновниклари, зиёлилари ва бўлак ифлослари чор ҳукуматидан ҳам ёмонроқ ва хунуқроқ роль ўйнадилар” (!) <sup>28</sup> деганди. Газетанинг мазкур сонидан яна бир муаллиф Заҳириддин Аълам “Туркистон ва турк сўзлари” мақоласида Усмонхоннинг фикрларини давом эттиради. У мақоласида Туркистоннинг шонли тарихини бирма-бир эслаб ўтади. Ҳатто, Рус подшоҳи Улуғ Туркистонни ўз таркибида эканлиги билан дунёга фахрланганини таъкидлаб, қуйидагиларни баён этади. “Россия чор(цар)лари Туркистонни истило қилиб, Остроумоф каби кишиларнинг кенгаши билан Туркистонни руслаштирмоқ сийёсатини ҳам юргизди. Руслаштирмоқ учун диний хусусиятларини йўқотмоқдан бошқа яна миллий ҳисларини ҳам қирқмоқ ва бу орада Туркистон сўзини ҳам эсдан чиқармоқ керак эди. Локин, бу ишни чорлар ҳукумати қилмади. Нимага ким, Оврўпода катта ўрин ва ҳурматлик вазиятга эга бўлмоқ учун “Улуғ Туркистон меним бир вилоятимдир” демак керак эди. Шунинг учун бир “вилоят” қаторида бўлгани ҳолда, Туркистон “Улуғ Туркистон” номини кўтариб келди ва шул тўғридаги гуруҳ, катталик эди-ким “Туркистон”нинг асл исминини шу кунгача ўзгартмай олиб келди” <sup>29</sup>.

Туркистон Компартияси Марказий қўмитасининг органи бўлмиш Туркистон газетасининг биринчи сонидан юқоридаги мақолаларга ҳамоҳанг бўлган яна бир ўта муҳим ахборот жайлаштирилган. Бу материал “Қамчи даврдан бир хотира” рукни остида эълон қилинди ва бу ўз вақтида улкан жасорат намунаси эди. Махфий шифрли мазкур хабар Туркистон Генерал Губернатори Девонхонасидан Фарғона ҳарбий губернаторига йўлланган бўлиб, унда мустамлакачиликнинг энг зарarli одатларини қонунлаштиришга багишланганлиги билан аҳамиятга моликдир. Ҳўш, нимага 1922 йил советлар ҳокимиятининг мустаҳкамланаётган бир пайтида, газета таҳририяти чор Россиясининг мустамлакачилиги ўрнатилаётган пайтда қабул қилган қарорига мурोजаат этган

<sup>28</sup> Усмонхон. Туркистон // Туркистон. 1922 йил 13 сентябрь.

<sup>29</sup> Заҳириддин – Андижонлик. Туркистон ва турк сўзлари // Туркистон. 1922 йил 13 сентябрь.



эди. Боси, бу махфий хатда ерлик халқлар вакиллари ёки уларнинг фарзандлари томонидан муштамлакачиларга нисбатан ҳақорат содир этилганда уларнинг ота-оналари, қариндошларини ҳам айблаш ва жазолаш қонунийлаштирилади. Хаттоки, воқеа содир бўлган жойдаги дўкандорлар ва хонадон эгаларини ҳам иштирокчиликда айблаш имконини берарди<sup>30</sup>. Советлар ҳам бу пайтга келиб, қаршилик ҳаракатини бостириш баҳонаси билан турли ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга кенг йўл бера бошлади. Уларнинг ерлик халқларга ваъда қилган озодлик ва эрклари қозғоғда қолиб, амалда “Қизил империя” айнан кечаги чор ҳукумати олиб борган муштамлакачилик сиёсатини юрита бошлаган эди.

Яна бир йирик совет наشري “Инқилоб” журналнинг учинчи сонидида “Истибдод хотираларидан” рукни остида 1910 йил 29 сентябрда Чериков томонидан тайёрланган хат “Истанбулдаги Россия сафирининг Туркистон Генерал Губернатори Самсоновга мактуби” деган ном остидан босилган<sup>31</sup>. Хат мазмунига кўра Генерал губернатор А.В.Самсонов Туркияга хабар юбориб, турк матбуоти ва унинг Туркистонга муносабати ҳақида ахборот талаб қилган. Ўта шовунист бу губернатор кейинчалик Мустафо Чўқай томонидан қуйидагича эсланган эди: “Залим рус умумволилари ичида энг чиркин ва гаддор бир тип – генерал Самсонов<sup>32</sup> “Рус мужигининг ўгриси ҳам ҳар қандай туркистонликдан, унинг авлиёсидан ҳам яхшидир”, деган клиши эди. Вилоят ва район бошлиқларига туркистонликларнинг муҳожирот идораси тарафидан ишланган ҳақсизликлар устидан келтирилган аризаларни қабул этилмаслигини ҳам шу зот буюрган эди. Авлиёота масжидига Чорнинг ва ўзининг расмини остирган кимса ҳам ана ўша Самсонов эди”<sup>33</sup>.

Мактубда Туркиянинг “Иттиҳод ва тараққий” қўмитаси ҳузурида “Бухоро маориф жамияти”нинг ташкил қилиниши ва унинг Бухоро, Қошғар билан муносабатлари таҳлил этилган. Шунингдек, мактубда Туркистон ва Бухорога тарқаладиган

<sup>30</sup> Қамчи давридан бир хотира. // Туркистон. 1922 йил 13 сентябрь.

<sup>31</sup> Истанбулдаги Россия сафирининг Туркистон Генерал Губернатори Самсоновга мактуби // Инқилоб. 1922 йил.

<sup>32</sup> Александр Васильевич Самсонов (1859-1914) – генерал. 1909 йил 17 мартдан 1914 йил августигача Туркистон генерал-губернатори бўлган.

<sup>33</sup> Мустафо Чўқай ўғли. Истиқдол жаллодлари: (1917 йил хотиралари). –Т.: Ғофур Фулом номидидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992. –Б. 22.

Аҳмад Ҳилмийнинг “Ҳикмат”, Исмоил Ҳаққи ва Мусо Козимлар томонидан тайёрланадиган “Сирот ул мустақим” газеталари ҳамда уларнинг Россия сиёсатига бўлган муносабатлари алоҳида ўрганилган. Таҳрир ҳайъатида россиялик Абдурашид Иброҳимов бўлган “Таориф ул муслимин” журнали ҳақида ҳам кенг қўламли ахборот беради. Муаллиф кейинги вақтларда бу нашрларда Россия империясининг Туркистон ва Бухородаги сиёсати ҳақида чоп этилган мақолаларини батафсил таҳлил этади. Генерал губернатордан бу нашрларга обуна бўлишини сўрайди.

Инқилобнинг 6-сонида “Истибод хотиралари” рукни остида Грехов томонидан 1907 йил 27 сентябрда тайёрланган ахборот босилди. Бу махфий материал “Фарғона ҳарбий Губернаторининг Туркистон Генерал Губернаторига хати” номи билан нашр этилган<sup>34</sup>. Ахборотда муаллиф Туркистондаги маҳаллий халқнинг жуда тез суръатда қашшоқлашаётгани ва улар келажакда империя учун катта хавф солиши мумкинлигига эътибор қаратади. Мақоладаги аҳамиятга молик жиҳат маҳаллий аҳоли ва кўчириб келтирилган рус мужиклари ўртасида зиддиятга йўл қўймаслик, туб жой халқига ҳам ер беришида маълум имтиёзлар бериш масаласини илгари суради.

Инқилобнинг 7-8 сонида “Истибод хотиралари” рукни остида подполковник Сизихнинг 1913 йил 10 августда Туркистон генерал губернаторига йўллаган Махфий хати ҳам нашр этилган. Материал “Чор ҳукумати ва Туркистонда татар муаллимлари” деб номланган<sup>35</sup>. Ахборотда Туркистондаги маорифнинг аҳволи яширин мухбирлар томонидан тафтиш қилингани айтилади. Унда татар муаллимларининг қозоқ ва ўзбек болаларини янги тартиб (усули жадиd) билан ўқитаётганлари ўрганилган. Бунда янги тартиб билан ўқитиш енгил ва болалар учун тушунарли бўлиб, рус тузем мактабларига қарши қўйилади. Эътиборли томони мактубда у вақтда Татаристон ҳудудида ташиқил этилган Муҳаммадия, Мадрасаи Олия, Хусайния каби энг йирик жадиd мадрасаларида таълим олаётган ҳар бир Туркистонлик талабанинг рўйхати берилади. Бу каби рўйхатлар кейинчалик советларнинг қатагон рўйхатини шакллантиришлари учун асос

<sup>34</sup> Фарғона генерал губернаторининг Туркистон генерал губернаторига хати // Инқилоб. № 6. 1922. – Б. 16-17.

<sup>35</sup> Чор ҳукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инқилоб. № 7-8. 1922. – Б. 27-29.

бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, ёзги таътил пайтида Туркистонга келиб таълим бераётган талабалар ва татар муаллимлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар тўпланган. Хусусан, “Хўқанд уездида 2 нафар татар муаллими, Наманган уездида 4 нафар, Серов станциясидан 8 чақирим узоқликда 2 нафар татар муаллими маҳаллий миллат болаларини ўқитмоқда” тарзида Туркистоннинг барча нуқталарида фаолият юритаётган татар ва маҳаллий миллатларга мансуб жадид муаллимлари ҳақида тўла ахборот берилган. Ахборотда уларнинг аниқ исми шарифи, яшаётган жойи кўрсатиб ўтилади ва сўнгги вақтларда уларнинг Сирдарё вилоятидан Фарғона, Самарқанд, Туркман (Ашқобод) вилоятларига ҳам тарқалаётгани ҳақида маълумот берилади.

Бу туркум материалларнинг энг муҳими “Инқилоб” журнаlining 11-12 ва 13-14 сонларида “Истибод хотиралари” руқни остида босилган “Ёширин хат”дир. У Фарғона ҳарбий губернатори ҳузурида таржимон бўлиб ишлаган А.И. Буйлиннинг 1909 йил 8 ноябрда Исқубилуф (Фарғона) шаҳарига йўллаган сафар ҳисоботи ҳисобланади<sup>36</sup>. Жосус сафари давомида Бухоро амири, Хива хони ва уларнинг аъёнлари орасидаги, уламо ва халқ ўртасидаги, бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги, диндорлар ва ҳукумат орасидаги мавжуд барча зиддиятларни ўрганади. Норозиликлардан халқнинг ҳукуматга бўлган ишончсизлигини оширилишига, зиддиятларни янада авж олдирилишига, ҳукуматни халқнинг олдида беҳурмат қилишига хизмат қиладиган нуқталарга алоҳида тўхталади. Ҳокимиятга большевикларнинг келиши билан бу “нодир” инсон бажонидил янги ҳукуматга қабул қилинди. Аслида Семинарияни битириб ўқитувчи мутахассислигига эга бўлган бу шахс 1918 йилдан “Фарғона ишчи, деҳқон ва қизил аскар вакиллар шўросининг ахбори” газетасига муҳаррир, кейинроқ Бухорога консул ва бошқа юқори ҳукумат хизматларига кўтарилиб борганди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган чор оҳранкаси фаолиятига оид архив материаллари Туркистоннинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний маърифий ҳаётига оид кенг қўламли маълумотлар беради. Бу маълумотлар тегшли давра мутлоқ махфий сақланиб,

<sup>36</sup> Ёширин хат // Инқилоб. 1924. № 11-12., – Б. 109-115., №13-14. – Б. 124-130.

империянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг асоси бўлиб хизмат қилган эди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тақдим этилаётган мазкур маълумотлар асосида мустабид тузум сиёсатининг асл моҳияти ва манбасини англайсиз. Шунингдек, мустабид тузум даврида амалга оширилган қатагон сиёсатининг илдизини аниқлашда ҳам мазкур маълумотлар муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

## ТУРКИСТОН ВОЛИЙСИ УМУМИЙ КОНЦЕЛЯРИЯСИ

“1” шўба

“11” апрел 1893 йил

Сон 2601

Фарғона музофотининг ҳарбий волийси жанобларига

Жаноблари, 12 мартда ёзгон 2283-сонлиқ мактубларида, ерлик халқда таассуб уйғотиб, уларнинг хоҳ катта кишилари ва хоҳ ёш болаларининг русларни ҳақорат қилмоққа бошлагонлари тўғрисида бир неча воқеани менга билдирган, ўзингизга қарашлиқ музофотда шундай воқеа ва гуноҳкор бўлгонларнинг ўзларигина эмас, балки уларнинг қавм-қардошларига ҳам ўлкани идора қилиш тўғрисидаги қонуннинг 64-моддасини ишлатмакка меним рухсатимни сўралгон, ва ҳам кўчаларда русларни ҳақорат қилган болалар, уйларида эшитган сўзларнигина такрор қиладурлар, деган фикрингизни изҳор қилган экансиз.

Болаларнинг русларни сўкмаклари воқеъ бўлгонда, уларнинг қавм-қардошлари ҳам болаларга ҳақорат сўзлар айтмакка йўл берган ёхуд уларга русларни ҳақорат қилмоқни ўргатқанликлари учун жиноятга муштарик (иштирокчи) саналурлар. Шунинг учун бундай ҳодисаларда қонуннинг 64-моддасини ишлатмакка айрим рухсат олиб ўтириш даркор эмас.

Жаноблари яна русларга ҳақорат воқеа бўлгон жойдоғи хонадорлар билан дўкондорларга жарима солмоқ учун мenden рухсат сўраб илтимос қилгон экансиз. Ҳақорат қилишда гуноҳкор бўлгонлар топилмагон вақтда қонуний сабаблар бўлмағони учун, унга рухсат бера олмайман. Ундай вақтларда ҳақорат эшитилган хоналар билан дўконларнинг эгаларига, ҳақоратда муштарик (иштирокчи) бўлганлари учун, қонуннинг 64-моддаси бўйинча жазо берилса мумкиндир.

Генерал лейтенант:

(имзо)

Концелярия бошлиғи

(имзо)

## ИСТАНБУЛДОҒИ РУССИЯ САФИРИНИНГ ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРИ САМСОНУҒА МАКТУБИ

Муҳтарам Александр Васильевич

Сиз жаноб ҳурматлимизнинг Истанбулдаги сафир Гуфмистр Чорикуф исмига юборган ушбу йилнинг 27 июл таърихли 973 нўмралик мактубингизда Туркистон ва Бухорода шул маслакдаги турк газеталарининг кучлик равишда интишор (тарқатиш) этилишини ва ушбулар орқали ерли мусулмон халқи орасида шул фикрларни интишор этишга ижтиҳод қилиш ҳақида хабар бериб ўзининг програмига Туркистон ва Бухоро мусулмонлари орасида маориф тарқатишни киргизган “иттиҳод тараққий” комитетининг фаолияти ҳақида мумкин даражада муфассал маълумот беришни мендан ўтинасиз.

Сизнинг бу кўзготқон масалангизга доир Истанбулдаги императур сафаротида бўлгон тубанда зикр этилгуси хабар ва маълумотларни сиз иззатли афандимизга маълум этмакни ўзимнинг вазирам деб ҳисоб қиламан.

Туркия маршрутаси эълон қилинғандан кейин “иттиҳод ва тараққий” кўмитатининг халқ маориф шўъбаси ҳузурида “Бухоро маориф жамияти” ташкил қилинди. Ул шўъбанинг бошида машхур панисломизм (Иттиҳоди Ислому) тарафдорларидан дўктур Нозим турадир. Ушбу жамият воситаси билан кўмитатнинг халқ маориф шўъбаси Бухоро ва Қошғар билан муносабат тутадир. Ул ерларда ўқувчилар тўплаб уларни Истанбулдаги ҳарбия ва бошқа ҳукумат мактабларига ўрнаштиродир. Ҳозирги вақтда мундай шогирдлар юз нафарча бўлиб буларнинг ярми Бухороликлар ва ярми Қошғарликлардир. Бу шогирдларга мактабларда таълим қилинатурғон фанлардан бошқа, маълум панисломизм ва турк миллатчилиги талқин қилинадир.

Хитой Туркистонидан панисломизм фикрини напш эткучилардан бири ўтган йил ёз фаслида Истанбулга келган Шайх Саид номидаги бир одамдир. Бу кишининг Хитой Туркистонига бориши ва ташвиқоти ҳақида 1908 инчи йил бошида бизнинг Қошғардаги элчимиз хабар қилгон мулло Муҳаммад Саид бўлса керак. Ушбу Шайх ўзини Қошғарнинг Шайхул исломи деб тақдим қилиб Истанбулда зўр муваффақият қозонди. 11 нчи июлда Садри Аъзам Ҳаққи подшонинг далолати билан Султон ҳузурига ҳам қабул қилинди. Мундан бир оз вақт

Ўтгач “Иттиҳод ва тараққий” қўмитатининг мундоғи клубида панисломизм ҳақида араб тилида бир нутқ ирод этди ва унинг бу нутқи учун клуб раҳмат айтиб уни Қошғар мусулмонларига тақдим этган бир тавсиянома берди. Мундан сўнг Истанбулда таҳсил этгучи Қошғар шогирдларининг баъзилари ва “Таъориф ул мусулмон” газетаси тарафларидан Қошғарда “Шайхулислом” мансаби йўқлиғи ва Шайх Саиднинг бир алдамчи эканлиғи фош этилиши билан бу шайхнинг мавқеи бироз бўшади. Бу муносабат билан ҳарбий маҳкама тарафидан бошланғон тафтиш гўёки, бу Шайх Саиднинг мусулмон мамлакатларида Миср, Арабистон, Ҳиндистон, Рус ва Хитой Туркистонларида кўп замонлар саёҳат қилмиш, асл Троблислик Туркия таъбааси бир киши бўлғонин таҳқиқ этмишдир.

Турлук хабар ва маълумотларга қараганда Ёш турклар панисломизм фикрин тарқатиш масаласида эски идоранинг кўп усуллари муҳофаза этганлар ва Абдулҳамид сиёсати тақлид қила бошлагонлар. Вақти билан мусулмонлар турғон ҳамма мамлакатларга эълон этиб Ҳижоз темир йўлини таъсис этишга 150 билан 200 миллион франк орасида улуг бир маблағдан иборат иона натижаларини тахтар этиб “Иттиҳод ва тараққий” қўмитати ҳам бу йил “Усмонли флотига ёрдам жамияти” ташкил қилди. Ва руҳонийлар ва зобитлардан кўп киши эмиссар (яширин вакил) қилиб мусулмони бор мамлакатларга масалан, Фас, Жазоир, Миср, Судан, Ҳиндистон ва Россияга юборди. “Иттиҳод ва тараққий” қўмитатининг умумий сиёсий програмининг йўлларида бири бўлиб, мазкур флотни кучайтириш жамияти орқали панисломизм фикри зўр ижтиҳод билан нашр этиладир. Ушбу фикрни Ҳиндистонда тарқатишга қарши Улуғ Британия ҳукумати тарафидан Усмонли ҳукумати таъбеҳ ясашни мужиб бўлди. Ҳиндистон вице қироли Туркия флотига ёрдам учун тарқатилатурғон “иона қоғазларини” Ҳиндистонда тарқатишни қатъий равишда манъ қилди ва мундоғи Улуғ Британия сафирига бу ҳақда усмонли ҳукумати хабар этмакка ва унга бир мамлакат табаалари томонидан иккинчи мамлакатнинг ҳарбий кучини орттиришқа ёрдам этишнинг асоси мумкин бўлмағонлиғи ҳақида хабардор бўлишни таклиф этмак вуюрди.

Хорижия вазаротининг биринчи департаменти тарафидан ушбу йилнинг 29 июлида мундоғи Россия сафаротхонасига

юборилган 900 нўмирлик қоғаз билан баробар полиция департаментининг бу йил 4 феврал 48921 нўмир тарихлик хати ҳам кўндирилган. Бу хатга қараганда гўёки “Иттиҳод ва тараққий” кўмитатининг асрори сабаблик Истамбул Шайхулисломни тарафидан бутун дунё мусулмонларига ва шул жумладан Россия мусулмонларига ҳам Туркия флотига ёрдам қилиш ҳақида фатво нашр қилинган эмиш. Сафаротхонанинг бақадар ҳол тафтиш этишидан кейин маълум бўлди ки, Шайхулислом тарафидан ундоқ бир фатво нашр этилмаган экан. Муни тахминан ҳам шундоқ фикр қилишга мумкин эди. Чунки гарчи соҳиб нуфуз кўмитанинг расмий Туркия ҳукуматининг сиёсатига таъсири зўр бўлса ҳам ул ўзини расмий ҳукумат одамларидан жуда эҳтиётлиг равишда айрим тутади ва шул сабаблик унинг нашр афкори ишида расмий ҳукумат одамларидан бўлгон Шайхулислом ёрдамига муурожаат қилиши шубҳалиқдир.

Лекин Шайхулисломнинг фатвосидан бошқа ҳам Туркия флотига ёрдам йиғиш ишининг Россияда ҳам муваффақиятли бориши англашиладир. Масалан, мундан бир неча ой аввал Қрим мусулмонлари орасида нашр афкор учун кўмитат тарафидан бир қанча вакил – ҳожилар юборилди. Ушбуларнинг хизмати натижаси бўлиб Истанбул орқали ўтувчи қайси бир мусулмон бойларининг Туркия флотини кучайиши учун улуг иона этишлари маълум бўлди. Шул мақсад билан панисломизм фикрларини тарқотиш учун Бухорога ҳам вакиллар юбарилди ҳақида сафаротхонада хабар ва маълумотлар бордир.

Бу йил июл бошида кўмитатнинг иккинчи даражадаги аъзоларидан бирави – Солиҳ афанди Россия мусулмонлари – татарлар ва бухороилар орасида панисломизм ҳаракатини кучайтириш ишидан иборат махсус вазифа билан София шаҳри орқалиқ Питербурғга сафар қилди. Солиҳқа мазкур кўмитат тарафидан Питербурғдаги усмонли ҳукумати сафири Тархон пошога тавсия қоғози берилган ва бу тавсияномада Солиҳқа тобширилган вазифаларнинг муваффақиятли равишда адо этилишига Тархон пошонинг ёрдам қилиши тақдим этилган. Яна Солиҳқа, уни Тархон пошога тақдим этган Садри Аъзам Ҳаққи пошонинг визит картичкеси ҳам берилган бўлган. Баъзи бир хабарларга қараганда Солиҳ афандининг бу иши усмонли

сафирининг хусни таважжуҳини жалб этмаган гўёки сафир мундоғ муҳим бир масала ҳақида ундан фикр сўролмағонига норози бўлган эмиш. Сафаротхонадаги хабарларга қараганда Солиҳ афанди нашр афкор учун Петербурғдан Бухорога сафар қилгон эмиш.

Тахминан шул вақтларда ва шу мақсадлар билан қўмитанинг иккинчи бир аъзоси – Шайх Муҳаммад Афғоний Бўмбайдан Лохўр ва Авғонистон орқалиқ Бухорога юбарилган. Лекин унинг сафари муваффақиятлик бўлмаган. Чунки ул Лохўрда инглиз ҳукумати одамлари томонидан ҳибс қилинган кейиндан унинг ҳибсдан қочиши ҳақида хабарлар бўлса ҳам қайда кетгани маълум эмасдир.

Панисломизмнинг жиддий ғайратлик ва таъсирлик ходимларидан бири ҳозир Истанбулда истқомат эткувчи, “Иттиҳоди тараққий” қўмитатининг нуфузлик аъзоларидан Шохбандзода Аҳмад Ҳилмийдир; бу одам Шайх Муҳриддин Ҳорий (?) исми билан ҳам машҳур эмиш. Ул турлук мамлакатлардаги мусулмонлар билан робита юргузиб шул жумладан бизнинг Туркистон мусулмонлари билан ҳам муносабати бўлиши мумкин. Туркистондаги бу одамларнинг кимлар бўлишини билиш Туркистон идора ишидаги зодларга оғир бир иш бўлмаса керак.

Юқорида зикр этилган кайфиятлар “Ёш турклар”нинг панисломизм фикрларини нашр этишда жиддий ҳаракат этишларини кўрсатадир. Улар бу иш билан икки мақсад кузатадирлар. Бири мамлакат ичида ўзларининг мавқеъларини маҳкамлашдир. Иккинчи молия ишларини тузатмақдир. Улар эмиссар (вакил) лар юбориш билангина қаноатланмай кейинги ойларда мундоғи баъзи бир турк журналларида ҳам ҳаракат бошладилар. Буларнинг Туркистон ва Бухорога бориши ва тарқалишлари сиз афандимиз ҳазратларининг ҳам диққатини жалб қилгон экан. Бу масала ҳақида русия импературлик сафаротхонасида шул маълумотлар бор: турк тилидаги панисломизм нашр афкорларининг муҳимлари: ҳафтада бир чиқадирган уч дона журнол бор 1) “Ҳикмат” 2) “Сирот ул мустақим” 3) “Таориф ул муслимин”



“Ҳикмат” – “Тасвир афкор” номидаги кундалик газетанинг бош муҳаррири Аҳмад Ҳилмий афанди томонидан нашр қилинади.

“Сиротил мустақим” – Олий даражадаги мусулмон руҳонийлари тевараги томонидан нашр қилинади. Булар орасида мажлис Аъён аъзоларидан Исмоил Ҳаққи афанди ва Мусо Козим афанди ҳам бор (Мусо Козим афандининг ҳозир Шайхулислом мансабини ишғол этиши эҳтимолдир). Бу журналда кейинги вақтларда “Иттиҳоди тараққий” қўмитатининг машҳур аъзоларидан бирининг ўғли – Муҳаммад Болжизода Ҳусайин ва яна неча асл руссиялик мусулмонлар ҳам иштирок этадилар.

Рус ҳукуматига хусусий бир душманлик билан тўлмиш журнал – “Таориф ул муслимин”дир. Ул турклар ва русия мусулмонларидан иборат бир ҳайъат тарафидан идора этилиб, бунда энг муҳим ролни руссиялик Абдурашид Иброҳимов ўйнайдир. Бу киши қафқозда нашр этилган “Иршод” газетасининг собиқ ноширидир. Асли ул сибир татарларидан бўлиб, руҳонийлар синфига мансуб. Ўрунбург Маҳкамаи шариасининг аъзоси бўлиб, ҳатто бир вақтлар Маҳкамаи шаърияда муфтилик лавозимин ҳам ўтаб турди. Кейинда истеъфо қилиб қисман савдо ва қисман таҳрир билан машғул бўлди.

Ул рус турмушининг шароитлари билан яқиндан таниш бўлганидан унинг Россия ҳукумати тарафидан мусулмонларни қисиш, исломни таъқиб этиш ва бошқа шундоқ бўхтонларни ёзишда уларга ҳақиқатга яқин руҳ беради ва шул сабабли унинг ёзгон нимарсалари журналларда бу мавзуга доир бошқа ёзмаларнинг ҳар қайосидан ортиқ мусулмонларга жуда кучлук таъсир берувга қодирдир. “Таориф муслимин”да Россиядан келган кўп хабарлар ҳам дарж қилинади. Бу хабарлардан диққатни жалб этгувчилари, 5 - нўмерада Трускийлик Аҳмад Тожиддин номлик киши тарафидан ёзилгон “Дума ва мусулмонларнинг ҳуқуқи” сарлавҳалик мақола, 14 - нўмерада шул имзо билан ёзилган “Руҳонийларга мурожаат” мақоласи, 15-16 – нўмраларида Илминскийнинг синод обер прокурори Победоносогоға ёзгон мактубларнинг таржимаси ва бошқалар.

Мазкур журналларда иштирок эткувчи русиялик мусулмонлардан “Сирот ул мустақим” журналида ёзғучи Аҳмад

Огоефни ва “мусулмон дунёси ва Россия” сарлавҳалик Россияга ортиқ аччиғланиб ёзилгон мақола соҳиби дўктур Қорабекуфни айтиб кетиш лозим бўладир. Мазкур уч россияликлардан ҳозирги кунда Истанбулда энг машҳури шубҳасиз Иброҳимовдир. У “Иттиҳод ва тараққий” фирқасининг клубларида кўпинча лекциялар ўқийдур ва биринчи лекциясида уни туркларга мажлис аъёни аъзоси Мусо Козим афанди, яъни ҳозирги Шайхулислом тақдим этди.

Кейинги вақтларда Истанбулда Россиянинг Бухоро ва Хива хонлиқларини ўзига қўшмоқға интилиши ҳақида хабарлар шоеъ бўлиш муносабати билан Туркистон ва бу хонлиқлар масъалалари мазкур журналарнинг хусусий равишда диққатларини жалб этди (2 сентябрда чиққан “Ҳикмат” журналоида “Ўрта Осиё ва Авғонистон” мақоласи, “Сирот ул мустақим”нинг 107-108 нўмраларида “Бухоронинг истиқлолига суиқасд” мақоласи, “Таориф ул муслимин”да “Хива хонининг таржимаи ҳоли” ва бошқалар).

Сиз жаноб ҳурматлимиз тарафидан айтилган мунда нашр этилатурғон “Ақдом” газетасида ва бошқа газеталарда ҳам панисломизм руҳидаги мақолаларни кўриш мумкин.

Мундаги мусулмонларни Россияга душман қилиш мақсади билан немис ва француз тилларида нашр этилгучи, бизга душманлик ҳисси билан тўлғон мақолалар ва Россиядан келган шундоқ хабарларни ҳам дарж этгучи “Осмонширрлвид” газетасини айтиб ўтишга тегийдир.

Бу газетанинг нашрига Германия сафаротхонасидан ҳам ёрдам берилади. Жалол Нурий исмлиқ бир турк тарафиндан француз тилида нашр этиладурган (“Ёш турк”) номлиқ газета ҳам гоят даражада бизга душмандир.

Сўз охирида мазкур Иброҳимов тарафидан кейинги кунлардагина турк тилида унинг саёҳати нашр қилинишини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу саёҳатнома Россия инқилоби бостирилгандан кейин Иброҳимовнинг Туркистон, Сибир, Монғулия, Манжурия, Япония, Курия, Хитой, Ҳинд жазиралари ва Арабистонга қилгон саёҳатидаги таасуротларидан иборат бўлиб, асарнинг исми “Мусулмон дунёси ва Японияда Исломнинг интишори” номидадир. Иброҳимовнинг бу саёҳати панисломизм фикрини нашр этиши ва ҳатто “мажусийлар яшаган

мамлакатларда ислом динини тарқатиш” мақсадлари билан қилинғонлиқдан унинг бу асари шубҳасиз зўр мунаффақият касб этар ва бизнинг мусулмонлар орасига ҳам тарқатилар.

Истанбулда панисломизм фикрини нашр қилиш ташкилоти ва унинг ушбу йўлда ўзининг мақсадларига етишмак учун қандай аҳволлар қўлланиши ҳақида сафаротхона идорасидаги хабар ва маълумотлар шул юқорида зикр этилганлардан иборатдир.

Сиз жаноби ҳурматлимиз тарафидан тилак баён этилиш муносабати билан Туркистон, Бухоро ва умуман Ўрта Осиё ҳақида мақолалари бўлғон шул журналларнинг нўмраларини тез кунларда юбораман ва шунинг била баробар сиздан мазкур журналларнинг баъзиларига бир оз муддатка мушгари бўлиб ёзилмайсизми деб ва шул ҳақда хабар юбарувингизни ўтинаман. Сиз жаноби ҳурматлимизнинг меним саломимни ва садоқатимни қабул қилувингизни ўтиниб:

Чорикуф

29 сентябрь 1910 йил

## ФАРҒОНА ҲАРБІЙ ГУБЕРНАТОРИНИНГ ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРИГА ХАТИ

Туркистон жанарол губернатори жанобларига

27 сентябрь 1907 йил рақам 1259 *Янги Марғилон*

Андижон шахрининг Офтобачи мадрасасидаги ўзининг кароматлари ила халқ ичида шуҳрат чиқарғон ҳожи Муҳаммад Эшоннинг қандай киши бўлгонлигини текширмакка оид ўлароқ ўзимнинг ушбу йил 13 сентябрда бўлгон 1210 рақамлик рапортимга муносабати бўлгон Андижон уезд началнигининг “Донос” (шоҳид, саоит)номасини юбордим.

Бу “донос” меним юқорида мазкур 1210 рақамлик рапортимдоғи фикрларни тасдиқ қилмоқ баробарида ҳозирги кунда ул эшоннинг ҳеч бир кўркунчли киши эмаслигини билдирадир.

Бу эшон уезд ҳокими подполковник барон Иштакилбургга диний бир киши бўлишидан бошқа фақат оддий бир кимса таъсирини берган. Унинг ишлари устидан мундан кейин назорат ва тафтиш этиб турармиз. Қулайини топсам эшонни ўзим кўришга ҳам тиришарман, чунки эшон тўғрисида бир фикр ҳосил қилмоқлигим учун уни кўриш зарар қилмас. Лекин Рамазон ойи яқин, рўза ойида кўришмоқ бир оз жойсизроқ кўринадир. Эшоннинг ёши 65 ларда, бу ҳам бизга унинг сиёсий планлардан четда эканин билдирадир. Умуман, баъзи бир эшонлар майдонга чиқишлари 1898 йилда бўлгон воқеанинг такрорланмаслигини илгаридан олдини олиб қўйғонда унча кўркунчли бир иш бўлмасдан балки, эл тинчлигига ва сиёсатимизга фойдалиқ бўлур.

Биз шуни ҳам яхши билишга теюшлидирмизки пахтачилик ва умуман саноатимизнинг тараккий этиши маҳаллий халқнинг моддий жиҳатларини хон замонларидагидан яхши қила олмади. Иш шундан ибораки бойлик, сарватлари жуда оз бўлган бойлар кўлига ўтиб маҳаллий халқ уларнинг фойдалари учун бор йўқларидан ажралмоқдадурлар.

Маҳаллаларда енгиллик ила қарзга оқча топиш имкониятининг йўқлиги, бутун қишлоқ хўжалигининг фақат пахтачиликка ҳиср этилиши деҳқончиликда кун кўриб турғон қишлоқ халқини бойларга оғир фоизлар ила қарз тўламакликдан кутулмайтурғон бир ҳолга солмоқдадир. Сўнгги вақтларда маълум бўлдики, мазкур усулда катта ер хўжалиқлари майдонга

келмакдадир. Майда хўжалиқларни ишдан чиқариб халқни мардикор, чорикорликка тушурди. Халқнинг табиий равишда кўпайиши ҳам бу ишга ёрдам қилиб ерсиз йўқсулларнинг ҳисоби боргон сайин кўпаймакдадир. Маҳаллий халқ ўзининг ерига ва ўзининг хизматига тутунган бўлса эди ҳукумат тадбирларининг ва тартибларининг ўз йўлида кетишига енгиллик берад эди.

Мана шундай бўлгондагина келажакда тинчликнинг давомига инонса бўлур. Ерсиз йўқсулларни майдонга чиқариб деҳқонларни ўз ишларидан айирғонда ерсиз ишсиз ҳаётдан рози бўлмагон кишилар кўпаюб, у янглиғ одамлар турлук жиноятларга ҳозир ва иғволарга мойил бўлиб кетарлар. Ўғирлик, мастлик ва бошқа турлук бузуқлик тартибсизликларга берилиб кетарлар. Шунинг учун биринчи навбатда юқорида айтилган шу хил маҳаллий халқдан кўрқишимиз керакдир.

Менга қолса, ихтилол ҳаракатларини ва фитналарини йўқотиш учун ҳам русия ҳукуматиғни буюк ва қаттиғ бир ҳукумат қилмоқ учун асос қилиб маҳаллий халқда бўлгон норозилик ва бузуқликларни битирмоқ керакдир. Мунинг учун ер ишида кун кўриб турғон маҳаллий халққа керагича ёрдам бериб турмоқлик учун муассасалар таъсис қилмоқ (уезд ссуда-истикроз кассаси бу ишда ҳеч бир ёрдам қила олмайди); Баъзи бир сабабларга биноан рус муҳожирларига берилмай қолдирилгон ва янги суғорила бошлагон ерларни сотиб олмоқлик учун муҳожирларга махсус кредит (қарз) бермакнинг; Маҳалли халқга маданий ҳам ахлоқий жиҳатлардан таъсир ижро қилмоқлик учун рус муҳожирларининг аҳволини тузатиш керакдир. Лекин бу сўнги ишга ҳеч бир эътибор қилингани йўқдир. Бу йўлда русларнинг ўзларини тарбия қилишларина истисно қилинса мумкиндир.

Ерларни текин ҳадя қилмоқ, чоғир сотишига сарбастлик бермак Туркистонда маҳаллий рус муҳожирлари ичида дангасалиқни ортдириб йўқсулликка йўл очиб, маҳаллий халқ олдида рус маъмурларини эътиборини туширади.

Туркистонда ҳозирги вақтдаги рус муҳожирларининг ҳол ва қиёфатларига қорағонда, муҳожирларда маҳаллий халқга намуна бўларлик сифатлар оз кўринади.

Ҳозирги кунда ҳукуматнинг кучи рус муҳожирларини тарбиялаб, уларни намуна бўлурроқ бир ҳолга келтуриш ишига

сарф қилинмоғи лозимдир. Акс ҳолда бутун Россия тарихида юзимизга қоро суртилур.

Агарда биз бу мақсадга етмак учун Туркистонга чоғир келтиришни шахру қишлоқларда мундай нарсаларни ишлатиб сотишларни ман қилсақ, ул вақтда (аксизний ведимоства) хусусий солиқларни тўплағучи муассасанинг зарарини ҳукумат ўз устига олмоғи лозим бўлур. Ҳозирги аҳвол ичида маҳаллий халқ томонидан русларга қарши адоват туғулиши мумкин.

Алҳол русларни Туркистондин чиқаришга кучлари етмаса бошқа воқеаларнинг бўлиши мумкин.

Менга қолса асосий сабабларга таъсир бергандагина биз ўзимизни турлук эшонларнинг фитна ва фасодларидан сақлай оламиз. Ўзингизга маълумдирки назорат ва тафтиш натижаларидан полиция ҳозирлик ва иш кўра билмайдир. Бу ҳақда Биринжфуруш қишлоғида рус маъмурларини тушурмак учун маҳаллий халқ тарафидан сайлов бўладир деб келган хабар муносабати ила ҳам ўз фикримни баён қилган эдим. Тогин айтаман биз маъмуриятни яхши кишилардан уюштиргандагина тинч бўламиз. 1898 йил воқеасининг такрор бўлиши эҳтимолдан узокдир.

Маҳаллий халқ ичида рус ҳокимиятига душманлик ҳисси туғдиратургон чет сиёсатлар ҳам ҳозир кўринмайдур.

Ҳарбий Губернаторлик вазифасини ўтагучи:

Поручик:  
(имзо)

Грехиф

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРИГА

Рақам 5809

3 август 1913 йил

429 рақамли хатга  
жавоб ўларок

Ушбунинг баробаринда, Туркистон ўлкасидаги мактаблар инспекторининг 13 ярим табоқ қоғаздан иборат бўлгон 1913 йил тарихли 11897 рақамли далолатнинг копиясини тақдим қилиб сиз олий жанобга билдираманки, яширин мухбирларнинг тафтишлари соясида қозоқ ва ўзбек халқлари орасида русиядан келган татар муаллимлари мазкур халқларнинг болаларини ҳар равишда янги тартиб билан ўқитиб турғонлари маълум бўлди. Мундоғ ишларнинг энг тараққий қилғон жойлари Сирдарё вилояти, Оқмасжид воғзали уездларидаги қозоқ ичларида татар муаллимлари бўлмағон ҳеч бир овул йўқ экан.

Татар муаллимларининг муваффақиятларини навбатдаги ишлардан кўрмак мумкин: маҳаллий халқ шубҳасиз эски тартибдан кўра янги тартиб билан ўқитишнинг фойдалиқ эканини биладир.

Чунки ўқиш янги тартиб била бўлғонда енгил ва болалар ҳам тез тушунадирлар.

Қозоқлар болаларини русский туземний мактабларга беришга кўрқадирлар. Чунки муллолар русский туземний мактабларда болаларнинг христиан руҳи бирла тарбиялашларини ва шундай йўл ила борғонда, уларнинг христиан бўлиб кетишлари ҳам мумкин эканлигини шубҳалаб маҳаллий халқнинг ўзига мазкур мактабларни ёмон кўрсатадирлар.

Қозоқлар, оврўта кийимида келган татарларга ҳам баъзи вақтда ишончсиз қарайдирлар. Болалар исломият ҳиссини йўқотадирлар деб кўрқадирлар. Шунинг учун қозоқлар ибтидоий мактабни тамом қилганидан кейин болаларини диний урф одатларини ўтатмак нияти бирла эски тартибдаги мактабларга берадирлар.

Муаллимлар эса хусусий кишиларда, яъни бой қозоқ ёки ўзбек тарафидан даъват қилиниб, фақат оиланинг ичида бўлгон икки уч болани ўқитадирлар. Бунинг баробарига олатурғон вазибалари олти ой муддатга 90 – 150 сўмлар бўладир. Фақир одамлар бойнинг уйида бўлган муаллим ила хусусий равишда

сўйлашиб болаларини ўқувга берадирлар ва мазкур муддатта 25-30 сўм пул тўлайдирлар. Ўқув муаллимни даъват қилиб келтирган одамнинг уйида давом этадир. Агарда кетирган одам мулла ёки бошқа руҳоний киши бўлса, ўқув жойи масжидда бўлиб, муаллим ўзи хоҳлаган қадар бола йиғади.

Уларнинг ҳар қасисидан 1,5-5 сўм вазифа (маош) олади. Қозоқлар орасида одатда муаллимлар мартнинг 5 ларига келиб етадирлар. 5 мартдан 20 мартга қадар муаллимларни таъйин қилмоқ ишлари давом қилиб, ундан кейин қозоқлар Қоратовга ва Сорисув бўйларига ва Оқмўла вилоятига жайлов (яйлов)га кетадирлар.

Муаллимларни таъйин қилмоқ иши одатда тубандаги йўлда бўлади. Муаллим керак бўлган одамлар уларни сўраб волос ва овул бошлиқлари орқали маҳаллий эшонларга мурожаат қиладирлар. Келган муаллимлар ҳам эшонларга юбориладирлар. Келган муаллимларни эшон керак бўлган жойларга юбориб турадир.

Оқмасжид уездида бу иш ила Аҳмад эшон Ўразаев шуғулланадир. Бу одам ўзи Тўрғай вилояти Турулум деган ердан келган, маҳаллий халқ орасида ҳар хил мўъжизаларга молик муқаддас киши бўлиб ҳисобланадир.

Қозоқ орасида муаллимлик қилган одамларнинг кўпи Уфодоғи Мадрасаи Олия, Мадрасаи Усмоғия, Орунбуғдоғи Мадрасаи Хусайғия, Қозондоғи Мадрасаи Муҳаммадиянинг муаллимлари ва юқори синфларининг шогирдларидирлар.

Мазкур мадрасаларнинг шогирдлари орасида маҳаллий халқдан ҳам шогирдлар кўпдир. Истанбул, Бейрут, Мадина Туркиянинг бошқа катта шаҳарларида жуда кўп Россиядан борган мусулмонлар ўқийдурлар.

У ерда ўқувни тамом қилиш бирла Россияга қайтиб юқоридаги мазкур мадрасаларга муаллим бўлиб кирадирлар ҳам ундоғи шогирдларни тор миллатчилик ва панисломизм руҳида тарбия қиладирлар.

Шундай қилиб юқорида мазкур мадрасаларнинг панисломизм руҳида суғорилган муаллимлари ва талабалари Туркистонга келиб маҳаллий халқ орасида панисломизм фикрини тарқатадирлар ҳам уларнинг болаларини Россия ҳукумати манфаатларига хилоф тарбия қиладирлар.



Мазкур мадрасаларнинг орасида Уфада воқеъ Мадрасаи Олия ўзига махсус мусулмонларнинг олий мактаби саналиб, унда диний китобларгина эмас, бошқа мадрасаларга қараганда дунёвий маълумотлар ҳам жуда кўп бериладир. Бу мадрасалардан ўқуб чиққан кишилар усули қадим мадрасаларида ўқуғон кишиларни олмасдан, янги мадрасаларда ўқуғонлардангина шогирд йиғиб оладирлар. Бу янглиг шогирдлар мадрасада кўп юқори даражада турадирлар. Агар биз қозоқларнинг татарларга бўлган яхши қарашларини, татарларни ўзларидан юқори деб ўйлагонларини ва шунинг соясида қозоқларнинг татарлашиб борғонлиқларини эътиборга олсак, бу ишларда мадрасаи Олия ва унда ўқиб чиққан кишиларнинг қозоқларга бўлган таъсирларининг буёклигини кўраимиз.

Уфа вилояти “жандарма” идорасининг хабарига қараганда мадрасаи Олияда Туркистонликлардан тубандоғи отлари ёзилганлар ўқиб юрубдирлар.

Сирдарё вилояти Оқмасжид уезди, Городуф волости

10 - овулдан

- 1) Боймуҳаммад Қораниюф - 13 ёшда
- 2) Али Боймуҳаммедов - 18 ёшда
- 3) Бержан Турсунуф - 19 ёшда
- 4) Тинбой Қолишуф 18 - ёшда
- 5) Юсуфбой Исмоилуф 17 - ёшда
- 6) Муҳаммадали Ўразаев - 24 ёшда

7 нчи овулдан:

- 7) Эрали Саидбоюф - 14 ёшда

Царский волост 10 - овулдан

- 8) Шермуҳаммад Қоникбоюф 22 ёшда

2 нчи овулдан:

- 9) Эрали Беоф

Нилитулский волост, 5 нчи овулдан:

- 10) Қалмуҳаммад Ўразаюф 21 ёшда

Еттисув вилояти, Липсик уезди, Олғуз волости, 1 инчи овулидан:

- 11) Абулғози Йўлчибекоф, 22 ёшда

Қопол уезди, Оқсув волости, 5 инчи овулдан:

- 12) Меҳвар Эрмактошоф - 23 ёшда
- 13) Неъматулло Муртазин - 20 ёшда

Арасан волости, 5 инчи овулдан:

14) Абубакр Жойчибекоф - 18 ёшда

15) Ёқуб Имоноф - 21 ёшда

Семиполот области, Павлодар уезди, Анукузнецки волости, 4 нчи овулдан:

16) Неъматулла Куздимбаеф - 20 ёшда

17) Шайх Ҳожибеккоф - 26 ёшда

Орунбурғ вилояти “жандарма” идорасининг хабарига биноан, маълум бўлдики, ёз кунларида шогирдлар, хусусан, юқори синфларда ўқуғонлари қозоқ саҳроларига тақалиб, унда оз бир вазифага қаноат қилиб қозоқ болаларини ўқутадирлар. Уларнинг ўқушлари янги усули савтия иладир. Кўп жойда ҳозирги пайтда усули қадим беркитилиб, усули жадид ғалаба қилгон.

Қозон вилояти “жандарма” идорасининг начальнигининг хабарига қараганда, Қозон мадрасаларидаги шогирдларнинг баъзилари ва шуларнинг орасида ҳам Қозонда ўқуб юрган қозоқлар ёз кунларида қозоқ саҳроларига чиқиб, қозоқ болаларини ўқутадирлар. Шунинг баробарида қиш куни ўзларини таъмин қилмоқлик учун пул йиғиб қайтадурлар. Агар қозоқлар орасида тарқалатурғон қозоқ адабиётига келсак, улар биродарон Каримуфлар ҳам Ҳусайнуфлар ворисларининг фирмалари тарафидан нашр қилинадирлар.

Бу кунгача мазкур фирмалар тарафидан 70 қадар китоб нашр қилинган. Бу китобларнинг ҳар қаюси жандарма идораси тарафидан кўрилиб чиқилган. Муҳим китоблар ҳақида Қозон матбуот кўмитаси раисига хабар қилинган (бу китоблар рўйхати кўпияси шу маъруза баробарида сизга тақдим қилинади).

“Уён (уйғон) қозоқ” деган рисола Қозон матбуот кўмитаси тарафидан мусодара этилган унинг муҳаррири Миряқуб Дўлонуф эса, Ўмски “судебный полана”си тарафидан бир йил ўтурурға ҳукм қилинди.

Яширин равишда текширилгандан сўнг ўзбек ва қозоқ болаларини ўқутқонлардан тубандаги татар муаллимлари маълум бўлдилар:

Пишпак уезди, Ниной волостида Деврбо Урлиumboёфнинг қарамоғида Нажмиддин Эшмухаммедуф, Солихуф деган одамлар қозоқ болаларини ўқитмоқдадирлар. Унинг ўзи Уфа вилояти, Истирли томоқ уезди, Қармиш волости дехқони бўлиб,

Тинойдаги русский туземний интернатда дин муаллимлиги ҳам қилади. Пишпак шаҳридаги татар масжиди ва ҳам Ярминкадаги масжид ҳузуридаги мактабларда шоғирдлар қозоқ ва ўзбек болалари эканлигига қарамадан татар муаллимлари татар тилида ўқитиб турибдилар.

Пижпакдаги усули жадида мактабининг муаллими, Мамадиш уезди, Нижний Суп волостидан келган татардир. Пишпакдаги Ҳасанжон Алимжон ўгли Бойзилоф деган муаллим, мадрасаи Олияни тамом қилиб, Уфа вилояти, Бирский уезди, Асан волости, Совуққўл овулидан келган бир кишидир.

Тошкент темир йўлида Бирқозон станцияси Усмонбек Хўжаеф деган қозоқнинг уйида, Садриддин отлиғ бир татар муаллими бор экан. Тошкент темир йўли Жийда истансасидан тўрт чақирим узоқликдаги Искубилуф қишлоғида Ҳорис Фатхуддин отлиғ бир муаллим Самар вилояти, Бузулук уездидан келган, мадрасаи Олияда ўқуғон бир татардир.

Русиядан келган татар муаллимларини таъйин қилсақда Искубилуф қишлоғида турган Ванга вилояти, Молмж уезди, Кукшин овулидан келган Ҳабибраҳмон Абдуллин исмлиқ бир савдогар, кўп хизмат қилади. Янги келган муаллимлар аёғи Ҳабибраҳмонга тушадирлар. Бу киши мурожаатларга қараб, келган муаллимларни юборадир.

Ҳозирғи вақтда Искубилуф волостида унинг тақдими бўйинча олингон бир неча татар муаллими бор экан. Бу муаллимларнинг маълум бўлганлари:

Абдусабури Диснолиф Уфа вилояти, Балабай уезди, Аксақ волостидан келган, 2 нчи овулда туради.

Искабилуф қишлоғидан 15 чақирим узоқликда Малайкутум деган овулда мадрасаи Олиядан чиқиб келган Исмоил Кебилуф деган бир татар муаллими бор.

Тошканд темир йўли “Сулинуба” истансасига яқин ерда Зокир Рашидуф отлиғ татар муаллими ҳам унинг хотини Мунаввара Исмаилуфа ҳам муаллима, Қобил Эрқабуюф деган қозоқникида туради. Мазкур қозоқ сиёсатдан жуда яхши хабардор. Бу киши ҳам Туркия фойдасига иона йўғиб юрган бир кишидир.

Май ойининг ўртасида Тошкент йўли ила Оқмасжид шаҳрига ва унинг уездига олти нафар татар муаллими кетдилар.

Чиноз ёнида Сидоруф ва Довидуф отлиғ татар муаллимлари туриб, Довидуф эски Тошканга кўчиб келди.

“Боғорудский” қишлоғига яқин қозоқ овулида Бибимарям Исҳақова деган татар муаллимаси болаларни ўқитадир.

Хўжанд уездида воқеъ бир мавзеда Астрахан вилоятидан келган Бек Булот отлиғ бир татар муаллими бор.

Хўканд уездида 2 нафар татар муаллими, Наманган уездида 4 нафар, Серуф истансасидан 8 чақирим узоқликда 2 нафар татар муаллими болаларни ўқитуб турадирлар.

“Мерув” уезди, Отамиш райони, Қобил қишлоғида Абдулла Обидуф ҳам Мулло Султон деган татар муаллимлари бор.

Болхаш кўли атрофидаги маъжусий қирғизлар орасида ҳам татар муаллимлари юриб, мазкур мажусий қирғизларни мусулмон қилмоқ фикрида хизмат қиладирлар.

Пишпак уезди, Темурбут волостида мадрасаи Олияни тамом қилиб қайтган Исҳоқ Хонағоров ва Чингизуф деган қозоқ муаллимлари ҳукуматдан рухсатсиз мактаб очқонлар.

Локул волостида ҳам мадрасаи Олияни тамом қилғон Эшон Али Араббоюф деган қозоқ муаллими рухсатсиз мактаб очқон.

Сўнгги вақтларда ҳукумат маъмурларининг тафтиши ила татар муаллимлари ўз ишларини бир оз эҳтиёткорона юргиза бошладилар. Улар Сирдарё вилоятидан Фарғона, Самарқанд, Туркман (Ашқ обод) вилоятлариға кетмак йўлин тутдилар.

Мазкур муаллимлар бизнинг шўъбамизға аввалдан маълум эмас эдилар. Ва уларнинг сиёсий ишончсизликлари ҳақида ҳам бу кунларгача ҳеч бир маълумот олинғони йўқ. Юқоридаги сўзларимға далил қилиб айтаман: бизнинг яширин тафтишимиз, чин истатиский советининг Миллернинг тафтишларидан топиғон натижаларни таъкид қиладир. Сиз олий жаноб тарафидан, Сирдарё вилояти халқ мактаблари директорлариға ва ҳам Туркистон ўлка мактаблар нозирлариға 1912 йил 25 январда юборилган 844 рақамли хатда кўрсатилган асосий қондаларға хилоф ҳаракатлар талош қилатурғон баъзи маъмурлар, хусусан, маҳаллий халқдан таъйинланган кишилар, бу янглиғ ишлар ҳақида қилинган тадбирларни оғир бир ҳолға соладириллар.

Хусусан, хайрихоҳ таржимонлар, ҳукуматнинг бу ҳақидаги тадбирларини элга билдириб турадилар.

*Асл нусхасига имзо қилгон подполковник:*     **Сизих**  
*Тўғри рўзмистр:*                                     **(имзо)**

## ЁШИРИН ХАТ

*(Фаргона ҳарбий губернатори ҳузуридаги мутаржим  
Буйлиннинг)*

Сиз жанобнинг амрлари бўйича Бухоро ва Хива аҳволи билан танишмоқ учун илгари Бухорога ундан сўнг Хивага бордим.

Мен қайси йўллар билан юрганлигимни ҳам шу маълумотларни йиққан чоқда қандай оғирликлар кечирганлигимни сўзлаб ўлтирмайман. Ёлғиз шунигина айттайин: икки ойлик шу саёҳатимда ишнинг яхши чиқиши учун ўзимни ерлик халқдан, андижондан келган савдо вакили кўрсатиб юрдим ва иш орасида Бухоро ва Хивадаги мадрасаларни ва авлиёлар мазорларини зиёрат қилишга тилагим борлигини сўзладим. Бухорода қуйидаги жойларни зиёрат қилдим: эски Бухоро, янги Бухоро (Когон), Баҳовуддин мазори, Кармана, Олчин, Султон обод, эски Чоржўй, Шоҳимардон ва Қарши.

Мен ўзимга кераклик бўлган маълумотларни ёлғиз Бухоронинг ўзи учунгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё руҳонийлари учун илм ирфон ва тарбия манбаи бўлгон мадрасалардан тўплашга тиришдим. Бу мадрасаларнинг Ўрта Осиё мусулмонлари учун ғоят катта аҳамияти бордир. Бу мадрасаларда таҳсилда бўлгон муллоларнинг фикрлари ва уларнинг халқ билан бўлгон муносабатлари ила тонишқонда таажжуб қилмай мумкин эмасдир-ки улар истиқболда халқ етакчилари бўлгани ҳолда, қора халқ билан қилгон муомалаларида ўзларини аллаким (жуда юқори) ҳис қиладирлар. Гарчи ислом уламосининг халқ билан муносабати Руссияда ҳам шундоқдир, лекин Бухорода бу ҳол яна ҳам кучлидир.

Уламо ҳозир бўлгон мажлисларда баҳс фақат шаърият ва диндан бўладир ва улар ўзларининг сўзлари орасига кўпроқ арабча аралаштиришга тиришадирлар. Бундай мажлисларда бўлгон авом ўзининг сўзига риё аралаштириб, муллоларни улуғлаб, уларнинг ҳар бир сўзларини тўғрига чиқариб “тақсир-тақсир” билан ўлтирадур. Аммо муллолар мадрасаларда фақат дин ишлари билангина шуғулланалар, деб ўйлаш бироз хато. Улар кейинги вақтларда Эрон ҳам Туркияда бўлгон воқеалар билан ҳам танишдирлар. Лекин уларнинг Туркия ва Эрон воқеалари билан бўлгон танишликлари инқилобий йўл ва ёхуд

китоблар воситаси билан бўлмайд Афғонистондан, Туркиядан Бухорога келган савдогарлардан эшитибгинадир. Ҳар ҳолда Эрон ва Туркиядаги инқилоблар Бухоро муллолари ва мударрисларининг фикрларини ўзгартди, деб айтиб бўлмайди. Улар ҳамон бурунгича эски фикрда қойимдурлар. Бу ҳолнинг сабаби эса очиқ: Бухоро мадрасалари ҳисобсиз вақф ерлари билан таъмин қилинганлар, мулло ва мударрислар ҳеч бир иш-куч сарф қилмай вақфлар ҳисобига яшаб келадирлар.

Туркия ва Эронда бўлган сиёсий инқилоблар у ердаги мадрасалардан вақфларни ажратиб, вақфлар билан кун кўратирган уламо синфи ўз кучи билан кун кўришга мажбур бўлгандан сўнггина бўлганди-ки, бу ҳол бошқалар елкасида ризқланатургон муллоларга албатта оғир ва шунинг учун Бухоро уламози Эрон ва Туркияда бўлган инқилобни Аллоҳ ва Қуръоннинг амрига ҳилоф деб мазкур инқилоблар тўғрисида авомга ҳеч бир маълумот бермайдирлар.

Бухоро муллолари билан Туркия ва Эронда бўлган инқилоблар тўғрисида сўз очилса илгари: “Шунақами? Йўқ бўлмас!” дейдилар. Бироз сўзлашгандан кейин маълум бўладир-ки, улар бу тўғриларда жуда яхши маълумот соҳибидурлар. Лекин қора халқ ўртасида мунингдек динга ҳилоф ҳаракатлар тўғрисида сўзлаш уларча яхши эмасдир. Бу ердаги уламоларнинг ягона мақсад ва ғоялари исломни бутун дунёга ёйишдир.

Крит ҳам Босния – Герцоговина масалаларини улар худонинг мусулмонларга бўлган марҳаматидан деб ўйлайдилар. Критнинг қайтадан ислом кишиси бўлган султон қўлига ўтишини жуда яхши қаршилаб, Босна-Ҳарсакни халифа қўлидан кетганига ҳам Аллоҳнинг иродаси, деб маъно берадирлар. Муллолар Туркия инқилобининда бошқача бир рангда таъбир қиладирлар. Гўё бу инқилобни Туркиянинг катта ва олий ақл эгаси бўлган султони Абдулҳамидхон фақат қарзлардан қутулмоқлик йўлидагина бошлагандир. Мажлис мабъусон йиғилгандан сўнг гўёки мажлис мабъусон пулдорларга: “Биз сиздан қарз олган эмасмиз, пулни султонга берибсиз, ҳаққини ҳам ўшандан талаб қилинг!” демақчидир. Ҳам шундоқ қилиб Туркия ўзининг қарзларидан қутулиб ҳам қолар...

Бухоро, уламолар назарида энг улуғ ва шарафлик бир шаҳардир. Унинг улуғлиги ҳам ундаги мадрасалар билан

ўлчанадир. Шундоқки, бутун Бухоро ўлкасида 450 чоғлик мадраса бўлиб, буларнинг 400 таси эски Бухорода, 2 таси Карманда, 2 таси эски Чоржўйда, 4 таси Қаршида ундан қолганлари бошқа шаҳарлардадир. Эски Бухородаги энг машҳур мадрасалар: “Кўкалдош”, “Девонбеги” ва “Мир Араб”лардир.

Уламо, мударрислар ва ўзга кишилар билан мусохабаларим вақтида улар кўлида ҳеч бир инқилобий китоблар учрата олмадим. Бунинг сабаби эса, уларнинг фикрича, инқилобий китоблар турк ёхуд татар тилларида нашр қилинадир. Бу тилларда ёзилгон китоблар кўпчилиги тожик бўлган Бухорога англамас экан.

Уламолар амирни унча дўст тутмайдилар. Дуруст руҳонийларнинг амирни тергашга кучлари етмайдир, амирни ҳайдаш деган фикр ҳам уларда йўқдир. Уларнинг амирдан хафа бўлишларининг сабаби ҳам рус табаъаларига эски Бухорода ҳам Чоржўйда майхона ҳам фахшхона очишига рухсат беришидир. Фахшхона ва майхоналар динни ва халқ ахлоқини бузадир, дейдилар. Масалан, эски Бухорода Россия табаъаси бўлгон бир грузин ошхона очиб, амир бунга ҳафтасига бир челак хамр, 3 челак пиво сотишқа рухсат берган. Лекин, муллоларнинг айтишича, ичкилик ичкучилар, жуда кўп бўлгонлиқдан грузин рухсат қилинган миқдордан ортиқ ичкилик сотар экан. Ўзим ҳам ерлик халқнинг раисларидан яшириниб пасқам уйларда ичкулик ичиб юрганларини жуда кўп мартаба учратдим.

Уламолар амирнинг Россияга боруб келишини ҳам мувофиқ кўрмайдилар. Улар бу иш билан амирнинг Россия таъсирига тушмоғидан қўрқиб, “амир Россияга бориш ўрнига, Истамбул ва Боку, Маккадек ислом юртларига бориб саёҳат қилса яхши бўлар эди” дейдилар.

Уламо синфи, ғайри мусулмонларни суймаганларидек, русларни (мустамлакачилар-муаллифлар) ҳам жуда ёмон кўрадилар. Туркистоннинг Россия кўлида бўлмадан қандай бўлсада бирор мусулмон ҳукумати идорасига ўтишини тилайдилар. Вақти келуб, Туркистон албатта, Россия кўлидан чиқар деган умид уларда кучлидир. Мулло Миралиевнинг сўзича, Туркистонни бутун Туркистон халқининг иттифоқи (?) ўрус кўлидан кутқозиб, бутун дунё мусулмонларини бир аълам (байроқ) остига тўплағойлар.



Бухорода татарларнинг янги усул билан давом қилмоқда бўлгон мактаблари ҳам жамияти хайриялари бор. Бухорода кўпрак куйидаги мусулмон газеталарини кўрдим: Бокудан “Иттифок”, Ўрунбургдан “Вақт” ҳам Бокунинг ҳажвий журнали бўлган “Мулло Насриддин” бу газеталарнинг тили татарча бўлгонлиқдан уларни аксар татарлар ўқийдурлар.

Эски Бухорода иккита китоб искалади (омбори) бор. Бу искаладлар Бухоронинг барча китоб дўконларини таъмин қиладурлар. Бу китоб дўконларида инқилобий китоблар бормикин, деб ҳар қаюсига кириб нодир нодир китоблардан бўлган, масалан Эрон шоирларидан Шайх Саъдий асарларини сўраб юрдим. Бу баҳоналаримнинг ҳеч бирида рус, татар, турк, эрон нашриётларидан бўлгон инқилобий китобни учратмадим. Умуман татарча китоблар сўролгонда, ўқиғувчиларнинг йўқлиғидан татарча китоблар олмагонлигини баён қилдилар. Бу кутубхоналарда бўлгон китобларнинг кўпи диний китоблар ундан қолгонлари фанний ҳам халқ ҳикояларидан иборат бўлуб, Бухоро, Истамбул ҳам Бомбай нашриётларидир.

Бухоро бозорларида учраштургон қишлоқилардан дуруст маълумот ололмадим. Сабаби эса, улар биринчидан шаҳарга иш билангина келганликларидан сўзлашиб ўлтиришга вақтлари йўқдир, иккинчидан сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфяларидан кўрқадирлар. Чунки амирнинг хуфялари ниҳоятта кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшитсалар дарров ушлаб зиндонга соладирлар. Зиндонда эса ҳар турлик жазолар бўлмоғи билан бирга ўлим жазоси ҳам енгил ҳукмлардандир. Хусусий кишиларнинг уйларида қилинатургон мусоҳабалардан яхши маълумот олиш қулайдир. Чунки, уй ичида хуфя хавфи йўқ, уй эгаси эркин ҳар бир гапни сўзлай берадир.

Умуман олганда Бухоро халқининг кўпроқ ризосизлигини мужиб бўлгон масала ер ва солиқ ишидир. Бухорода хусусий ерлар жуда оз бўлуб, кўпи вақф ва ҳукумат ерларидан иборатдур. Мундан бошга амирнинг ўзимлики ҳисобланган ерлар ҳам ниҳоятсиздир. Солиқлар амир мулки бўлгон ерлардан олинмай, фақат ҳукумат ва вақф ерларидангина олинадир. Кейинги ерлар эса халққа ижарага берилиб, ижара ва солиқ учун унган экиннинг 10/2 ва 10/3 миқдори олинадир. Халқ бундан бопқа яна закот ҳам беришга мажбурдир. Буларнинг устига дехқонларнинг ғалла

сотқон пайтларида тўлайтурган пошлиналарини ҳам эътиборга олсак, бутун оғирлик фақат деҳқон устига тушганлигини кўрамиз. Шу ҳоллар Бухоро фуқароси ўртасида жуда кўп ризосизликлар туғдиргон. Аксар халқ солиқларини тўлашга илож тополмай ерини ташлаб қочадир ва бошқа бир ҳукумат табааллигига кирадир. Масалан, Девон деган ернинг халқи бутунлай, деярлик Хива хонлигига қочиб кетган.

Мундан бошқа яна халқ, айниқса хотин-қизлар устида яна бир оғир вазифа бордир-ки, Бухоро ўлкасидаги хотунлар амирга кўхлук-чиройлик қизлар топиб беришга мажбурдирлар. Бу қизлар амирнинг саройига келтирилгандан сўнг амир билан хилват навбатини кутиб бир неча йиллар ўлтирадурлар. Амир бу қизлар билан хилват қилганидан сўнг хусн даражаларига қараб сарой хизматчиларига хотинликқа берадир. Бу қизларни йиғиб юрадирган махсус хотунлар бор. Улар қўлларига тушган қизларни пул баробаригагина озод қиладурлар ва қайсиларини ўзга юртларга олуб бориб сотадирлар (Бу тўғридаги маълумотни қушбегининг собиқ котибларидан мирзо Ҳикматулло берди).

Халқ устида бўлгон оғирликларнинг яна биттаси ҳукуматга хизмат қилиш мажбуриятидир-ки, бу хизмат аксар вақт бекларнинг хусусий хизматларини қилишдан иборат бўладир. Ҳукумат хизмати отида бўлгон гап беклар томонидан айни экин ишлари чиққон кезларда амалга қўйиладир... деҳқонлар бу вақтларда саргардон бўлуб ноилж хар турлук ришватлар билангина қутила оладирлар.

Бухорода бекларнинг нуфузи жуда каттадир. Улар ўз даҳаларида бўлгон халққа қандай бўлса бўлсун жазо беришга қодирдурлар. Масалан, Чоржўйдаги бек тилаган кишини ўлум жазосига ҳам ҳукм қила оладир. Халқ бундай беклар устидан шикоят қилиб амирга мурожаат қила олмайди. Юқорида сўзланган мулло Ҳикматуллонинг сўзи бўйича амир, халқ ишига бутунлай аралашмай яшайди. Йиллик келими ва кетими ҳам билмайди. Унинг борлиқ машғулияти чиройлик қизлар ё болалар билан хар турлук ўйунлар ижро қилиш ва фахш ичида умр кечиришдир. Амирнинг ҳатто саккиз йилдан буён эски Бухорога келмаганлигини сўзлайди.

Бухоро халқи амирни, ўз халқини ишдан ҳайдаб теварагига эрон халқини (шиаларни) тўлдирганликда айблайдилар. Чунки

Эрондан келган бу халқ авом манфаатини кузатиш ўрнига фақат ўз шахсий манфаатларинигина қарар эканлар. Айтишларига қараганда, ҳозирги кушбеги эрондан келган бир қул бўлиб, Чоржўй беги ҳам хивалик бир киши экан.

Оғир солиқлар, халқ эҳтиёжига амирнинг эътиборсизлиги ва шунинг билан бирга унинг фахшда умр ўтказиши, ҳақсизлик, ришват мана Бухоро меҳнаткашларининг муҳити шундан иборатдир. Халқнинг амирга бўлган эҳтироми турлук жазолардан кўрққонлигидандир. Йўқса улар Бухоро хонлигида яшашдан Россия тобёлигида яшашнинг ортиқ ва тинчлигини яхши биладилар.

Бухорода мадрасалар кўп бўлсада халқ ортиқ нодон, сиёсий фикр деган гаплар ҳеч йўқ. Россия инқилоби ҳақида ҳам ҳеч нарса англамайдилар. Маълумотлари бўлганлари ҳам Россия инқилобини инқилоб деб билмайдилар. Эрон ҳам Туркия инқилобларига яхши аҳамият бериб ёш турклар ҳам мажлис мабъусоннинг қилғон ишларини жуда кўтарадилар. Лекин, бу мақташлар ҳам юқорида айтилган янглиш тушунчадан нарига ўтмайди.

Нима бўлса ҳам Бухорода ўзгариш эҳтимоли ҳали жуда узоқдир. Иноятулло, Шарофиддин ва бошқа бир мунча кишиларнинг сўзларига қараганда Бухорода ўзгари ёхуд ҳозирги идорага ризосизлик ҳаракатларининг бўлмоғи эҳтимоли йўқдир. Уларнинг фикрича Бухорода қандай бўлсада бир хил ярамас ҳаракат чиқар экан биринчидан Бухоронинг ўз аскарлари ва иккинчидан унинг қўмағида турган рус аскарлари албатта босарлар.

Бухоро аскарлари кўнгиллилардан ҳам зиндонда ётиб чиққон ҳар турлук жони(жиноятчи)лардан иборатдир. Аскарликка олинган киши бутун умр аскар бўлиб қолар. Унинг учун аскарликдан қочқучилар жуда кўп. Қочган аскарлар учун уларнинг оилалари масъул бўлиб, оқча тўлаб ёки оиладан бир киши бериб қутуладилар. Бухоро ҳукумати аскарларидан ҳам ҳукумат хизмати отлиқ ишлардан жуда катта бойлиқ йиққан. Чунки аскарликка кириш Бухоро халқи наздида хунук иш ҳисобланганлиги учун аскарликдан ҳар ким пул тўлаб қутилишга тирishaдир.

Эрон, турк, ҳам татарларнинг хилоф ҳаракатларига қарамасдан бухоро халқи ва аскарларида ўрусларга муҳаббат бор.

Бухорога бирор иш билан келган афғонлик, эронлик, турк ва татарлар кейинги вақтларда Эрон ҳам Туркияда бўлгон инқилобий воқеалар билан халқни танитиришга ва шунинг ила бирга Россия ҳукуматининг эътиборини йўқотишга тиришадирлар. Татарлар Россия инқилобини халқ ва аскарларнинг бирика олмағонлигидин муваффақиятсиз чиқди, йўқса ханузгача ҳаёт яхшиланар эди, деб игво соладирлар. Ва у татарлар рус-япон урушида Россиянинг кучсизланиб қолғонлигини сўзлаб юрийдирлар.

Россиядек катта бир давлатни кичкина Япониядан енгилиши қизиқ деган гапни бир неча марта ўз қулоғим билан эшитгим. Ҳар ҳолда эрон ва афғонлар, турк ҳам татарлар Бухорода бутун кучлари билан Россия ҳукуматининг эътиборини тушуришга тиришадирлар.

Бухоронинг бир томондан Россия тилагига хилоф тарбия олгон ислом уламолари етиштириб бутун Туркистонга мулло ва мударрислар бериб турганлигини, иккинчи жиҳатдан унинг Эрон ва Авғонистон чегараларида бўлгонлигини эътиборга олиб, бу ерга айрим диққат қилиш, Бухоронинг барча аҳволини текшириб туратурғон доимий ёширин агент қўйиш керак деб биламан.

Ёширин агент бўлмоқлик учун ерли тилни билмақлик биринчи шартдир. Мунинг устига агентлар маҳаллий урф ва одатларни ҳам билмақлари лозимдир. Агентлар шундай даражада бўлсинларким, улардан ҳукумат ва руҳонийларнинг ҳеч бири шубҳаланарлик бўлмасин. Менинг фикримча, бу ишга агентларни савдогар қиёфасига киргизиб юбориш маслаҳат бўлур эди. Чунки савдогар қиёфатида бўлғонда Бухоронинг бутун жойларига боришга имконият бўлар.

Ёхуд Бухорони бутунлай рус идорасига олиш керак. Мунинг учун халқ тайёрлангон бир ҳолда бориш, Бухородаги аҳвол билан танишмасдан, устдан қараб туриш менингча ҳеч мувофиқ эмас.

Чоржўйдан биринчи сентябрда кетган пароходга ўлтириб Хива хонлигига кетдим ҳам тўртинчи сентябрда бориб кирдим. Хивада иш қилмоғлик Бухорога қараганда оғирроқ бўлди. Хива халқи Бухоро халқидай сўзчан эмас, ҳам бухородагидай яхши юз билан қарши олмайдилар. Хива халқи билан бўлгон мусохабаларимда уларнинг сўзларини ва жавобларини эшитмақлик учун жуда кўп вақт сарф қилишга тўғри келди.

Агарда энди улар бир оз шубҳалансалар ёхуд бутунлай сўзидан имтано (тонадилар) қиладилар ёхуд сўзни бошқа мавзуга бошлайдилар. Шунинг учун жуда кўп захматлар кўрдим ва унинг учун мен унда кўп туришга мажбур бўлдим. Саёҳатимнинг 33 куни Хивада ўтди. Хива хонлигинда қуйидаги жойларда бўлдим: Хива, Урганч, Гурлан, Хўжа, Кўҳна Урганч ҳам Тошовуз. Қайтқон вақтимда Чоржўйда ҳам Петр Александровскида бўлдим. Бухорода юрганимдек Хивада ҳам мадрасалар кўриб юрдим. Хивада улар 200 қадарли ҳисобланадилар.

Хива рухонийларининг Россия ҳукуматига бўлган муносабатларига тўқтолмайман. Чунки, уларнинг муносабати ҳам Бухоро рухонийларининг муносабатидай. Хива хони, валиаҳди ва сарой аҳллари тўғрисида топишган умумий маълумотлар ҳам шулардан иборатдир-ким, саройда махсус сарой аҳли деган тоифа йўқ экан. Валиаҳд Асфандиёр тўрага катта таъсирлари бўлгон турли халққа келсак, улар хизмат аҳли эмас эканлар.

Вазирларга келганда улар баъзи бир жиҳатлардан валиаҳд Асфандиёр тўрага душман бўлсаларда, Хива ҳам унинг хонлари Россия ҳимоясида бўлгонликларидан Асфандиёр тўранинг отасини тахтини ишғол қилишига шак ва шубҳа қилмайдилар.

Мусохабаларда эшитилган сўзларга қарагонда, Хива хони Россияни унча ёқтирмай, бунинг тескарисича, Хиванинг ичкариги ишларига катнашқонлигидан Россияга душмонлик сақлар экан. Шундоқ бўлгонда ҳам Хива хони Россия билан дўстликта яшамоқ истар экан. Шарифбой Баққолуф деган Юсуф Баққолуф қардошининг сўзига қараганда хоннинг Россия ҳукумати билан дўстликда яшамакка бўлгон тилаги Туркия ва Эронда бўлгон инқилоблардан кейин ўзининг тахтидан кўрқонлигидан ва мундоқ вақтларда Россиядан кўмак умид қилгонлигидан бўлиши тегиш (керак).

Шундоқ равишда Асфандиёр тўра ҳам керак бўлгон вақтларда Россиядан кўмак ва ёрдам умид қиладур.

Асфандиёр тўра Туркия, Эрон инқилобларидан кейин, гўёки Хива хонлигида идора ёгидан қайси бир янгиликлар майдонга қўйишга ўйлагон, лекин мулло Рамазон номли бир одамнинг таъсирига тушиб, ул ўйларидан воз кечган.

Хон, валиахд ва бошқа Хива хонлигидаги таъсирли одамларнинг русияга бўлгон муносабатларига Баққолуф куйидагича деди:

Хон, валиахд ҳам бошқа одамларнинг ҳеч бирисининг Россияга хайрихоҳ бўлиши мумкин эмас. Чунки, Хиванинг Россия қўлига кирган вақтларда кўрган азоб ва жафолари ҳали битгани ва унутилгани йўқ.

Хон ҳам унинг вазирлари ҳеч бириси халқ учун унчалик қайғурмасдан яшайдирлар ва шунинг билан баробар ҳар бир инқилобга хилофдурлар. Чунки уларнинг ҳар қаюси, инқилоб бўлгон вақтда ўзларига ёмон бўлгусини биладирлар.

Шарифбой Баққолуф айтадики, Туркия билан Эронда инқилоб бўлуб шоҳ ҳам султон азал қилингондан кейин, бу хабарни эшитуб вафот этмиш. Баққолуф ҳам Исмоил хўжалар: “бу ишларнинг барчаси яхши, бизнинг Хивада бўлмагонлиги учун айниқса яхши” демишлар.

Хон билан Асфандиёр тўра ўртасида бўлгон ихтилоф ҳақида мунда ҳеч бир гап йўқ.

Асфандиёр тўра ҳозирда ҳам аввалгича ўз вазифасида. Хонга саломликка келган келган одамларнинг барчаси илгари Асфандиёр тўрани кўриб, ундан кейингина хонга ўтарлар. Асфандиёр тўра хонинг концеляр (Садри Аъзам) хизматини адо қилмокда.

Асфандиёр тўранинг қардошларидан бўлгон Саид Муҳаммад Юсуфхон Хўжаевнинг сўзига биноан, Хива хони ўзига валиахд қилиб илгари катта ўғлини, тайин қилгон экан. Ул киши ўзининг қўл остида 400 кишилиқ отли аскар идора қилгон. Отасининг қайси бир ишларини ёқтирмагонлигидан ул ўзининг қўлидаги аскарни соясида отасини ўлдириб тахтга ўзи ўлтирмоқчи бўлгон. Бирок бу ишни вақтида хонга эриштиргонлар. Хон катта ўғлидан валиахдлик мансабини олиб, ҳукумат ишларидан нари қилгон, унинг кенгашчиларини ўлдирган ва валиахд қилиб Асфандиёр тўрани тайин қилгон. Асфандиёр тўра яхши ишчи одам бўлишига қарамасдан, халқ ичида унинг нуфузи оз, халқ хоннинг катта ўғлини яхши кўрадир. Хоннинг бошқа болаларидек Асфандиёр тўра ҳам соф хонлар қонидан бўлмагани билан баробар жуда кучсиз, касал ҳам фахшга майл қилатургон киши.

Бозорбой Асғароф ҳам Момидофларнинг сўзига биноан, Асфандиёр тўра тўғрисида халқнинг фикри Муҳаммад Али Аббософ номли бир одамнинг “Иттифоқ” газетасида ёзгон мақоласидан кейин яна ночорлангон. Ул мақолада эса жазога мустаҳиқ бўлгон чиройли хотин воқеаси ёзилиб, Асфандиёр тўра бу хотинни бошда озод қилдирмоқчи бўлгон, кейин бу хотиннинг киз бўлмагонлигини билиб ўзи ҳам жазо қилдириш томонини кучлаган.

Хон ўзи ҳозир қари бир одам бўлиб, умрини кўп вақтда кушлар ҳам гуллар билан ўйнаб ўтказадир. Хон боғчачисининг ўғли Даминоф ва Шарифбой Баққолуфларнинг сўзларига қараганда бу йилда хон юқорида мазкур кушлар ва ҳар хил гулларни бошқа шаҳарлардан телегроф билан ҳам сўраб олар экан.

Бухоро каби Хивада ҳам татарлар жуда кўп. Улар Урганчда иккита янги усул билан давом қилатургон мактаблар очқонлар; биттаси эркак биттаси киз болалар учун. Биринчисида муаллим татар Хусаиноф бўлиб, иккинчисида муаллима унинг хотинидир. Татарлар Хива хонлигидаги маҳаллий халқни газеталар билан жуда яхши танишдирганлар. Бухородоғидай эмас, хива халқининг тили татарларга жуда яқин бўлгонлигидан, татар газеталарини мунда мулло, савдогар ва бошқа халқларнинг барчаси ўқийдурлар.

Бу газеталар ичида энг кўп тарқалғони Оринбургда нашр қилинмоқда бўлгон “Вақт” газетаси, булардан бошқа халқ яна Руссияда нашр қилинатургон татар газеталаридан “Иттифоқ”, “Юлдуз”, “Тараққий”ни, журналлардан “Дин ва маъишат”ни ҳам Истамбул газеталаридан “Саодат”ни ўқийдурлар.

Газета ҳам янги мактаблардан бошқа татарларнинг яна бир иши бўлса, ул ҳам Хива халқига янги китоблар тарқатишларидир. Лекин, татарларнинг бу ишларида тўғри бир йўллари бордирки, улар фақат илмий ва фанний китобларгина тарқатиб, инқилобий китоблар келтирмайдилар.

Шундоқ бўлгонда ҳам татарлар Хива халқини дунёда бўлиб тургон инқилоблар билан таништирадирлар. Уларнинг таништиришлари маҳаллий халқ билан бўлгон мусохабалари ҳам газеталари соясидадир. Уларнинг ушбу хизматлари соясида Хива халқи бир оз уйқудан уйғониб, бошқа ҳукуматлар ва бошқа

тартиблар билан бир оз танишқонлар ҳам бошқа янги тартиб кирган жойлардаги аҳвол билан ўзларининг кун кўришларини тенглантиришга ўрганганлар. Шунинг натижаси ўларок, кучсизгина бўлгонда ҳам, Хива халқи “Кўмак”, “Бегар” отли ҳукумат хизматларига норозилиқ баён қила бошлагонлар.

Бухорода бўлгонидек Хивада ҳам ҳукумат хизматлари экин иши вақтида майдонга қўйиладир. Ҳар бир деҳқонга ул вақтда ўз экинини ишлаш керак бўлгонлиғидан, ҳукумат хизматидан пул тўлаб қутуладирлар ва шундоғ қилиб Хивада ҳам ҳукумат Бухородағидай бу ишлардан махсус маблағ ташкил қиладир.

Халқ бундан бошқа яна ришватдан ҳам ҳукуматнинг ҳукумда тўғрисизлиғидан норозилиқ баён қиладир.

Бозорбой Асғароф ҳам Баққолуфларнинг сўзларига биноан Хивада шариат бутунлай идора маъмурларининг қўлларига топширилгон. Қозикалон Хивада Бухородағидай таъсирга молик эмас. Шариат қонунлари идора ишларидаги кишиларга мувофиқ кўримаса шариат қонунлари бир томонда қоладирлар.

Халқнинг норозилиғи яна солиқлар тўғрисидадир. Мунда ҳар бир су (10 тоноб ер) га йилига 10 сўм 80 тин солиқ олинадир. Солиқларни ҳатто ғайриманқул мулки ҳам ери бўлмагон кишилар ҳам тўлайдирлар. Мунинг сабаби шундан келиб туғадирки, ер сотқон одам ерининг баҳосини юксалтиш учун тегишли солиқни тўламаклигини ўз устига оладир ҳам бу иш муоҳада(шартнома)га ёзиладир. Ер сотқон одам ўлгандан кейин ҳам унинг ворислари бу муоҳадани буза олмасдан, ерлари бўлмаганда ҳам солиқни тўлайдирлар. Мундоқ иш Хивада жуда тараққий қилган. Шарифбой Баққолуф ва бошқа бир мунча кишиларнинг сўзларига биноан, Хивада ҳар бир мансаб пул баробарида сотиб олинар экан.

Хиванинг савдогарлари ҳам солиқ кўплиғидан норозилиқ баён қилдилар. Хива хони ўзининг пулини кўпайтиш учун савдогар ва бошқа бой одамларга катта фоиз билан зўрлаб пул тарқатар экан. Бу ҳақда ҳам норозилиқ жуда кўп. Умуман олганда Хивада савдогарлар ва оддий халқларнинг барчаси хондан норозидир. Лекин, Саид Муҳаммад, Бозорбой ва бошқаларнинг сўзига қараганда ҳозирги тартибни ўзгартишга ҳеч имконият йўқ. Чунки, хоннинг орқа таянчи ўларок Россия мамлакати турадир.



Ҳеч бир ҳукуматга бўйсунмасдан, ҳеч бир қонунни эътиборга олмасдан эркин саҳрода яшамокда бўлгон туркманлар ҳам Хиванинг ҳозирғи идорасини ёқтирмайдирлар. Уларнинг фикрича ҳам Хива Руссияга қўшилмоғи тегиш(лозим).

Туркманлар тўғрисида шуни айтишим керакки, улар Хива хонлигидаги энг баҳодир қабила бўлиб ҳисобланадирлар. Улар Кўҳна Урганчдаги Шайхназарбой деган бекка ва Нурхалифа ботирғагина бир оз итоат қилиб, бошқа ҳеч ҳокимият ва ҳеч бир қонунни танимайдирлар. Ҳар бир туркманнинг оти ҳам қуроли бўлмоғи тегиш (лозим). Бўлмағонда улар ўзларини туркман ҳисоб қилмайдирлар.

Хоннинг доимий аскарлари йўқ, ёлғиз йилиға 9 сўм вазифа олатургон тавқар деган бир халқ бор. Улар ўзлари ер иши билан кун кўрайдирлар, лекин хон талаб қилганда биринчи галда хонга боришга бурчлидирлар.

Хива халқининг русларға бўлгон муносабатига келганда яхши дейиш мумкин. Лекин, Асғароф ҳам Ёрмитнинг сўзларига қарағонда ишонч баён қилиш қийин. Чунки, Хива халқининг Руссияга итоати дўстликдан эмас, балки қўрқувдангинадир. Хивадаги Руссия ҳукуматига қарши фикр тарқатувчилар мулалар бўлиб, улар айтадирларки, Хивада рус саноатининг тараққиёти ҳам рус савдоси бизга кўп зарар берадир, биз ўзимизнинг майда хунаримизни тараққий қилдириш керак бойлигимиз Хивадан ташқариға чиқмасун, дейдулар.

Русларга қарши фикрда яна туркманлар бўлиб, улар ўзларининг илгаридаги хурликларини, рус кирган вақтда кўрган ишларини ҳеч унутмайдирлар. Улар кўп вақтда рус аскарлари билан қандоқ равишда урушқонликларини, русларни ўлдирганликларини сўйлайдирлар. Туркистонга руснинг киришига сабаб қилиб мусулмонларнинг ўз ичидан чиққан хиёнатни кўрсатадирлар.

Саксовул йиғмоқлиқ манъ қилинишидан келиб чиққан майда масъалаларни эътиборга олмағонда Руссия ҳокимияти Хива ҳокимиятига қараганда яхшироқ эҳтиром қилинғонлигини кўраимиз, Хива тобеълигидан рус тобеълигига чиқиш жуда кўп. Лекин қайси бирлари қайтадан Хива тобеълигига чиқадиқлар.

Бу ишдан бир маъно чиқариш жуда оғир. Тубанги табақа халқ учун ким табаъалигида бўлғондада яройдир. Бухорода мен

шундоқ бир гап эшитдим-ки, “бизнинг ҳокимимиз ким бўлсада бўлсин, майли, лекин бизга марҳамат бўлсин” дейдилар. Амударё шўъбаси начальниги генерал Мабур Ключановский, концелярия мудирини Блиноф ва таржимон Корнилофлар тўғрисида сўрашиб тубандаги маълумотларни олдим: генерал майор Ключановскийни руслар ҳам маҳаллий аҳоли ҳам яхши кўрарлар, шунинг билан баробар ул ришват олар экан. Баққолуф айтадурки, Хива хони билан Ключановскийнинг муносабатлари унча яхши эмас экан. Концелярия мудирини Блинофга келганда уни ўзи билан бирликда хизмат қилатурғон кишилар ҳам ерли халқ ҳам яхши кўрадилар. Лекин, унинг ҳам Хива ҳокимияти билан муносабати яхши эмас. Сабаби эса, ул Хивага борғон вақтида хон уни галдан ташқари қабул қилмаган. Блиноф бу ишга жавобан, хонга ярамас сўзлар айтган. Шул вақтдан буён уларнинг муносабатлари яхши эмас.

Таржимон Корнилофни халқ Хива ҳам Россия фойдаси учун ишламайдурлар, балки ўзининг халтаси учун ишлайдир, дейдилар. Баққолуф уни бюрократ деб атайдир.

Унинг тўғрисида шундай гаплар ҳам бордирки, ул ўз фойдаси учун кўп вақтда суйистемол қилар экан.

Ўзимнинг сўзларимнинг охири ўлароқ шуни ҳам айтаманки, Хиванинг тараққиётини Россия ҳукумати кузатмаги тегиш (лозим). Ҳозирги кунда Хивада фойдали хизматчилар ишлаб чиқазиш учун имконият бор. Муниги учун биз унда яхши асосга кўюб русский туземний мактаблар очишимиз тегиш (лозим). Яна бир муҳим иш бордир ки, биз Хива хонлигида, айниқса Урганчда, татарларнинг ишлаган ишларини назорат қилмоғимиз тегиш (лозим). Улар у ерда янги усуллар билан бўлғон мактаблар очиб Хива халқига катта таъсир қиладилар.

**8 ноябрь 1909 йил. Искубилуф шаҳари. Фарғона ҳарбий губернатори ҳузуринда таржимон: О. И Буйлин.**

*Кириш сўз муаллифи ва нашрга тайёрловчилар  
катта илмий ходим  
Баҳром ИРЗАЕВ*

## **Доклад ОГПУ в ЦК ВКП(б) о политических настроениях в Узбекистане**

*Ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинаётган ушбу тарихий ҳужжат 2005 йилда Москванинг “РОССПЕН” нашриётида босилган “ЦК РКП(б)-ВКП(б) И НАЦИОНАЛЬНИЙ ВОПРОС” (Книга 1. 1918-1933гг.) китобидан олинди.*

*Бу китоб собиқ кенгашлар ва коммунистик ҳукуматнинг миллий сиёсатига бағишланган бўлиб, икки жилддан иборат. Биринчи жилдда 1918-1933 йилларга оид ҳужжатлар тўпланган. Тўпламни нашрга тайёрлаганлар собиқ совет давлатининг Туркистон - Ўзбекистон халқининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган миллий зиёлиларнинг мустамлака ҳокимиятига муносабат ва қарашларини ҳужжатлар асосида курсатишга интилишган. Гарчи тўпланган маълумотларда, ҳужжатларда Ўзбекистон халқига, хоссатан ўзбек халқига қадим маданияти ва давлатчилик тарихига эга туб халқ деб қаралмаганлиги ва айни муаммо нуқтаи назаридан ўз миллий манфатини ҳимоя қилган зиёлиларни ВКП(б) МКга давлат душмани сифатида тақдим қилингани ҳужжатларда кўзга яққол ташланади. Айрим ҳужжатларда Туркистонга Россиянинг ажаралмас хомашё ва жисмоний куч заҳираси сифатида қаралгани, маҳаллий халқнинг эътиқодли қисми ўз виждон эркинлигини сақлаб қолиши учун олиб борган хатти-ҳаракатлари клерикал кучларнинг хуружи деб тақдим этилгани ҳам, миллий республикаларни ташкил этиши ҳамда бошқариши жараёнидаги яқка ҳокимлик қилингани яққол сезилади.*

*Айрим ҳужжатлар ГПУ ходимларининг Ўзбекистон зиёлилари ортидан кўйилган хуфялари томонидан йиғилган ахборотлардир. Ушбу ахборот Туркистон-Ўзбекистонда махфий иш олиб борган Давлат Сиёсий Бошқармаси томонидан ватанимиздаги миллий истиқлол ҳаракатини қуртаклигидаёқ бостириши учун олиб борган яширин хатти-ҳаракатининг ҳосиласи деб қаралюги лозим. Фитначилик санъатини мукамал эгаллаган бу шафқатсиз ташкилот тўплаган ахборотда зиёлиларимизнинг таниқли намоёндалари ва вакиллари томонидан давлат идораларини ерлилаштириши масаласида умуммиллат манфаати нуқтаи назаридан айтган фикрлари ва шунчаки айтилган сўзлар, мафкуравий кураш нуқтаи назаридан*

ва чақимчилар ҳамда махфий ташкилот ходимлари томонидан тўқилган тўқима гаплар, фикрлар ҳам бор. Давлат Сиёсий Бошқармаси ушбу ахборотни тўплаб, РКП МК - ВКП(б)га миллий масала тўғрисида, қолаверса бутун ҳукуматга миллий зиёлиларнинг барчаси миллатчи ва кўпоровчи деган сохта ахборот берган. Бир сўз билан айтганда миллий зиёлиларнинг самимий сўзларини юқорига узатиб, ўзига хос фитна санъатини кўллаган.

Бу ҳужжат етти қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми куйида эълон қилинмоқда, иккинчиси, “Панузбекизм” атамаси остида ўзбек-тожик-қирғиз-қozoқ-татарлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида салбий фикрлар уйғотиши масаласи кўндаланг куйилган ва ўзбек зиёлилари билан бошқа қардош халқлар ўртасида низо чиқаришга қаратилган, учинчи қисм “Советларга қарши ташвиқот” деб аталади. Бу қисмда миллий зиёлиларнинг тор рус миллатчилиги (шовинизм)дан норозиликлари ҳақидаги фикр ва шунчаки айтилган сўзлари йигиндисидан иборат. Бунда шаклланган бир сиёсий ташкилот ва унинг аъзоларининг тугал фикри йўқ. Хуллас, сиёсий бошқарма ходими Павлов томонидан тайёрланган ушбу ҳужжат қатагон сиёсати қиймалагичи ишга тушишидан қарийиб икки йил олдин миллий зиёлиларга қарши тайёрланган сиёсий фитнанинг далилий кўриниши десак муболага бўлмайди. Ростми-ёлгонми бироқ миллий зиёлилар тилидан айтилган деб тақдим қилинган фикр-мулоҳазалар, шунчаки айтилган сўзлар сиёсат тилида оддий “реакция”, яъни “муносабат” деб аталади. Чор Россияси даврида сиёсий ҳолатга бундан юз ҳисса кучли муносабат билдирилган, аммо ўша давр ички ишлар бошқармалари рус инқилобчиларининг реакцияси учун уларни минглаб, юз минглаб қатагон қабристонига улоқтиришмаган эди. Улар фақат қуролли террор ва давлатни ағдаришга уринганларга қарши турган эдилар. Кенгашлар ҳукумати эса 1929 йилдан бошлаб, давлатнинг ерлилаштириши, муҳожират масаласига аралашган кишиларни ҳаётда йўқ ва бўлмаган турли-туман ташкилот ва уюшмаларга аъзоликда айблаб қатли нуфус қилдилар. Юқорида келтирилган “Ҳисобот”нинг биринчи қисми фикримизни тасдиқловчи расмий ҳужжатдир.

*Ушбу ҳужжатнигина эмас, балки икки жилдлик “ЦК РКП(б)-ВКП(б) И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ВОПРОС” китобида келтирилган ҳужжатлар тўлиқ ўрганилгандагина собиқ тузумнинг барча тажовузкорона миллий сиёсати тўлиқ очилади деб умид қиламиз. Қўйидаги ҳужжат эса, ҳамир учидан патиридир.*

(31 мая 1928г.)

### Сводка

#### агентурно - документальных данных о развитии и росте шовинизма узбекской интеллигенции

##### I.

Наблюдение за узбекской национальной интеллигенцией показывает, что на почве роста культуры и экономики Узбекистана в целом среди национальной интеллигенции развиваются к эмансипации от влияния Москвы, тенденции панузбекистских устремлений (национальный шовинизм) выражающиеся в игнорировании интересов нацмен, стремлениях утвердить гегемонию в Узбекистане только узбеков и т.д.

Наиболее ярко эти стремления проявляются в вопросах коренизации и колонизации. Так, например:

1) Учитель, один из участников контрреволюционных организаций, бывших в Узбекистане, Шарасул, сын бая, говорил: «Неужели наша страна будет продолжать заполняться переселенцами?».

«Наш национализм – результат национализма русских».

2) Санджар (одно время был редактором журнала «Муштум») и Ильбек (секретарь Комитета нового алфавита), видные узбекские интеллигенты, говорят: «Русские постоянно заполняют Туркестан и % русских уже достиг узбеков. Кто же избавит нас от этой беды?»

3) Мунаввар Кары Абдурашитов- лидер пантюркистов в Узбекистане, участник и руководитель различных контрреволюционных затей и организаций в Туркестане в первый период революции, говорит: «Революция ничего нам не дала; все по-старому, как при царизме, лишь флаг изменился. Под флагом безработных идет заселение края».

4) . Исан эфенди-видный антисоветский настроенный пантюркист, учитель. Был членом партии: «Сила на стороне

русских и нет ничего удивительного в том, если они заселяют. В нашем городе из 2800 участков под застройку узбекам дали только 24. Вот вам национальная политика советской власти».

Из его же письма: «Советы в Туркестане переселяют русских и отводят им лучшие сады».

«САГУ заполняется русскими студентами, узбеков ничтожное меньшинство». «Самое отрицательное в большевизме – его колониальная политика, заселение Туркестана русскими».

5) Из статьи ответственного работника: «Тысячи студентов в САГУ, а узбеков – десятки. И это называется Среднеазиатский госуниверситет!»

6) Г. Юнус говорит: «Нас, узбеков, выгнали, а содержат целый штат чиновников. Очень вредна для нас, узбеков, политика – это привод сюда рабочих из Центра, когда сами узбеки страдают от безземелья – нечего заселять наш край мужиками. Но теперь нельзя быть и настоящим коммунистом: за правду обвиняют».

7) Санджар: «Москва, в течение 3 лет, решила переселить в Узбекистан до 3 миллионов крестьян. Под видом безработных, идет заселение края».

8) Исключенный из партии за антисоветскую идеологию инструктор, Наркомпроса Вахидов, говорит: «В Бухаре раньше было 90000 населения, теперь же осталось 30000, но 5-10 тысяч из них «узбеки» из Самарской губернии».

9) А. К. Мухетдинов – пред. СНК Таджикистана, в разговоре с вышеуказанным Мунаввар кары: «В Душанбе русских стало больше, чем таджиков. Заселяют. Большевики готовят националистов. Работники жалуются на притеснение русских на то, что сама Москва назначает цены, а фабрики здесь не открывает, что Москва ходу не дает».

10) Сын бая, учитель Максудов, член КСМ, говорил: «По постановлению Москвы из России в Туркестан перебрасывается 10 миллионов переселенцев».

11) Исан Эфенди: «Прекратится ли заселение края, если опять вспыхнет басмачество?»

«Старый город присоединяют к новому. Это для облегчения заселения русскими».

12) Мунаввар Кары: «Проклятие мужикам, продолжающим заселять Среднюю Азию. Их стало больше, чем коренного населения. Крупные сады, если раньше принадлежали Ивановым, то узбекская беднота в них находила работу, а теперь там сидят по 10-12 Ивановых и нет узбекам работы».

13) Ша Расул на уроках: «Все русские и иностранцы чужие для нас. Им не следует давать хода, их нужно выжить из Туркестана. Проклятые европейцы достигли культуры и угнетают Китай».

Таким образом, из этих примеров видно, что националистическая интеллигенция повсеместно: в прессе, на частных совещаниях, в случайных разговорах и т.д., выступает с заявлениями о засилье в Узбекистане русских и превращении его в колонию. Вместе с тем они же, говоря о коренизации советского аппарата, заявляют, что коренизация проводится лишь на бумаге, что коренизируются второстепенные должности, в то время как командные высоты (Среднеазиатское бюро ЦК ВКП(б) ГПУ) остается за русскими (следует понимать партией), реальных результатов коренизация не дает, так:

1) В кругах Мунаввар Кары говорят: «Европейцы сами дискредитируют идею коренизации: назначат, но как «несоответствующего» прогонят, а не подготовят. Знающих же людей отстраняют из-за «идеологии», а русским никаких преград не ставят».

2) Выдержка из юбилейного журнала Кокандского техникума, конфискованного парткомом: «Коренизация — насмешка! Когда же железная дорога будет коренизирована... Когда же всюду будут надписи по-узбекски. Коренизированы на все 100% пока что ... только сторожа да конюхи»

3) Исан: «Наш язык хотя и признают, но он под опасностью». «В банках евреи полным доверием пользуются, а узбекам — ничего».

«Русские не доверяют узбекам. В ГПУ нет ни одного узбека. В высоких учреждениях вообще нет узбеков».

4) Абиджан Махмудов — старый джадид, руководитель различных контрреволюционных националистических организаций, бывших в Средней Азии: «Из Ташкента дела отправляются в Москву, а там сидят армяне. ГПУ не подчинено

ЦИКу, не коренизировано. Руководство за Москвой. Под новым флагом - прежняя колониальная политика».

5) Мунаввар Кары: «Мне один ответработник объяснил, что дело не просто в личности Иногамова, правительство в его лице борется с национализмом и в партии и вне ее, среди интеллигенции. Все это верно. Они делают вид, что узбеков привлекают на работу, но под каким –либо предлогом стараются замещать их своими. Теперь власть Зеленского - Бельского. Изменения в правительстве не будет. Раз состав его послушный в Москве, незачем и менять. А теперешний состав – невежды, карьеристы, о народе не думают. Но в Татарии власть в руках татар. Русским не проглотить Татаристан. Там в народе пробуждение и для каждой работы сумели подготовить своих людей и пришельцы постепенно убираются восвосяи».

«Коренизации нет. Нарочно заходил в Азияхлеб: работает всего 1 узбек».

«ГПУ не коренизировано. Где же самостоятельность Узбекистана? Искусственно разжигают групповую борьбу, Москва диктует, перевыборы под наблюдением ГПУ. Мы сажаем своих, а они прогоняют».

6) Исан Эфенди во время уроков учащимся: «Нет таджикской нации, они просто рабы узбеков. Все единой тюркской нации и только русским выгодно деление Туркестанских народов на нации: создают и используют национальную рознь. Советская власть под флагом коммунизма утверждает господство русских. Но пути к мирному коммунизму- мировой национализм».

Он же в личных разговорах: «Национализма у нас не было, его выдумали, поскольку русским нужно было бить по нашему национализму. Национализм у культурных русских во сто крат сильнее нашего. Какой элемент у них сидит в аппарате, а говорят про узбеков. Нас на работу не допускают».

«Я объяснил одному партийцу, почему именно хозяева русские, а наш СНК ничто. Он согласился».

7) Выдержка из не пропущенной статьи члена КСМ: «В бывшей Туркестанской Республике до 1920г. все учреждения – в руках европейцев: коренное население не добилось своих прав. В Узбекистане та же картина, несмотря на работу комиссии по коренизации. Не удивительно, если Ташкент превратится в



отдельный европейский округ: здесь дело с коренизацией обстоит наиболее плохо, начиная со Среднеазиатского бюро и кончая низовым аппаратом, даже областной ИК и обфо – всюду европейцы. Но самое скверное – это в Таджикистане: таджикская нация спит. О ней напоминает лишь наличие Таджикской АССР. Еще не проведена железная дорога, а уже Таджикистан настолько заполняется европейцами, что лозунг русификации будет осуществлен в самом недалеком будущем. Знающих людей к работе не привлекают. Коренизация идет в обратную сторону.

8) Из отношения Главного вакуфного управления от 28 февраля 1926 г. №389 Насыр Саида – ответ на отношение Бухарского отдела вакуфов на русском языке: «Опять делопроизводство на русском языке? Недопустимо, и с политической точки зрения, преступление. С пособниками европеизации вакуфный отдел Г(лавное)В(акуфное)У(правление) будет говорить по-иному».

9) Из заявления партийца: «Узбеки терпят непосильный гнет, т.к. ГПУ не коренизировано. Там колонизаторы душат население. Арестованные ГПУ бесследно исчезают. Другое дело, судебные органы: узбеки и справедливость. Настанет время, европейцам придется держать ответ перед мусульманами. От таких как Ахун Баба нам пользы нет: безграмотный батрак – игрушка в руках русских».

10) Выдержка из статьи, помещенной в журнале «Муштум»: «В Узбекгоскино всего-навсего, 1 сторож-узбек. Хотя коренизация – чрезвычайный вопрос, но если его поставишь, получить обвинение в национализме».

11) Выдержка из письма: «Узбека –члена заводуправления, под предлогом командировки, выбросили на улицу».

12) Из статьи в газете «Кзыл Узбекистан»: «муз.техникума»: в старом и новом городе. Положение старогородского плачевное, надлежащие органы стесняют его бюджет и халатно к нему относятся». Между тем новгородской техникум процветает, имеет учеников до 200 человек, а узбеков средних- только 10 человек».

13) Заведующий «Узб. Брялшу»(кооперация) член КПУа в разговорах:«Не смог коренизировать «Брялшу» - засилье

европейцев. В кооперации узбеков мало, торговые функции новгородской организации усилены. Муссам плохо».

14) Из письма члена партии – узбека: «Среди членов Президиума – группировка: уволен тов. Дж. Официально, как плохой работник, а в действительности, за то что он узбек. И меня хотят уволить».

«В Правлении Узбекторга от УзССР назначен С.Х. Турсун-Ходжаев, но Ф.Х. против такого Узбекторга: тогда получится «Москваторг».

15) Из письма жены Якуба Фаизи (Фаизи в эмиграции в Турции): «В узбекской школе – сторожиха, и та русская, а мы, узбеки, даже не можем убирать школы. Положение очень печальное».

16) Из заявлений партийцев-узбеков: «Политика русских теперь в Узбекистане не отличается от царской. Всюду засилье русских. Вместо коренизации, по секретному предписанию Иванова, выписывают русских работников и назначают их на видные должности. Перевыборами руководят русские».

«В 1912-14 г.г. политика русских – недопущение к власти иноверцев, у власти русские. Национальных деятелей преследовали. После революции – декларация прав нации на самоопределение, а не фактически, старое положение, т.к. русские раскаялись в своих обещаниях 18г. русификация. Зеленский коренизирует на бумаге. Узбекам ходу не дают».

«Нач.Зак(авказского) ГПУ – кавказец, а в Узбекистане – русский. Все внимание – на коренизацию ГПУ. Они стараются проводить в ЦК больше своих людей. Надо их дискредитировать».

«Политика ЦК в национальном вопросе неправильна. Хотят уравнивать всех в правах (таджиков, татар, евреев) и назначить на видные должности для хозяйничанья над узбеками. Истинных узбеков выбрасывают за борт. Не истинные узбеки, во главе учреждений, послушны Иванову».

«Виноваты мы сами, т.к. русские, превратив нас в дурачков, создали между нами группировки и это использовали. В то же время укрепляют нацмен у себя. Нужно объединить все силы узбеков против русских и нацмен, снять их с ответственных постов».

«Мы, дети узбеков, сделали коммунистами, создали узбекскую власть, но на деле- таджикская-европейская. Узбеков выгнали, насадили таджиков и европейцев».

17) Из разговоров бывшего пред. Главного вакуфного управления З. Насиры: «О коренизации разговоры старые. Для 100% работников не хватит. Но говорят, что один Ташкент мог бы дать достаточное количество для 100%, если можно было бы не принимать во внимание социальное положение и политические убеждения... Лишь бы был узбек и чуточку грамотен. А чем слабее он будет грамотен по-русски, тем лучше: имея в аппарате европейцев и неграмотных по-русски, скорее убедились бы в необходимости 100%. Или же русским пришлось бы изучить узбекский язык и тогда, не будучи в состоянии изучать они сами бы ушли. Вначале такой план вызвал одобрение всех узбекских работников, и комиссии по коренизации набрали на 50% для коренизации центральных учреждений. Но потом часть узбекских работников отвергла этот способ (неподготовленный элемент попал) и решили постепенно, через институт практикантов. Но тут европейцы практикантам не уделяли должного внимания и последние ушли. Мы должны брать пример с Украины, Азербайджана и др. Там и главки, и технический аппарат – свои. А к нам присылают всех присланных оттуда из центров и они командуют нами, захватывают ответственные должности».

Вообще коренизация советского аппарата в настоящее время стоит в центре внимания буржуазных и националистических кругов, видящих в ней возможность реализации, принято за текущий период тактики – отказ от вооруженного свержения советской власти и ставка на внедрение в советский организм, на подготовку молодежи и т.д.

1) По этому поводу Мунаввар Кары, например говорил: «Чтобы нами не командовали, раз Туркестан наш дом - чужих не нужно пускать. И в таком духе нужно воспитать молодежь».

«Против колонизаторской опасности единственный путь – это, объединившись всем, просвещать народ».

В проведении этой тактики втягиваются в партийцы. Так, например:

2) один партиец-узбек, заявляет: «Мы на службу евреям не принимаем, только узбеков».

3) В своем письме председатель Верховного суда т. Касымов пишет: «В Ташкентском окружном суде не имеется достаточно узбекских работников. Я уже писал, также и Вам следует отнестись серьезно к этому вопросу и срочно усилить узбекский состав окружного суда. Я знаю о Вашей работе в этом направлении, но все же считаю необходимым указать: европейцев – 6, а узбеков – только 2. Нахожу нецелесообразным, что бы суд был в таком положении. Посылаем ревизию, приготовьтесь».

4) Районный инспектор Андижанского округа ОНО на районной конференции учителей настоял на необходимости снят с работы всех татучителей и провел это в жизнь.

5) Из заявления партица-узбека: «В наркомпросе одно плохо, что отсюда не выгнали русских. В Главполитпросвете я им ходу не дам».

6) То же из заявлений партицев-узбеков: «Наши партийные руководители коренизацию выдвинули для отвода глаз, а сами тормозят. Если действительно хотят, нужно заполнить учреждения узбеками, запретить делопроизводство на русском языке».

«Единый путь для коренизации – использовать ошибки и в деловом отношении дискредитировать русских спецов. Ругат в печати. Мы будем правы, а масса потребует узбекизации».

«Нужно убрать всех европейцев к чертям. Работу узбекам, мы в европейцах не нуждаемся».

«Заворгом ЦК непременно должен быть узбеком, ибо при наличии такой опоры, мы сумеем выдвигать на ответственные должности своих узбеков».

7) «Выдержка из юбилейного журнала кокандского техникума, конфискованного комитетом: «Коренизация будет проведена только тогда, когда окончит учебу молодежь: она сумеет выгнать всех русских из Узбекистана, а пока в силе колонизаторство русских, никакой коренизации не будет, сколько не старайся узбекские работники».

8) Из разговора партийца: «ВИК всем ведаёт один русский, всюду засилье русских и татар. Нужно их заменить своими или же, чтобы они слушались воеводу нас».

9) руководитель артели кустарей: «Если европейцы будут вскрывать наши злоупотребления, нужно скорее добиваться коренизации ташкентского кустарно-промыслового союза».

В заключение следует остановиться на отношении к вопросам коренизации других национальностей: русских, татар, уйгур и, наконец, на отношении к этому же вопросу батрацкой части населения. Здесь мы видим, что батраки недовольны узбекизацией, т.к. тут проявляют себя только «ходжа» и «сеиды», т.е. потомки святых – знать, а батраки, несмотря на лозунги коренизации и узбекизации, остаются фактически в стороне. По этому один из выдвиненцев-батраков говорил:

«Узбекизация – хорошая идея. Но почему на ней выезжают ходжа и сеиды? И они только ответработники и они только учатся. Вместо городской знати нужно выдвиненцев из кишлака, низов».

«Коренизация Главнауки: Фитрат, Сеид Ахрари, Абдулла Алави (все буржуазные интеллигенты).

Что касается других национальностей. То они, как правило, к мероприятиям по коренизации относятся отрицательно, как, например:

1) В Сурхан-Дарье татарин и уйгурец жаловались: «Нас выгнали из-за национальной вражды. В совпартшколу принимают только своих. Заведующий ОНО это поддерживает, как и другие ответработники. Они говорят: «Из совпартшколы всех татар выжить. Сняли зава-татарина».

2) Из письма татарина: «В Самарканде русские не могут найти квартиру. Русских и татар увольняют, принимают только узбеков».

3) Из писем русских: «Работать невозможно: над тобой стоит национал, да еще дурак».

«В НКП командированы 30 человек по коренизации. Половина разбежалась. Оказывается, вчерашние торговцы хотели не в Наркомпросе, а в торговые организации. Остальные приехали из-за суточных и командировочных, но они тоже ушли

на рабфаки и инпросы, т.к. чувствовали себя неподготовленными к работе в аппарате».

«Часто наблюдается, что присылаемые комиссии по коренизации из-за неподготовленности уходят со службы, не соглашались на низкий оклад».

### *ИЗОҶЛАР:*

**Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931)**- атоқли жамоат арбоби, янги усулдаги мактаб асосчиларидан бири.

**Обиджон Маҳмудов (1878-1936)** - жамоат арбоби “Садойи Фарғона” ва “Тирик сўз” нашрларининг ношир ва муҳаррири.

**С.Турсунхўжаев(1891-1938)** – Саъдулла Турсунхўжаев давлат арбоби.

**Санжар Сиддиқ (1901-1938)**. - журналист ва таржимон.

**Ф.Х.- Файзулла Хўжаев(1886-1938)** - давлат ва жамоат арбоби.

**Р.Инағомов(1902-1938)** –давлат ва жамоат арбоби, “18лар гуруҳи” етакчиси.

**Фитрат –Абдурауф Абдурахим ўғли (1886-1938)**-шоир, драматург, давлат ва жамоат арбоби.

**А.Қ. Муҳиддинов** - “Ёш бухороликлар” жамиятининг йўлбошчиларидан бири.

**Ғози Юнус (1886-1942)** - шоир, драматург, публицист, таржимон; “Қизил байроқ”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон” нашрларининг муҳаррири, “Мушгум” журналининг масъул муҳаррири ва ташкилотчиларидан бири.

**Элбек - Машриқ Юнусов (1898-1938)** - шоир.

**С.Аҳрорий (1897-1931)** -шоир, драматург ва педагог.

**Абдулла Алавий (1897-1934)**-шоир, тилшунос олим.

**Эсон афанди - Шохид Эсон Мусаев(1897-1938)** – муаллим, Навоий номидаги билим юрти директори.

**Носир Саид (1901-1938)** - Наркомпрос ходими.

**Воҳидов** - Наркомпрос ходими.

**Максудов** - бу шахсни аниқлаб бўлмади.

**Шорасул Зуннун (1886- 1986)** - шарқшунос, муаллим.

**И.Зеленский** – Средазбюро котиби, Ўзбекистон КП МК котиби.

**В. Иванов** - Ўзбекистон КП МК биринчи котиби.

**З.Насир- Зуфар Носирий (1879-1938)**- Ўзбекистон вақф шуъбаси мудири, драматург ва педагог.

**Яқуб Файзи** - хорижга чиқиб кетган татар зиёлиси, касби ва тақдири номаълум.

**Саъдулла Қосимов(1901-1930)**- Ўзбекистон Олий суди раиси.

**Йўлдош Охунбобоев (1889 -1943)**- Ўзбекистон МИҚ Раиси.

*Кириш сўз ва изоҳлар билан нашрга таёрловчи*  
**Сирожиддин АҲМАД**

### ОТАМ ҲАҚИДА

**Ҳамид СУЛАЙМОН,**  
филология фанлари доктори

*Атоқли навоийшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон (Ҳамид Сулаймонов)нинг куйида эълон қилинаётган ёдномаси ўзбек киносининг асосчиларидан бири Сулаймон Хўжаевга бағишланган.*

*Мустақиллик йилларида, қатагон даврининг бошқа таниқли қурбонлари қатори, Сулаймон Хўжаевнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва фожиали тақдири ҳақида ҳам бир неча мақола эълон қилинган. Аммо бу мақолалар даврий матбуот саҳифаларида ёки оз нусхали китобларда чоп этилгани учун катта ёшдаги ватандошларимиз ҳам, ҳозирги ёш авлод ҳам бу ажойиб инсонни яхши билади ва у тўғрисида муайян тасаввурга эга, дейиши қийин. Ҳолбуки, ўтган аср бошлари ва 20 – 30-йилларида маърифий, ижодий ва илмий фаолият билан шуғулланган ёки шуғуллана бошлаган кишиларнинг аксари янги ўзбек маорифи, фани, адабиёти ва санъатининг қарвонбошилари дир. Шулардан бири - Сулаймон Хўжаев дастлабки ўзбек миллий кинофильмларининг яратилишида маслаҳатчи, актёр, сценарийнавис ва режиссёр сифатида фаол иштирок этиб, миллий кино санъатининг тугилиши ва шаклланишига муҳим ҳисса қўшган санъаткор дир. У “Тоҳир ва Зухра” фильмининг ижодкори Наби Ғаниев билан бирга ҳақли равишида ўзбек киносининг асосчиларидан бири ҳисобланади.*

*Ҳамид Сулаймоннинг ушбу ёдномаси ёзилган 1966 йилда гарчанд Сталин шахсига сизиниш оқибатлари кескин қораланган, 30 – 50-йилларда қатагон этилган беғуноҳ жабрдийдалар номини тилга олиш имкони берилган бўлса-да, ҳали жамият кўрқув ва ҳадик муҳитидан чиқа олмаган эди. Шу ҳол боис Ҳамид Сулаймон отасининг 30-йиллар аввалида қатагон қилиниб, отиб ташлангани тўғрисида бирор сўз ёзмаган. Мабодо ёзган бўлса,*



шўро цензураси шу ҳақидаги сўзларни ўтказмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун ҳам камина ушбу дебоचा сўзда олимнинг отаси Сулаймон Хўжаевнинг қатагон қилинишига доир айрим маълумотларни китобхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдим.

1934 йилда коммунистлар партиясининг йирик арбобларидан бири С.М.Кировнинг Смольнида Николаев деган шахс томонидан отиб ўлдирилиши совет давлати қатагон сиёсати дастлабки тўлқинининг бошланишига сабаб бўлган. Шу воқеа баҳонасида собиқ иттифоқ бўйлаб ўтказилган сиёсий кампания вақтида Киров номини эшитган ва ҳатто эшитмаган минглаб кишилар Кировга қариши уюшган фитнес иштирокчилари сифатида қамоққа олинганлар. Сулаймон Хўжаев ҳам 1934 йил 4 декабрда - ана шу сиёсий кампания тўлқинида ГПУ ходимлари томонидан қамоққа олинади. С.Хўжаевнинг бир даврада Николаев ва унинг шерикларини назарда тутиб: “Бу шайтончаларнинг қўллари каттасига етмабди-да”, деган сўзлари унинг қатагон этилишига сабаб бўлган. С.Хўжаев шу сўзларни айтганида, шубҳасиз, Сталинни назарда тутган эди. Сталин гарчанд шу йилларда ҳали “халқлар доҳийси” деб улуглана бошланган бўлмаса-да, С.Хўжаев давра қатнашчиларидан бирининг чақуви билан қамоққа олинган.

У шу машғум воқеадан 23 кун аввал хизмат вазифасидан бўшатилган. Бироқ, шунга қарамай, “Худосизлар қишлоғи” киноромани, қамалишидан бир-икки кун аввал эса, Фитратнинг уйига бориб, “жинойи иши”дан маълум бўлишича, у ёзган, “Страна, где царствовал амир” (“Амир ҳукмронлик қилган юрт”) киносценарийси устида бирга ишлаган. Қамоққа олинган вақтида, унинг онаси, 2 ўғли ва 1 қизи билан яшаган уйда 1 стол, 1 карават ва 1 гиламдан бошқа ҳеч вақо бўлмаган. У, шу йилларда яшаган бошқа зиёлилар сингари, камтарона турмуш кечирган.

1935 йил 31 январда бўлиб ўтган суд С.Хўжаевни 3 йилга озодликдан маҳрум қилади. С.Хўжаевнинг суд қароридан норози бўлиб ёзган аризаси қайта кўрилиб, қамоқдан озод қилинади. Аммо ўша йилнинг 27 февралда ҳайъат таркиби тўла ўзгартирилган суд йиғилишида аввалги қарор бекор қилиниб,

*С.Хўжаев қайта қамоққа олинади ва 6 йилга озодликдан маҳрум этилади.*

*Атоқли санъаткор Тошкент вилоятидаги “Малик” совхозида жазо муддатини ўтаётган пайтда - 1937 йил 5 июлда яна қамоққа олинди, отувга ҳукм қилинади. Бу ҳукм ўша йили 20 августда, ўша ерда ижро этилади.*

*1956 йил 3 декабрда оқланган.*

*Тақдирнинг ёвуз ўйинини қарангки, Сулаймон Хўжаевнинг ўғли, қўйида ёдномаси эълон қилинаётган Ҳамид Сулаймон 1950 йил 29 ноябрда - сталинча қатагоннинг учинчи тўлқинида қамоққа олинди ва 1952 йил январининг 29 – 31-кунларида 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У ва бошқа жабрдошлар бахтига, 1953 йил мартда Сталиннинг ўлими совет давлатидан юзлаб қамоқхоналар ва лагерларда азоб чекаётган бегуноҳ маҳбусларнинг оилалари бағрига қайтиб келишларига имкон берди.*

*Ҳамид Сулаймон Сталин вафотидан кейин 1956 йилда оқланган.*

*Илмий-педагогик фаолиятининг дастлабки даврида чет эл адабиёти билан шугулланган ва талабаларга хорижий халқлар адабиёти ҳақида маърузалар ўқиган Ҳамид Сулаймон 1956 йилда, озодликка эришганидан сўнг, Буюк Алишер Навоий ижодини ўрганишга ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг халқаро аҳамиятга молик музейлардан бирига айланишига катта куч сарфлади. У шу соҳадаги беқиёс хизматлари туфайли “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.*

*Ҳамид Сулаймоннинг “Отам ҳақида” ёдномаси бундан эллик йил аввал “Кино” реклама-журналининг 1966 йил 11-сонида босилган.*

*Ёнома айрим жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда.*

*Ўзбек кино санъатининг асосчиларидан ва унинг илк арбобларидан бири менинг марҳум отам Умархўжа ўғли Сулаймонхўжа эди.*

*Отам 1892 йили Тошкентнинг собиқ Бешёғоч даҳасидаги Камолон маҳалласида дехқон оиласида дунёга келган. Отадан уч ёшида етим қолиб, бева онаси Офтобойим ва бобоси Тошхўжа кўлида тарбия топади. Отамнинг она томондан бобоси*

Нажмиддинхўжа ва тоғаси Эшонхўжа қорилар XIX аср охири - XX аср бошларида Тошкентнинг Кўкалдош мадрасасида етакчи мударрислардан бўлган. (Булар Шайх Зайниддин бобо макбарасига дафн этилганлар.) Отамнинг тоғаларидан бири тошкентлик йирик филолог олим ва шоирлардан Салоҳиддинхўжа - Пир Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарномаи Темурий” асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган. Мактаб ва мадраса учун ўзбек, форс ва араб тилларида уч тилли луғат (“Луғати салос”) ва дарсликлар нашр қилдирган. 20 мингга яқин сўзни ўз ичига олган “Луғати салос” мукамал вариантнинг автограф қўлёзмаси ва Салоҳиддинхўжа шеърларидан шоирнинг ўзи тартиб этган “Боғат” девони отам орқали менга ўтган. Бу икки қўлёзма ҳозирги вақтда менинг кутубхонамда сақланади. Шоир Хислат Салоҳиддинхўжанинг шогирдларидан биридир.

Шундай олим ва шоирлар оиласида ўсиб етишган бувим Офтобойимнинг ўзи ҳам ўқимишли фозила аёл бўлган. Бувим сандиғидаги бисотининг маълум қисмини “Шоҳнома”, “Хамса”, “Ғазалиёти Амир Навоий”, “Девонаи Машраб”, “Тоҳир-Зухра”, “Юсуф Аҳмад”, “Хурлиқо” сингари қўлёзма китоблар ташкил қилар эди. Эски адабий анъаналар ва халқ китобларида тарбияланган Офтобойим кўзининг оқу қораси бўлган биттау битта ўғли Сулаймонхўжанинг тарбияси устида қайгиради. Унинг мактаб тарбиясини ўз назорати остига олиб, кейинчалик боболари мударрислик қилган Кўкалдош мадрасасига топширади.

Отамнинг мадрасадаги ҳамхўжа дўстларидан энг яқинлари севикли адибимиз Абдулла Қодирий - Жулқунбой ва драматург Ғулом Зафарийлар эди. Абдулла Қодирийнинг туғилиб ўсган уйи Камолоннинг ғарбидаги кўшни Эшонгузар маҳалласи бўлган. Бизнинг ҳовли билан Абдулла ака ҳовлисининг ораси ярим километрча бўлиб, шу ораликда Ғулом Зафарий ҳовлиси ва кичик, ғоятда шинам боғи жойлашган эди. Абдулла Қодирий ва Ғулом Зафарийлар билан дадам болалик чоғидан бирга ўсиб катта бўлган. Уларнинг бир-бири билан абадий ва содиқ дўстлиги уларнинг дунёқараши, қалби, завқи ва дидларининг бир-бирига яқин ва монандлиги билан изоҳланади.

1905 йил инқилоби фақат Ички Русиядагина эмас, балки унинг мустамлакаларидаги жабрланган халқлар онгида ҳам хуррият ва озодлик ҳисларини уйғотди ва ўз мустақиллиги учун курашаётган халқларни аста-секин инқилобий курашларга даъват қилди. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда ўрта аср зулмати ва эски ҳаётга қарши ўт очиб, халқларни илм-маърифатга, янгича ҳаётга даъват қилган, даврнинг илғор зиёлиларини “жадидлар”, яъни янгилик талабдорлари деб атаганлар.

Даврнинг ислохотчилари ва маърифатпарварлари сифатида тарих саҳнасига чиққан жадидлар атрофига эски тузум ва жаҳолат душмани бўлган ёш зиёлиларнинг тўғланиши табиий эди.

Янгича яшашни орзу қилган отам ҳам ўз дўстлари билан эски мактабдан воз кечиб, янги усул мактабларида дунёвий фанларни ўрганишга бел боғлайди. Янги ҳаёт ва илғор маданият намуналари Ўрта Осиёга кириб кела бошлаган эди. Шунинг учун ёш авлодга ўз она тилида Европа услубида таълим бериш, ҳар бир илғор ўзбек зиёлиснинг асосий орзуси бўлиб қолади. Абдулла Қодирий рус-тузем мактабига кириб ўқийди, дадам билан Ғулом Зафарийлар шахсий ўқитувчи олиб, рус тилини ўрганадилар. Миллий адабиёт, миллий маданият тақдири устида ўйлайдилар. Абдулла Қодирий адабий ижод билан шуғулланади. Дадам билан Ғулом Зафарийлар эса Абдулла Авлоний, Хуршид, Маннон Уйғур, Муҳиддин қори Ёқубов, Зиё Саидлар қаторида ўзбек саҳна санъатини яратишга киришадилар.

1916 йил Озарбайжон саҳна арбобларидан Сидки Рухиллохнинг раҳбарлигида илк ўзбек саҳна ҳаваскорлари томонидан Тошкентда биринчи марта “Лайли ва Мажнун” операси қўйилади. Шу спектаклда иштирок этган 34 артист орасида отамнинг ҳам борлигини кўрсатувчи фотография топилди. Бу ҳужжат дадамнинг саҳна санъатига бўлган ҳаваси 1917 йилдан аввал бошланганидан дарак беради.

Кўлимда мавжуд бўлган расмий ҳужжатлардан маълум бўлишича, отам... 1918-1923 йиллар давомида Тошкентдаги “Беҳбудий” мактабида ўқитувчилик қилган. 1924 йил Помир вилоят инқилобий комитетининг аъзоси ва Мурғобдаги шарқий инқилобий комитетнинг раиси лавозимида хизмат қилган... 1925 йил Помирдан қайтгач, 1925-1926 йиллари Тошкентда почта-

телеграф курсларида мудирлик қилади. Ниҳоят, 1926 йилдан 1934 йил охиригача унинг саккиз йиллик фаолияти ўзбек кино санъати соҳасида актёрлик, режиссёрлик ва сценарийнавислик билан ўтади.

Отамнинг 1917 йилдан сўнгги ҳаёти деярли мактаб-маориф, санъат ва адабиёт аҳли орасида ўтган. У 1926 йили ўзбекка кино келиши билан<sup>1</sup> ўз фаолиятини консультантлик ва актёрликдан бошлайди, кейинчалик режиссёрлик қилади ва сценарийлар ёзади. Наби Ғаниев, Эргаш Ҳамроев, Комил Ёрматов, Раҳим Пирмухамедов каби ўртоқлар ва қатор рус кино мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистонда кино санъатини яратишда фаол қатнашади.

1926-1932 йиллари отам Сулаймонхўжа “Равот қашқирлари” (батрак Содик ролида), “Чодра” (ёш инженер ролида), “Сўнгги бек” (деҳқон Абдурахмон ролида), “Авлиё қизи” (Абдунаби эшон ролида), “Тошлар исёни” (райком секретари ролида) фильмларидаги бош ролларни ўйнади. 1932-1934 йиллари эса у сценарийнавис ва режиссёр сифатида пахта мустақиллиги учун кураш мавзуида “Машина ва пахта” фильмини ва 1916 йилги ўзбек халқининг 1917 йил октябри арафасидаги қуролли кўзғолони ҳақида “Тонг олдида” тарихий фильмини суратга олган. Бу фильмлар кенг совет томошабини томонидан зўр қувонч ва мамнуният билан қарши олинган. “Тонг олдида” фильмининг Шайхонтаҳурдаги кино-фабрикада республика раҳбарлари иштирокидаги кўрикдан ўтказилгани ва ҳаммага манзур бўлгани ёдимда.

Отамнинг кино санъати соҳасидаги фаолияти санъатшунослик фанлари кандидати Ханжара Абулқосимованинг “Ўзбек киносининг туғилиши” китобида анча муфассал ва ҳаққоний ёритилган.

Бугун ўзбек киноси илк арбоблари қаторида отамнинг ҳам мўътабар номи тилга олинар экан, отам ҳаётидан баъзи хотиралар беихтиёр кўз олдимда бирма-бир ўта бошлайди.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекка кино келиши билан” — ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1897 йилдан бошлаб чет эл кинофильмлари намоён этила бошланган бўлса-да, 1925 йилда “Туркгокино” (1923 йили ташкил этилган) ва “Бухкино” (1924 йилда ташкил этилган) киностудиялари базасида “Узгокино” (Ўзбекистон давлат киноси) ташкилотлари тузилган ва бу студияда 1926 йилдан бошлаб ўзбек артистари, этнограф-маслаҳатчилари, сценарийнавислари ва ёрдамчи режиссёрлари иштирокида “Иккинчи хотин”, “Равот қашқирлари” фильмлар чиқарила бошланган.

## Адабий мажлислардан бирида

Ғулом Зафарий<sup>1</sup> гавдали, лўпидан келган, оқчўтир одам бўлган. Боғига кираверишдаги кичик бир меҳмонхонасида мутолаа қилиб, гоҳо танбур чертиб ўтирар эди. Мен бу ҳовлига отам топшириқлари билан тез-тез бориб турганимдан Ғулом Зафарийни турли-туман одамлар билан гоҳ меҳмондорчиликда, гоҳ китоб устида, гоҳ боғда айланиб, ашула айтиб юрган ҳолда кўрардим. Бир неча марта меҳмонхонага кирганимда Ғулом акани парча-пурча қоғозларга нималарнидир ёзиб, курсининг устига тўнкарилган баркашчани чертиб ўтирганини кўрардим. Бунинг боисини ҳеч тушунмас эдим. Бир куни отамдан: “Ғулом амакимлар нукул хат ёзганларида баркаш чертиб ўтирадилар. Нега унақа қиладилар?” - деб сўраганимда отам бирдан кулиб юбордилар: “Ўғлим, “Ҳалима” театри<sup>2</sup>ни кўргансиз-ку, ўшандаги артистлар айтган ашулаларни амакингиз баркаш чертиб ёзганлар. Яна шунақа ашула, куйлар ёзаётган бўлсалар керак. Дутор, танбур чалган одамлар мусиқага эргашиб боши ёки гавдасини тебратиб, оёқ учи билан тепиниб музика зарбини қайтариб турганидек, амакингиз ҳам ашула ёзганларида баркаш чертиб ўтирадилар”, - дедилар.

Ғулом Зафарий меҳмонхонасида мен биринчи марта Навоий билан Фузулийнинг дўппи кийгизиб ишланган серсоқол расмларини кўрганман. Энди маълум бўлишича, Фузулий расми ҳақиқатга яқин бўлиб, Навоийники эса соф фантазия маҳсули экан. Кейин шу расмлардан рассомлик иштиёқи билан нусха ҳам кўчирганим эсимда.

Ғулом Зафарий боғида ёз кунларининг бирида жуда кўп меҳмонлар тўпланди. Шунда мен биринчи марта Чўлпон, Фитрат, Ашурали Зоҳирий (мен рус тилини шу киши тузган “Русча-ўзбекча лугат”дан ўрганганман), Маннон Уйғур, Қори Ёқубов, Хуршид, Зиё Саидларни кўрганман. Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин”и ҳақида Абдулла Авлонийнинг ёзган мақоласи<sup>3</sup> қизгин

<sup>1</sup>Ғулом Зафарий (1889 – 1938) – драматург. Ўзбек мусиқий драма театри асосчиси билан бири: Сулаймон Хўжаевнинг энг яқин дўстлари ва маслаҳатдошларидан.

<sup>2</sup>“Ҳалима” спектакли – Ғулом Зафарий асари; 1918 йилда ёзилган. Кейинчалик қайта-қайта ишланиб, 4 пардали мусиқий драмага айлантирилган. Драматургининг 1937 йилда катагон қилингунига қадар республика театрларида зўр муваффақият билан кўйилиб, муаллифга катта шухрат келтирган.

<sup>3</sup>Абдулла Авлонийнинг ёзган мақоласи – Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқий драмаси ҳақидаги бу мақоланинг қачон ва қасрда босилгани маълум эмас. Б.Қосимов сингари авлонийшуносларнинг адабий-танқидий ишларида, Ш.Турдиев ва Б.Қориев (Олтой)нинг “Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси”да ҳам бу мақолага оид бирор маълумот учрамайди.

мунозара қилинар эди. Фитрат, Зоҳирийлар Хуришид талқинида Навоий достони “Фарҳод ва Ширин”нинг бузилгани, оддий афсонага айланиб қолганини айтганларида Абдулла Қодирий, Зиё Саид ва отам Хуришидни ҳимоя қилиб, Навоийни саҳнага қўйишда унинг хизмати катта эканини таъкидладилар. Меҳмонлар хайрлашиб, тарқалаётганида Фитратнинг Самарқанддан, Чўлпон билан Ашурали Зоҳирийнинг Фарғона водийсидан эканликларини билган эдим.

Фулом Зафарий меҳмонхонаси 20-30 йилларда ана шундай санъат ва шеърят аҳлининг тез-тез учрашиб турадиган маконларидан бири бўлган.

### **“Меҳробдан чаён”нинг қўлёзмаси устида**

Абдулла Қодирийнинг биринчи романи - “Ўтган кунлар”нинг биринчи китоби чиқиши биланоқ уни ўқиган ҳар бир одам романнинг қолган китобларини тоқатсизлик билан кутар, “Ўтган кунлар”дан сўнг Абдулла Қодирийнинг қандай роман ёзиши ҳамманинг оғзида гап эди.

1927 йил киш оқшомларидан бирида Абдулла Қодирий бизнинг ҳовлига кириб келди. Дадам Абдулла акани уйдаги сандалнинг икки дераза ўртасидаги томонига ўтказгач, Офтоб бувим кириб, фотиҳа ўқиди, Абдулла аканинг онаси, болачақаларини сўраб чиқиб кетди.

- “Ўтган кунлар”даги Офтобойимга онанинг отини тўғри қўйган эканман. Кампирнинг табиатлари ҳам китобдаги Офтобойимга жуда ўхшаб кетади, - деди Абдулла ака отамга қараб ва чопоннинг ич чўнтагидан икки букланган бир даста қоғозни олиб, сандал устидаги чироқ ёнига қўйиб варақлаётиб, гапида давом этди:

- Сулаймон, - деди Абдулла ака, - мен “Меҳробдан чаён” деган янги романимни тугатдим. Шундан баъзи бобларини сенга ўқиб берай, деб олиб чиқдим.

Мен бувимнинг узум, анор, нашвати, шинни, беҳи, ёнғоқ, мағизлардан ясатилган баркашини курсига қўйиб, чойга чиқиб кетдим. Абдулла ака “Меҳробдан чаён” қўлёзмасини ўқир, дадам чой қуйиб тинглар, гоҳо икковлари кулиб, яна ўқишни давом этдирар эдилар. Узоқ вақтдан сўнг ўқиш тугаб, ўзаро суҳбатга ўтилганида тузланган гўшт билан беҳи солинган палов

киритилди. Ошдан сўнг Абдулла ака кетаётиб: “Ўғлим, - деди менга, - адангнинг айтишича, сен Мулла Ўтабда ҳусни хат машқ қилар эмишсан, шу янги романимни босмахона учун сиёҳда кўчириб берсанг”, - деди ва жума куни эрталаб кутишини айтди. Мен айтилган куни эрталаб Абдулла ака ҳовлисига борганимда ташқаридаги меҳмонхонада ўз улфатлари билан ўтирган экан, менга ичкаридан катта папка тўла қўлёзма олиб чиқиб берди. Диққат билан кўчиришни таъкидлаб жўнатди. Бу топширикни бажариш ва “Меҳробдан чаён”ни биринчи бўлиб ўқиш мен учун чексиз бахт ва шараф эди.

Романи Абдулла Қодирий машинкада босиладиган стандарт форматдаги оқ қоғозга оддий қора қалам билан ёзган эди. Қўлёзмада чизиб ўчирилган, янгидан ёзилган сўзлар оз эди. Абдулла аканинг хати йирик, равшан, дона-дона, хатти муллоий услубида эди. Романи ўқимасдан кўчириб бўлмади. Уч кун чамаси босиб ўқиб тугатиб, кўнгил жойига тушгач, кўчира бошладим. Тахминан 20 кунларда “Меҳробдан чаён” кўчириб тугатилди. Ҳар икки нусхани Абдулла акага олиб чиқиб топширганимда миннатдорчилик билан “Ўтган кунлар”дан бир нусхасини ўз қўли билан ёзиб тақдим этди.

Адам “Ўтган кунлар”ни экранлаштириш ниятида эди. Бу эзгу ниятига етолмади у.

### **Ота-бола - ГИК студенти**

Ёш вақтимда хаттотлик, расм, ҳайкалтарошлик билан ва кейинчалик, албатта, отам таълимида, кино билан қизиққаным учун 1927 йил кузида отам мени ўзи билан бирга Москвага, Давлат кинематография институти<sup>1</sup>га (ГИК) ўқишга олиб кетади. Бу вақтда мен 17, отам эса 35 ёшларда эдик. Отам режиссёрлик, мен эса кинооператорлик факультетига кириб ўқий бошладик. Отам машҳур рус киноси усталари Эйзенштейн, Пудовкин, Комаров, Оболенский, Довженко, Александровлар лекциясини тинглайди, уларнинг ижодий лабораториясида таълим олади. Мен эсам оператор Добржанский ва Тисселарда ўқидим. Уч

---

<sup>1</sup> Сулаймон Хўжаевнинг “жиной-архив иши”да унинг Москвага бориб, кинематография техникумида бир йил ўқиганлиги айтилган. Ҳолос. Ҳамид Сулаймоннинг ҳам, отасининг ҳам ГИКда ўқиганлиги факти ҳозирча тасдиқланмай турибди. Москвадаги архивларда, жумладан, ВГИК архивда ишлаган Ханжара Абулкосимова ҳам ВГИКда ўша йилларда ўқиган талабалар рўйхати ота-бола Хўжаевларнинг исм-шарифларини учратмаган.



марта давлат мукофоти лауреати режиссёр-оператор Р.Кармен, оператор Е.Андриканес, С.Галажлар менинг ГИКдаги синфдош дўстларим бўлган.

1932 йил ГИКни тугатгач, мен отам билан бирга Ўзбекистонда оператор ассистенти, сўнгра мустақил кинооператор лавозимларида кинохроникада ишладим.

### 1916 йил кўзғолони экранда

Яхши эсимда бор, Москвада кино институтида ўқиган даврларимда отамга катта таъсир ўтказган шахс кинорежиссёр Эйзенштейн бўлган. Айниқса, Эйзенштейн олган тарихий-инкилобий фильм - “Броненосец “Потёмкин” отам учун катта мактаб бўлган. Бу фильм ҳақида отам жуда кўп гапирар, алоҳида эпизод ва ҳаяжонли кадрларни зўр мароқ билан ҳикоя қилар эди. Москвадан қайтгач, Эйзенштейн таъсири остида, бевосита “Броненосец “Потёмкин”дан илҳомланиб, отам Ўзбекистондаги 1916 йил халқ кўзғолони ҳақида фильм яратиш иштиёқи билан банд бўлади.

1930 йилгача отам 6-7 фильмда актёр, режиссёр сифатида иштирок этиб, маълум камолот босқичига кўтарилгач, шу 1930 йил бошидан 1916 йил кўзғолонини ўрганишга фаол киришади. Турли хил архивлардан, тарихий манбалардан материаллар тўплайди. 1916 йил кўзғолонининг юзлаб гувоҳлари ва иштирокчилари билан суҳбатлашади. Оқибатда ўзбек халқининг шонли кураш саҳифаларидан бири бўлган 1916 йил кўзғолони ҳақида “Тонг олдида” номли сценарий ёзиб, мазкур сценарийни ўзи постановка қилган. Сценарий 1933 йили Москва ва Тошкентда ўзбек ва рус тилларида китоб ҳам бўлиб чиққан. “Тонг олдида” сценарийси ва киноси устида отам уч йилдан ортиқ ишлаган. Иш даврида мен отам хузурида кўп бўлар эдим. Унинг иш столи устида турли-туман китоблар, ҳужжатлар, эски замондан сақланган ҳар хил фотографиялар ётар эди. Фотолардан бирида соч-соқоллари ўсган, эски тўндаги одамлар қатор бўлиб ерда тупроққа қорилиб ўлтирар эдилар. Ҳаммасининг қўлига кишан солинган, кишанлар эса яна бир-бирига улашиб, ҳамма одамлар чамбарчас қилиб ташланган эди. Мен отамдан буларнинг қимлигини сўраганимда отам: “Ўғлим, бу одамлар -1916 йилги кўзғолонда иштирок этган, хуррият учун бош берган одамлар.

Булар ўзбек халқининг инқилобчилари. Буларни рус подпоси Сибирга сургун қилган”, деди.

Хато қилмасам, мархум отам 1916 йил қўзғолони ҳақида биринчи бўлиб бадий асар яратган ва кинога олган эди.

Бу йил 1916 йил қўзғолонига 50 йил тўлди<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ўзбек халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашларидан бири бўлган 1916 йил воқеасини бугун эсга олар эканмиз, ота-боболаримиз орзу қилган, ...бахтли эркин ҳаётимизнинг яна бир мартаба қадрига етамиз. Севикли Ватанимизга муҳаббатимиз тобора оша боради.

*Кириш сўз ва изоҳлар билан нашрга  
тайёрловчи филология фанлари доктори  
Наим КАРИМОВ*

---

<sup>1</sup> “Бу йил 1916 йил қўзғолонига 50 йил тўлди” – Ҳамид Сулаймоннинг ушбу ёдномаси 1966 йили, 1916 йил қўзғолонига 50 йил тўлган кизларда ёзилган.

## ШИРИНСУХАН ЭДИЛАР

Дадамни эслар эканман, Ота ҳақида бирор фикр изҳор этиш нақадар қийин эканлигини тушуниб сизларга дадам ва дўстлари ҳақида билганларимдан бир шингил айтиб бериш ниятидаман.

Дадамлар ўрта бўй, тўладан келган, серҳаракат, ширин сухан, хушмуомала, доимо одамларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр, ҳар қандай аччиқ суҳбатни ширинга айлантириш қобилиятига эга бўлган қўли очик, ниҳоятда меҳмондўст инсон эдилар.

Бизлар оилада камжон бўлишимизга қарамасдан шаҳар марказида ҳашаматли, замонавий кўп хонали уйимиз бўлиб, 1925 йилдан 1937 йилгача ўз замонасининг илғор зиёлилари учун меҳмонхона хизматини ўтар эди. Меҳмонлар Абулқосим Лоҳутий (1936 йилгача), Ашурали Зоҳирий, Абдулла Алавий, Муҳаммад-шариф Сўфизода, Рафиқ Мўмин, Абдулла Раҳмат, Чўлпон ва бошқа зиёлилар келишиб, бир, икки, уч кунлаб қўниб кетишар эди. Дадамнинг энг яқин дўстлари Ашурали Зоҳирий, домла Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Санжар Сиддик, Элбек, Абдулла Алавий, Миён Бузрук, Сулаймон Хўжаев(Ҳамид Сулаймоннинг отаси)лар эди.

Чўлпон Тошкентда бўлганида ҳамма вақт бизникида яшар эди. Шу даврда Фарғона водийсидан бирон меҳмон келса, албатта, (дўшпифуруш) Олимхон ака ҳам таклиф қилинар эди (Чўлпон ака Олимхон акани почча дер эди). Абдулла Қодирий бизнинг уйимизга жуда кўп келар, баъзи-баъзида ўғли Мақсудни қўлидан ушлаб етаклаб келарди. Ота ва боланинг бир-бирига муҳаббати сезиларли эди.

Кўпинча кечкурунлар дадам, Чўлпон ака, Абдулла ака, Санжар Сиддик дадамнинг кутубхонасида (иш кабинетида) ўтиришар эди. Мен буларнинг хизматида бўлиб, оз бўлса-да, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлар эдим. Булар театр асарлари, босилаётган мақолалар, қилинган таржималар ҳақида муҳокама юргизиб, сўнг ўзлари ёзишган асар ва таржималарни ўқиб, муҳокама қилишар эди. Шундай кунларнинг бирида мен буларнинг суҳбатига махлиё бўлиб ўтирган эдим, Чўлпон “Қазбек” попирис коробкасига нимадир ёзиб менга узатди,

қарасам бир неча банд шеър ёзилган эди. Энг охириги мисраси ҳозир ҳам ёдимда: “Қорнинг тўқ, ёт, ухла, торт хуррак, дунёда не ишинг”- ўқиб чиқиб кетдим.

1936 йил 6 августда дадам ҳибсга олиндилар. Обиска вақтида менга секин “Тўлқин, Жулқиндан хабар ол” дедилар. Мен эрталаб соат саккизларда Абдулла аканикига бориб, боғнинг кўча эшигининг тирқишидан қарасам, ариқ бўйида чўкка тушиб, сувга термулган ҳолда қўлидаги новда билан сувни чайқаб турганига кўзим тушди. Эшикни секин очиб ичкарига кирганимда зийрак Абдулла ака эшик очилаётганини сезиб ўрнидан турган экан. Мени саломимни кугмасдан

- Олиб кетишдими?

- Ҳа, олиб кетишди, - дедим.

- Мен ҳам тайёр бўлиб турибман, бугун эрта келиб қолишар деб мийиғда кулиб қўйдилар-да, Ҳабибуллани кўриб чиқ, чой ичиб кетарсан, - дедилар.

Мен Ҳабибулла ётган ҳовлига 3-4 қадам ташлаган эдим (Ҳабибулла гипсда ётар эди) орқамдан:

Ризоиддин тез-тез келиб тур!- дедилар.

Юқорида номлари зикр қилинган бу улуғ зотларни жуда яхши таниганим, суҳбатларини кўп эшитганим учун булар ўз халқини ва маданиятини севган, Туркистон халқларининг дунё таракқиётида юқори чўққиларга кўтарилишини истаган ва шунга интилган соф иймон ва виждон эгалари эдилар, десам хато бўлмайди.

5.11.90.

*Хотирани нашрга тайёрловчи Сирожиддин АҲМАД*

## МУНДАРИЖА

### Илмий ахборот ва мақолалар

<i>Бахтиёр Ҳасанов. Бир инсон қисмати</i> .....	3
<i>Наим Каримов. 1938 йилда ёзилган бир хат тарихи</i> .....	12
<i>Бахтиёр Ҳасанов, Баҳром Ирзаев. Муфтизодалар қисмати</i> .....	19
<i>Рустам Шамсутдинов. Деҳқонларни “қулоқлаштириш” ва қатағон қилиш тарихига доир</i> .....	31
<i>Замира Ишанходжаева. Системный кризис и падение тоталитаризма</i> .....	46
<i>Сирожиддин Аҳмад. Ватан ва халқ манфаатини кўзлаган адиб.....</i>	64
<i>Ринат Шигабдинов. Аҳмед Заки Валиди: письмо из эмиграции....</i>	81
<i>Баҳром Ирзаев. Абдулҳай Тоғжиев – давлат ва жамоат арбоби.....</i>	88
<i>Эркин Раджапов, Абдували Йўлдашев. Қўмондоннинг машғум тақдири.....</i>	104

### Ҳужжат ва материаллар

<i>Баҳром Ирзаев. 20 – йиллар ўзбек матбуоти саҳифаларидан.....</i>	119
<i>Сирожиддин Аҳмад. Доклад ОГПУ в ЦК ВКП(б) о политических настроениях в Узбекистане.....</i>	155

### Ҳотиралар

<i>Ҳамид Сулаймон. Отам ҳақида</i> .....	198
<i>Тўлқин Ҳозиев. Ширинсухан эдилар.....</i>	179

# ҚАЙДЛАР УЧУН



# **ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ**

**Илмий ахборот ва мақолалар  
Хужжат ва материаллар  
Хотиралар**

*Олтинчи китоб*

**Нашр.лиц. №10-3407, 18.02.15. Босишга рухсат этилди: 12.07.2017.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 12,0. Нашр босма табағи 12,5.  
Тиражи 500.**

**«UNLIMITED PRINT» МЧЖда чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 44А уй.**